

671404
57

В.Р. ТОПИЛДИЕВ

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТОПИЛДИЕВ В.Р.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ

(II қисм)

**Тошкент
«Университет»
2014**

УДК 347 (075,8)

67.404

Т67

Тошилдиев В. "Фуқаролик ҳуқуқи". I қисм. "Университет". –Т.: 2014. –288 б.
ККБ 67.404

Олий ўқув юртлиари юриспруденция бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун мулжалланган ушбу дарсликда фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси, предмети, тизими ва манбалари; фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ва объектлари; фуқаролик ҳуқуқида битимлар, вакиллик ва ишончнома, муддатлар ва даъво муддатлари; мулк ҳуқуқи, мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари, мулк ҳуқуқининг асосий тамойиллари, мулк шакллари, ашёвий ҳуқуқ ва унинг турлари, хусусий ва оммавий мулк ҳуқуқи, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш; мажбурият ҳуқуқи, мажбуриятларнинг вужудга келиши, мажбурият субъектлари ва объектлари, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари, мажбуриятларнинг бекор бўлиши; шартнома ҳуқуқи, шартномаларнинг турлари ва уларни тузиш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ёригиб берилган.

Мавзу бўйича материаллар кўплигидан дарслик ҳажмининг ортиб борини ва ундан фойдаланишда ноқулайлик тугдиришини ҳисобга олиб, уни икки қисмга бўлишга қарор қилинди. Унинг биринчи қисми I–XIII, мазкур иккинчи қисми XIV–XXVII боблардан иборат.

Тақризчилар:

юримк фанлар доктори,
профессор С.Бобоқулов

юримк фанлари доктори,
профессор И.Эгамбердиев

Масъул муҳаррир:

юримк фанлари доктори,
профессор Р.Ж.Рўзиев

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан (2013 йил 13 мартдаги 82-сонли буйруғи билан) 5240100 - юриспруденция бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган.

ISBN -978-9943-305-93-9

XIV Боб. МУДДАТЛАР ВА ДАЪВО МУДДАТИ

1-§. Муддатлар тушунчаси

Мулкий ва шахсий номулкий муносабатларни тартибга солишда муддат ФК ва бошқа қонунлар, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, битимлар ёки суд фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг юзага келиши, ўзгариши ва тугатилишини боғлайдиган юридик фактлардан бири сифатида муҳим ўрин тутлади.¹

Фуқаролик ҳуқуқида аниқ белгиланган вақтга муддат деб айтилади. Муддатнинг ўтиши юридик факт ҳисобланади, чунки унинг ўтказиб юборилиши натижасида, қонунда назарда тутилган ҳолларда, муайян ҳуқуқий оқибатлар вужудга келади, бирон-бир ҳуқуқ ва мажбурият олинади, ўзгартирилади ёки йўқотилади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда муддатларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тадбиқ эт илиши бу муносабатларда қатнашувчиларнинг ҳуқуқларини кўриклашда, қонунчиликни таъминлашда, ташкилотлар ўртасида муносабатларда эса ҳўжалик ҳисобини мустаҳкамлашда, корхоналарнинг нормал ишлашида, тошириқларни ўз вақтида бажаришда, муҳими, шартнома интизомига амал қилишда катта роль ўйнайди.

Фуқаролик ҳуқуқида учрайдиган жуда кўплаб муддатлар бир неча асосларга кўра турларга бўлинади. Муддатлар муддатнинг ким томонидан тайинланишига кўра, ҳуқуқий оқибатига кўра, аниқланиш тавсифига кўра ва бошқа бир қатор асосларга кўра турларга бўлинади.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, муддатлар қайси ҳуқуқ субъекти томонидан тайинланишига кўра, қуйидагиларга бўлинади:

1. Қонуний муддатлар;
2. Шартномали муддатлар;
3. Суд томонидан белгиланадиган муддатлар.

Муддатларнинг бундай асосга кўра бўлиниши, муддатни вужудга келтирувчи асос билан тавсифланади. Муддатларни вужудга келтирувчи, яъни белгиловчи ва ўзгартирувчи ҳолатлар тегишли ҳужжатларда ифодаланади (Масалан, қонун, шартнома ёки суднинг ҳал қилув қарориди).

Қонуний муддатлар. Қонуниларда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланадиган фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ва бекор қилинадиган вақт ёки давр оралиғи қонуний муддатлар сифатида тушунилади. Қонуний муддатлар ҳуқуқий муносабат ништирокчилари томонидан ўзгартирилиши, камайтирилиши ёки узайтирилиши мумкин эмас. Фуқаролик қонун ҳужжатларида

¹ Раҳмоновлов Х.Р. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд.-Т.: "Vektor-Press" 2010. –Б. 367.

белгиланадиган деярли барча муддатлар императив (катъий) характерга эгадир. Агар қонуннинг ўзида тўғридан-тўғри тарафларга бошқача ҳолатлар белгиланган бўлмаса. Масалан, ФКнинг 22-моддасига мувофиқ фуқаролик муомала лаёқати 18 ёшдан бошланади. Лекин, ФК 16 ёшга тўлган фуқарони ҳам тўла муомаллага лаёқатли деб топиш ҳолларини мустаҳкамлайди (ФКнинг 28-моддаси).

Шартномали муддатлар. Шартнома иштирокчиларининг фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатидаги энг муҳим ҳуқуқларидан бири шартнома тузиш эркинлигининг мавжудлигидир. Маълумки, шартномалар тузиш эркинлиги тамойили куйидаги учта ҳолат билан ифодаланади.

1. Шартнома тарафларини эркин танлаш.

2. Шартнома предметини, яъни нима тўғрисида шартнома тузилишини танлаш.

3. Шартнома шартларини эркин танлаш.

Тарафлар шартнома тузишда муддатни ана шу уч ҳолатдан келиб чиқиб белгилайдилар. Шартномадаги муддатни белгилашда ҳар бир тараф ўзининг имконияти, хоҳиш-иродаси ва мавжуд вазиятга баҳо беришидан келиб чиқади. Шартнома муддатини белгилашда тарафлар эркин бўладилар. Лекин қонунда мазкур шартнома юзасидан қатъий муддатлар белгиланган бўлса, тарафлар уни ўзгартира олмайдилар. Масалан, ФКнинг 559-моддасига мувофиқ прокат шартномаси бир йил муддатга тузилади. Қўрииб турибдики, тарафлар бу ҳолатда прокат шартномаси муддатини бир йилдан ортиқ қилиб белгилай олмайдилар. Лекин прокат шартномасини бир йилдан кам муддатга, масалан 6 ойга ёки 8 ойга тузишлари мумкин. Қонун шартнома муддати тугагандан сўнг ҳам тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфатларини ҳимоя қилиш мақсадида тарафларнинг шартнома юзасидан ҳуқуқларига доир муддатларни белгилайди. Масалан, манфаатдор шахснинг талабига биноан суд яқка тадбиркор ёки юридик шахснинг банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қоидаларини бузиб, банкрот деб эълон қилинишидан олдинги бир йил ичида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ маблағлар ҳисобидан қилинган ҳаля шартномасини бекор қилиши мумкин.

Ҳар қандай шартномали муддатлар ҳам, агар иккинчи тараф ўз мажбуриятини бажармаса биринчи тарафнинг талаби билан суд тартибидан ўзгартирилиши мумкин. Масалан, ижарага олувчи ижара ҳақини ўз вақтида тўламаса, ижарага берувчи шартнома муддати қисқартириши ёки янги муддат белгилашни талаб қилиши мумкин.

Суд томонидан тайинланадиган муддатлар. Фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш, уларни муҳофаза қилиш, ишни бажариш, товарни топшириш, пулни тўлаш, хизмат кўрсатиш юзасидан вужудга келадиган ишларга нисбатан судлар бир қатор муддатларни белгилайди. Бу муддатлар қарздорни муайян ҳаракатни қилиш вақтини белгилашга, тарафлар ўртасидаги низони бартараф этишга доир бўлиши

мумкин. Масалан, суд ишни кўриб чиқиб, ҳал қилув қарориди қарздор бир ой муддат ичида ўз қарзини тўлаши лозимлигини белгилайди.

Судлар томонидан тайинланадиган муддатлар ўз навбатида фуқаролик ҳуқуқига оид (моддий ҳуқуқий) ва процессуал муддатларга бўлинади. Процессуал муддатлар фақатгина ишни кўриш билан боғлиқ ҳолатларга таъинланадиган бўлса, моддий ҳуқуқий муддатлар юқорида таъкидланганидек, ишқиллаётган тарафларга муайян мажбуриятлар юклайди. Масалан, фуқаронинг шаъни ва қадр-қиммати, обрўсига путур етказилганида, суд оммавий ахборот воситаларида бу маълумотлар нотўғрилиги ҳақидаги хабарни бериш муддати (ФКнинг 100-моддаси) ни белгилаши мумкин.

2-§. Муддатлар ўтишининг бошланиши ва тамом бўлиши

Муддат ўтишининг бошланиши вақтини аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, муддат тамом бўлиш вақтини тўғри аниқлаб олиш имкони беради. Бу эса юридик факт, яъни маълум ҳуқуқ ва мажбуриятни ижодга келтирадиган ёки бекор қиладиган ҳолатлар билан боғлиқ.

Муддатнинг тамом бўлишини аниқлаш тўғрисида шунини айтиш керакки, йиллаб ҳисобланадиган муддат, шу муддатнинг охириги йили, тегишли ойи ва куниди тамом бўлади. Муддатнинг бошланишига тўғри келган эътиборга олинмаганлиги сабабли муддатнинг бошланиши ва тамом бўлиши кунлари тегишлича қўйилади.

Ойлаб ҳисобланадиган муддат, шу муддат охириги ойнинг тегишли куниди, агар ойлаб ҳисобланадиган муддатнинг тамом бўлиши тегишли кун бўлмаган ойда тўғри келиб қолса, бу ҳолда муддат шу ойнинг охириги куниди тугайди. Баъзи муддатлар ярим йил ёки ярим ой қилиб ҳам белгиланиши мумкин. Бунда ҳисоблаш тартиби қуйидагича белгиланади: ярим қилиб белгиланган муддатга ойлаб ҳисобланадиган муддатларга доир қондалар қўлланиб, ярим ой қилиб белгиланган муддат эса кунлаб ҳисобланадиган муддат қаторида кўрилиб, ўн беш кунга баравар бўлади (ФК, 147-модда, 5-банди).

Ҳафталар билан ўлчанадиган муддат шу муддатнинг охириги ҳафтасидаги тегишли кунда тугайди (ФК, 147-модда, 7-банди).

Агар муддатнинг охириги кун иш кун бўлмаган кунга тўғри келиб қолса, муддатнинг тамом бўлиши бундан кейинги иш кун ҳисобланади.

Муддатнинг тамом бўлишини белгилаш тўғрисида яна шунини айтиш керакки, агар ҳужжатларда охириги муддат, масалан, ”5 мартга” деб ёзилган бўлса, 5 март кун ҳисобга ўтмайди, агар ”5 мартда” деб ёзилган бўлса, бу кун ҳисобга олинади.

Муддатнинг охириги куниди ҳаракат қилиш тартиби ФКнинг 148-моддасида кўрсатилган. Бу қонунда айтилишича, агар муддат бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш учун тайинланган бўлса, бу ҳаракат муддатнинг охириги соат йигирма тўртга қадар бажарилиши мумкин. Масалан, қарздор

шартномада қарзини қайтарадиган кун 5 март деб белгиланган бўлса, олинган қарз шу 5 март соат йигирма тўртгача тўланса, қарздор мажбуриятини ўз вақтида бажарган бўлади.

Агар мажбуриятни бажаришга қаратилган ҳаракат ташкилотда қилиниши лозим бўлса, муддат шу ташкилотларда белгиланадиган қоидалар бўйича тегишли операциялар (ишлар) тамом бўладиган охириги соатда тугайди.

Тегишли ташкилотларга юбориладиган барча ёзма ҳужжат (ариза, билдириш)лар муддатнинг охириги куни соат йигирма тўртга қадар алоқа бўлимига ёки телеграфга топширилган бўлса, муддат ўтмаган ҳисобланади. Бу қоида умумий характерга эга бўлиб, суд, хўжалик суди, прокуратура ва бошқа ташкилот ҳамда муассасаларга нисбатан ҳам қўлланилади. Масалан, фуқаро ўз даъво аризасини муддат тамом бўладиган кун соат йигирма тўртга қадар алоқа бўлимига топширган бўлса, даъво муддати ўтмаган ҳисобланади. Бу қоида яна ташкилотлар ўртасида тузиладиган етказиб бериш, юк ташинг сингари шартномалар юзасидан бўладиган даъво, талаб ва шикоятларга нисбатан ҳам қўлланилади.

3-§. Даъво муддатлари тушунчаси

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва уни амалга оширишда вақтнинг аҳамияти шундан иборатки, у фактик ҳолатларни келтириб чиқаради, фактларни ҳуқуқга (талаб қилиш ҳуқуқига) айлантиради, ҳуқуқни вужудга келтиради, ўзгартиради ҳамда бекор қилади. Вақт шахсларга ҳуқуқ беради, баъзиларидан эса ҳуқуқни олиб қўяди ёки ҳуқуқнинг ҳаракатини тўхтатади.

Даъво муддати деб шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўладиган муддатга айтилади. Ҳар қандай фуқаролик даъвосининг икки томони бор:

биринчидан, моддий-ҳуқуқий томони – бунда, аввало, даъвогарнинг жавобгарга нисбатан муайян низоли моддий-ҳуқуқий талаби бўлиши, масалан, бирон-бир ашёнинг топширилиши, пул тўланиши, хизмат кўрсатилиши, зарарнинг қопланиши хусусида талаб қилинади;

иккинчидан, процессуал ҳуқуқий томони – бунда тарафлар ўртасида келиб чиққан низоининг мазмунан ҳал қилиниши ва бузилган ёки низоли ҳуқуқнинг қўриқланиши тўғрисида судга илтимос билан мурожаат қилинади. ФКнинг 10-моддасида кўрсатилганидек, фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ва шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки ҳолислар суди томонидан ҳимоя қилинади. Бинобарин, ҳуқуқлари бузилган шахс (фуқаро ёки ташкилот)лар юқорида кўрсатилган суд, хўжалик суди ёки ҳолислар

судда даъво аризаси бериб, бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши тўғрисида даъво кўзғатишлари мумкин.

Даъво муддати субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя этиши учун шахсга бериладиган сўнгги имконият. Бу вақт оралиғида шахс ўз ҳуқуқларининг амалга оширилишини талаб қилмаса, уларни йўқотади.

Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганидиган қагъи назар, судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади (ФКНнинг 153-моддаси).

Агар даъво аризаси қонун билан белгиланган муддат давомида берилган бўлса, суд, хўжалик суди ёки ҳолислар суди томони даъво ишини кўриб, ишнинг мазмуни бўйича даъвони қондириш ёки қондирмаслик тўғрисида қарор чиқаради. Агар даъво аризаси қонун билан белгиланган муддатни ўтказиб берилган бўлса, суд, хўжалик суди, ёки ҳолислар суди муддатнинг ўтказилиш сабабини муҳокама қилади, агар даъво муддати уқрсиз сабаблар билан ўтказилганлиги аниқланса, ўтказилган муддат тикланиши ва ишнинг мазмуни бўйича қарор чиқарилиши мумкин.

Мулкый муносабатларни тартибга солишда даъво муддатлари қонун билан белгиланиши муҳим аҳамиятга эга. Даъво муддатининг белгиланиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга, қарзнинг ундирилиши, мажбуриятнинг бажарилиши тўғрисидаги талаблар ўз вақтида бажарилишини таъминлашга, ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар қилинишини тезлатишга, шартнома ва молия интизомига риоя этилишини таъминлашга, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Даъво муддатларининг белгиланиши фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлаш учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Маълумки, даъвони белгиланган муддатда тўғри ҳал қилиш учун фуқаролик иши юзасидан далиллар тўплаш ва уларни чуқур текшириш лозим. Аммо низоли ҳуқуқий муносабат вужудга келган пайтдан бошлаб узоқ муддат ўтган бўлса, далилларни тўплаш анча қийинлашади. Чунки ишнинг судда кўрилиши вақтида баъзи гувоҳларнинг бўлмаслиги (кўчиб кетган, вафот этган бўлиши), баъзилари эса бўлган воқеаларни, фактларни унутган бўлишлари ёки бу фактларни бузиб тасвирлашлари, иш тўғри ҳал қилиниши учун зарур харажатлар йўқотилган бўлиши мумкин ва ҳоказо. Агар даъво муддати қонун билан белгиланмаган бўлса, битим тузган ёки бировнинг бирон-бир ҳуқуқини бузган шахс доимо узоқ вақт давомида, ўнга писбатан бошқа шахс томонидан даъво қилиниши хавфи остида бўлар эди.

Ҳуқуқшунос олим И. Б. Новицкийнинг фикрича, даъво муддати юридик фактларнинг бир тури бўлиб, юридик оқибат туғдиради¹. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда шунини таъкидлаш жоизки, айнан даъво муддатининг ўтиши ёки унинг мавжудлиги фуқаролик ҳуқуқ ва

¹ Новицкий И.Б. Сделки. Исковая давность.-М.: Юрид.лит. 1954. -С. 137.

мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор бўлишига олиб келади. "Даъво муддати" иборасидаги "муддат" атамаси фуқаролик-хуқуқий муносабатга нисбатан шундай маънони англатадики, бунда қайсидир муносабат, ҳолат, воқеа содир бўлган вақт фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларида ўз ифодасини топиши лозим ҳисобланади.

Ўзининг фуқаролик ҳуқуқларини бузилган деб ҳисоблаган фуқаро ёки юридик шахслар ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга мурожаат қиладилар.

Хуқуқшунос олим О. С. Иоффенинг фикрича, судларга даъво билан мурожаат қилиш учун қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлиши лозим:

- даъво қўзғатаётган шахс ёки номидан даъво қўзғатилаётган шахс процессуал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши, яъни процессда мустақил тараф сифатида иштирок эта олиши лозим;

- даъво қўзғатиш орқали бошланадиган иш судларга тааллуқли бўлиши талаб этилади;

- даъво қаратилаётган шахс фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлиши ва даъвогар каби процессуал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши лозим.

Ушбу ҳолатларнинг барчаси мавжуд бўлганда судларга бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мурожаат қилиш мумкин.

Хуқуқи бузилган шахс даъво қўзғата туриб нафақат бу даъво суд томонидан қабул қилинишини, шу билан бирга иш судда кўриб чиқилишини талаб қилиши мумкин. Зеро, даъво қўзғатишдан асосий мақсад ҳам бузилган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Бундай ҳимояга эришиш ва иш суд томонидан кўриб чиқилиши учун фуқаролик ҳуқуқи нуктаи назаридан қуйидаги ҳолатлар талаб этилади:

а) даъво қўзғатаётган шахс тегишли субъектив ҳуқуқлар соҳиби бўлиши;

б) унинг субъектив ҳуқуқлари бузилиши ёки унга пуғур етказилиши;

в) бундай бузилиш даъво бўйича жавобгар сифатида ишга жалб этилган шахс томонидан амалга оширилиши.

Хуқуқшунос олим В. П. Грибановнинг фикрича, моддий-хуқуқий мазмунига кўра, ҳимояга бўлган ҳуқуқ ўзида қуйидагиларни ифодалайди:

-хуқуқдор шахснинг қонун томонидан ўзига берилган воситалар асосида ҳуқуқбузарга нисбатан шахсан ўзи мажбурлов таъсир чоралари кўриш имконияти;

-хуқуқдор шахс томонидан ҳуқуқбузарга тезкор таъсир чораларини қўллаш имконияти;

-тегишли ваколатли давлат органи ёки жамоат органига ҳуқуқдор шахснинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат этиш имконияти.

Дарҳақиқат, ҳимоя қилишга, тўғрироғи, даъвога нисбатан ҳуқуқдор шахсга тегишли имкониятлар доирасининг бу тахлит учга бўлиб кўрсатилиши, унинг имкониятларида аниқликни белгилаб беради. Бироқ,

В. П. Грибанов томонидан билдирилган дастлабки икки асос, ҳуқуқдор шахснинг имкониятларини сунъий ошириш сифатида намоён бўлмоқда. Чунки ҳуқуқи бузилган шахс ҳар доим ҳам ҳуқуқбузар шахсга нисбатан ҳуқуқлари ҳимоясини ўзи амалга ошира олмайди. Бундан ташқари ҳуқуқдор шахснинг ҳуқуқбузарга ёки қарздорга нисбатан тезкор таъсир чоралари (масалан, мол-мулкни ушлаб қолиш, қарзга муқобил равишда миқбуран тортиб олиш ва шу қабилар) ни қўллаш ҳар доим ҳам қонуний ҳаракат сифатида баҳоланмаслиги мумкин.

Ушбу ҳолатлар мавжуд бўлганда нафақат судга мурожаат этиш, балки бузилган фуқаролик ҳуқуқлари учун суд ҳимоясининг белгиланишига эришиш мумкин. Бузилган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво қўзғатиш ва ушбу ҳуқуқларнинг ҳимоясига эришиш икки маънодаги ҳуқуқ орқали ифодаланadi. Даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқи - даъвогарнинг процессуал маънодаги ҳуқуқи бўлса, бузилган ҳуқуққа нисбатан даъво орқали ҳимоянинг амалга оширилиши даъвога нисбатан моддий ҳуқуқ ҳисобланади.

Процессуал маънодаги даъво қилиш ҳуқуқи у ёки бу муддатнинг ўтишига боғлиқ бўлмайди. Умумий қоидага мувофиқ, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан катъий назар судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади (ФКнинг 153-моддаси). Ақсинча, моддий маънодаги даъво қилиш ҳуқуқи фақатгина қонунда белгилаб қўйилган муддат оралиғида амалга оширилиши керак бўлади. Ушбу муддатнинг ўтиши эса, бузилган фуқаролик ҳуқуқи учун даъво қилиш орқали ҳимояга эришиб бўлмаслигига олиб келади.

Одатда, даъвога бўлган ҳуқуқ манфаатдор шахснинг жавобгар билан бўлган моддий-ҳуқуқий низосини шахснинг бузилган ёки тўсқинлик қилинаётган ҳуқуқини ёхуд қонун билан қўриқланаётган манфаатларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тўғрисида судга мурожаат қилишнинг қонун билан таъминланган имкониятидир. Ушбу қоидага мувофиқ процессуал маънодаги даъво қилиш ҳуқуқи – бу шахснинг суддан вужудга келган пизони кўриб чиқиш ва ҳал қилишини талаб қилиш ҳуқуқидир. В. П. Грибановнинг таъкидлашича, ҳимояга бўлган ҳуқуқ ўзининг процессуал шакли жиҳатидан ўзида камида учта асосий имкониятларни ифодалайди:

биринчидан, ҳуқуқ эгасининг бузилган ёки путур етказилган ҳуқуқни ёхуд қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш талаби билан ваколатли давлат органига ёки жамоат органига даъво ёки қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ўзда шаклда мурожаат қилиш имконияти;

иккинчидан, ҳимоя қилиш талабини кўриб чиқиш жараёнида, ушбу ҳимоя шаклига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган барча ҳуқуқ ва кафолатлардан фойдаланиш имконияти;

учинчидан, ушбу иш бўйича судга даъво билан мурожаат қилган шахснинг назарида нотўғри бўлган тегишли органнинг қарори устидан

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш, протест келтирилишини талаб қилиш имконияти.

Албатта, бу ўринда В. П. Грибановнинг фикрлари мантикий асосга эга, шу билан бирга даъвога қилишнинг процессуал маънодаги аҳамияти ва процессуал имкониятлари бу билан чекланмайди. Ҳуқуқи бузилган субъектнинг ўз ҳуқуқи ҳимоясини қонуний асосларда амалга ошира олиш имкониятининг тўлиқ ва аниқ ифодаланиши ҳар доим ҳам субъектив ҳуқуқ соҳибининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга бўлади. Шу маънода қонун ҳужжатларида бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг моддий ва процессуал имкониятларининг белгиланиши фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишнинг ва субъектив ҳуқуқлар бузилмаслигининг кафолати ҳисобланади.

Моддий маънодаги даъво қилиш ҳуқуқи даъвогарнинг суд орқали ўз талабини қондириш ҳуқуқидир. Даъво муддатининг ўтказиб юборилиши айнан даъвогарнинг ўз талабини қондириш имкониятидан маҳрум этади ва суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариш учун асос бўлади.

Даъво муддатларида белгиланган вақт даврлари тарафлар томонидан ўзгартирилиши мумкин эмас. Одатда, даъво муддатлари императив характерга эга бўлади, тарафлар уларни ўз истак-хоҳишлари асосида узайтиришга ёки қисқартиришга ҳақли бўлмайдилар. Шу билан бирга ҳуқуқий муносабат иштирокчилари даъво муддатининг бошланиш пайтини, унинг қанча вақтгача давом этишини қонунда белгиланган муддатдан кўп ёки кам қилиб белгилашлари мумкин эмас. ФКнинг 152-моддасига биноан даъво муддатлари ва уларни ҳисоблаш тартиби тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилмайди. Бундай ўзгартириш қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Умумий қоидага кўра, даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади. Бу қоида шундай маънони англатадики, агар жавобгар судга даъво муддати ўтиб кетганлигини билдирмаса, суд даъвогар ва жавобгар ўртасидаги низоли мазмунан кўриб чиқиш ва ҳал қилув қарори чиқариши лозим. Бунда даъво муддатининг ўтиб кетганлик ҳолати аҳамиятга эга бўлмайди. Ушбу ҳолатда тарафлар ўзаро битим тузиш пайтида, улар ўртасидаги битим ёки шартномага нисбатан даъво муддати жорий қилинмаслиги тўғрисида келишувга эришсалар, бундай келишув ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайди.

Даъво муддати институти фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар учун катта аҳамиятга эга. Даъво муддатининг мавжуд бўлиши фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга оширишда алоҳида ўрин тутди. Айниқса, субъектнинг ўзига тегишли ҳуқуқларини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида муайян вақт оралиғининг белгиланиши, шахснинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига бефарқ қарамаслигини таъминлайди. Шу билан бирга, даъво муддати субъектив фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини

ҳимоя этиши учун шахсга бериладиган сўнгги имконият бўлиб, бу вақт оралиғида шахс ўз ҳуқуқларини амалга оширилишини талаб қилмаса, шу ҳуқуқларга нисбатан субъектив ҳуқуқларини йўқотилади. Ўз ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини сўраши ёки талаб қилиши учун субъектга муайян муддатнинг белгиланиши яна шу билан тавсифланадики, бунда шахслар ўртасидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатни (товар топширилганлиги, пул тўланганлиги, иш бажарилганлиги, хизмат кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳужжатлар вақт ўтиши билан йўқотилиши, бўлиб ўтган воқеа кишилар хотирасидан кўтарилиши мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида даъвогар шахснинг ўз талабларини исботлаб беришини қийинлаштиришига олиб келади. Шунингдек, даъво муддати нафақат фуқаролар билан фуқаролар ўртасидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар учун ахамиятли, балки юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятни амалга ошириш учун муайян вақт даврларининг белгиланиши ўринга эга бўлади. Агар фуқаронинг белгиланган вақт оралиғида ўз ҳуқуқларини амалга оширилиши талаб қилиши унинг субъектив ҳуқуқи бўлса ҳамда ўз хоҳишига кўра амалга ошириши ёки амалга оширмаслиги мумкин бўлса юридик шахсларнинг даъво муддати амал қилиб турган пайтда ўз ҳуқуқларини амалга оширилиши талаб этмасликлари мумкин эмас. Чунки юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширилиши талаб этмасликлари бир қатор қонунбузарликларни вужудга келтириши мумкин. Гарчи бозор иқтисодиёти шароитида, юридик шахсларнинг фаолияти анча эркинлашган бўлсада, уларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширилиши талаб этмасликлари ваколатли давлат органлари томонидан назорат этилади ва бу ҳолатга йўл қўйилмайди.

Фикримизча, бундай тартиб анча асосли бўлиб, бунинг қуйидаги сабаблари мавжуд:

биринчидан, ҳуқуқни амалга оширилиши талаб этмаслик, ўз ҳуқуқини амалга оширмаган юридик шахс учун зарар бўлиши билан бирга, давлат бюджети учун ҳам зиёнлир. Бундай ҳолатда ҳуқуқни талаб этмаган юридик шахс ўз-ўзидан равшанки, фойда кўрмайди ва бунинг оқибати фойда кўрганда тўлаши лозим бўлган солиқни ҳам тўламайди;

иккинчидан, ҳуқуқни талаб этмаслик ва бунинг натижасида ҳуқуқларнинг йўқотилиши юридик шахс раҳбарларининг шахсий манфаатлари учун хизмат қилиши мумкин. Яъни, бунда қарздор тараф билан келишиб (қонунга зид келишув), даъво муддати узрsiz сабабларга кўра ўтказиб юбориб, бунинг эвазига кейинчалик муайян миқдорда моддий манфаатдорлик кўриш;

учинчидан, даъво муддати мобайнида юридик шахс ўз ҳуқуқини талаб этмаслиги унинг фаолияти ва бухгалтерия ҳисоботлари учун ноқонуний факт ҳисобланади.

Умуман олганда, маълум вақт даврларининг ўтиши билан белгиланалган муддатлар ҳар доим ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабат-

ларда алоҳида ўрин тутади. Бундай муддатларнинг белгиланиши ҳуқук субъектларининг ўз ҳуқуқлари доирасида ҳаракатланиши мумкин бўлган вақт оралигини ифодалайди.

Ҳуқуқшунос олим И. Б. Новицкийнинг фикрича, муайян вақт даврлари билан белгиланадиган муддатлар шахсларнинг тегишли муносабатга оид ҳаётий тажрибалари билан боғлиқ бўлади. Вужудга келаётган ҳолатларни кузатиб бориш шундан далолат берадики, ҳуқуқни амал қилишдан манфаатдор бўлган шахс кўпчилик ҳолатларда даъво қўзғатишни узоқ вақтгача чўзиб юрмайди.¹ Бунда одатий ҳолат сифатида шахс ўз ҳуқуқларига нисбатан қатъий ишончи ва бу ҳуқуқлар бузилганда тезда уларни тиклаш учун судга мурожаат қилиш кузатилади. Ушбу ҳолатдан шундай хулоса қилиш мумкинки, агар бузилган ҳуқуқ тегишли бўлган шахсда узоқ вақт давомида ҳуқуқ бузилиши ҳеч қандай акс таъсир кўрсатмаса, агар ўз ҳуқуқини бузилган деб ҳисоблаши лозим бўлган шахс ҳуқуқни ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат қилмаса, бу шахснинг мазкур ҳуқуқи умуман вужудга келмаган ёки қачондир мавжуд бўлган бўлсада, кейинчалик бекор қилинган деб ҳисоблаш мумкин.

Агар узоқ вақт мобайнида даъво қўзғатилмаса, кишининг ҳаётий тажрибаси шундан далолат берадики, шахс ўзида мавжуд бўлган ҳуқуқларга нисбатан қатъий ишончга эга эмас ёки ушбу ҳуқуқ ҳеч қачон вужудга келмаган ёхуд агар мавжуд бўлсада тугатилган.

Ушбу фикрлар бироз баҳс талаб бўлсада, уларнинг замирида асосли ва ишончли мантқиқ мавжудлигини англаб етиш қийин эмас, албатта. Лекин шахснинг ўз ҳуқуқлари ҳимоясини сўраб даъво қўзғатмаслиги ҳар доим ҳам, унинг ҳуқуқлари вужудга келмаганлигини ёки мавжуд бўлсада, бекор қилинганлигидан далолат бермайди. Аксинча, шахснинг ўз ҳуқуқларига нисбатан эътибори ёки эътиборсизлиги, унинг ҳуқуқий онги ва билимига ҳамда ҳалқнинг минталитетига боғлиқ бўлади. Бу ҳолат ҳам шахснинг ўз ҳуқуқини ҳимояси учун даъво қўзғатиб судга мурожаат қилишига тўсқинлик қилади.

Вақт даврлари билан белгиланадиган муддатларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга тадбиқ этилиши фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар изчиллигини ва шахсларнинг ўз ҳуқуқларига нисбатан ишончини оширади. И. Б. Новицкий бу масалада ўз фикрини баён этиб, жумладан, шундай дейди: вақт даврларининг қўлланилиши ҳуқуқий тарғиботни мустаҳкамлайди, ҳуқуқни амалга оширишдаги ноаниқликларни камайтиради. Албатта, бундай натижага ҳуқуққа нисбатан бир қатор чеклашлар орқали эришилади. Жумладан, даъво қўзғатиши лозим бўлган муддатнинг ўтказиб юборилиши ҳуқуқнинг мажбурлов кучи асосида ҳимоя қилиниш имкониятини йўқотилишига олиб келади. Кўриниб турибдики, вақт даврлари ҳеч шубҳасиз ҳуқуқни амалга

¹ Новицкий И.Б. Римское право. Учебник. –М., Кнорус, 2011. –С.61.

оширишни чеклайди. Бунда муддатдаги вақт даврлари қанчалик қисқа бўлса, ҳуқуққа нисбатан чеклов шунчалик яққол сезилади, муддат узокрок бўлса аксинчадир. Мулкий муносабатларнинг тўла амалга ошиши нуктаи назаридан муддатлар қисқа бўлмаслиги, ҳуқуқий муносабатдаги ноаниқликларни бартараф этиш нуктаи назаридан эса муддатлар қисқарок бўлиши керак.

Дарҳақиқат, ҳуқуқни амалга оширишга нисбатан муддатларнинг белгиланиши, ҳуқуқларни чеклайди ва уларни амал қилишини муайян вақт даврлари билан белгилаб қўяди. Бу борада И. Б. Новицкий ҳақ. Лекин бундай чеклов ҳар доим ҳам ҳуқуқий муносабатдаги иштирокчилар манфаатларини қўзлаб белгиланади. Бунда кредитордан ўз ҳуқуқига бепарво бўлмаслиги талаб этилса, қарздор муайян вақтгача талаб бажаришга тайёр туриши ифодаланади.

Даъво муддати институтининг мақсади кимнидир жазолаш ёки ким учундир ноқулайлик вужудга келтириш ҳисобланмайди. Бу институтнинг мақсади ва вазифаси ҳуқуқий муносабатларни бузмасдан, улар қўламига таъсир этмасдан ҳуқуқий муносабатлардаги ноаниқликларни бартараф этишдир. Даъво муддатининг мавжудлиги субъектнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишга ва мажбуриятларни бажаришга бефарқ бўлмаслигини таъминлайди. Бундан ташқари даъво муддати фуқаролик ҳуқуқида ташкилий, ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган чораларни белгилаш вақтини аниқлаб берадики, бу ҳолат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ушбу институтининг ўрни алоҳидалигини таъминлайди.

Фуқаролик ҳуқуқида даъво муддатларининг аҳамиятини яна шу ҳолат билан белгилаш мумкинки, улар судларга вужудга келган ҳуқуқий муносабатдаги аниқ ҳолатни аниқлашда катта ёрдам беради. Агар даъво муддатлари (белгиланган вақт, масалан, уч йил) мавжуд бўлмаса ҳамда шахс 10 ёки 15 йилдан сўнг ҳам ўз ҳуқуқини талаб этса (қонунда белгиланган даъво муддатлари жорий этилмайдиган ҳуқуқлар бундан мустасно), ушбу ҳолатда ҳақиқатни аниқлаш қийин бўлиши ёки умуман амалга ошмаслиги мумкин.

Даъво муддати институтининг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар жумласига:

- тарафларга ўзаро келишув асосида даъво муддатлари белгиланган ҳолатда ўзгартириш ҳуқуқи берилмаганлиги;
- даъво муддати билан белгиланган вақт даврларини ўзгартириш мумкин эмаслиги;
- даъво муддатини қисқартириш ёки узайтириш мумкин эмаслиги ва хоказолар киради.

Шу ўринда даъво муддатлари билан фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишнинг бошқа муддатлари ўртасидаги фарқ тўғрисида тўхталиб ўтиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қўлланиладиган:

- кафолат муддатлари,
- эътироз муддатлари,
- яроклилик муддатлари,
- хизмат муддатлари ва шу каби бошқа муддатлар уларнинг барчаси учун хос бўлган битта умумий жиҳат билан даъво муддатлари билан фарк қилади.

Юқорида санаб ўтилган бу муддатларнинг барчаси ҳам фуқаролик ҳуқуқларини амал қилиш муддатлари ҳисобланади. Даъво муддати эса, ҳуқуқ ва манфаатлар ҳимояси учун белгиланган вақт даври сифатида эътироф этилади.

Агар фуқаролик ҳуқуқларининг амал қилиш муддатлари (кафолат муддати, яроклилик муддати, эътироз муддати ва х.к.)да муддатнинг ўтказиб юборилиши ҳуқуқни амалга ошириш имкониятининг йўқотилишига олиб келса, даъво муддатининг ўтказиб юборилиши субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни қонуний ҳимоя этиш имкониятининг йўқотилишига сабаб бўлади. Шунингдек, даъво муддатлари ва бошқа муддатлардан ўзининг императив характерга эгаллиги билан ҳам фарк қилишини таъкидлаш жоиз. Агар фуқаролик ҳуқуқларининг амал қилиш муддатлари тарафларнинг келишув билан белгиланиши ҳамда тарафлар уни ўзаро келишиб ўзгартиришлари мумкин бўлса, даъво муддатларини тарафлар ўзгартиришларига йўл қўйилмайди ва тарафлар даъво муддати талабларини ўзлари киришаётган муносабатга тадбиқ этилмаслигини ҳам белгилаш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Даъво муддати фуқаролик ҳуқуқининг деярли барча институтларида учрайди. Даъво муддатлари нафақат фуқаролик ҳуқуқи соҳаси учун, балки хўжалик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи каби кўплаб ҳуқуқ соҳаларида ҳам тадбиқ этилади.

Умумий қоидага кўра, даъво муддатлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда мол-мулк билан боғлиқ деярли барча муносабатларда тадбиқ этилади. Даъво муддатлари фуқаролар билан фуқаролар ўртасидаги, ҳамда юридик шахслар билан юридик шахслар ўртасидаги мулкий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни ҳимоя қилишда, айниқса, кенг қўлланилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Темир йўл тўғрисида"ги Қонунининг 28-моддасига биноан, юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда, юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар тегишли темир йўл транспорти корхоналарига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларида талаб ва даъволар тақдим этишга ҳақлидирлар. Бундай талаб ва даъволарни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари темир йўл уставида белгилаб қўйилади.

Тадбиркорлик соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий характердаги муддатларнинг қўлланилиши, тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштиришда

катта аҳамиятга эга бўлади. Айниқса, тадбиркорлик фаолияти субъектининг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш, мажбуриятларни бажариш ва шартнома шартларини ижро этишда муддатларнинг ўрни бекиёс хисобланади. Зеро, тадбиркорлик фаолияти иқтисодий ривожланиш жиҳатдан таваккалчилик асосида иш олиб боради ва муддатлар ана шу таваккалчилик хавфининг салбий оқибатларини камайтиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, даъво муддати, давлат органлари ўртасидаги ўзаро фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳам мавжуд бўлади. Бироқ, ушбу ҳолатларда даъво муддатини қўллаш мулкий ҳуқуқларни аниқлаш, даъво қилиш орқали бузилган ҳуқуқларни тиклаш жуда қийин кечади. Зеро, давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар деярли барча ҳолатларда фуқаролик-ҳуқуқий меъёрлар билан эмас, маъмурий-ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинади.

4-§. Даъво муддатининг турлари

Фуқаролик ҳуқуқида учрайдиган муддатлар бир неча асосларга кўра турларга бўлинади. Ҳуқуқий оқибатига кўра муддатлар ҳуқуқни вужудга келтирувчи, ҳуқуқни ўзгартирувчи ва ҳуқуқни бекор қилувчи муддатларга бўлинади.

Ҳуқуқни вужудга келтирувчи муддатлар – бундай муддатларнинг ўтиши натижасида фуқаролик ҳуқуқлари вужудга келади. Бунда ҳуқуқнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши аҳамиятга эга эмас. Масалан, олди-сотди шартномасига мувофиқ товарга нисбатан мулк ҳуқуқи сотувчига товар топширилиши муддати натижасида вужудга келади (ФКнинг 389-моддаси) ёки фуқаронинг белгиланган ёшга тўлиши (18 ёшга етиши) унинг ўзи учун ўз ҳаракатлари билан ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириш ва уларни амалга ошириш ҳуқуқини вужудга келтиради (ФКнинг 22-моддаси).

Фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқни вужудга келтирувчи муддатлар қўллаб учрайди. Ушбу муддатлар учун хос бўлган муҳим жиҳатлар, уларнинг оқибатида фуқаролар ёки юридик шахсларда фақатгина муайян ҳуқуқ юзага келиши лозим.

Ҳуқуқни ўзгартирувчи муддатлар – ўтишининг бошланиши ёки ўтиб кетиши фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларининг ўзгаришига олиб келади. Ҳуқуқни ўзгартирувчи муддатлар ўз табиатига кўра шартномавий муносабатларда кенг қўлланилади ва одатда бундай муддатларнинг ўтиши натижасида шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари у ёки бу даражада ўзгаради.

Ҳуқуқни бекор қилувчи муддатларнинг рўй бериши фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бекор бўлишига олиб келади. Масалан, умумий мулкдаги улушни сотишда, агар қолган мулкдорлар имтиёзли

сотиб олиш ҳуқуқидан воз кечсалар ёки бу ҳуқуқни хабар қилинган кундан эътиборан кўчмас мулкка нисбатан бир ой давомида, бошқа мол-мулкка нисбатан эса ўн кун давомида амалга оширмасалар, улар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини йўқотадилар ва мулкдор ўз мулкни истаган шахсга сотиш ҳуқуқига эга бўлади (ФКнинг 224-моддаси).

Бундай муддатларнинг ўтиши оқибатида фуқаролик ҳуқуқлари бекор бўлиши қонунчиликда тўғридан-тўғри белгилаб кўйилиши мумкин.

Ҳуқуқни бекор қилувчи муддатлар муайян муносабат иштирокчиларининг фақатгина шу муносабатларга доир ҳуқуқлари ёки мажбуриятларини бекор қилади.

Муддатлар ўзларининг аниқланиш тавсифига кўра:

- императив муддатлар;
- диспозитив муддатлар;
- мутлоқ аниқ муддатлар;
- қисман аниқ муддатлар;
- ноаниқ муддатлар;
- умумий муддатлар;
- махсус муддатларга бўлинади.

5-§. Даъво муддатининг ўта бошлаши

Даъво муддатини тўғри ҳисоблаш учун унинг қай вақтда тугашини белгилаш зарур. Даъво муддатининг тугаши даъво қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан бошланади (ФКнинг 154-моддаси). Бундай ҳуқуқ, яъни, даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди.

Даъволарнинг турларига қараб даъво муддати ўтишининг бошланиш пайти бир хил бўлмайди, жумладан, бажариш муддати кўрсатилган мажбуриятлар бўйича даъво муддатининг ўтиши учун шу кўрсатилган бажариш муддатининг охириг қундан кейинги кундан бошланади. Масалан, фуқаро бошқа бировга 2012 йил 20 майда тўлаш шарти билан қарз берган бўлса, даъво муддатининг ўтиши шу йил 21 май соат 00-у 01 дақиқадан бошланади.

Бажариш муддати кўрсатилмаган мажбуриятлар бўйича даъво муддатининг ўтиши мажбуриятларнинг вужудга келган пайтидан бошланади. Бировга зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича даъво муддатининг ўтиши жабрланган шахснинг ўзига зарар етказилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан бошланади.

Баъзи даъволар бўйича даъво муддати ўтишининг бошланиши тўғрисида махсус қоидалар белгиланган. Жумладан, юк ташиш шартномаси юзасидан юк ташувчига нисбатан даъво қилиш учун белгиланган икки ойлик муддатнинг ўтиши эътироз билдирувчи

томонидан жавоб олинган ёки жавоб бериш учун белгиланган муддатнинг ўтган кунидан бошланади; сифати лозим даражада бўлмаган махсулотлар етказиб беришдан келиб чиқадиган даъволар учун белгиланган даъво муддатининг ўтиши етказиб берилган махсулотдаги камчиликлар сотиб олувчи томонидан тегишли тартибда белгиланган кундан бошланади.

6-§. Даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши, узилиши ва даъво муддатининг тикланиши

Даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши – коюда буйича даъво муддатининг ўтиши узлуксиз давом этади. Аммо баъзи ҳолларда даъво муддати давом этиб турганда даъво қилиш учун объектив ҳалакит берадиган биронта ҳолат содир бўлиши мумкин. Бундай даъво муддатининг ўтишини тўхтатадиган ҳолатлар қонунда (ФКнинг 156-моддаси) белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, даъво қилиш учун муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган фавқулодда ҳодиса (енгиб бўлмас куч) тўскинлик қилса, масалан, тошқин, зилзила сингари ҳодисалар юз берса;

Иккинчидан, мажбуриятларни бажаришни кечиктириш (мораторий) тўғрисида Ҳукумат қарори бўлса;

Учунчидан, агар даъвогар ёки жавобгар ҳарбий ҳолатга ўтказилган қуролли кучлар, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар таркибида бўлса;

Тўртинчидан, агар муомалага лаёқатсиз шахснинг қонуний вакиллари бўлмаса;


Бешинчидан, тегишли муносабатларни тартибга солувчи қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши тўхтатилган бўлса.

Даъво муддатининг ўтиши юқорида кўрсатилган ҳолатлар даъво муддатининг охириги олти ойида, бу муддат олти ойдан кам бўлса, даъво муддатида вужудга келган ёки давом этиб турган бўлса, муддатнинг ўтиши тўхтатилади.

Муддатнинг тўхтаиб турилишига асос бўлган ҳолат барҳам топган кундан бошлаб даъво муддатининг ўтиши давом этади, бунда муддатнинг қолган қисми олти ойгача, даъво муддати олти ойдан кам бўлса, даъво муддатига қадар узайтирилади (ФКнинг 156-моддаси).

Даъво муддатининг ўтиши юқорида кўрсатилган умумий асослардан ташқари яна махсус асослар бўлган тақдирда ҳам тўхтаиб турилиши мумкин. Бундай махсус асослар қонунларда назарда тутилади.

Даъво муддати ўтишининг узилиши даъво муддати ўтишининг тўхтатилишидан фарқ қилади. Агар даъво муддатининг ўтиши тўхтаганда муддат янгидан ҳисобланмаса, даъво муддатининг ўтиши узилган ҳолда, даъво муддати узилгунга қадар вақт янги муддатга қўшилмайди ва даъво муддатининг ўтиши узилганидан сўнг янгидан ҳисобланади.



Даъво муддатининг ўтиши икки ҳолда: биринчидан, белгиланган тартибда даъво кўзғатилиши билан, иккинчидан, мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилади (ФКнинг 157-моддаси).

Даъво муддатининг тикланиши. Агар суд, хўжалик суди ёки ҳолислар суди даъво муддатининг ўтказиб юборилиши сабабини узрли деб топса, бузилган ҳуқуқ ҳимоя қилиниши лозим бўлади. Бу ҳолда ўтказилган даъво муддати тикланади ва тарафлар ўртасидаги низо мазмунан кўриб ҳал қилинади.

Даъво муддатининг ўтказилиши сабабларини қандай ҳолларда узрли деб топиш тўғрисида қонун муайян ҳолатларни кўрсатмайди, бинобарин, даъво муддатини ўтказиб юбориш сабабларини текшириш ва узрли ёки узрсиз деб топиш ҳуқуқи судга, хўжалик суди ёки ҳолислар судига берилади. Суд, хўжалик суди ёки ҳолислар суди ҳар сафар конкрет ишнинг ҳолатларини эътиборга олиб, ўтказилган даъво муддатини узрли ёки узрсиз деб топиши мумкин.

Баъзи ҳолларда фуқаролар ва ташкилотлар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабаблар билан қонунда белгиланган муддат давомида даъволарни кўзгата олмасликлари мумкин. Масалан, фуқаро касаллиги, кексалиги ёхуд вояга етмаганлиги, узоқ муддат давомида хизмат сафарига бўлганлиги сабабли ёки жавобгарнинг қаерда бўлиши номаълум бўлган ва бошқа баъзи ҳолларда ўтказилган даъво муддатлари суд томонидан узрли деб топилиши мумкин. Ташкилотлар томонидан ўтказилган даъво муддатлари ҳам баъзи ҳолларда суд ёки хўжалик суди томонидан узрли деб топилиши мумкин. Жумладан, ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг айбли ҳаракатлари, назоратчи органларининг нотўғри берган буйруқлари, суд ёки хўжалик судининг хато ҳаракатлари туфайли даъво муддати ўтказиб юборилган ва бошқа баъзи ҳолларда даъво муддатининг ўтказилиши узрли сабаб деб топилиши ва иш мазмунан ҳал қилиниши мумкин.

Даъво муддатининг тўхтатилиши, узилиши ва тикланиши тўғрисидаги қоидалар, агар қонун билан бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, махсус даъво муддатларига ҳам жорий қилинади (ФКнинг 151-моддаси, 2-банди).

7-§. Даъво муддати ўтишининг оқибатлари

Даъво кўзғатилгунга қадар даъво муддатининг ўтиши даъвони рад қилиш учун асос бўлади. Бинобарин, даъвогар ўз ҳуқуқини мажбурий равишда амалга ошириш имкониятини йўқотади.

Юқориди кўрсатилган даъво муддати ўтишининг асосий оқибатини белгилайдиган қоидадан ташқари қонунда шу юридик факт билан боғлиқ бўлган бошқа қоидалар ҳам белгиланади. Жумладан, асосий талаб бўйича даъво муддати ўтиши билан қўшимча талаблар, жумладан:

- Неустойка
- Гаров
- Кафолат

ва бошқалар бўйича даъво муддати ҳам ўтган ҳисобланади (ФКнинг 162-моддаси).

Баъзи ҳолларда қарздор ўз мажбурияти даъво муддати ўтгандан сўнгра ҳам бажариши ҳоллари юз бериши мумкин. Бундай ҳолларда аввал мажбур шахс ўз томонидан бажарилганлиги, туланган сумманинг қайтарилиши тўғрисидаги талабни қўя олмайди. Фуқаролик кодексида қарздор даъво муддати ўтганидан кейин мажбуриятини бажарган ҳолда, гарчи ижро этиш пайтида даъво муддатининг ўтиб кетганлигини билан ёки билиши лозим бўлганлигидан қатъи назар бажарган нарсасини қайтаришни талаб қилишга ҳақли эмасдир, деб кўрсатилади (ФКнинг 161-моддаси).

8-§. Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар

Бузилган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кўпчилик ҳолларда даъво муддати белгиланади. Лекин даъво муддати қуйидагиларга тадбиқ қилинмайди:

-шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

-омонатчиларнинг ўз омонатларини бериш тўғрисида банкка қўядиган талабларига;

-фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларига. Даъво муддати ўтганидан кейин қўзғатилган талаблар даъво олдинги кўпи билан уч йил бўйича қондирилади;

-жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга;

-мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузилишларни, шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузилишларни бартараф этиш ҳақидаги талабларга;

-мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадиий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга;

-қонунда белгиланган ҳолларда бошқа талабларга (ФКнинг 163-моддаси).

Баъзи муаллифлар юқоридаги ҳолатлардан ташқари даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар қаторига меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларни киритишни таклиф этади.¹

¹ Мамасиддиков М.М. Меҳнатга оид низоли ишларни судда қўришнинг процессуал хусусиятлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2004. –42 б.

Табиийки, бу талаблар фуқаро ва шахслар, шунингдек, давлатимизнинг реал ҳуқуқларидан келиб чиқади. Бу нормаларнинг киритилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар тенглиги муносабатлари, нормал муносабатлар эканлигининг яна бир бор тасдиғидир. Ушбу талаблар билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг жорий қонушларида ҳам назарда тутилган. Жумладан, маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунида тарихий, маданий ва илмий-бадий қимматга эга бўлган мол-мулкларни мамлакатимизга қайтариш билан боғлиқ бирмунча нормалар белгиланган.

Назорат учун саволлар

1. Муддатларни қандай турларини биласиз?
2. Талаб қўйиш муддатлари қайси ҳужжатларда белгиланган?
3. Даъво муддатига таъриф беринг?
4. Даъво муддати қачон қўлланилади?
5. Даъво муддати қайси талабларга жорий қилинмайди?
6. Императив муддатларга мисол келтиринг?
7. Даъво муддатининг ўтиши қандай оқибатларга олиб келади?
8. Даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши деганда нима тушинилади?
9. Махсус муддатларга таъриф беринг?
10. Умумий муддатлар деб нимага айтилади?

XV Боб. МУЛК ҲУҚУҚИ

1-§. Мулк ва мулк ҳуқуқи тушунчалари

Мамлакатимизда бозор муносабатлари қарор топганидан сўнг ҳаётимизда бир қатор янги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келдики, бу ҳолат маъмурий – буйрукбозлик тизимидан воз кечиб, эркин иқтисодий муносабатлар амал қилишини таъминлади. Бу эса, ўз навбатида, мулкий муносабатлар тизимида бир қатор янги қондалар вужудга келишига замин яратди. Айниқса, бозор муносабатлари қонуниятлари ҳисобланган талаб ва тақлиф, рақобат қонуниятлари билан ҳамоҳанг бўлган мулк шакллари­нинг тенглиги, мулкнинг дахлсизлиги, ҳар кимнинг мулкдор бўлишга ҳақлилиги, мулкдорнинг ўз мулкдан ўз хоҳиш ва манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши каби тамойилларнинг ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланганлиги хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берди. Жамиятнинг иқтисодий негизи мавжуд мулкчилик муносабатларига асосланади. Шу сабабли мулк нафақат юридик мазмунга, балки иқтисодий маънога ҳам эга. Кишилар меҳнати билан яратилган ёки табиат томонидан инсонларга ўзига ҳос тарзда “тақдим этилган” бойликлар ҳар доим мулк бўлиб келган. Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмаслигига қараб, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, аниқроғи ижтимоий - иқтисодий мақоми вужудга келади.

Мулкчилик муносабатлари – жамиятдаги бойликларни ўзлаштириш хусусидаги иқтисодий муносабатлардир.

Мулкчилик -- инсоннинг бойлиги бўлмиш ашё, буюм ёки бошқа нарсага нисбатан эгаллик ҳис-туйғуси билан боғлиқ муносабат ёки ана шу бойлик, неъмат хусусида кишилар ўртасида вужудга келган муносабатдир. Кишилар буюмларни, неъматларни ўзиники қилиб олгандагина ўзлаштиришлари мумкин, чунки жамиятда ўзганики бўлган неъматларни ўзлаштириб бўлмайди. Мулк соҳиби ўз мулкига мустақил таяниб иш кўради. Мулксиз ўзганинг мулкни ижарага олувчи ёки мулкдорга ёлланиб ишловчи шахс мустақил эмас. Неъматлар икки йўсинда: ишлаб чиқариш ресурслари, яъни воситалари ва ишлаб чиқариш натижалари, сифатида ўзлаштирилади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчилик муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Шахснинг мулкдан бегоналашуви­га асосланган ижтимоий алоҳида имтиёзли мавқега барҳам берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Табиат бойликлари ва қиши меҳнати натижалари шахслар томонидан айрим-айрим ҳолда ўзлаштирилмай, балки биргалашиб ва ўзаро ҳамкорлик

билан ўзлаштирилади. Бинобарин, мулк табиат нарсаларини ўзлаштиришда кишилар ва уларнинг жамоалари ўртасида бўлган муносабатни, яъни ижтимоий муносабатни, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини билдиради.

Юқорида айтилганлардан маълум бўлишича, мулк ишлаб чиқаришнинг зарур шarti ва ишлаб чиқарилган бойликларнинг ўзлаштирилиши натижаси ҳисобланади.

Мулк ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни эгаллаш, фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш соҳасида бўладиган ижтимоий муносабатларнинг мажмуи сифатида ҳам таърифланиши мумкин.

Юридик маънодаги “мулк” тушунчаси тўғрисида тўхталиб шуни айтиш керакки, шахслар томонидан табиат бойликларини, ашёларини ўзлаштиришда бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солидиган ва мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий нормалар тизими – юридик маънодаги “мулк” тушунчасида қўлланилади. Бу маънодаги мулк мулк ҳуқуқи сифатида кўрилади.

2-§. Мулк ҳуқуқининг мазмуни

Мулк ҳуқуқи объектив ва субъектив маънодаги мулк ҳуқуқига бўлинади.

Объектив маънодаги мулк ҳуқуқи деганда табиат ашёларини ижтимоий ўзлаштиришнинг мавжуд захираларини, усулларини белгилаш, тартибга солиш ва мустаҳкамлаш учун халқ манфаатларини кўзлаб белгиланган тадбирларни ифодаловчи ҳуқуқ нормалари йиғиндиси назарда тутилади. Жумладан, мулк тўғрисидаги умумий қондалар объектив ҳуқуқ нормалари ҳисобланади.

Субъектив маънодаги мулк ҳуқуқи деб айрим шахслар, яъни ҳуқуқ субъектларининг (давлат, юридик шахслар ва фуқароларнинг) объектив ҳуқуқ нормалари асосида келиб чиқадиган мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқларига айтилади.

Мулкни ўз хохишига кўра ва ўз манфаатини кўзлаб эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, мулк ҳуқуқини ҳар қандай бузилишлардан бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи тушунчалари мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этади. Субъектив мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этадиган элементлар мулк эгасига қонун билан белгиланган доираларда берилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунда белгиланишича, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Шу маънода мулкдор ўз мулкига бўлган ҳуқуқларини ихтиёрий равишда ўз хохишига кўра амалга оширади. Мулкдорнинг ўз хохиши деганда, унинг ўз эрки,

иродаси билан ўзининг манфаатларини кўзлаб, бировнинг (учинчи шахсларнинг) тайзиқисиз, зўрлансиз ҳаракат қилиши назарда тутилади. Агар мулкдорга нисбатан бундай ҳолатда зўрлик, тазйиқ кўрсатилган бўлса, қонун мулкдорнинг хоҳиш-иродасини эркин амалга оширишни кафолатлайди ва муҳофаза қилади. Айни вақтда мулкдорнинг ўз хоҳишига кўра иш тутиши қонун, инсоф ва адолат доирасида амалга оширилиши лозим.

Мулкдор мулккий ҳуқуқини ўз хоҳишига кўра амалга оширишида унинг манфаати ётади. Бу манфаат бевосита унинг ўзига, яқинларига ёки бошқаларга тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, ота-она вояга етмаган фарзанди номига банкка омонат қул маблағи қўйганда ҳам, гарчи бунда учинчи шахсларнинг манфаати кўзлагандай бўлса ҳам, аслида мулкдорнинг ҳаракати замирида ота-она сифатидаги бурчи ётади. Мулкдорнинг ўз хоҳишига кўра ёки манфаатига зид равишда мулккий битимлар тузишига мажбур қилиниши, умумий қоида бўйича бундай битимлар ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Юқорида айтганимиздек, мулк ҳуқуқи уч элемент -- мулкка эгалик қилиш, мулкдан фойдаланиш ва мулкни тасарруф этишдан иборат.

Мулкни эгаллаш ҳуқуқи мулкни қўлда ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқларини амалга оширишга имкон берувчи бирон жойда сақлаб туришдир. Мулкни қонунга мувофиқ равишда ўз қўлида ёки ўз эрки-иродаси таъсири остида сақлаб турган шахс мулкни эгаллаш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқ, аввало, мулк эгасига тегишли бўлади. Яъни, мулкни эгаллаш ҳуқуқи қонун ёки шартномага асосан бошқа шахсда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, мулк шартнома бўйича ижарага қўйилишида, вақтинча текин фойдаланиш учун топширилишида, омонат қўйилишида ёки маъмурий далолатномаларга биноан вақтинча сақлаш учун бирон тапқилот ёки фуқароларга ўтказилишида эгалик ҳуқуқи мулк эгаси ҳисобланмаган шахсда ҳам бўлиши мумкин.

Мулкни қонун талабларига мувофиқ қўлда сақлаб туришга қонуний эгаллаш деб айтилса, қонуний асослар бўлмағи туриб бировларга қарашли мулкни эгаллаш, масалан, бировнинг ўғирлатган ёки йўқотган мулкни қўлда сақлашга қонунсиз эгаллаш деб айтилади.

Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи -- мулкнинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш, мулкдан иқтисодий маънода фойдаланишдир. Мулкдан қонунга мувофиқ равишда фойдаланувчи шахс шу мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи шу мулкни эгаллаш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир. Мулкни эгалламай, қўлда сақламай туриб ундан фойдаланиб ҳам бўлмайди. Мулкдан ишлаб чиқаришда ёки қундалик ҳаётда фойдаланишда бу мулк бутунлай истеъмол қилинади ёки бирмунча вақт давомида аста-секин эскиради.

Агар бировнинг мулкдан фойдаланиш қонун ёки шартнома билан белгиланган асослар бўлмағи туриб фойдаланилса, бунда фойдаланиш

конунсиз фойдаланиш ҳисобланади. Масалан, ўғирланган ёки йўқотилган мулкдан фойдаланиш.

Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи мулкнинг юридик тақдирини белгилаш, яъни мулк юзасидан бошқа шахслар билан бўладиган ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳуқуқдир.

Мулк эгаси тасарруф этиш ҳуқуқига биноан мулк юзасидан хилма-хил битимлар, шартномалар, жумладан, ашёни сотиш, ҳады қилиш, ижарага қўйиш тўғрисида шартномалар туза олади. Агар ашё бутунлай кераксиз бўлиб қолса, мулк эгаси бундай ашёни ташлаб юбориши, ўзидан бирон-бир усул билан соқит қилиши мумкин. Бу ҳуқуқ мулкдорга ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан, мол-мулкдан гаров нарсаси сифатида фойдаланиши ёки унга бошқача йўллар билан вазифа юклаш, уни бегоналаштириш ёки мол-мулкни бошқача усул билан тасарруф этишга имкон беради. Бу ҳуқуқнинг қўлдан кетиши билан мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи ҳам қўлдан кетади. Масалан, мулкни омонатга қўйишда ашёни эгаллаш ҳуқуқи, ижарага қўйишда ашёни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бировга ўтса, ашёнинг сотилиши ёки ҳады қилинишида эса субъектив мулк ҳуқуқининг ҳар уч элементи эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари ҳам бутунлай бошқа шахсга ўтади.

Айрим ҳолларда, жумладан, мулкни йўқотиш, ўғирлатиш ҳолларида мулк эгаси ўз мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш имкониятидан маҳрум бўлса ҳам, эгалик ҳуқуқини қонунда белгиланган ҳолларда ва муддатларда ўзи сақлаб туради. Фуқарога тегишли мулк ўғирлатилганида унинг кимнинг қўлида бўлиши аниқланганидан сўнг қонун билан белгиланган уч йиллик даъво муддати давомида талаб қилиб олиниши мумкин. Акс ҳолда мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи йўқолади. Мулк эгалари ўзларига тегишли мулк ҳуқуқидан ғайриқонуний мақсадларда, бировнинг зарарига фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Мулкдор ҳуқуқлари ва ваколатларининг чегараси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасига асосан, мулкдор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Бу конституциявий норма ФКнинг 172-моддасида батафсил талқин қилинган. Ушбу моддага асосан мулк ҳуқуқини амалга ошириш шартлари қуйидагилардан иборат:

1. Мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт;

2. Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур (масалан, кўчмас мулк – ер участкаси эгаси қўшни ер участкасининг эгасидан зарур ҳолларда, бошқа ер участкаларининг эгаларидан ҳам ўзганинг ер участкасидан чекланган ҳолда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақли. Одатда, сервитут пйёдалар ва транспорт йўли, электр, алоқа, газ ёки сув қувурлари ўтказиш учун зарур бўлиши мумкин. Ер участкасида сервитут белгиланиши ер эгасини мулк ҳуқуқидан асло маҳрум қилмайди. Сервитутдан фойдаланувчи билан ер участкаси эгаси ўртасида сервитут ҳақида битим тузилиб, у кўчмас мулкка оид битимлар каби рўйхатдан ўтказилади. Сервитут белгиланган участканинг эгаси агар қонунда бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, сервитут кимнинг фойдасини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсдан участкадан фойдаланганлик учун мутаносиб ҳақ талаб қилишга ҳақлидир (ФКнинг 173-моддаси);

3. Мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас;

4. Мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганда фуқароларнинг соғлиғига ва атроф-муҳитга зарар етказишнинг олдини олиш чораларини кўришга мажбур.

Мулк ҳуқуқининг мазмунида нафақат мулкдорнинг ҳуқуқлари, балки мол-мулкни сақлаб туриш бурчи ҳам ётади. ФКнинг 174-моддасига асосан, ўзига қарашли мол-мулкни сақлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасида бўлади. Агар мулкдор бу мажбуриятни бажармаса, баъзи ҳолларда унинг мулкый ҳуқуқлари чегаралаб қўйилиши ёки мол-мулк ундан олиб қўйилиши ҳақида даъво олдиндан огоҳлантирмасдан ҳам кўзгатилиши мумкин

3-§. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари деганда, мулк ҳуқуқининг олиниши ёки йўқотилиши билан боғлиқ бўлган юридик фактлар назарда тутилади. Мулк ҳуқуқининг олиниши асосларида жамиятнинг иқтисодий тизими ўз ифодасини топади.

Мулк ҳуқуқининг олиниши: дастлабки ва ҳосила асосларига бўлинади. Мулк ҳуқуқининг вужудга келишини билдирадиган дастлабки асослар бўйича мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи илгари ҳеч кимга тегишли бўлмаган мулкка нисбатан ёки аввалги мулк эгасининг ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келади.

Мулк ҳуқуқининг дастлабки асосда вужудга келиши:

- биринчидан, табиат неъматларини ўзлаштириш;

- иккинчидан, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш натижасида янги ашёларни вужудга келтириш;

- учинчидан, эгасиз мулкнинг суд қарори билан давлат ихтиёрига олинishi;

- тўртинчидан, эгаси бўлмаган мулкка ёки эгаси бўлса ҳам ҳўжаликсиз билан сақланаётган мулкка, эгалари томонидан белгиланган муддатларда талаб қилиб олинмаган мулкларга, шу жумладан топилган ашёлар, хазиналар (бошқа усулда яширилган нарсалар) топилиши ҳолларида юз беради.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келишида эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ўзига хосдир. Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники қаби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини олади, яъни тўла маънода мулкдор ҳуқуқларига эга бўлади (ФКнинг 187-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги қарорида белгиланишича, ушбу 187-модданинг қоидалари мулкка эгалик қилиш 1997 йилнинг 1 мартига (яъни, янги ФК амалга киритилгунга) қадар бошланган ва кодекс амалга киритилаётган вақтда давом этаётган ҳолларга ҳам тадбиқ этилади. Демак, ушбу ҳолати бўйича ФК нормаси орқага қайтиш кучига эга бўлади.

Мулк ҳуқуқи вужудга келишининг дастлабки асосларидан яна бири ҳамма йиғиб олиши мумкин бўлган ашёларни мулкка айлантиришдир. ФКнинг 189-моддасида кўрсатилишича, қонун ҳужжатларида ёввойи мевалар, ёнғоқ, замбуруғлар, резавор мевалар ҳамда ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва жонсиз табиатнинг ҳамма олиши мумкин бўлган бошқа объектларини йиғиш йўли билан фуқаролар мулкига айлантириш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилиши мумкин. Бундай тартибда мулк ҳуқуқи ўрмонлардан қўзиқорин, мевалар териш, дашту тоғлардан доривор гиёҳлар тўплаш, дарё ва қўллардан балиқ овлаш орқали вужудга келиши мумкин. Бироқ маълумки, ушбу мулк объектлари ўсган мавжуд ҳудуд хусусий мулк ҳуқуқи асосида бошқага тегишли бўлмаслиги лозим. Мулк объектларининг баъзиларини овлаш учун ваколатли давлат органида рухсат (лицензия) олинган бўлиши талаб этилади. Айни вақтда балиқ ва бошқа жониворларни овлаш овга рухсат берилган мавсумдагина йўл қўйилади, акс ҳолда овланган жониворлар мусодара қилиниб, ов қуроллари олиб қўйилиши ва уларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Эгасиз ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳам дастлабки асосда вужудга келади. Эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум ашё эгасиз ашё ҳисобланади. Эгасиз кўчар ашёларга нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин. Бундай ашё

тегишли давлат органи ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи призасига мувофиқ кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига олувчи органда ҳисобга олиниб, уч йил ўтгач тегишли давлат органи талаби асосида суд томонидан давлатга ўтказилиши мумкин.

ФКнинг 192-моддасида топилмага нисбатан мулккий ҳуқуқларнинг вужудга келиши хусусиятлари белгиланган. Унда кўрсатилишича, йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзга маълум шахслардан бирортасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт. Башарти, ашё бинода ёки транспортда топилган бўлса, у шу бинонинг ёки транспорт воситасининг эгаси бўлмиш шахсга топширилмоғи лозим. Топилма топширилган шахс ашёни топиб олган шахснинг ҳуқуқларини қўлга киритади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Башарти, топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт.

ФКнинг 193-моддасига асосан олти ой мобайнида топилманинг эгаси аниқланмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини қўлга киритади (агар у бу ҳуқуқдан воз кечса, топилма давлат мулкига ўтади).

ФКнинг 196-моддасида ҳазинага нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши хусусиятлари белгилаб қўйилган. Ҳазина деб эгасини аниқлаш мумкин бўлмаган ёки у қонунга биноан ҳуқуқларини йўқотган, ерга қўмилган ёки бошқача усулда яширилган пул ёки қимматбаҳо буюмларга айтилади. Яшириб қўйилган мол-мулк (ер участкаси, иморат ва ш.к.) мулкдори бўлган шахсга ва хазинани топган шахс мулкига агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тенг улушларда тегишли бўлади.

Ҳазина у яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгасининг мулкдорининг розилигисиз қазишма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу ҳазина у топилган ер участкасининг ёки бошқа мол-мулкнинг эгасига топширилиши шарт. Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига қирадиган ашёлардан иборат ҳазина топилган тақдирда, улар давлат ихтиёрига ўтади. Бирок ҳазина топилган ер участкаси эгаси ва хазинани топган шахс ҳазина қийматининг эллик фоизи миқдорида мукофот олишга ҳақли.

Ҳазина топиш учун қазишма ва қидирув ишларини олиб бориш меҳнат ёки хизмат вазифаларига қирадиган шахслар (масалан, археологлар, геологлар) га нисбатан юқоридаги қоидалар қўлланиламайди (ФКнинг 196-моддаси, 5-банди).

Мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи ҳосила усули деганда муайян шахс томонидан мулк ҳуқуқининг олинishi дастлабки

мулк эгасининг ҳуқуқига боғлиқ бўлган усул назарда тутилади. Бу усулда мулк ҳуқуқининг маълум ашёга нисбатан пайдо бўлиши ёки бу ашёга нисбатан мулк ҳуқуқининг илгари маълум шахсга тегишли бўлиши билан боғлиқдир. Шу маънода мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши ҳақида сўз юритилади. Бинобарин, ҳосила усули бўйича мулк ҳуқуқи вужудга келганда бу мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқни бир шахсдан иккинчи шахсга кўчирилиши тўғрисида сўз боради. Масалан, олди-сотди шартномаси тузилиши йўли билан ўзларига тегишли ашёга нисбатан эғалик ҳуқуқи бир шахсда, яъни сотиб олувида пайдо бўлади.

Мулк ҳуқуқининг ҳосила усулида вужудга келишига мисол қилиб олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, қарз шартномалари, шунингдек, қонун ва васият бўйича мерос олиш, давлат мулкани хусусийлаштириш орқали олинганини кўрсатса бўлади.

Фуқаролик кодексининг 185-моддасида кўрсатилганидек, шартнома асосида мол-мулк олувида мулк ҳуқуқи, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Агар ашёни бировга ўтказиш тўғрисидаги шартнома нотариал гувоҳлантирилиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлса, эғалик ҳуқуқи бундай шартнома нотариал гувоҳлантирилган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан вужудга келади.

Қонунда уй-жой (квартира)га мулк ҳуқуқининг вужудга келиши белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида кўрилаётган янги уй-жойга мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келиши белгиланган.

Бир ёки бир неча шахслар томонидан курилаётган уй-жой курилиш тамом бўлгунча ва рўйхатдан ўтказилгунча маҳаллий ҳокимият органларининг рухсатсиз бошқа шахсга берилиши мумкин эмас. Давлатга қаршли уй-жой (квартира) га мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибида вужудга келади.

Кооператив уй-жойга, квартирага, гаражга, чорбоққа ва бошқа биноларга мулк ҳуқуқи кооператив аъзоси пай бадалларини батамом тўлаб бўлгандан кейин вужудга келади (ФКнинг 210-моддаси). Баъзи ашёларга нисбатан эса эғалик ҳуқуқи ашё топширилишидан сўнг ёки ашёнинг киймати тўла ёки қисман тўлангандан сўнг вужудга келиши белгиланиши мумкин.

Хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказилган ҳолда, агар бундай ўтказиш тегишли органлардан рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлса, ашёга нисбатан эғалик ҳуқуқи шартноманинг қайд қилиниши пайтдан эътиборан вужудга келади.

Мулкка нисбатан эғалик ҳуқуқининг ўтиш пайти қонунда муқаррар белгиланиши бировга ўтказилаётган ашёларнинг тасодифан нобуд бўлиши

ёки бузилиши хавф-хатари, яъни бунинг натижасида келган зарар кимнинг зиммасида бўлишлигини белгилаш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

ФКнинг 175-моддасида белгиланган қоида бўйича мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавфи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, келган зарар мулк эгасининг зиммасида бўлади.

Агар ашёларни бировга ўтказувчи шахс топширишни ёки олувчи уларни қабул қилишни кечиктирса, ашёларнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавф-хатари кечиктирган тарафда бўлади. Масалан, сотиб олувчи қурилиш материалларини қабул қилишни кечиктирса, ашёларнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилишидан келган зарарни ўз зиммасига олади.

Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш усуллариغا қуйидагилар киради:

1) мулкдорнинг ўз эрки-иродаси бўйича мулк ҳуқуқини бекор бўлиши (масалан, мол-мулкни сотиш, ҳадя қилиш ва х.к.);

2) мол-мулкни тугатиш ва ҳисобдан чиқариш (йўқ қилиб ташлаш) ёки нобуд бўлиши натижасида мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши;

3) мулкдорнинг эрки, иродасидан ташқари мол-мулкнинг олиб қўйилиши орқали мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши.

Мол-мулкни мулкдордан олиб қўйишга қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув ана шу мол-мулкка қаратилган тақдирда, шунингдек, национализация қилиш, реквизиция ва мусодара қилиш тартибида йўл қўйилади (ФКнинг 199-моддаси).

Агар қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган мол-мулк унинг мулки бўлиб қолса, ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи суд тартибида бекор қилиниб, олиб қўйилган мол-мулкнинг қиймати шахсга тўланади (ФКнинг 199-моддаси, 2-банди).

Ашёларга нисбатан эгалик ҳуқуқи баъзи ҳолларда мулк эгасининг эркидан ташқари ҳам бекор бўлиши мумкин. Масалан, ашёлар табиий офатлар, ёнғин, сув тошқини, zilзила натижасида тасодифан нобуд бўлишида мулк ҳуқуқи мулк эгасининг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолда бекор бўлади. Баъзи ҳолларда, жумладан, қарзни қоплаш учун ижро варақаси бўйича ҳақ ундирилишида ёки мол-мулкнинг мусодара қилинишида эгалик ҳуқуқи мулк эгасининг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолда бекор бўлиши мумкин.

4-§. Мулк ҳуқуқининг асосий тамойиллари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг (36, 53, 54-моддалари), фуқаролик кодексининг (164, 165, 172, 228, 231-моддалари) ва бошқа қонунларда мулк ҳуқуқининг қуйидаги асосий тамойиллари ўз ифодасини топган:

1. Ўзбекистон Республикасида мулк дахлсиз, мулкдорнинг мулккий ҳуқуқи қонун билан кафолатланади ва мулкдор бу ҳуқуқлардан фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина маҳрум этилиши мумкин.

2. Иқтисодиёт самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига ёрдам берадиган ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига руҳсат берилади.

3. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари химоя қилиниши қонун билан кафолатланади ва уларнинг тенг ривожланишига шароит яратиб берилади.

4. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳагги-ҳаракатларни ўз хошишига кўра содир этишга ҳақли.

5. Мулккий ҳуқуқнинг амалга оширилиши атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва давлат ҳуқуқларини бузмаслиги ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларга путур етказмаслиги шарт.

6. Ҳар ким мулкдор бўлишга ҳақли.

5-§. Мулк шакллари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида таъкидланганидек, “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатидан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат химоясидадир...” Конституцияда “хилма-хил шакллардаги мулк”, “барча мулк шакллари химоя қилиниши” тўғрисида айтилишига қарамай, бугунги кунда мулк шаклларининг рўйхати хусусий мулк ва оммавий мулк билан чегараланиб қолади. Мулк шакллари тушунчаси айти пайтда на Конституцияда на ФКда тушунтириб берилмайди.

Мулк ва мулк ҳуқуқи шакллари ҳар доим ҳам фуқаролик ҳуқуқи фанида узок баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келган. Зеро, мулк шакллари ҳамма даврларда ҳам икки хил маънода талқин этилган. Биринчидан, иқтисодий маънодаги мулк шакллари, иккинчидан, юридик маънодаги мулк шакллари.

Иқтисодий маънодаги мулк шакллари дейилганда моддий неъматларни ўзлаштириш усулларининг йиғиндиси тушунилади. Бундай усуллар яқка тартибда ёки жамоат бўлиб ёхуд давлат томонидан амалга оширилиши мумкин.

Юридик маънодаги мулк шакли – моддий неъматларнинг муайян субъектларга тегишли бўлишини (бириктириб қўйишни) мустаҳкамловчи ва тегишли мулкнинг ҳуқуқи режимини белгилловчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборат.

Умумий қоидага кўра, иқтисодий маънода мулк айнан кимга ёки кимларга фойда келтиришига қараб шаклларга бўлинса (масалан, 1990 йил 31 октябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги қонуни айнан шу нуқтаи-назардан мулкни шаклларга бўлган), юридик маънода эса мулк моддий неъматларнинг ҳуқуқ субъектларига тегишли бўлишига, яъни ашёга нисбатан тасарруф этиш элементининг тегишлилигига кўра шаклларга ажратилади. Лекин мулкнинг шаклларга бўлиниши хусусида фуқаролик ҳуқуқида яқдил қарашлар мавжуд эмас.

Баъзи бир олимларнинг фикрича, “мулк шакли” ибораси ҳуқуқий мезон эмас, аксинча иқтисодий мезондир. Бу ҳолат, биринчидан, мулк шакллари иқтисодий мезон сифатида нафақат мулк ҳуқуқи шаклида ҳуқуқий аҳамият касб этади, балки бошқа шаклда ҳам аҳамиятлидир; иккинчидан, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлардаги мулк субъектлари ҳар доим бир хил эмаслиги билан ифодаланади. Шундай экан, иқтисодий маънода мулкнинг бир неча шакли бўлиши мумкин, юридик маънода эса фақат битта мулк ҳуқуқи мавжуд.

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда шунини таъкидлаш жоизки, дарҳақиқат, мавжуд ашёга ёки мол-мулкка битта мулк ҳуқуқи шакли мавжуд, яъни мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ ҳуқуқлар мажмуи – мулк ҳуқуқининг ягона шаклини ташкил этади. Бироқ, мулкнинг ягона шакли мавжуд бўлсада, мулк ҳуқуқи тегишли бўлган субъектлар турли-тумандир. Булар фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланган фуқаролар, юридик шахслар ва давлат (ФКнинг 2-моддаси 2-қисми) бўлиб, ана шу субъектларга тегишли мол-мулклар шартли равишда хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларига бўлинган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 167-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида мулкчиликнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1. Хусусий мулк;
2. Оммавий мулк.

Давлат мулк шакллари ривожлантириш учун зарур ҳуқуқларнинг тенглигини таъминлайди ва унинг ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Мулк шакллари бундай турқумлаштириш учун мулк субъекти мақоми ва мол-мулк режимининг узвий бирлиги асосий мезон ҳисобланади.¹

Ўз навбатида, хусусий мулк қуйидаги қўринишларда намоён бўлади:

- Яқка шахсга тегишли мулк (фуқаролар мулки);
 - Нодавлат юридик шахслар мулки;
- Оммавий мулкга қуйидагилар киради:
- Ўзбекистон Республикаси мулки;
 - Маъмурий-худудий тузилмалар мулки (муниципал мулк).

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи, –Т., ТДҶОИ. 2009. –Б.393.

Назорат учун саволлар

1. Мулк ҳукуки деганда нима тушунилади?
2. Мулк ҳукукининг объектларига мисол келтиринг?
3. Мулк ҳукуқини амалга оширишнинг чегараси нималардан иборат?
4. Мол-мулкни сақлаш маъсулияти кимга юклатилган?
5. Мулк ҳукуқининг вужудга келиш асослари қандай?
6. Национализация қайси ҳолларда амалга оширилади?
7. Реквизиция тушунчасига таъриф беринг?
8. Мол-мулкни мусодара қилиш деганда нима тушунилади?
9. Иқтисодий маънодаги мулк шакли деганда нимани тушунасиз?
10. Юридик маънодаги мулк шакли деганда нимани тушунасиз?

XVI Боб. ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ

1-§. Хусусий мулк тушунчаси ва унинг аҳамияти

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок, Ўзбекистон кучли ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини куришни, бозор муносабатлари орқали мустақкам моддий заминни шакллантиришни ва ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтиришни мақсад қилиб қўйди. Шубҳасиз, «бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти кўп укладли иктисодиётни ва рақобатлашиш муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий ташкилий шарт-шароитларини вужудга келтиришдан иборат»¹ эди. Шу сабабли иктисодий ислохотларни биринчи босқичининг ғоят муҳим вазифаси давлат мулки монополизминини тугатиш ва мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иктисодиётни реал шакллантиришдан иборат бўлди.

Мамлакатимизда бозор иктисодиёти муносабатларининг жорий этилиши туфайли фуқароларимизнинг онги тафаккури ва дунёқараши кескин ўзгарди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек "Кўпчиликка аёнки, 90 - йилларнинг бошларида аксарият одамлар бизда ҳам кимнингдир хусусий заводи ёки фермаси у ёқда турсин, кичкина дўкони бўлиши мумкинлигини ҳам тасаввур эта олмас, тасаввур этган тақдирда ҳам ўзига қабул қила олмас эди. Чунки ҳамма нарса давлат мулки бўлган эски тузумда хусусий мулкка эга бўлиш, тadbиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланиш бизга бегона бўлган тушунчалар сифатида баҳоланар эди. Бугунги кунда эса хусусий мулк тушунчасига нисбатан муносабат қандай ўзгариб, у ҳаётимиздан қанчалар чуқур жой олиб бораётганига барчамиз гувоҳмиз ва бу ҳолат ҳеч кимни хайрон қолдирмайди."²

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин» деб кўрсатилган.

Хусусий мулкнинг Асосий қонунда мустақкамланиши, унинг бозор иктисодий муносабатларида ҳуқуқий тартибга солинишини белгилайди ҳамда уни бошқа мулк шакллари билан тенг шароитларда ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Хусусий мулк бозор муносабатларининг таркиб топиши ва ривожланишида, унинг учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишда, бу муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда, уларнинг ҳатти-ҳаракатларини тартибга солишда ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш учун

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: "Ўзбекистон", 1995. - Б.45.

² Каримов И.А. Юсак маънавият -енгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2009. 69-70-бетлар.

зарур бўлган ҳуқуқий кафолатлар ва чораларни белгилашда ўзига хос муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 207-моддасига асосан хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Яъни у мерос тарикасида, ишлаб чиқаришда ўз меҳнати билан шахсан иштирок этиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, битимлар тузиш, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш тартибида ҳамда қонунда таъқиқлаб қўйилмаган бошқа асосларда олган ҳуқуқидир.

Хусусий мулк ҳуқуқи билан боғлиқ муҳим қоида шуки, хусусий мулк бўлган мол-мулк миқдор ва қиймат жиҳатдан чекланмайди. Мулкчилик муносабатлари азалдан инсонлар ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, у ҳозирги кунга қадар ҳар бир кишини қизиқтириб келган. Бу муносабатларда мулк тушунчаси, унинг шакллари ва турлари тўғрисида фикрлар ривожланиб борди. Хусусий мулк – бу хусусий шахсларга тегишли мулк бўлиб, мулкдор ўз мулкига хусусий тарзда эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади.

Амалдаги қонунчиликка асосан, хусусий мулк хусусий шахсларга тегишли бўлган, ҳар-хил асосларда ўзлаштирилаётган мол-мулклардир.

Хусусий мулк ҳуқуқи тўғрисида жуда кўп қўлаб цивилист олимлар тадқиқот олиб борганлар, жумладан: Х.Раҳмонқулов, И.Зокиров, Ш.Рўзиназаров, Х.Азизов, Р.Рўзиев, В.Эргашев ва бошқалар.

Баъзи бир цивилист олимларнинг фикрича, хусусий мулк ҳуқуқи – бу даромад олиш мақсадида ўз мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир.

Бошқа цивилист олимлар эса хусусий мулк – бу ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий шахсларга тегишли бўлишидир деб кўрсатишади.

Хусусий мулк ҳуқуқи, деб хусусий шахснинг (мулк эгасининг) ишлаб чиқириш жараёнида бевосита ва ёлланма меҳнатни қўллашда иштирок этиши ҳамда бошқа асосларда вужудга келадиган мол-мулк муносабатларини тартибга соладиган ва мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисига айтилади. Бу хусусий мулк ҳуқуқининг объектив маъносини беради. Ушбу таъриф хусусий мулк билан боғлиқ бўлган ҳамма муносабатларни ўз ичига қамраб олиб, уларни ҳуқуқ нормаларида мужассамланганини белгилаб беради.

Хусусий мулк ҳуқуқи субъектлари турли-туман ва кенг доирада бўлса ҳам уларни бирлаштирувчи белги мулкнинг вужудга келиши, ундан фойдаланиш, бошқариш, тасарруф этиш, унинг натижаларидан баҳраманд бўлишда жисмоний шахс (хусусий шахс)нинг у ёки бу даражада иштирок этиши, иштирок этганида ҳам оммавий мулкдаги каби фуқаро (давлатга мансуб шахс) ёки махсус ваколатли мансабдор шахс сифатида эмас, балки мулкдор шахс сифатида иштирок этишидир. Бундай иштирок этиш бевосита (масалан, фуқароларга тегишли мол-мулк бўйича мулкдор

ваколатларини амалга оширишда) ёки билвосита (масалан, юридик шахсни таъсис этувчиси ёки юридик шахс мол-мулкидан бахраманд бўлувчи субъекти сифатидаги ҳуқуқларни амалга оширишда) намоён бўлади. Ҳар иккала кўринишда ҳам хусусий шахсга маълум мулкый ҳуқуқлар тегишли бўлади ва у бу ҳуқуқларни ўзига хос тарзда рўёбга чиқаради.

2-§. Хусусий мулк ҳуқуқи субъектлари

Хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслардир (ФКнинг 208-моддаси).

Хусусий мулк ҳуқуқи фуқаролар ва нодавлат юридик шахслар мулки кўринишида учрайди. Фуқаро мулки хусусий мулкнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, мулкнинг бошқа турларига нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

Биринчидан, мулкдор ҳар доим конкрет шахс бўлади;

Иккинчидан, мулкдор мулкка нисбатан энг яқин бўлади ва унга таъсир қилишда қатор устунликларга эга;

Учинчидан, бундай мол-мулк ташмачилик, ўғрилиқ, хўжасизликнинг қурбони бўлиш эҳтимолидан узоқдир.

Бошқача айтганда, хусусий мулкнинг бу турини фуқароларга якка тартибда тегишли бўлган мол-мулк маъносида тушуниш мумкин. Бу мулкнинг энг асосий белгилари мол-мулкка нисбатан мулкдор якка шахс, яъни фуқаро эканлиги ва у мол-мулкка нисбатан ўз ҳуқуқларини хусусий тарзда амалга оширишга ҳақли эканлигидир. Хусусий тарзда амалга ошириш дейилганда, мулк соҳиби бўлган шахснинг бошқа ҳар қандай шахслардан рухсат олмай, ўз хоҳишига кўра мулкый ҳуқуқларни эътироф этиш ёлланма меҳнатни қўллаш асосида фойда олиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш воситаларига, корхоналарга эгалик қилиш имкониятларига йўл очди. Айни вақтда хусусий мулк ҳуқуқини фуқароларнинг ўзига якка тартибда тегишли мол-мулкка нисбатан эрки ва иродасини амалга оширишда мутлақ хоҳишини рўёбга чиқариш маъносида тушунмаслик лозим. Хусусий мулк эгаси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда атроф-муҳитга зарар етказмаслиги ва бошқа шахсларнинг манфаатларини бузмаслиги лозим.

Юқорида таъкидланганидек, барча мулк турлари ичида фақат фуқаролар мулкида мулкдор ўз мулкига энг яқин туради. Қачонки мулкдор аниқ ва муайян бўлса, ўз мол-мулкига бевосита тез ва осон таъсир кўрсатишга, назорат қилишга имкон туғилади, бундай мол-мулк эса хўжасиз қолмайди. Аксинча, мулкдорнинг доимий назорати, бошқаруви, ғамхўрлиги остида кўпайиб, ривожланиб боради. Фуқаролар мулки сифатидаги бундай хусусий мулк бозор муносабатлари тизимида талбиркорлик фаолиятининг моддий негизи мўл-қўлчилик ва фаровонлик

манбаи сифатида ўзига хос мавқега эга бўлади. Шу билан бирга мулкдорнинг ўз мулкига яқин туриши, бозор иқтисодиёти шароитида ўзгариб турувчи талаб ва таклифга тез мослашиш имконини беради.

Фуқароларга қарашли мол-мулк оила мулки кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Оила – кишиларни бир-бирлари билан қон-қариндошлик ёки никоҳ асосида биргаликда яшаб, умумий хўжалик юритувчи уюшмасидир. Оилавий мулкнинг таркибига қуйидагилар қиради: эр-хотиннинг биргаликдаги мулки; оила аъзоларининг ҳар бирига шахсан тегишли бўлган мулк, шу жумладан никоҳгача бўлган мулк; оилавий умумий мулк – оила мулки оила аъзоларининг умумий келишуви асосида бошқарилади.

Умумий қоидага кўра оила юридик шахс эмас, бироқ оила замирида деҳқон хўжалиги ташкил этилса, у юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланади. Бироқ, бу ерда оила билан деҳқон хўжалигини асло аралаштириб юбормаслик керак.

Хусусий мулк ҳуқуқининг иккинчи кўриниши – нодавлат юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқидир.

Нодавлат, яъни давлатга қарашли бўлмаган юридик шахслар мулкнинг иқтисодий мазмуни, ташкилий жиҳатдан уюшган кишилар гуруҳига моддий неъматларнинг тегишли эканлигида ифодаланади. Баъзи иқтисодий адабиётларда юридик шахслар мулки шу жамоа аъзоси ҳисобланган шахсларнинг умумий ҳиссали мулки деб кўрсатилади. Бу нотўғри. Мазкур мулкнинг субъекти фақат юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мулкида умумий мулкдаги каби кўп субъектlilik эмас, балки бир субъектlilik мавжуд. Юридик шахслар мулкнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- диний ташкилотларнинг мулки;
- жамоат фондлари мулки;
- маҳалла мулки;
- кооператив мулк;
- уй-жой мулкдорларининг ширкатлари мулки;
- хўжалик ширкатлари мулки;
- хўжалик жамиятлари мулки;
- хусусий корхоналарнинг мулки;
- фермер хўжалиқларининг мулки.

3-§. Хусусий мулк ҳуқуқи объектлари

Республикамызда иқтисодиётни эркинлаштириш борасида босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар самараси ўлароқ, хусусий мулк ҳуқуқи объектлари сафига хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахсларнинг ҳам қўшилганлиги ушбу

тармокни оммавийлаштириш, унинг кўлами ва самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамият касб этди.

И.Б.Зокировнинг таъкидлашича, “хусусий мулк ҳуқуқи субъектлари турли-туман ва кенг доирада бўлса ҳам уларни бирлаштирувчи белги мулкнинг вужудга келиши, ундан фойдаланиш, бошқариш, тасарруф этиш, унинг натижаларидан баҳраманд бўлишда жисмоний шахснинг у ёки бу даражада иштирок этиши, иштирок этганда ҳам оммавий мулкдаги каби фуқаро (давлатга мансуб шахс) ёки махсус ваколатли мансабдор шахс сифатида эмас, балки мулкдор шахс сифатида иштирок этишидир”¹.

Шу нуктаи-назардан қараганда, объектсиз ҳуқуқ бўлмаганидек, жисмоний ва юридик шахсларнинг хусусий мулк ҳуқуқи ҳам муайян объектсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бу борада ҳам цивилист олимлар ўртасида бир қатор тортишув ва баҳс-мунозаралар мавжуд.

Баъзи олимлар хусусий мулк ҳуқуқи объектларини кенг маънода тушуниш кераклигини таъкидласалар, айримлари буни тор доирада талқин этишга ҳаракат қилишади².

Масалан, аввалги Гражданлик кодексида мулк ҳуқуқининг объектлари билан боғлиқ муносабатларни атиги 5 модда тартибга солган бўлиб, унда кўрсатилган объектлар “фақат алоҳида рухсатлар билан олинishi” ёки “белгиланган тартиб ва доиралардагина олди-сотди буюми бўлиши” мумкинлиги ҳақида қоидалар назарда тутилган эди. Олди-сотди муомаласидан чекланган амёллар, буюмлар хусусий мулк ҳуқуқи объекти бўлиши мумкин эмас эди.

Агар хусусий мулк ҳуқуқи тарихига назар ташласак, фуқароларни хусусий мулк ҳуқуқининг объектларига дастлаб бир жойдан иккинчи жойга кўчириб бўладиган мол-мулклар киритилган эди. Кейинчалик хусусий мулк ҳуқуқининг ривожланиши бир жойдан иккинчи жойга кўчириб бўлмайдиган (кўчмас) мулкни ҳам фуқароларни хусусий эгаллигида бўлишлилигини белгилади. Бу даврда хусусий мулк ҳуқуқининг объектларига ҳатто ҳуқуқи чекланган фуқаролар ҳам киритилган эди. Бу эса хусусий мулкнинг салбий хусусияти бўлиб, у ўша пайтда мавжуд даврнинг сиёсий-иқтисодий шарт-шароитлари билан белгиланган.

Жамият ҳаёти ўзгариши билан хусусий мулк ҳуқуқининг объектлари ҳам тез суръатда кенгайиб борган. XIX асрнинг охири XX аср бошларига келиб деярли у барча фуқаролик ҳуқуқи объектларини қамраб олди. Хусусан, Поль Лафаргнинг эътироф этишича, “Бу даврда хусусий мулк ўзининг энг юқори ривожланиш чўққисига етган”³.

Умуман айтганда, дунё ҳамжамияти ҳаётига замонавий бозор муносабатларининг кириб келиши, фуқароларда мол-мулкка нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгариши, қолаверса, жамият ва давлатда

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т., ТДЮИ. 2009. –224–225-б.

² Суханов Е.А. Лекция о праве собственности. –М.: Юр лит-ра, 1991. С. 141

³ Лафарг Поль. Собственность и его присхождение. –М.: “Политиздат” 1959. С. 180.

манфаатдорлик ҳиссининг кучайиб бориши билан ҳам хусусий мулк ҳуқуқини эркинлаштириш, унинг объектлари ва субъектларига кенг йўл очиб беришни талаб этди. Бу ҳар қайси ривожланган ёки ривожланаётган давлатлар тажрибасида учрайдиган қонуниятдир.

Юқориди айтганимиздек, фуқаролик ҳуқуқи назарияси тарихида мулк ҳуқуқи объектлари олимлар диққат марказида бўлиб келган долзарб муаммо ҳисобланиб, турли хил қарашлар шаклланган. Хусусан, В.И.Синайский фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтирувчи ҳар қандай юридик факт фуқаролик ҳуқуқи объекти бўлиши мумкин деб ҳисоблаган.

Г.Ф.Шершеневич эса бу ҳақда қуйидаги фикрни билдирган: фуқаронинг қонуний манфаатларига хизмат қилувчи ҳар қандай манба фуқаролик ҳуқуқининг объекти бўлиши мумкин. Булар ашёлар, моддий ва номоддий неъматлар, ишлар ҳамда хизматлардир.

Фуқаролик ҳуқуқининг эркин намоёндаларидан бири В. М. Хвостов ҳам ушбу фикрга қўшимча равишда шундай фикр билдирган: Фуқаронинг шахсан ўзига тегишли бўлган ҳар қандай нарса фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объекти бўлиши мумкин¹.

Гарчи ушбу назариялар бир-бирига қарама-қарши, тор ёки кенг маънода фуқаролик ҳуқуқи объектларига оид ғояларни жамлаган бўлсада, ўз даврида ҳар иккала йўналиш ҳам замонавий фуқаролик ҳуқуқи тизими ҳамда институтларининг вужудга келиши ва ривожланишида муҳим рол ўйнаган.

Ҳозирги кунда аксарият цивилист олимлар фуқаролик ҳуқуқининг асосий объектлари моддий ва номоддий неъматлардан иборат деб ҳисоблашади².

Фуқаролик ҳуқуқи, шу жумладан, хусусий мулк объектлари деганда жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини ифода этувчи, улар манфаатига хизмат қилувчи қонун билан таъқиқланмаган ёки чекланмаган ҳар қандай моддий ва номоддий неъматларга айтилади.

Хусусий мулк ҳуқуқи объектлари доираси ниҳоятда кенг ва хилма-хилдир. Уларнинг барчасини ягона ҳуқуқий мақомга келтириш мумкин эмас. Бирок, бу объектлар доирасини белгилашни ҳозиргидек тарқоқ ҳолдаги меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиш мақсадга мувофиқ эмас.

Умумий қоидага кўра, қонунда таъқиқланмаган ва чекланмаган ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк объекти бўлиши мумкин. Хусусий мулк объектлари орасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ер участкалари,

¹ Астахова М.А. Объект субъективного гражданского права: понятие и признаки. –М., Гражданское право. Научно-практический журнал №2. 2006. С.2–3

² Общая теория права: Учебник /Под Ред. А.Пиголкина. М.: 1995. С. 249; Протасов В.Н. Правоотношение как система. М.: 1991. Ст. 89.

дала ховлилари, транспорт воситалари ҳамда бошқа ашёлари алохида ўрин тутади.

Ернинг хусусий мулк ҳуқуқининг объекти бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам олимларнинг кўплаб тортишув ва баҳс-мунозараларига сабаб бўлган. Хусусан, баъзи олимлар “ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини тасарруф этиш ҳуқуқисиз жорий этишни тақлиф этсалар”¹, бошқалар эса маълум муддат ўтгандан сўнг ерни сотиш ҳуқуқи берилишини ёки ҳеч бир чекловларсиз жорий этилиши лозимлигини билдиришади².

Мамлакатимиз қонунчилиги билан эса ернинг ҳуқуқий мақоми катъий равишда белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат мухофазасидадир.

Ер умумдавлат мулкининг объекти бўлганлиги боис бошқа ашёларга нисбатан унга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда хусусий мулк ҳуқуқи объекти бўлиши мумкин бўлган объектлар турлари кўпайиб бормоқда. Бу ҳолат бир томондан бозор муносабатларининг ривожланиб бориши натижасида, илгари хусусий мулк бўлиши мумкин бўлмаган объектларнинг ваколатли давлат органининг қарори билан хусусий мулк объектига айлантрилиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан фан ва техниканинг ривожланиб бориши билан боғлиқдир. Мазкур ҳолатлар хусусий мулкни ҳимоя қилишга нисбатан бир қатор янги қоидаларни татбиқ этишни талаб этади.

Назорат учун саволлар

1. Хусусий мулк ҳуқуқи тушунчасига таъриф бering?
2. Хусусий мулк ҳуқуқи субъектларини санаб бering?
3. Маҳалла мулки қандай маблаглар ҳисобидан шаклланади?
4. Хусусий корхоналар мулки деганда қандай мулк тушунилади?
5. Хусусий мулк ҳуқуқи объектларини санаб бering?
6. Маҳалла мулкига таъриф бering?
7. Кооператив мулк нима?
8. Ижара корхонасининг мулкига мисол келтиринг?
9. Хўжалик ширкати ва жамияти мулкининг моҳиятини тушунтириб бering?
10. Диний ташкилотларнинг мулки тушунчасини изоҳланг?

¹ Рахметов Е.Ш. Право собственности в условиях перехода к рыночной экономике. //Правоведение. 1991. – №3. С. 107.

² Крассов О.И. Право частной собственности в США. //Государство и право. 1993. №2. С. 97–105.

ХVII Боб. ОММАВИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ

1-§. Оммавий мулк ҳуқуқи тушунчаси ва турлари

Умумий қоидага кўра, давлат мавжуд бўлишининг ва ўз функция хамда вазифаларини амалга оширишининг зарурий шартларидан бири – бу давлатнинг муайян микдорда мол-мулкининг бўлиши ҳисобланади. Бу ҳолат ҳар қандай жамият учун ҳосдир. Фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари каби давлат ҳам муайян мол-мулк эгаси ҳисобланганлиги учун фуқаролик ҳуқуқининг тўлақонли субъекти сифатида эътироф этилади.

Республикамиздаги туб ўзгаришлар ва ислохотлар самараси ўлароқ ҳозирги шароитда давлат мол-мулкининг қисқартирилиши давлат мулк ҳуқуқини ўрганишга бўлган эътиборни ҳамда жамиятда ва ижтимоий турмушдаги давлат мулкининг аҳамиятини камайтирмади, аксинча, бозор иқтисодиёти шароитида давлат мол-мулкининг тушунчаси, ҳуқуқий мақоми, давлат мулкининг объектлари ва субъектлари масалаларини янгича талқин этишни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи-назардан давлат мулк ҳуқуқи масаласини тадқиқ этишда ушбу мулк шаклининг зарурияти ҳақида фикр юритиш жоиз.

Маълумки, жамиятдаги мавжуд моддий неъматларнинг тўғри тақсимланган-тақсимланмаганлигига қараб, жамият ва давлатнинг иқтисодий ривожланиши белгиланади. Бу ҳол мамлакатнинг равнақида, аҳоли турмушининг фаровонлигини оширишда яққол кўзга ташланади. Зеро, ҳар қандай давлат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун ижтимоий муносабатлар субъектлари ўртасида моддий неъматларнинг қай даражада бўлинганлиги энг муҳим омил саналади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ҳам, гарчи уларда ҳўжаликни марказлаштирилган бошқаруvidан воз кечилганлиги умумэътироф этилган қоида ҳисобланса-да, давлат мулкининг мамлакатнинг асосий ишлаб чиқариш фондларидаги улуши катта ҳисобланади. Бу ҳолат айниқса, транспорт ва алоқа, атом энергетикаси, ҳарбий-саноат соҳаларида яққол кўзга ташланади.

Давлатда муайян даражадаги мол-мулкнинг мавжуд бўлиши бир қатор омиллар билан боғлиқдир.

Ҳуқуқшунос олим И. Б. Зокировнинг фикрича, давлат мулки зарурлигининг объектив сабаблари куйидагилардан иборат:

1. Давлат органлари фаолиятини ташкил этиш;
2. Давлат хавфсизлиги ва мудофаа учун;
3. Илм-фан ва маданиятни таъминлаш;
4. Кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;
5. Табиий офатларга ва фавқулодда ҳолатларга қарши кураш ва оқибатларни бартараф этиш;

6. Баъзи тармоқларда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш (масалан, атом, ёнилғи энергияси ва ш.к.)

Хуқуқшунос олим Ю.К.Толстойнинг фикрига кўра, давлатнинг мулки сифатида ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектларнинг қатъи қисми сақланиб қолишини қуйидаги икки омил билан изохлаш мумкин:

Биринчидан, кейинчалик нималар бўлишини олдиндан билиб бўлмайдиган дунёда ҳар бир давлат ўз хавфсизлигини ўйлаши керак. Бу нафақат ҳарбий соҳада, балки техноген, экологик, санитария-эпидемиология, ишлаб чиқариш, озиқ-овқат соҳасидаги хавфсизликдир.

Иккинчидан, давлат кенг миқёсдаги ижтимоий функцияларни ҳам бажарадики, бу вазифаларни бажаришда етарли даражада, моддий-техникавий ва молиявий база бўлиши зарур.

Хуқуқшунос олим Х.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, давлат мулки нафақат ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш ва аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун, балки давлат ва унинг органларининг мавжуд бўлиши ҳамда уларнинг ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарурдир.¹

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, давлат мол-мулкининг мавжудлиги шу давлатда яшовчи фуқароларнинг умумий манфаатларини амалга ошириш, ҳалқ эрк-иродасини бажариш билан боғлиқ бўлади, деган умумий хулосага келиш мумкин. Зеро, “давлат” – деб аталувчи мураккаб тузилма бажарадиган ва амалга ошириши лозим бўлган вазифа ва ҳаракатлар шунчалик серқирраки, уларни ўзгача ифодалаш нотўғри бўлур эди.

Адабиётларда таъкидланишича бу фикрлардан мамлакатда мавжуд бўлган барча мол-мулк давлат қўлида бўлиши зарур экан, – деган фикрга келиш керак эмас.² Чунки, собиқ Иттифок тузуми даврида ўтган 70 йиллик тажриба шунни кўрсатдики, мулкни ҳаддан ташқари марказлаштириш ва жамиятнинг барча муаммоларини давлат зиммасига юклаш ҳамда давлатнинг нималарга қодирлигини четдан кузатиб туриш охир-оқибат иқтисодий таназзулга олиб келди. Зеро, “қайта қуриш”гача бўлган даврда давлатнинг қўлида мавжуд моддий неъматларнинг 90% дан кўпрогининг тўпланиб қолиши иқтисодий муносабатларнинг турғунлашувига сабаб бўлганлиги аччиқ ҳақиқатдир. Бундан ташқари мулкнинг давлат ихтиёрида марказлашуви хўжасизликка, унинг талон-тарож қилинишига, кўпайтириш ўрнига ўзлаштиришга учради. Бу ҳолатлар мулкни давлат қўлида бундай даражада (собиқ Иттифокда бўлгани каби) тўпланишининг иқтисодиёт учун, кишиларнинг мулкка бўлган муносабатлари учун салбий таъсир

¹ Раҳмонқулов Х.Р. Законодательные источники гражданского право Республики Узбекистан и задача его совершенствование. Конференция материаллари. –Т., ТДЮИ.2004. –Б.10.

² Зокиров И.Б., Оқолов О. ва бошқалар. Мулк ҳуқуқи. –Т., ТДЮИ. 2006. –Б.126.

кўрсатиши билан бирга, иқтисодий ривожланишнинг тўхтаб қолишига, тургун бўлишига ҳам олиб келди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Республикамизда мулк ислохоти ўтказиш зарурияти юзага келди. Бу ислохотнинг асосий мақсадларидан бири давлатнинг қўлида туғгани қолган мол-мулк (умуммиллий бойликларни ёхуд жамиятга тегишли моддий неъматларнинг деярли ҳаммаси ҳисобланган мол-мулк)ни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектлари ўртасида қайта тақсимлаш эди. Зеро, давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши керак эканлиги айна ҳақиқатдир.

Ана шу мақсадда дастлаб 1990 йил 31 октябрда “Мулкчилик тўғрисида”ги қонун, 1991 йил 19 ноябрда “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонулар қабул қилинди. Агар “Мулкчилик тўғрисида”ги қонунда мулкнинг хусусий мулк, ширкат (жамоа) мулки, маъмурий-худудий тузилмаларнинг мулкidan (коммунал мулкдан) иборат давлат мулки, бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки каби шакллари кўрсатилиши орқали мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг ҳуқуқий замини яратилган бўлса, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунда бу жараённинг ҳуқуқий асослари, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга оширишнинг усул ва воситалари мустаҳкамланди.

Ушбу қонунга мувофиқ, давлат тасарруфидан чиқариш давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир.

Хусусийлаштириш – жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулк объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишдир.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш нафақат бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан иккинчисига ўтганда кузатилади, балки доимий равишда амалга оширилиши лозим бўлган жараён ҳисобланади. Ҳозирги кунда мулкни хусусийлаштириш нафақат собиқ Иттифоқ Республикаларида, балки иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва ривожланаётган Буюк Британия, Франция, Япония, Филиппин сингари мамлакатларда ҳам амалга оширилмоқда. Бу ҳол айниқса, иқтисодиётда давлат секторининг салмоғи анча юқори бўлган мамлакатларда бозор муносабатларини ривожлантиришга хос табиий жараёндир. Давлат иқтисодиётнинг кўпинча иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган, бироқ бутун мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнайдиган айрим секторларини, айрим корхоналарни қўллаб-қувватлаши ҳамда уларни сақлаб туриш ва маблағ билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олиши керак. Улар

иктисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, барқарор ишлай бошлагач, хусусий мулк қилиб берилади.

Дарҳақиқат, давлат мулкни хусусийлаштириш орқали мулкчилик муносабатларидagi монополияга барҳам бериш ва иктисодиётда кўп укладли соғлом рақобатга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга эришиш энг асосий вазифалардан бири эди. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ёндашувнинг муҳим хусусияти—уни дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширишдан иборатлигидадир.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичида, давлатга тегишли бўлган уй-жойлар шу уйларда ижарада турувчиларга хусусийлаштирилиб берилди ҳамда майда маиший хизмат кўрсатиш корхоналари савдога қўйилди.

Гарчи ҳозирги кунда хусусийлаштиришнинг учинчи босқичи давом этаётган бўлсада, мазкур муносабатларни такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда. Бу ҳолат, айниқса, хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвесторларнинг иштироки масаласида яққол сезилмоқда. Фикримизча, шу муносабат билан хусусийлаштиришда иштирок этиш истагидаги хорижий инвесторларга имтиёз ва кафолатлар бериш, шу билан бирга, хусусийлаштиришни амалга ошираётган давлат органларининг бу борадаги ҳуқуқлари ва ваколатлари аниқ кўрсатилиши зарур.

Амалдаги қонун ҳужжатларида ва юридик адабиётларда “давлат мулк ҳуқуқи” тушунчаси ибораси учрамайди. Давлат мулкни тадқиқ этган деярли барча юридик адабиётларда давлат мулкнинг зарурияти, давлат мулкнинг субъектлари ва объектлари ҳамда бошқа ҳолатлар ёритилса-да, айнан давлат мулк ҳуқуқи тушунчаси баён этилмайди.

ФКнинг 164-моддасига мувофиқ, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, давлат мулк ҳуқуқи тушунчасига қуйидагича илмий-доктринал таъриф бериш мумкин:

-давлат мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатлари асосида давлатга қарашли бўлган мол-мулкка давлат органларининг ва давлат томонидан тузилган юридик шахсларнинг аниқ йўналтирилган ва олдиндан белгилаб қўйилган максадни кўзлаб эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф тасарруф этиши ҳамда давлат мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат.

Гарчи ушбу таъриф амалий жиҳатдан унча ахамиятли ҳисобланмасада, назарий ва илмий жиҳатдан муайян маъно касб этади. Зеро, тушунча ва ибораларнинг таърифланиши уларнинг маълум маънода бир-биридан фарқланишига ёрдам беради.

Давлат мулки ҳам бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат химоясидадир (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси 2-қисми). Давлат мулкининг химояланганлигини унинг бошқа мулк шакллари каби бир хил ҳуқуқий мақомга эга эканлигида кўриш мумкин. Зеро, давлат мулкдор сифатида ўз мулкининг дахлсизлигини ўзига қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Умумий қоидага кўра, ҳар қандай мулк шаклининг ҳуқуқий мақоми мазкур мулкнинг объекти ва субъекти орқали ифодаланади. Давлат мулк ҳуқуқининг мақоми ҳам давлат мулк ҳуқуқининг субъектлари ва объектлари орқали аниқланади.

Давлат мулкининг мулкдори, яъни субъекти умумэтироф этилган қоидага кўра, шу давлатнинг ҳалқи ҳисобланади, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси мулкининг мулкдори ҳам Республика ҳалқидир. Зеро, ҳалқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи сифатида ўзининг ушбу ҳуқуқини (яъни, мулк ҳуқуқини) давлат ҳокимиятига беради ва у орқали амалга оширади. Бу ҳолат давлатнинг мулкдорга тегишли барча ваколатлар эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этишга эга бўлишини ҳамда давлат бу ваколатлардан омма манфаатлари йўлида фойдаланиши лозимлигини ифодалайди.

Собиқ Иттифоқ даврида давлат мулкининг битта ва ягона мулкдори давлат ҳисобланарди. Зеро, давлат мулки бўлинмас ва ягона фонд (жамғарма) ни таъкил этар ва бу фондининг ягона мулкдори ҳам давлат ҳисобланарди. Гарчи давлат мулкни бошқаришни амалга оширувчи махсус органлар мавжуд бўлсада, собиқ Иттифоқ давридаги мулкнинг бу даражада марказлашуви ва мулкдорнинг бундай кўринишда мавхумлаштирилиши мулкка нисбатан мутлақо нотўғри ёндашув эди. Зеро, давлат мулкининг ҳўжасизликка учрашига ва талон-тарож бўлишига айнан шу омиллар сабаб бўлди. Тўғри, давлат мулки ҳар доим ягона ва бўлинмас фонд (бюджет, давлат захираси, давлатнинг асосий ва айланма маблағларининг мажмуи) га бирлаштирилган (ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам шундай) ва бундай бирлашув ўзини оқлаган

Давлат мулкни тасарруф этишда давлат органлари қонун ҳужжатларида белгилаб кўйилган ўз ваколатлари доирасида фаолият юритадилар. Маълумки, фуқаролик ҳуқуқининг объектлари муомалада бўлишига кўра: фуқаролик муомаласидан чиқарилган объектлар, муомалада бўлиши чекланган объектлар ва фуқаролик муомаласидаги объектларга бўлинади. Лекин объектларнинг бундай ҳаракат асосида субъектга тегишли бўлиши ҳолати давлатга тааллуқли бўлмайди. Объектнинг муомалада эркин ҳаракатда бўлиши ёки унинг ҳаракати чекланганлиги ёхуд ҳаракатдан чиқарилганлигидан қатъий назар, давлат мулки бўлади.

Буни қуйидагича асослаш мумкин:

биринчидан, фуқаролик ҳуқуқи объектларининг муомалада бўлиши, чекланиши ёки муомаладан чиқарилишини давлат ва унинг органлари белгилайди;

иккинчидан, объектларнинг муомалада бўлиши давлат томонидан муайян мақсадларда (умумҳалқ манфаатларини кўзлаб) чеклаб қўйилади ёки муомаладан чиқарилади. Масалан, ўқотар қуроллар, портловчи моддаларнинг эркин фуқаролик муомаласидан чиқарилиши аҳолининг ва фуқароларнинг хавфсизлигини ўйлаб амалга оширилган бўлса, ов милтигининг ҳаракати чекланиши (тегишли рухсатнома асосида ҳаракатда бўлиши) бундай ашёга эгалик қилишдан олдин махсус хавфсизлик чораларини ўргатиш ва объектдан қандай фойдаланиш лозимлигини мулкдорга тушунтириш учун амалга оширилади;

учунчидан, давлат табиат томонидан бунёд этилган ёки инсон меҳнати билан яратилган ҳар қандай моддий неъматлар (ашёлар) нинг ягона ва яқка мулкдори сифатида уларнинг жамиятдаги кишилар ўртасидаги тақсимоти ва ҳаракатланишини назорат қилади;

тўртинчидан, фуқаролик муомаласидан катъий назар, объектнинг давлат мулки бўлиши ҳолати давлатнинг ҳалқ ҳокимиятини амалга оширувчи субъектчилиги билан характерланади.

Ушбу қоидалар фақатгина Республика мулки объектларига тааллуқлидир. Умумий қоидага кўра, давлат мулки Республика мулки ва маъмурий-худудий тузилмалар мулкидан иборат бўлади. Лекин кўпчиликнинг тасавурида давлат мулки деганда, одатда, Республика мулки тушунилади. Зеро, давлат мулки хусусий мулкка қараганда ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради ҳамда давлат мулки объектларининг доираси айнан ижтимоийлик асосида аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси ва ФКнинг 214-моддасига мувофиқ, ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа фондлари республика мулкидир, шунингдек, корхоналар ва бошқа мулквий комплекслар, ўқув, илмий, илмий - тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти булар бюджет ёки давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса, бошқа мол-мулк республика мулки бўлиши мумкин.

Цивилист олим Ш. М. Асяновнинг таъкидлашича, давлат мулки объектлари бўлиб мамлакат миллий бойлигининг асосини ташкил этувчи объектлар эътироф этилади. Дарҳақиқат, давлат мулки объектлари айнан уларнинг миллий бойлик эканлиги билан ифодаланади. Барча макон ва замонларда, ҳар қандай давлат мулкининг бирламчи ва асосий объекти шу давлатга тегишли ҳудудни ташкил этадиган ер майдони, табиий

бойликлар, турли маъданлар ва қимматбаҳо тошларни казиб олиш билан шуғулланадиган конлар, шу давлат худудидан оқиб ўтувчи дарёлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бир сўз билан айтганда, табиий бойликлар хисобланган. Гарчи Октябр тўнғаришидан илгари Ўзбекистон Республикаси худудида ҳам ер, ер ости бойликларига нисбатан хусусий мулк мавжуд бўлган бўлсада, бундай ерлар ва ер ости бойликлари жудда кам миқдорда эди. Октябр инқилобидан кейин собиқ Иттифок Хукуматининг қарорлари билан бошқа мулклар қатори ер ва ер ости бойликлари нациоанализация қилиниши оқибатида табиий ресурсларга нисбатан ҳам давлат мулки жорий этилди ва ҳозирга қадар бу объектларга нисбатан давлат мулк ҳуқуқи сақланиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига биноан ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. Амалдаги Ер кодексининг 16-моддасига мувофиқ эса, ер давлат мулки – умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳада этилмайди, гаровга қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ер кодекси ерга нисбатан давлатнинг мутлоқ мулк ҳуқуқини ўрнатади ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга эса ерга нисбатан ашёвий ҳуқуқларни белгилайди. Шу ўринда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ерга нисбатан Ер кодексида белгиланган бир бахсли жиҳат ҳақида тўхталиб ўтиш зарур. Ер кодексининг 17-моддасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер участкасига нисбатан мулкый ҳуқуқлари баён этилган бўлиб, “мулк ҳуқуқи” асосида ер участкасига эгалик қиладилар, – деб баён этилган.

Фуқаролик кодексида таъкидланишича, Республика мулки ва маъмурий-худудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат бўлган давлат мулки оммавий мулкдир.

Ўзбекистон Республикасида оммавий (давлат) мулкининг қуйидаги турлари мавжуд:

а) Ўзбекистон Республикаси мулки:

-давлатга мутлоқ мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк: ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар;

-давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа фондлари республика мулкидир, шунингдек, бошқа мулкый комплекслар, ўқув, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти булар бюджет ёки

давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса, бошқа мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Республика Президенти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки улар махсус вакил қилган органлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тасарруф қиладилар (ФКнинг 214-моддаси).

Республика молки бўлган мол-мулк давлат юридик шахсларига ҳўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин.

Республика мулки республика бюджетига тушадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлардан, шунингдек қонунларда назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

б) Маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулки:

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал ҳўжалик, корхоналар ва бошқа мулкый комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек бошқа мол-мулк муниципал мулк бўлади.

Муниципал мол-мулкни қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки улар вакил қилган органлар тасарруф этадилар.

Муниципал мулк бўлган мол-мулк юридик шахсларга ҳўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин.

Муниципал мулк маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлардан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

2-§. Оммавий мулкнинг зарурати ва манбалари

Оммавий мулк, яъни давлат мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатлари асосида давлатга қарашли бўлган мол-мулкка давлат органларининг ва давлат томонидан тузилган юридик шахсларнинг аниқ йўналтирилган, олдиндан белгилаб қўйилган мақсадни кўзлаб эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши ҳамда давлат мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат.¹

Давлат мулки мулкнинг мустақил шакли ҳисобланади. Давлат мулки зарурлигининг объектив сабаблари қуйидагиларда намоён бўлади:

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини ташкил этиш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини ташкил этиш;
- давлат хавфсизлиги ва мудофаа эҳтиёжлари;
- илм-фан ва маданиятни таъминлаш;

¹ Зокиров И.Б., Окюлов О. ва бошқалар. Мулк ҳуқуқи, -Т., ТДҲО. 2006. –Б.129

-кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;
-табiiий офатларга ва фавқулодда ҳолатларга қарши кураш ва унинг оқибатларини бартараф этиш;
-баъзи тармоқларда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш (масалан, атом, ёнилги энергияси каби).

Давлат мол-мулки қуйидаги манбалардан шаклланади:

- солиқлар;
- махаллий йиғимлардан;
- ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган даромаддан;
- кредитлар ва заёмлардан;
- давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган даромадлардан;
- национализациядан;
- реквизициядан;
- мусодарадан;
- топилмалардан;
- хазиналардан;
- эғасиз ашёдан;
- турли шартномалардан;
- хорижий мамлакатларда кўчмас мулк сотиб олишдан ва ҳоказо.

3-§. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, иқтисодиётнинг бозор шаклини танлаши билан собиқ тоталитар тузум давридаги иқтисодиётни маъмурий воситалар орқали бошқариш, фуқаролик муомаласида давлат гегемонлигидан воз кечишга асосланган иқтисодий-ҳуқуқий ривожланиш йўлини белгилаб олди. Бунда, айниқса, мулкий ислохотларни ўтказиш ва мулкчиликка нисбатан бозор иқтисодиётига хос бўлмаган муносабатларни тубдан ўзгартириш, моддий неъматлар тақсимотини тўғри йўлга қўйиш ва иқтисодий муомала субъектларининг мулкий мустақиллигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этди. Мамлакатимизда амалга оширилган дастлабки мулкий ислохотлар замирида иқтисодий муносабатлардаги давлатнинг мулкдорлик мавқеини ўзгартириш ва мулкдорлар қатламини шакллантириш ётар эди. Шу муносабат билан амалга оширилган дастлабки мулкий ислохотлар давлатга тегишли мол-мулкларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришга қаратилган бўлиб, бу соҳадаги илк қадам давлатга тегишли турар жойларни ушбу турар жойларда истиқомат қилаётган фуқароларга имтиёзли шартлар асосида хусусийлаштириб бериш бўлди.

Албатта, мазкур жараёни ўтказиш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш асоси сифатида фуқаролик-ҳуқуқий воситалар муҳим ўрин тутди. Бинобарин, хусусийлаштириш нафақат мазкур фаолиятни амалга оширишга ваколатли давлат органининг хусусийлаштириш тўғрисидаги маъмурий-ҳуқуқий ҳужжати, балки ҳақ тўлашга асосланган ёки текинга

мулк килич бериш шарт билан давлат ордери бериш йули орқали амалга оширилган.

Мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш босқичма-босқич амалга оширилиши белгиланди. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, иқтисодий ислохотлар биринчи босқичнинг фоят муҳим вазифаси давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодийни реал шакллантиришдан иборат эди¹.

Эътироф этиш лозимки, хусусийлаштиришнинг дастлабки даврларида уй-жойларни хусусий мулкка айлантириш оммавий ва стихияли тарзда кечган. Бунда асос сифатида фуқаронинг муайян турар жойда рўйхатдан ўтганлиги муҳим аҳамият касб этган. Гарчи, ўтган 20 йил мобайнида давлатга тегишли турар жойларнинг катга қисми хусусийлаштирилган бўлса-да, бугунги кунда ҳам бу жараён давом этаётганлиги мазкур ҳуқуқий муносабатни тартибга солишнинг изчил, самарали механизмини ишлаб чиқиш заруратини кўрсатади. Zero статистик маълумотларга қараганда, ҳозирги кунга қадар давлат уй-жой фондининг 90% дан кўпроғи хусусийлаштириб бўлинган². 2008 йил мобайнида давлатга тегишли 215 та турар жой биноси хусусийлаштирилганлиги фикримизнинг далилидир³.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўпгина бозор иқтисодийига асосланган мамлакатларда, шу жумладан МДҲ ва Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган жараёнлардан биридир.

Ҳозирги кунда кенг қўламда хусусийлаштириш жараёни амалга оширилмоқда, яъни давлат мулки жисмоний ва юридик шахсларнинг хусусий мулкига ўтказилмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчилар билан уйғунлашиб, мулк бозор муносабатларида ўзининг ҳақиқий мазмунини касб этмоқда.

Ҳар қандай ислохотларнинг кафолатли амалга оширишнинг асосий шартларидан бири уларнинг ҳуқуқий негизини яратишдан бошланади. Иқтисодий ислохотлар қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилгандагина улар муайян натижа беради ва орқага чекиниш юз бермайди. Шунинг учун ҳам ислохотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш бир қанча муҳим йўналишлар бўйича амалга оширилади. Мазкур йўналишлардан бири мулкдорликка асос соладиган қонунлар мажмуини яратишга қаратилган эди. Шу билан бирга, инсонларни мулкка бўлган муносабатларини ўзгартирмасдан туриб қўзланган мақсадга эришиб бўлмаслиги ҳам аён эди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. -Т: Ўзбекистон 1995. -46 б.

² <http://www.gki.uz>

³ Давлат статистика Қўмитасининг 2008 йил якунлари ҳақидаги Маълумотномаси.

- кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;
- табiiй офатларга ва фавқулодда ҳолатларга қарши кураш ва унинг оқибатларини бартараф этиш;
- баъзи тармоқларда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш (масалан, атом, ёнилғи энергияси каби).

Давлат мол-мулки куйидаги манбалардан шаклланади:

- солиқлар;
- махаллий йиғимлардан;
- ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган даромаддан;
- кредитлар ва заёмлардан;
- давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган даромадлардан;
- национализациядан;
- реквизициядан;
- мусодарадан;
- топилмалардан;
- хазиналардан;
- эғасиз ашёдан;
- турли шартномалардан;
- хорижий мамлакатларда кўчмас мулк сотиб олишдан ва ҳоказо.

3-§. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, иқтисодийнинг бозор шаклини танлаши билан собиқ тоталитар тузум давридаги иқтисодийни маъмурий воситалар орқали бошқариш, фуқаролик муомаласида давлат гегемонлигидан воз кечишга асосланган иқтисодий-ҳуқуқий ривожланиш йулини белгилаб олди. Бунда, айниқса, мулкий ислохотларни ўтказиш ва мулкчиликка нисбатан бозор иқтисодиётига хос бўлмаган муносабатларни тубдан ўзгартириш, моддий неъматлар тақсимотини тўғри йўлга қўйиш ва иқтисодий муомала субъектларининг мулкий мустақиллигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этди. Мамлакатимизда амалга оширилган дастлабки мулкий ислохотлар замирида иқтисодий муносабатлардаги давлатнинг мулкдорлик мавқеини ўзгартириш ва мулкдорлар қатламини шакллантириш ётар эди. Шу муносабат билан амалга оширилган дастлабки мулкий ислохотлар давлатга тегишли мол-мулкларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришга қаратилган бўлиб, бу соҳадаги илк қадам давлатга тегишли турар жойларни ушбу турар жойларда истиқомат қилаётган фуқароларга имтиёзли шартлар асосида хусусийлаштириб бериш бўлди.

Албатта, мазкур жараёни ўтказиш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш асоси сифатида фуқаролик-ҳуқуқий воситалар муҳим ўрин тутди. Бинобарин, хусусийлаштириш нафақат мазкур фаолиятни амалга оширишга ваколатли давлат органининг хусусийлаштириш тўғрисидаги маъмурий-ҳуқуқий ҳужжати, балки ҳақ тўлашга асосланган ёки текинга

мулк килиб бериш шарти билан давлат ордери бериш йўли орқали амалга оширилган.

Мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш босқичма-босқич амалга оширилиши белгиланди. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг гоят муҳим вазифаси давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат эди¹.

Эътироф этиш лозимки, хусусийлаштиришнинг дастлабки даврларида уй-жойларни хусусий мулкка айлантириш оммавий ва стихияли тарзда кечган. Бунда асос сифатида фуқаронинг муайян турар жойда рўйхатдан ўтганлиги муҳим аҳамият касб этган. Гарчи, ўтган 20 йил мобайнида давлатга тегишли турар жойларнинг катта қисми хусусийлаштирилган бўлса-да, бугунги кунда ҳам бу жараён давом этаётганлиги мазкур ҳуқуқий муносабатни тартибга солишнинг изчил, самарали механизмини ишлаб чиқиш заруратини кўрсатади. Зеро статистик маълумотларга қараганда, ҳозирги кунга қадар давлат уй-жой фондининг 90% дан кўпроги хусусийлаштириб бўлинган². 2008 йил мобайнида давлатга тегишли 215 та турар жой биноси хусусийлаштирилганлиги фикримизнинг далилидир³.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўпгина бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда, шу жумладан МДҚ ва Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган жараёнлардан биридир.

Ҳозирги кунда кенг қўламда хусусийлаштириш жараёни амалга оширилмоқда, яъни давлат мулки жисмоний ва юридик шахсларнинг хусусий мулкига ўтказилмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчилар билан уйғунлашиб, мулк бозор муносабатларида ўзининг ҳақиқий мазмунини касб этмоқда.

Ҳар қандай ислохотларнинг кафолатли амалга оширишнинг асосий шартларидан бири уларнинг ҳуқуқий негизини яратишдан бошланади. Иқтисодий ислохотлар қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилгандагина улар муайян натижа беради ва орқага чекиниш юз бермайди. Шунинг учун ҳам ислохотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш бир қанча муҳим йўналишлар бўйича амалга оширилди. Мазкур йўналишлардан бири мулкдорликка асос соладиган қонунлар мажмуини яратишга қаратилган эди. Шу билан бирга, инсонларни мулкка бўлган муносабатларини ўзгартирмасдан туриб қўзланган мақсадга эришиб бўлмаслиги ҳам аён эди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т: Ўзбекистон 1995. -46 б.

² <http://www.gki.uz>

³ Давлат статистика Қўмитасининг 2008 йил январи ҳақидаги Маълумотномаси.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий моҳияти жамиятдаги мулкни ҳақиқий мулкдорлар қўлига топширишдан иборат. Бунда мулкдор ўз мулкни асраб-авайлайди, уни ўзгалар томонидан талон-тарож этилишига йўл қўймайди ва, энг асосийси, ундан даромад олиш мақсадида фойдалана олади.

1991 йил 19 ноябрда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида махсус қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг қабул қилинишига қуйидагилар объектив сабаб бўлди:

1. Тоталитар тузумда шахснинг мулкдан бегоналашуви оқибатларини тугатиш;

2. Давлат мулкнинг таркибий марказлашувининг ҳаддан ортиши, ундан самарали фойдаланиш, бошқариш ва назорат қилишни таъминлай олмаганлиги;

3. Давлат мулкига нисбатан ташмачилик ва ҳўжасизликка барҳам бериш;

4. Бозор иқтисодиёти, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мулкнинг давлат қўлида ҳаддан ортик марказлашувига зид эканлиги.

Давлат тасарруфидан чиқариш дейилганда давлат корхоналари ва ташкилотларини жамоа ижара корхоналарига, акциядорлик жамиятларига, давлатга қарашли бўлмаган бошқа корхоналар, ташкилотларга айлантирилиши тушунилади.

Хусусийлаштириш дейилганда эса, фуқаролар ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларни давлат мулки объектларини ёки давлат акцияларини давлатдан сотиб олиши тушунилади.

Давлат органлари хусусийлаштириш субъекти бўла олмайди. Хусусийлаштириш объектларини давлат бюджети томонидан сотиб олишга йўл қўйилмайди. Хусусийлаштириш жараёни мобайнида кўп ҳолларда низоли бинолар хусусида келишмовчиликлар ва тизим бўлимларининг акциядорлик жамиятлари таркибидан чиқаришлари билан боғлиқ бўлган низолар келиб чиқмоқда.

Тажриба шуни кўрсатадики, айрим корхоналар ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид қарорларига етарлича эътибор берилмаётган ҳоллар учраб туради. Уларни бажаришда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва хусусийлаштириш жараёнига тўсиқлар туғдирадиган тор маҳкамачиликка йўл қўйилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш учун ариза бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик Низомнинг 11-бандига кўра, бундай ариза берилган пайтдан бошлаб ва ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, бу мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқини бошқа мулкдорга ўтказилган пайтга қадар маъмурий бошқариш органлари

корхонани қайта тузилиши, тугатилиши, штат жадвали тузилишини ўзгартириши ва ходимларни ишдан бўшатиши мумкин эмас.

Давлат уй-жой фондидаги турур жойни хусусийлаштиришни амалга оширишда фуқароларнинг ва мулкдорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш муносабати билан вужудга келган низолар Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида» ги қонуннинг 26-моддасига мувофиқ судларга тааллуқлидир.

Ҳар бир соҳа фаолиятининг ўзига хос тамойиллари бўлганидек, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг ҳам тамойиллари мавжуд. Мазкур тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» ги қонунининг 3-моддасида ўз мужассамини топган бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

-давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шаклларини меҳнат жамоасининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда таъминлаш;

-давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш вақтида мулкни сотиш ва пулсиз топширишни қўшиб олиб бориш;

-пулли ва пулсиз хусусийлаштириладиган мулкни олишда фуқароларнинг ҳуқуқлари тенглиги;

-давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида барча фуқаролар ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

-ошқоралик давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида тадбирларини амалга ошириш устидан давлат ва жамоат назоратини йўлга қўйиш;

-монополияга қарши қонун талабларига риоя этиш.

4-§. Давлат корхонаси, муассасалари ва давлат ижара корхонасининг мол-мулки

Фуқаролик ҳуқуқи субъектлари ўзларининг зарур эҳтиёжларини қондириш жараёнида турли мол-мулклардан фойдаланишади. Бироқ, ушбу фойдаланилаётган мол-мулклар уларга ҳар доим ҳам тегишли бўлавермайди, айримлари мулк ҳуқуқ асосида тегишли бўлса, айримлари ашёвий ҳуқуқ асосида, яна айримлари эса мажбурият ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Давлат мулки бўлган ва давлат корхонасига бириктириб қўйилган мол-мулк тўла ҳўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ушбу давлат ҳўжалигига тегишли бўлади. Корхона ўз мол-мулки билан тўла ҳўжалик юритиш ҳуқуқини амалга оширар экан, шу мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Унга нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни содир этишга ҳақли.

Давлат мулки бўлган ва мулкдор томонидан давлат бюджетига турувчи давлат муассасасига, ташкилотига бириктириб қўйилган мол-мулк оператив бошқарувда бўлади. Давлат муассасаси, ташкилоти ўз

мажбуриятлари юзасидан ўз тасарруфидаги маблағлари билан жавоб беради. Давлат муассасасининг, ташкилотининг маблағи етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича тегишли мулкнинг эгаси жавобгар бўлади.

Ижара давлат мулкни фойдаланишнинг ўзига хос шакли бўлиб, ашёвий ҳуқуқлар тизимига мансуб ҳуқуқлардан ҳисобланади. Бунда давлат мулкни идора қилувчи орган меҳнат жамоасига давлат мулкни ижарага беради. Бундай ашёвий ҳуқуқнинг субъекти ижара корхонаси меҳнат жамоаси ҳисобланади ва у ижара мулк шартномада белгилаб қўйилган ҳуқуқлар доирасида бошқарилади.

Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш шароитида мулк ижараси билан боғлиқ муносабатлар тобора ривожланиб, унинг қўлами янада кенгайиб бормоқда.¹

Лекин ижара бозор иқтисодиётига ўтиш даврида келиб чиқадиган бутунлай янги ҳуқуқий муносабат эмас. Ижара мамлакатимизда илгари ҳам мавжуд бўлган ва у тегишли қонун қондалар билан тартибга солинган.

Ижара муносабатларини тартибга солувчи нормаларни биринчи бор ўзида мужассамлаштирган қонун ҳужжатларидан 1988 йил 26 майда қабул қилинган “СССРда кооперация тўғрисида”²ги Қонун, 1989 йил 7 апрелда қабул қилинган “СССРда ижара муносабатларининг иқтисодий ва ташкилий асослари тўғрисида”³ги қарор алоҳида ўрин эгаллайди.

Кейинчалик СССР Олий Совети томонидан 1989 йил 23 ноябрда “ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ижара тўғрисида”⁴ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президиумининг “Ўзбекистон Республикасида ижара тўғрисидаги низоми”⁵ қабул қилинди.

Бу ҳуқуқий ҳужжатларда юқорида зикр этилган ҳужжатлардан фарқли ўлароқ, ижара объектлари, ижара субъектлари, ижара ҳақи, ижара шароитида мулкнинг ҳолати, ижара муддаглари, ижара шартномаси ва унинг шартлари, ички хўжалик ижараси, яқка тартибдаги ва гуруҳий ижара, шунингдек, шартнома бўйича жавобгарлик масалалари аниқ ва тўла кўрсатиб берилди. Хусусан, фақат мулк эгаларигина ижарага берувчилар ҳисобланиши эътироф этилди. Масалан, “Ижара тўғрисидаги қонун асослари”нинг 4-моддасига кўра, мулкнинг ижарага бериш ҳуқуқи мулк эгасига тегишли бўлиб, ерни ижарага топшириш ҳақ депутатлари Кенгашлари томонидан амалга оширилади.⁶

Умуман, бу қисқа вақт ичида ижара муносабатлари ривожланди, уларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мавжуд тузумнинг сиёсати доирасида шаклланди.

¹ Бобоқулов С.Б. Ижара ҳуқуқи. –Т., “Илим-Зиё”. 2009. –Б. 34.

² Кооперация и аренда. Сборник документов и материалов. –М.: Политиздат. 1989. –С. 304-328.

³ “Известия” газетаси. 1989. 8 апрель.

⁴ “Совет Ўзбекистони” газетаси. 1989. 2 декабрь.

⁵ “Қишлоқ ҳаёти” газетаси. 1990. 4 январь.

⁶ Рўзиёв Р.Ж. Мулк ижараси шартномаси. –Т., “Университет”. 2005. –Б. 16.

Ижара ҳуқуқий асослари ривожланишининг ушбу босқичи то Собик Иттифоқнинг инкирозга юз тутиши, социалистик тузумнинг батамом парчаланиб кетгунига қадар давом этди.¹

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Ўзбекистон Республикасида изчил ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишни тақозо этди. Ўзбекистоннинг “Мустақиллик тўғрисида”ги Декларацияси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мустақиллиги тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши яхлит қонунчилик тизимини шакллантириш учун ҳақиқий шароит яратиб берди.

Жамият тараққиётида мулкнинг муҳим ўрин тутишлиги сабабли, қонунчилигимизда мулк ҳуқуқига, унинг хилма-хил шаклларига, шунингдек, уларни амалга ошириш услубларига ва воситаларига алоҳида эътибор қаратилди.²

Бозор муносабатлари шароитида ижаранинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёнига мулкий муносабатлардаги, мулк ҳуқуқида рўй берган жиддий ўзгаришлар ўз таъсирини ўтказди. Бу ўзгаришлар, айниқса, 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги, 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Тадбиркорлик тўғрисида”ги ва уларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар тўғрисидаги қонунларда,³ шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36,53-моддаларида назарда тутилган асосий қоидаларда ўз ифодасини топди. Юқоридаги қонунлар асосида ижара муносабатларини тартибга солувчи қонунлар ишлаб чиқилди.

Республикамизда ижара муносабатларини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикасининг “Ижара тўғрисида”ги 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган Қонуни ҳамда 1997 йил 1 мартдан бошлаб амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси алоҳида ўрин тутди.

Хулоса қилиб айтганда, то шу кунгача бўлган давр мобайнида ижара муносабатлари тўғрисидаги қонунларни ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, шунингдек, бу йўналишдаги илмий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда ижара қонунчилигининг ҳуқуқий асослари шаклланди ва ўзининг маълум даражадаги ривожланиш босқичини босиб ўтди. Бир сўз билан айтганда, республикамизда ижара ҳуқуқий муносабатларининг бутун бир тизими яратилди.

¹ Рўзиев Р.Ж. Мулк ижараси шартномаси. –Т., “Университет”. 2005. –Б. 16.

² Уша асар. –Б. 17.

³ Ҳозирда ўз кучини йўқотган.

Назорат учун саволлар

1. Оммавий мулкнинг қандай турларини биласиз?
2. Давлат мулки зарурлигининг объектив сабабларини санаб беринг?
3. Давлат корхонасининг мулки деганда қандай мулк тушунилади?
4. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш деганда нимани тушунаси?
5. Давлат органлари хусусийлаштириш субъекти бўлиши мумкинми?
6. Давлат уй-жой фонди нима?
7. Давлат уй-жой фондидаги турар жойни хусусийлаштиришни амалга оширишда фуқароларнинг ва мулкдорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш қайси қонун ҳужжатлари билан амалга оширилади?
8. Давлат мол-мулки қайси манбалардан шаклланади?
9. Ўзбекистон Республикаси мулки қайси мулклардан иборат?
10. Маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкнинг моҳиятини тушунтириб беринг?

XVIII Боб. УМУМИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ

1-§. Умумий мулк ҳуқуқи тушунчаси ва турлари

Фуқаролик кодексининг 216-моддасида айтилганидек, икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгаллигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Ушбу норманинг моҳиятидан, умумий мулк ҳуқуқи деб бир неча шахсларнинг муайян объектларга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқларига айтилади.

Умумий мулк ҳуқуқининг объектини маълум ашё ёки ашёларнинг тўплами ташкил этиши мумкин. Масалан, икки ёки бир неча шахснинг биргаликда қурган ёки сотиб олган иморати, икки ёки бир неча жамоа хўжалиги биргаликда қурган гишт заводи каби бошқа объектлар бўлиши мумкин. Умумий мулк ҳуқуқининг субъектлари икки ёки бир неча шахс (фуқаро ёки ташкилот)лар бўлиши мумкин.¹

Умумий мулк ҳуқуқининг субъектлари бир неча шахсдан иборат бўлганлиги туфайли шерикларнинг ҳар қайсиси бундай мулкни ўз ҳолича тасарруф қила олмайди, балки ўзига қарашли объектларни биргаликда, ўзаро келишув асосида эгаллайди, улардан фойдаланади ва тасарруф қилади.

Профессор И.Б.Зокировнинг фикрича, умумий мулк ҳуқуқи қуйидаги асослардан вужудга келади:

-**биринчидан**, оддий ширкат шартномасидан, масалан, бир неча фуқаронинг биргалашиб уй-жой қуришидан ёки бир неча жамоа хўжалигининг биргалашиб электр станцияси қуришидан;

-**иккинчидан**, бир неча фуқаронинг муайян умумий мулкка эга бўлиш учун маблағ ва меҳнатларининг қўшишларидан, масалан, умумий оилавий мулк;

-**учинчидан**, бир неча шахсларнинг қонун ёки васият бўйича мерос олишларидан.²

Умумий мулк ҳуқуқи аксарият ҳолларда оддий ширкат (биргаликдаги фаолият) шартномаси асосида, умумий хўжалик мақсадларига эришиш учун, жамоа хўжаликлари, корхона ёки бошқа ташкилотлар қуриш ва эксплуатация қилиш, сув хўжалиги иншоотлари, мактаблар, тураржой бинолари ва шу каби қуриш учун биргаликда ҳаракат қилишларида, бунинг учун пул ҳамда бошқа мулк ёхуд меҳнатларини бирлаштиришларида вужудга келади. Фуқаролар ҳам ўзларининг шахсий-маиший эҳтиёжларини қондириш учун пул, мулк ва меҳнатларини бирлаштириб, масалан, уй-жой қуриш учун биргаликда шартнома тузиб умумий мулк ҳуқуқини оладилар.

¹ Зокиров И.Б., Оқолов О ва бошқалар. Мулк ҳуқуқи., -Т., ТДҶОИ. 2006. –Б.216.

² Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи., -Т., ТДҶОИ. 2006. –Б.247.

Умумий мулк ҳукуқи институти, умумий мулк ҳақидаги ҳукуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 216–227-моддаларида батафсил баён этилган.

ФКнинг 216-моддасида кўрсатилганидек, умумий мулк икки турга:

биринчидан, мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳукуқидаги улуши аниқлаб қўйилган улушли мулк;

иккинчидан, улушлари аниқлаб қўйилмаган биргаликдаги мулкка бўлинади. Булар ўртасидаги асосий фарқлар қуйидагичадир:

Таксимланадиган умумий мулкнинг ҳар бир иштирокиси ашёда аниқ белгиланган ҳиссага эга бўлади. Масалан, ярмига, учдан бирига ва ҳоказо.

Таксимланмайдиган биргаликдаги умумий мулк эса, ҳиссаларга таксимланадиган мулкдан улушларга ажралмаслиги билан фарқ қилади. Бундай умумий мулк ҳамма иштирокчилар ўртасида, уларнинг умумий розилиги билан ва тенглик асосида эгалланади, фойдаланилади ва тасарруф этилади.

Улушли мулк субъектлари фуқаро ҳам, ташкилот ҳам бўлиши мумкин.

Умумий биргаликдаги мулк ҳукуқида субъектлар ўз улушларини мустақил тасарруф қила олмайди, чунки, биринчидан, уларнинг ҳар бирининг улуши умуман белгиланмаган бўлади; иккинчидан, оилавий муносабатда бўлган умумий мулк эгаси оиладан чиққанда, уни бошқа бир иккинчи шахс билан алмаштириб бўлмайди. Улушли мулк улушларга ажралмайдиган умумий мулкдан вужудга келиши асослари ва тартиби билан ҳам фарқ қилади.

Улушли мулк ташкилотлар ва фуқароларнинг битимлар тузиши асосида, қонун билан назарда тутилган асосларда, Жумладан қонун ва васият бўйича мерос олишда, мулкнинг мусодара қилинишида ва бошқа баъзи ҳолларда вужудга келиши мумкин. Жамоа ҳўжалиги оила аъзоларининг, жамоа ҳўжалигида меҳнат қилиб топган ва хонадон мулкига қўшган даромадлари ёрдамчи ҳўжаликдан, чорва моллари асрашдан келган даромадлари, хонадон аъзоларининг умумий мулк ҳукуқини вужудга келтиради. Касбкор, ҳунарманд, умуман яқка тарғибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар оиласининг топган пул ёки бошқа буюмлари ҳам шу хонадон аъзоларининг умумий мулкни вужудга келтиради.

2-§. Умумий улушли мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш

Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда шерик эгаларнинг ҳуқуқлари икки турга: барча умумий мулкка нисбатан, умумий мулкдаги улушга нисбатан бўлган ҳуқуқларга бўлинади. Бинобарин, умумий улушли мулк эгаларининг ҳар қайсиси ўз улушини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, Жумладан ўз улушини агар қонун ёки устав (низом)да бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, ўзга

шахсга ўтказиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, умумий мулкни шерикларининг розилигидан ташқари тасарруф қила олмайди.

Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш давомида бундай мулкнинг эгалари ўртасида бўлган низолар умумий мулк иштирокчиларининг ҳар қайсисининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади.

Умумий улушли мулк эгалари ўз ихтиёрида бўлган мулкни ҳаммаларининг розилиги билан эгаллайдилар, ундан фойдаланадилар ва тасарруф этадилар. Агар умумий шерик мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш тартиби тўғрисида ўзаро келиша олмасалар, бундай масала шерик эгаларнинг ҳар қайсиси даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади.¹

Умумий улушли мулкнинг ҳар қайси эгаси умумий мулк юзасидан бўлган солиқ, йиғим ва бошқа тўловларни тўлашда, шунингдек, уни бошқариш ва сақлаш харажатларида ўз хиссасига яраша қатнашишга мажбур.²

Умумий мулкни сақлаш ёки умумий мажбуриятни бажариш юзасидан харажатлар қилган бошқа шерикларидан ўзининг қилган чиқимларини ҳар бирининг хиссасига мувофиқ қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

ФКнинг 221-моддасида айтилганидек, уни бошқариш ва сақлаш харажатларида ўз хиссасига яраша қатнашишга мажбур.

ФКнинг 218-моддасида айтилганидек, умумий улушли мулкнинг ҳар қайси эгаси ўз улушини бошқа шахсга ўтказишга ҳақли. Бунда улушни ҳақ бараварига ҳам, текинга ҳам бировга ўтказиш назарда тутилади. Умумий мулкнинг шериклари ташкилот бўлган тақдирда, улар ўз улушларини бировга ҳақ бараварига ўтказишга, кўпинча уни сотади. Фуқаролар эса, ўз улушларини ҳақ бараварига ҳам, текинга ҳам бировга ўтказиши, жумладан, сотиши, ҳаля этиши, шунингдек, васият қилиб қолдириши мумкин.

Улушли мулкдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш унинг барча иштирокчилари келишувига мувофиқ амалга оширилади. Бундай келишувга эришилмаган тақдирда, улушли мулкдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш суд томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Мулкдорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтда қолган мулкдорлар сотилаётган улушни у сотилаётган нархда ва бошқа тенг шартларда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эгадир. Ким ошди савдоси орқали сотиш ҳоллари бундан мустасно (ФКнинг 224-моддаси).

Умумий мулкдаги улушни сотувчи ўз улушини ўзга шахсга сотиш нияти ҳақида бошқа мулкдорга ёзма равишда маълум қилиб, улушнинг нархини ва уни сотишнинг бошқа шартларини кўрсатини шарт. Агар қолган мулкдорлар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширишдан воз

¹ Зокиров И.Б., Оқюлов О. ва бошқалар. Мулк ҳуқуқи., -Т., ТДҲОИ. 2006. –Б.218.

² Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи., -Т., ТДҲОИ. 2006. –Б.249.

кечсалар ёки бу ҳуқуқни хабар қилинган кундан эътиборан қўчмас мулкка нисбатан бир ой давомида, бошқа мол-мулкка нисбатан эса ўн кун давомида амалга оширмасалар, сотувчи ўз улушини ҳар қандай шахсга сотишга ҳақли бўлади.

Давлат, кооператив ёки бошқа юридик шахс уй-жойга нисбатан бўлган умумий мулк ҳуқуқидаги ўз улушини сотган тақдирда уй-жойнинг ана шу улушни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқ уйнинг шу қисмида яшовчи шахсларга берилади, улар сотиб олишни хоҳламаганлари ёки бу ҳуқуқни амалга оширмаганларида эса улушни сотиб олиш ҳуқуқи умумий мулкнинг қолган шерикларига ўтади.

Агар улуш шерикларнинг имтиёзли ҳуқуқлари бузилиб сотилса, умумий улушли мулкнинг бошқа шериги сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзига ўтказилиши тўғрисида даъво қўзғатиб, судга мурожаат қилиши мумкин. Аммо бу ҳуқуқ ва мажбурият мулкни олиб-сотишда белгиланган нарҳини ҳамда сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш шarti билангина унга ўтказилиши мумкин.

Агар мулк олувчи улушни сотиб олиш тўғрисида розилик берган бўлсаю, лекин у нотариал идорага келишдан бош тортса, нотариус сотувчининг танлаши бўйича бошқа шахс билан шартномани расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

Умумий мулк бўлган уйдан тегишли улуш соқит қилинишида, масалан, сотилишида, уйга бўлган улушлар реал (натура шаклида) кўрсатилмай, балки арифметик улушларда белгиланади. Аммо шу билан бирга сотувчи фойдаланиш учун қайси квартира ёки хонанинг ўтишини кўрсатиши мумкин. Агар умумий улушли мулк бўлган турар жой иштирокчилари ўртасида уйнинг айрим хоналаридан фойдаланиш тўғрисида олдиндан келишилган бўлса, бундай келишиш ҳам нотариус томонидан тасдиқланиши мумкин.

Улуш шерикларнинг имтиёзли ҳуқуқлари бузиб сотилгани ҳолда умумий улушли мулкка бўлган бошқа шериги сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзига ўтказилиши тўғрисида даъво қўзғатиб, судга мурожаат қилиши мумкинлиги тўғрисида қондалар кенг маънода жорий қилинмайди, Жумладан, тураржойни ҳаля ва васият қилиш ҳолларида қўлланилмайди.

3-§. Умумий мулкдан улуш ажратиш ва уни тақсимлаш

Улушли мулкдаги мол-мулк иштирокчилар ўртасида уларнинг келишувига мувофиқ тақсимланиши мумкин. ФКнинг 223-моддасида кўрсатилганидек, умумий улушли мулк иштирокчиси ўз улушини умумий мол-мулкдан беришни талаб қилишга ҳақлидир. Унинг бу ҳуқуқи умумий мулкдаги улушни тасарруф этишга бўлган ҳуқуқидан келиб чиқади.

Улушни ажратишнинг асосий усули, мулкнинг хўжалик тайинланишига зарар етказмаслик шarti билан ундан асл ҳолида улуш

ажратишдан иштирокчилар ўзаро келиша олмасалар суд ёки низони ҳал қилувчи орган умумий мулкдан қандай ашёлар асл ҳолида ажратилишини, масалан, шериклик асосида олинган ҳосилнинг қандай тақсимланишини белгилайди.

Умумий мулкдан унинг ҳўжалик тайинланишига зарар етказмасдан ажратиш мумкин бўлмаганда, улуш ажратиб олувчи эга рози бўлгани ҳолда, улушнинг миқдорига яраша пул бараварида ҳақ олиши мумкин. Агар пул бараварида унинг тўлаш имконияти бўлмаса, умумий мулк сотилиб, унинг суммаси шериклар орасида тақсимланади.

Уй-жойга нисбатан бўлган умумий улушли мулк эгалари ўзларига тегишли улушларга яраша уй-жойни тақсимлашга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида уларнинг ҳар бирига уй-жойнинг алоҳида қисми (квартира ёки ажратилган хона) бириктириб қўйилиши мумкин.¹

Фукараларнинг умумий улушли ёки биргаликда эгалигида бўлган хусусийлаштирилган тураржойларни бўлиш ҳақидаги масалалар суд амалиётида турлича ҳал этилиши ҳолатлари учрайди. ФКнинг 223-моддасига мувофиқ, умумий улушли мулк эгасининг ҳар бири умумий мулкдан ўз улушини ажратиб беришни талаб қилишга ҳақли.

Агар улушни ажратиш усули тўғрисида шериклар ўзаро келиша олмаган бўлсалар, мулк ҳар қайси шерикнинг даъвоси бўйича суд томонидан тақсимланади. Амалда шундай ҳоллар учрайдики, умумий мулкдан улуш ажратиш ҳақидаги қонуннинг қоидалари хусусийлаштирилган тураржойларга тадбиқ қилиниши мумкин эмас ва бундай тураржойларни тақсимлашда Уй-жой кодекси нормалари тадбиқ қилиниши лозим.

ФКнинг 233-моддасининг 2-қисмига биноан, тураржой унинг шерикларини умумий мулки бўлган квартира, уй (уйнинг бир қисми)даги улушларига мувофиқ тақсимланиши лозим.

Биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган тураржойлар ҳам шундай тартибда тақсимланиши керак.

Аммо бундай тақсимлаш мазкур аҳоли яшайдиган жойнинг режалаштириш лойиҳасига зид бўлмаслиги керак. Уй-жойни тақсимлаш тўғрисидаги битим нотариал тартибда тақсимланиши ва туман (шаҳар) ҳокимлиги идораларида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Баъзи ҳолларда умумий мулкдан тегишли улуш мулк эгаларидан бирининг қарзини қоплаш учун унинг кредитори талаби бўйича ҳам ажратилиши мумкин.

4-§. Эр-хотинлар ўртасидаги мулк ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов оилага бўлган эътиборни ҳар доим жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларидан

¹ Зокиров И.Б., Окюлов О. ва бошқалар. Мулк ҳуқуқи, -Т., ТДЮИ. 2006. –Б.220.

бири сифатида баҳолаб, қуйидагиларни билдирган эди: “ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётгий тушунча ва тасавурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади”¹. Оила қурилиши билан, яъни никоҳ тузилиши билан эр ва хотинлар ўртасида мулк ҳуқуқи вужудга келади.

Оила қонунчилигида эр-хотиннинг никоҳ даврида орттирган мулклари – уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлиши кўрсатилган. Бунда у ёки бу мулкнинг ким томонидан сотиб олинганлиги, кимнинг номига расмийлаштирилганлиги, эр ё хотиндан бирортасининг қанча маош олиши, бутунлай олмаслигининг мутлақо аҳамияти йўқ. Умумий мулкни орттириш масаласига келганда, оила ўз юмушларини қилиш, фарзандларни тарбиялаш ҳар қандай маош тўланиб қилинадиган ижтимоий ишга тенглаштирилади. Бу эса мамлакатимизда аёлларнинг эркаклар билан тўла тенглигини исботлайди, аёлларнинг саломатлиги, уларнинг меҳнатлари қадрланганлигини, оналарга чексиз ҳурмат билан қаралганлигини билдиради. Мамлакатимизда “Соғлом авлод учун” ҳаракати Ҳукумат даражасида амалга оширилаётганлиги бунга яққол далилдир.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига асосан эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирилган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр-хотиннинг тадбиркорлик фаолиятига қўшган маблағлар ва ундан келган даромадлар, агар эр-хотин ўртасидаги шартнома билан ўзгача тартиб белгиланган бўлмаса, улардан ҳар бирининг мулки бўлади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мулклари жумласига уларнинг ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорликдан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирилган даромадлар, пенсиялар, нафақалар, шунингдек, уларнинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қозғолар, пайлар, омонатлар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилганлигидан қатъи назар эр-хотиннинг умумий мулкига қиради.

Эр ва хотин ўртасидаги умумий мулк ҳуқуқининг тақдири никоҳнинг бекор қилиниши билан ўзгариши мумкин. Бу ҳолда дастлаб эр ва хотиннинг никоҳ тузганликларига қадар ўзларига тегишли бўлган мулклари, шунингдек, никоҳ давомида ҳады ёки мерос тариқасида олган мулклари ҳар бирининг ўз мулки қилиб ажратилиши ва улар ўртасидаги умумий мулкка қўшилмаслиги керак.

¹ Ўша ерда, 52-6.

Эр-хотиннинг мажбуриятлари уларнинг қандай асослардан келиб чиққанига қараб умумий мулк ҳисобидан бажарилиши мумкин. Агар мажбурият эр ва хотиннинг умумий хўжалик ёки оила манфаатларини кўзлаб қилган ҳаракатларидан келиб чиққан бўлса, қарз сўзсиз умумий мулкдан ундирилади.

Мажбурият эр ёки хотиннинг шахсий қарзларидан келиб чиққан бўлса, мажбурият қарзлари ўз шахсий мулкидан ёки унга тегишли умумий мулк улушидан ундирилади. Агар эр-хотиннинг умумий мулки жиноят ҳисобига жамғарилгани ёки кўпайтирилганлиги суд ҳукми билан исбот қилинса жиноят туфайли келтирилган ҳамма мулк ҳисобидан ундирилади.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда аввало эр-хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлган хусусий мулк белгилаб олинади. Кейинчалик эса умумий мулкдан қайсилари эр-хотиндан қайси бирига тегишли эканлиги аниқланади. Шундай ҳолларда, улар ўртасида мулк тенг ҳиссада бўлинса, эр-хотиндан биттасига қиммати бошқасига тегишли бўлган мулкдан ошиқроқ ашё берилса, иккинчи томонга фарқи доирасида тегишли пул суммаси берилиши лозим. Қонун судни масалани бундай асосда ҳал қилишга мажбур этмайди. Пул суммасини ундириб бериш масаласини кўраётганда суд ишнинг аниқ шароитига қараб (эр-хотин ҳар бирининг моддий ва бошқа оилавий ҳолатларини инобатга олиб) ҳал қилади. Бундай ҳолатда эр-хотиндан биттасига биргаликдаги умумий мулк таркибига кирган уйнинг қисми учун пул тўлаш белгиланса, у эгаллаган хонани бўшатиб бериши лозим.¹

Юқорида баён қилинган эр ва хотиннинг умумий мулки ҳақидаги қоидалар ФХДЁда қайд этилган никоҳда турувчи шахсларга нисбатан тадбиқ қилинади. ФХДЁда рўйхатдан ўтмай бирга турувчиларга Оила кодексида баён қилинган юқоридаги қоидалар тадбиқ этилмайди. Улар ўртасидаги умумий муносабатга Фуқаролик кодексининг умумий мулк ҳуқуқи тўғрисидаги нормалари қўлланилади.

5-§. Деҳқон ва фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи

Деҳқон ва фермер хўжалигининг мол-мулки умумий биргаликдаги мулк кўринишларидан биридир. Қонунга асосан деҳқон ва фермер хўжалигининг мол-мулки унинг аъзоларига агар улар ўртасидаги шартнома билан бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, улушли ёки биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Бу мол-мулк ўз таркибига тураржой, хўжалик бинолари, суғориш иншоотлари, экинлар, чорва моллари, паррандалар, техника ва ускуналар, транспорт воситалари, кишлоқ хўжалик ашёлари ва ҳоказоларни олади.

Хўжалик етиштирган ҳосил, маҳсулот ва бошқа даромадлар хўжалик аъзоларининг умумий мол-мулки ҳисобланади ва ўзаро келишув асосида

¹ Отаҳўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг Оила ҳуқуқи. –Т.,2005. –Б. 118-119.

фойдаланилади. Бундай мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битимлар хўжалик раҳбари ёхуд у ваколат берган хўжалик аъзоси томонидан тузилади.

Дехқон ва фермер хўжалиги ҳақидаги қонунларга асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари юридик шахс ҳуқуқига эга.

Дехқон ва фермер хўжалиklarининг бир ёки бир неча аъзоси унинг таркибидан чиққан тақдирда, биргаликдаги умумий мулк асл ҳолида тақсимланмайди, балки тегишли улуш пул маблағлари билан туланади. Бундан асосий мақсад мавжуд деҳқон ва фермер хўжалиklarининг парчаланиб йўқ бўлиб кетишига ёхуд заифлашиб қолишига йўл қўймасликдир. Худди шу сабабли янги деҳқон ва фермер хўжалиги ташкил этиш мақсадида ажралиб чиқаётган аъзолар деҳқон хўжалигининг умумий мулкдаги ўз улушларини асл ҳолида олишга ҳақли. Бироқ, бунда мол-мулкни тақсимлаш деҳқон ва фермер хўжалиги фаолият юритиш учун зарур бўлган асосий ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилмайдиган тарзда амалга оширилиши керак.

Дехқон ва фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги умумий мол-мулкдаги улушлари, агар улар ўртасида келишувга мувофиқ бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, уларнинг барчаси учун тенг ҳажмда деб ҳисобланади.

Дехқон (фермер) хўжалиги тугатилган тақдирда барча кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк, мулк ҳуқуқи асосида деҳқон ва фермер хўжалиги аъзоларига тегишли бўлади ҳамда қонунда ёки шартномада белгиланган тартибда тақсимланади.

Назорат учун саволлар

1. Умумий мулк тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари нималардан иборат?
2. Умумий мулк ҳуқуқи институтига таъриф беринг?
3. Умумий мулкни турларини санаб беринг?
4. Умумий мулкдан улуш ажратишга мисол келтиринг?
5. Биргаликдаги умумий мулк деганда нимани тушунасиш?
6. Улушли мулкдаги улуш қандай аниқланади?
7. Умумий мулк ҳуқуқидаги улушнинг шартнома бўйича олувчига ўтиш пайти қачондан бошланади?
8. Ундирувни умумий мол-мулкдаги улушга қаратиш деганда нима тушинилади.
9. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тушунчасига изоҳ беринг?
10. Биргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни тақсимлаш ва ундан улуш ажратиш қандай амалга оширилади?

ХІХ Боб. АШЁВИЙ ХУКУҚЛАР

1-§. Ашёвий хукуқ тушунчаси ва турлари

Рим хукуқи илдишларига эга континентал хукуқ тизими тамойилларига мувофиқ, ашёга нисбатан фақатгина битта хукуқ “мулк хукуқи” мавжуд, бошқа хукуқлар эса, тўлиқ хукуқлар ҳисобланмайди, булар “бошқа ашёвий хукуқлар”дир. Ашёвий хукуқларнинг қонунчилик модели қуйидаги элементлардан ташкил топади.

Биринчидан, мулк тегишлилигининг бу шакли (мулк хукуқи ва бошқа ашёвий хукуқлар) ва уларнинг тизими (ашёвий хукуқлар турлари ва ашёвий хукуқлар классификацияси (турларга бўлиниши));

Иккинчидан, ашёвий хукуқ субъектининг объектга бевосита таъсири бўйича хукуқдорлигининг мазмуни;

Учинчидан, ашёвий хукуқ объектларининг хукуқий тартиби;

Тўртинчидан, мулк хукуқи ва бошқа ашёвий хукуқларнинг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари ҳамда усуллари;

Бешинчидан, ашёвий хукуқларни ҳимоя қилиш фуқаролик-хукуқий усуллари ва уларнинг кафолатлари.

Ушбу элементларга тааллуқли ФК нормалари боблар бўйича қуйидаги тузилишни ҳосил қилади: умумий қоидалар, хўжалик юритиш ва оператив бошқариш хукуқи, мулк хукуқини вужудга келиш ва бекор бўлиши, хусусий мулк, оммавий мулк, умумий мулк, мулк хукуқи ва бошқа ашёвий хукуқларни ҳимоя қилиш. Ушбу меъёрларнинг катта қисми мулк хукуқига бағишланганлигини англаш қийин эмас. Ашёвий хукуқ институтининг умумий қурилиши ва ашёвий хукуқий муносабатларини тартибга солувчи нормаларнинг таҳлили мамлакатимизда ашёвий хукуқлар тўғрисидаги қонун нормаларига нисбатан бир қатор салбий ҳулосаларни чиқаришга имкон беради.

Биринчидан, ФКнинг 2-бўлими маъмурий қоидалар таъсирини камайтира олмаган. Бунинг натижасида ашёвий хукуқлар оммавий хукуқ таъсирдан етарли даражада ҳимояланмаган. Бу ҳолат “ҳалқ хўжалигини совет даврида бошқаруви”дан келиб чиққан хўжалик юритиш ва оператив бошқарув хукуқида ўз ифодасини топади. Шунингдек, оммавий ва хусусий мулк бўйича субъектга нисбатан турли хукуқий тартибда мустаҳкамланган нормаларда давлатнинг оммавий мулк субъекти сифатида махсус имтиёзга эга бўлишини таъминлайди.

Иккинчидан, мазкур бобнинг 12-моддасидан фақатгина 1 таси, 165-модда ҳақиқатан ҳам умумий меъёрларни ифодалайди. Бу ўринда ашёвий хукуқлар тўғрисидаги умумий қоидаларга яққол мисол Япония Гражданлик кодекси бўлиб, ундаги ашёвий хукуқлар ҳақидаги умумий қоидалар боби ҳақиқатан ҳам барча ашёвий хукуқлар учун хос булган умумий қоидаларни мустаҳкамлайди

Учинчидан, ФКнинг 165-моддасидаги ашёвий ҳуқуқлар турлари бошқа қонунларга ҳавола этилган намунавий турлардир. Ҳали ашёвий ҳуқуқларнинг қатъий белгилари ўрнатилмаган. Фақатгина қонунда уларнинг ёпик рўйхати берилган экан, балки уларга қандайдир ўзгартириш киритиш керакдир.

Ашёвий ҳуқуқларнинг мавжуд рўйхати ашёвий ҳуқуқларнинг қонтенентал ҳуқуқ оиласига мансублигини характерлайди, гарчи турли миллий ҳуқуқ тизимларида бир хил бўлмаса-да.

Тўртинчидан, ашёвий ҳуқуқ нормалари жуда ноқулай жойлашган. Яъни, ашёвий ҳуқуқлар тизимида сервитутлар умумий қондаларда ифодаланган бўлса, хўжалик юрителиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи мулк ҳуқуқига бўлган бобда, гаров мажбурият ҳуқуқи бобида уй-жой ва табиий ресурсларга нисбатан ашёвий ҳуқуқлар эса, ФКдан ташқарида (ўзга қонунларга ҳавола қилиш орқали) ифодаланганки, бу ҳолат ашёвий ҳуқуқлар қурилишини бузади.

Бешичидан, ФКда ашёвий ҳуқуқлар субъект (фуқаролар, унитар қорхоналар)ни ёки объект (ер участкаси, уй-жой) ни кўрсатиш орқали ифодалангани, бу ҳалқаро юридик эсперанто (тилшунослик) ни ташкил этувчи цивилистиканинг анъанавий атама (узус, узуфрукт, эмфитевзис, хабитацио, суперфиций)ларга хос бўлмаган жумлалар орқали баён этилишига сабаб бўлади.

Оқоридагилардан келиб чиқиб, ашёвий ҳуқуқлар деганда ашёвий ҳуқуқлар тизимини, улар субъектларининг ваколатлари мазмунини ва объектларнинг ҳуқуқий тартиби (режими)ни уларнинг вужудга келиш ва бекор бўлиш асосларини, шунингдек, ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари ва қаролатларини мустаҳкамловчи нормалар йиғиндиси тушунилади.

Субъектив маънодаги ашёвий ҳуқуқлар. Одатда, мулк икки хилдаги муносабат орқали ифодалангани.

Биринчидан, ваколатли шахс билан объект ўртасидаги боғлиқлик; иккинчидан, ваколатли шахс ҳамда ўзга шахс ўртасидаги боғлиқлик. Товар муомаласида бу боғлиқлик шахснинг объектга бевосита ҳуқуқи маъносида тушунилади; ёхуд бевосита ҳуқуқий боғланишда бўлган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқидир.

Агар биринчи ҳолатда шахснинг ҳуқуқи объектга боғлиқ ҳолда амалга оширилса, иккинчи ҳолатда, шахснинг ўзига боғлиқ бўлган объектга нисбатан шахсий мажбурияти асосида амалга ошириладиган ҳаракатлари натижасида мавжуд бўлади. Бундай бўлинишнинг ҳуқуқий оқибати шунда кўринадикки, биринчи вазиятда субъектнинг ҳуқуқи барчага ва ҳар кимга қарши қаратилган ва барча ҳамда ҳар ким учун аҳамиятли (erga omnes); ҳуқуқ предмети объектнинг ўзида ифодаланар экан, даъво орқали ҳимоя биринчи навбатда объектига нисбатан ҳуқуқни тиклашга қаратилади. Иккинчи вазиятда эса, ҳуқуқ фақатгина бажарилиши ҳуқуқ предметини

ташқил этадиган ҳаракатни амалга ошириш мажбуриятини берган муайян субъектга қаратилади. Шунинг учун ҳам бу ерда даъво орқали ҳимоя қилиш қарздорда бўлади ҳамда агар мажбурият ижро этилмаганда сўз зарарни ундириш тўғрисида бўлади.

Ҳуқуқий муносабатларнинг икки турини ифодаловчи Бирлинг Конвенциясининг бундай уйғунлашуви биринчи ҳолатда ҳуқуқ предмети сифатида объектнинг ўзида ифодаланса, иккинчи ҳолатда эса, мажбурият объектга қаратилган бўладик, бу ҳуқуқни мутлақ ва нисбийга ажратиш имконини беради.

Ашёвий ҳуқуқий муносабатлар, одатда, объектив муносабатлар сифатида характерланади, яъни: барча учинчи шахслар мутлоқ ҳуқуқни бузишдан тийилишлари лозим. Ушбу қоида асосида кўпчилик цивилистлар мутлоқ ҳуқуқнинг белгиларидан келиб чиқиб, ашёвий ҳуқуқ тушунчасини беришга ҳаракат қиладилар.

Бунда шу ҳолатни ҳисобга олиш лозимки, биринчидан, ҳуқуқий муносабатни мутлоқ ва нисбий турларга бўлинишга шартли характерга эгаллиги муносабати билан амалиётда ҳар доим ҳам қўллаб-қувватланмайди. Зеро, нисбий ҳуқуқий муносабатларда ваколатли шахснинг ҳуқуқларни бузишдан тийилиш мажбурияти нафақат у билан шахсий муносабатлар асосида боғланган муайян контрагент зиммасида, балки ҳар қандай учинчи шахс зиммасида ҳам бўлади.

Иккинчидан, ашёвий ҳуқуқларга нисбатан мутлоқ ҳуқуқлар кенгрок мезон ҳисобланади. Шу билан бирга ҳамма ашёвий ҳуқуқлар ҳам мутлоқлик касб этмайди (масалан, закатат).

Анъанавий фуқаролик қонунчилиги субъектив ашёвий ҳуқуқ (мулк ҳуқуқи бундан мустасно) тушунчасини ифодаламайди ва шунингдек, цивилистиканинг анъанавий марказий атамаларидан бири сифатида ашёвий ҳуқуқлар доимий равишда ўрганиладиган предмет бўлиб келган. Яъни, фуқаролик қонунчилиги анъанавий равишда субъектив ашёвий ҳуқуқнинг децисиясидан қочади ва унинг бахсли белгиларини кўрсатиш билан чегараланади: ҳуқуқнинг давомийлиги ва ашёвий ҳуқуқий ҳимоя (ФКнинг 165-моддаси 2 ва 3-қисмлари).

Қонунчиликдаги бундай қатъиятсизликни бартараф этиш учун цивилистикада ашёвий ҳуқуқнинг субъектив ҳуқуқ сифатидаги тушунчасини аниқлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу мақсадга эришиш учун цивилистлар мутлоқ ҳуқуқни ажратиш характерли жиҳатларидан фойдаланишса, бошқалари ашёвий ҳуқуқларнинг белгиларини умумлаштиришдан фойдаланишади. Ҳар қандай ҳолатда у ёки бу жиҳатни барча томонидан ўрганаётган қоидаларнинг шартлилиги таъкидланади. Зеро, битта мулк ҳуқуқи тушунчаси билан унга ўхшаш бошқа ҳуқуқларни киритмасдан, ундан келиб чиққан чекланган ашёвий ҳуқуқлар (масалан, закатат)ни камраб олиш жуда мушкул. Ашёга нисбатан “хўжалик

ҳокимияти”. Ёки унга “бевосита таъсир” каби умумлаштирувчи атама қонуний мустаҳкамланмаган ва ўз-ўзидан ҳеч қандай оқибат туғдирмайди.

Ашёга нисбатан ҳокимиятнинг “нисбийлиги” мутлоқ ҳуқуқларда жуда ҳам шартли ва сунъий қурилма (конструкция) сифатида анча олдин шубҳали фикр деб ҳисобланган.

Субъектив ашёвий ҳуқуқларнинг юқорида кўрсатилган икки томони (ашёга кўрсатиладиган таъсирнинг бевоситалиги ва учинчи шахсларнинг бундай ҳаракатларни амалга ошира олмасликлари) ашёвий ҳуқуқлар характеристикаси учун етарли эмас. Ашёвий ҳуқуқ ва мажбурият ҳуқуқининг чекланганлиги, уларнинг ўзганинг мулкига нисбатан амалга оширилишида умумлашади. Шу муносабат билан ФКнинг 165-моддасида кўрсатилган белгилар етарли бўлмайди. Шу билан бирга бундай тақсимланиш континентал ҳуқуқда шуниси билан аҳамиятлики, бундай тақсимланиш фуқаролик ҳуқуқининг тегишли институтларининг ажратилиши муносабати билан аниқлаш имконини вужудга келтиради. Хусусан, ФКнинг 2-моддаси 1-қисми фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларни кўрсата туриб, ашёвий ҳуқуқлар ва мажбурият ҳуқуқларини бир-бирдан ажратади ва қарама-қарши қўядики, ФКнинг 2 ва 3-бўлимлари шу асосда номланади. Шу сабабли Ю.К.Толстой ашёвий ҳуқуқ тушунчасини ёритишда асосий эътиборни ҳуқуқдор шахснинг мажбуриятларни қондиришда ушбу шахснинг актив (фаол) ҳаракатлари ва бошқа шахсларнинг ушбу ҳаракатларни амалга оширишга тўсқинлик қилмаслик қабилдаги пассив мажбуриятига қаратади. Шундай қилиб, субъектив маънодаги ашёвий ҳуқуқ деганда, ваколатли (ҳуқуқдор) шахснинг манфаатларини унинг ҳўжалик ҳокимияти остида бўлган ўз ашёсига бевосита таъсир этиш йўли билан ва бошқа шахсларнинг бундай таъсир этишини чеклаш асосида қондириш тушунилади. Агар субъектнинг объектга муносабатини англаувчи бевосита таъсир ашёвий муносабатларнинг моддий томонини кўрсатса, мол-мулкнинг ҳўжалик муомаласидаги ўрнини белгиловчи, бошқа шахсларнинг бундай таъсирдан маҳрум этилганлиги шахслар ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий тизимини кўрсатади.

Ашёвий ҳуқуқларни ажратиш мақсадида цивилистикада уларнинг қуйидаги белгилари санаб ўтилади:

Индивидуал белгиланган (хусусий аломатли) ашёга бевосита йўналтирилганлик; қатъий белгиланган юридик мазмун ва вужудга келиш усуллари, мундатсизлик характери, давомийлик ҳуқуқи, ашёвий-ҳуқуқий талабларни имтиёзли қондириш, рақобатда устунликка эга бўлиш ҳуқуқи, ҳимоянинг ашёвий ҳуқуқий усуллари, шунингдек, уларнинг мутлоқ ҳуқуқ сифатидаги бошқа ўзига хос белгилари¹. Ҳозирги замон тадқиқотчилари томонидан ашёвий ҳуқуқларнинг ушбу “ўзига хос” белгиларини доимий

¹ Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Общие положения. – М.: Статут. 1997. – С. 222-237; Ефимова Л.Г. Указ. соч. С.35-44; Вещные права в Республике Казахстан. – С.7-25, 164-171.

таҳлил қилиш натижасида, уларнинг ҳар бири шартлилик касб этиши аниқланган. Яъни, миллий қонунчиликда юқорида санаб кўрсатилган ашёвий белгилар мавжуд бўлмаган ҳолда ашёвий ҳуқуққа эга шахслар ҳамда мажбурият белгилари зиммасида бўлмаган, лекин мажбурият ҳуқуқига эга шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати ифодаланган. Бу ҳолатлар адабиётларда мажбурият ҳуқуқи ва ашёвий-ҳуқуқий унсурларнинг ўзаро қиришиш анъаналари сифатида ва аралаш ашёвий-мажбурият ҳуқуқининг вужудга келиши сифатида қайд этилади

Шу билан бирга бундай илмий-тадқиқот кузатишлари ашёвий ҳуқуқий ва мажбурият ҳуқуқий институтлар чегарасини бузмаслиги керак. Агар қонун бунга йўл қўйган бўлсада.

Бунда гап миллий қонунчиликнинг у ёки бу субъектив ҳуқуққа барчага қарши туриш хусусияти (мулк билан кетма-кет турувчи имтиёзли ашёвий ҳуқуқ)ни берадимиз ёки йўқми ҳамда бундай ҳуқуқнинг ҳуқуқий-ашёвий табиатини тан олишнинг юридик оқибати нимада эканлигидадир. Зеро, ашёвий ҳуқуқларнинг баҳссиз белгилари мавжуд бўлса-да, инчунун ашёвий ҳуқуқларнинг мутлоқ ҳимояси тўғрисидаги меъёрларни қўллашда ягона асос континентал ҳуқуқ тизими учун хос бўлган уларнинг қонун билан қатъий белгиланган (ёпиқ) рўйхатидир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФК 165-моддаси ашёвий ҳуқуқларнинг тахминий рўйхатини мустаҳкамлайди ҳамда шу асосда “мулк ҳуқуқи билан бир қаторда, хусусан қуйидагилар ашёвий ҳуқуқлар ҳисобланади иборасининг белгиланиши бу норманинг ёпиқ қонун эмаслигини кўрсатади. Ашёвий ҳуқуқлар қатъий рўйхатининг мавжуд эмаслиги амалий натижага эга. Биринчидан, ашёвий ҳуқуқларнинг юридик мазмуни ва вужудга келиш усулининг қатъий белгиланганлигини тўлиқ инкор этади ҳамда Кодексда ашёвий ҳуқуқларнинг стандарт тарзда ифодаланиши ашёвий ҳуқуқларни тарафлар эркин равишда тузадиган мажбурият ҳуқуқидан фарқлаши лозим. Оқибатда бу юридик жихатдан қийин таснифланадиган тегишлилик фактик ҳолатининг вужудга келишига олиб келади, айниқса, агар мулкни топширишда эгалик титули кўрсатилмаганда, бу ҳол яққол кўзга ташланади. Иккинчидан, амалиётда ҳуқуқни ашёвий ва мажбурият турларига бўлинмайди. Зеро, бундай бўлиниш суд орқали ҳимоя қилиш усулида бир қанча тушунмовчиликларни вужудга келтиради. Учинчидан, қуйидагиларга кўра ашёвий ҳуқуқлар рўйхати (турлари)ни кенгайтириш мақсадга мувофиқ эмас:

- а) баъзи ашёвий ҳуқуқларни – ашёвий деб топиш;
- б) собиқ совет ҳуқуқидан мерос қолган хўжақўрсинлик андозаларининг мавжудлиги.

Бунинг оқибатида у ёки бу шахснинг (амалиётда юридик шахсларни ташкил этишда кенг тарқалган) фойдасига ёйладиган кейинчалик ваколатларнинг кенгайишига олиб келадиган битта объектга нисбатан

амалга ошириладиган “мол-мулк буйича” ҳуқуқларнинг чексиз вужудга келиши ҳисобланади. Мулк ҳуқуқининг ўзгарган кўриниши шаклида бир қанча ҳуқуқлар келиб чиқади: доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш, корпоратив бошқариш, мустақил бошқариш, муддатсиз ижара ва шу қабилилар.

Ашъвий ҳуқуқларни ажратиш муаммоси мамлакатимиз фуқаролик қонунчилигида ҳал этилмасдан қолмоқда. Зеро, у ёки бу ҳуқуқнинг ашъвий эканлигини тан олишнинг юридик аҳамиятини инкор этмас эканмиз, бунда улардан қай бири имтиёзли ашъвий ҳуқуқий ҳимоя этилиши тўғрисида тасаввурга эга бўлишимиз керак бўлади. Ҳолбуки, ушбу ҳолатда ҳам қонунчилик ашъвий ҳуқуқлар рўйхатини беркитилиши (ўзгармаслиги, қатъийлиги)га имкон бермайдиган турли тушунарсиз жумлаларни келтириш билан чекланади. ФКнинг 232-моддаси ашъвий ҳимоя ҳуқуқини мустаҳкамлаш билан бирга бу ҳуқуқ мулкка қонунда ёки шартномада кўзда тутилган асосларга кўра эгалик қилаётган ҳар қандай шахсга тегишли бўлишини ифодалайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, агар ашъвий ҳуқуқ субъекти ФКнинг 232-моддаси асосида ашъни натура ҳолида мулкдордан ҳам талаб қилиб олса, кредитор мажбурият ҳуқуқи асосида ФКнинг 331-моддасига биноан индивидуал – белгиланган ашъни қарздордан олиб қўйишни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Ашъвий ҳуқуқларни мажбурият ҳуқуқидан фарқлари мутлоқ ҳимоя воситаси сифатида ашъни мажбурий топширишни қўллаш имкониятини белгиламайди. Фарқ шундаки, мулкка нисбатан ваколатли барча шахсларга ҳуқуқ қай даражада қарши қўйилиши мумкинлиги билан белгиланади. Ҳуқуқнинг ашъвий эканлигини тан олиш, эътироф этишнинг юридик кучи – бу ҳуқуқнинг мулкдорга қарши қўйилганлиги билан ўлчанмайди. Чунки, мажбурият ҳуқуқи ҳам мутлоқ ҳимоядан фойдаланиши мумкин (ФКнинг 331-моддаси). Ҳуқуқнинг бундай таъсири мажбурият ҳуқуқи ва вақт буйича амал қилувчи бир турдаги ҳуқуқларда имтиёзли ҳимоя кўринишида намоён бўлади.

Ашъвий ҳуқуқ турлари. Фуқаролик кодекси ашъвий ҳуқуқ жумласига қуйидагиларни киритади: мулк ҳуқуқи, ҳўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи, мёрос қилиб қолдирилган ер участкасига эгалиқ қилиш, ер участкасига умрбод эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи, сервитутлар (ФКнинг 164-165-моддалари). Бу рўйхат “хусусан” атамасига биноан ифодаланган ҳамда ФКнинг 2-бўлимида ифодаланмаган яна қандай ҳуқуқлар ашъвий ҳуқуқлар таркибига киради деган савол туғилади.

ФКнинг 165-моддасида «қатъий» ифодаланган ашъвий ҳуқуқларга “тахминий” қуйидаги ҳуқуқларни келтириш мумкин: даромад келтирадиган фаолиятни амалга оширишдан келадиган фойдани мустақил тасарруф этишни таъсис этиш ҳуқуқи (ФКнинг 180-моддаси 2-қисми), ипотека ва закатат кўринишидаги гаров (ФКнинг 265-моддаси), ушлаб

колиш (290-модда), мулкдор оила аъзоларининг ҳуқуқлари, шунингдек, уй-жойдан фойдаланиб, мулкдор билан бирга доимий яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқлари (1998 йил 24 декабрдаги Уй-жой кодексининг 32-моддаси) ва уй-жой квартирани умрбод таъминлаш шарти билан бериш шартномаси бўйича (ФКнинг 530-534-моддалари) ёхуд меросдан воз кечиш асосида (Уй-жой кодексининг 121-123-моддалари), сотиб олиш шарти билан ижара ҳуқуқи (ФКнинг 556-моддаси, 541-модда ва Уй-жой кодексининг 89-моддаси, кооператив аъзосининг кооперативдаги квартирани сотиб олишгача бўлган ҳуқуқи (Уй-жой кодексининг 100-101 моддалари), шунингдек, муддатли бошқарув (ФКнинг 187-моддаси). Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ашёвий ҳуқуқларнинг тахминий рўйхати баҳслидир.

Цивилистикада гаров ва ижаранинг турларининг ашёвий ҳуқуқларга тааллуқлилиги хусусида кўплаб тортишувлар мавжуд.

Амалда барча машҳур ашёвий ҳуқуқ классификациялари мулк ҳуқуқи эгалик билан бир хил даражада унинг чегарасидан ташқарида бўлишидан келиб чиқади. Лекин уларнинг бариси мукамал эмас, ҳуқуқ субъектлари (давлат, унитар корхоналар, фуқаролар) ва объект турлари (ер, уй-жой) га нисбатан қатъий қарамликка йўл қўяди. Шу билан бирга, ашёвий ҳуқуқ мазмуни ҳуқуқни белгилловчи ушбу параметр ёки критерийларга энг кам асосланиши керак. И.А.Покровский ишлаб чиққан ашёвий ҳуқуқлар тизимига тузатишлар киритиб, биз мулк ҳуқуқини асос қилган ҳолда уларни мулк ҳуқуқи томон таснифлашни тақлиф қиламиз.

Мулк ҳуқуқининг ўзиникига нисбатан, бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг бегона мулкка нисбатан, амалга оширишнинг шубҳасиз факти цивилистларнинг ашёвий ҳуқуқлар турининг бўлиниши ва мулк ҳуқуқининг уларнинг тизимида марказий фигура деб ҳисоблашга доир кам учрайдиган яқдилликни таъминлади. Бундай бирламчи дихотомияга ўз хайрихоҳлигини қонун чиқарувчи ҳам ФК 2-бўлимида билдирди, шунингдек, бир вақтнинг ўзида мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқ битта объектга нисбатан бирлашиши мумкин эмаслигига нисбатан ҳам муносабат билдирган. Таснифнинг биринчи босқичи бўлиниш критерийси шахснинг мулкка муносабати бўлган жуфтлик ҳосил қилади:

-мулк ҳуқуқи;

-бошқа ашёвий ҳуқуқлар;

иккинчи босқичда мулк ҳуқуқи, мулкдорнинг ашёга бўлган чекланган ҳуқуқлари мавжуд ёки йўқлигига қараб;

- тўлик;

- юкланган ҳуқуқларга бўлинади.

Бошқа ашёвий ҳуқуқлар мулк ҳуқуқи билан рақобатлашади ва унга ҳамроҳлик қилади ёки қарши туради, яъни мулк ҳуқуқига нисбатан позитив ёки негатив ҳуқуқларни ҳосил қилади.

Учинчи босқичда позитив ҳуқуқлар (ашёдан фойдаланиш ҳуқуқлари), бегона мулкга таъсир даражаси ва улардан келадиган ҳосил ёки даромаднинг тақдирига қараб куйидагиларга бўлинади:

-сервитут ҳуқуқлари – уларга сервитутлар (ФКнинг 173-м), мулкдор оиласи аъзолари ва улар билан доимий яшовчи фуқароларнинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи (Уй-жой Кодексининг 32-м); турар жойни бегоналаштириш шартномасига кўра турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи, умрбод таъминлаш шарти билан (ФКнинг 530-534-м) ёки мерос қолдириш орқали ундан воз кечиш (Уй-жой Кодексининг 121-123-м). - фойдаланиш ҳуқуқлари, улар ўз ичига хўжалик юритиш ва оператив бошқарув ҳуқуқлари (ФКнинг 176-181-м), ердан мерос қолдириш ҳуқуқи билан доимий фойдаланиш, доимий фойдаланиш ва ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқлари (Ер Кодексининг 19,20-м), муассасанинг даромад келтирувчи фаолиятини амалга ошириб, олинган фойдани мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи (ФКнинг 180-м).

Негатив ҳуқуқлар (ашёни кайтариб олиш ҳуқуқлари), ўзганинг мулкига нисбатан реал ҳокимияти ўрнатишга ёки ундан компенсацион бойлик олишга қаратилганлигига қараб, куйидагиларга бўлинади:

-эгаллаш ҳуқуқи, унга муддатли эгалик (ФКнинг 187-моддаси), кейинчалик сотиб олиш билан ижара ҳуқуқи (ФК 556-м, УК 41, 89-м), ширкат аъзосининг сотиб олишгача ширкат квартирасига бўлган ҳуқуқи (УК 99-м).

-гаров ҳуқуқи, у закатат, ипотека шаклидаги гаровга кўйиш ҳуқуқлари (ФКнинг 265-м) ва ушлаб қолишдан (ФКнинг 290-м) иборат.

Юқоридаги ашёвий ҳуқуқлар рўйхати уникал фойдаланиш ҳуқуқлар туфайли ўзининг бесўнақайлиги билан одамни шоширади: хўжалик юритиш ва оператив бошқарув ҳуқуқи, муассасанинг ўзи топган даромадини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи. Кўпгина бошқа ҳуқуқлар зуфрукт ёки узус ёхуд узок муддатли фойдаланишга бирлаштириб юборилиши мумкин .

2-§. Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда ҳар бир ҳуқуқ соҳиби ўз хоҳиш-иродасига асосланади. Бу эса, ўз навбатида, субъектив ҳуқуқ билан боғлиқ барча масалалар, шу жумладан, уларнинг амалга ошириш ҳажми ва усуллари, шунингдек, субъектив ҳуқуқдан воз кечиш, ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқ соҳибининг эркига кўра ҳал этилишини билдиради.¹

Давлат мулк ҳуқуқини амалга ошириш ҳам давлат ва унинг ваколатли органларининг субъектив фуқаролик ҳуқуқлари бўлиб, улар ҳам ФКнинг 9-моддасига мувофиқ фуқаролар ва юридик шахслар каби ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан, уларни химоя

¹ Гражданское право: Учеб.: В 3 т. Т.1. –6-е изд., перераб. Г75 и доп./Н.Д.Егоров, И.В.Елисеев и др.; Отв. Ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой.-М.: ТК Велби, Изд-во Проспект 2003. -315с

қилиш ҳуқуқини ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар. Шундай экан, давлат ихтиёридаги мол-мулкни бошқариш, улардан фойдаланиш ва мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ҳаракатларнинг содир этилишида турли-туман мулк эгаси ҳисобланган ва бир қанча органлар орқали ўз фаолиятини юритадиган давлатнинг ваколатлари нималардан иборат бўлади? – деган савол туғилади. Зеро, бозор муносабатларига ўтиш шароитида давлат мулкни амалга ошириш масаласи жиддий аҳамият касб этади. Бундай жиддийлик куйидагиларда намоён бўлади:

1. Давлат мулк объектларининг хилма-хиллиги уларга нисбатан мулк ҳуқуқини амалга оширишда турли усул ва воситалар қўллашни талаб этади. Масалан, табиий ресурсларга нисбатан ўзгача (масалан, давлатнинг бевосита ўзи томонидан ёки учинчи шахсларга концессия бериш орқали¹) усуллар орқали мулк ҳуқуқи амалга оширилса, давлат муассасаларида оператив бошқарув ва ҳ.к;

2. Муайян мол-мулкни бошқаришда ва ўзига бириктирилган мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини амалга оширишда ҳар бир давлат органи ўз фаолиятининг йўналишидан келиб чиқиб, турли ваколатларга эга бўлади. Бу эса давлат мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг мураккаб жараён эканлигидан далолат беради;

3. Халқ ва жамият манфаатлари давлат мулк ҳуқуқини амалга оширишда устувор, энг муҳим ва бирламчи вазифа ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам давлат ва у ваколат берган бошқа шахслар давлат мулк ҳуқуқини халқ ва жамият манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширишлари лозим бўлади;

4. Давлат мулк ҳуқуқини амалга ошириш усул ва воситалари фуқаролик-ҳуқуқий аҳамият касб этиши билан бирга, маъмурий-ҳуқуқий аҳамиятга ҳам эга бўлади. Зеро, давлат ҳамма вақт ҳокимият органи сифатида муайян тартиб ва қоидаларга асосан фаолият юритади;

5. Давлатнинг фуқаролик ҳуқуқида ўзига хос субъект эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мулк ҳуқуқини амалга оширишда ҳам ўзига хосликларга эга, деган хулосага келиш мумкин ва бу ўзига хослик давлат ўз мулк ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида кузатилади;

6. Давлат ўзига тегишли мулк ҳуқуқини соф субъектив ҳуқуқ сифатида амалга ошира олмайди. Чунки давлат объектив нормалар яратувчиси сифатида субъектив ҳуқуқни тўлиқ ва бевосита амалга ошириш имкониятига эга бўлмайди.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, мулк ҳуқуқини амалга оширишда давлат мулкдор шахс каби ўзига тегишли мол-мулкни бевосита ўзи (давлат ҳокимияти органлари, муниципал органлар) ва ўзи ташкил этган юридик шахслари орқали бошқаришини таъкидлаб ўтиш жоиз.

¹ Хамроев С. Ўзбекистонда табиий бойликлардан фойдаланиш шартномалари (концессия) нинг ҳуқуқий тартибга солиниши. -Т.: НПО Восток. 1999. 3-24 б.

Биринчи ҳолатда (яъни, давлатнинг мулк ҳукуки бевосита амалга оширилганда) давлат органлари давлатнинг юридик шахсларга бириктирилмаган мол-мулкига нисбатан эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширсалар, иккинчи ҳолатда, давлат томонидан ташкил этилган юридик шахслар ўзларига муайян мақсадни амалга ошириш учун бириктирилган мол-мулкка нисбатан давлат мулк ҳуқуқини бевосита амалга оширадilar. Бунда ушбу юридик шахслар бир вақтнинг ўзида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ўз номидан иштирок этишини ҳисобга олиб, қайси вақтда улар давлат мулк ҳуқуқини, қайси вақтда эса ўзларининг мулк ҳуқуқини амалга оширишларини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Мазкур ҳолат юзасидан ФК ва бошқа қонун ҳужжатлари аниқ меъёрларни белгиламайди. Давлат томонидан ташкил этилган юридик шахсларнинг давлат ва ўзларининг мулк ҳуқуқларини амалга ошираётганликларини аниқлашда, уларнинг қайси вазифа ва мақсад юзасидан мулк муносабатларга киришганликларини белгилаб олиш ва шундан сўнг бир гўхтамга келиш мумкин. Акс ҳолда кўп қиррали фаолият олиб борадиган юридик шахсларнинг қайси мулк ҳуқуқини (давлатнинг ёки ўзининг) амалга оширилаётганликларини аниқлаш турли чалкашликларни вужудга келтириши мумкин.

Ҳозирги кунда давлат мулк ҳуқуқи давлат мулки бириктириб қўйилган юридик шахслар (давлат томонидан ташкил этилган, эркин фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил иштирокчиси бўладиган субъект) ва давлат органлари томонидан амалга оширилади. Зеро, ФКнинг 214-моддаси 3-қисмига мувофиқ Республика мулки бўлган давлат мол-мулки давлат юридик шахсларига хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин.

Шу муносабат билан амалиётда давлат мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг икки асосий шакли мавжуд бўлиб, улар хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқидир. Умуман олганда, хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи совет ҳуқуқидаги давлат мулкни бошқаришнинг ўзига хос шакли сифатида вужудга келган. Зеро, собиқ Иттифок давридаги мулк муносабатларнинг давлат мулки билан чамбарчас боғлиқлиги, марказлашган бошқарув ва маъмурий-бўйруқбозликка асосланган давлатда мулкни бошқаришнинг ўзга мақбул усулини танлашнинг имкони ҳам мавжуд эди.

Цивилист олим Ю.К.Толстойнинг фикрича, оператив бошқариш ҳуқуқи фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий унсурларни ўзида қамраб олган аралаш характерли ҳуқуқдир.¹

Ш.М.Асяновнинг фикрига кўра, оператив бошқариш ҳуқуқи ашёвий ҳуқуқлар тизимига кирмайди. Бу ҳуқуқ мулкдор давлатнинг ўз органлари мол-мулкни бириктириб, уни бошқариш, ундан фойдаланиш тартиби ва

¹ Толстой Ю.К. Основы гражданского-правового законодательства -М.: 1964, 59-63с.

шартларини белгиловчи ҳуқукдир. Оператив бошқариш ҳуқуқи мутлак ҳуқук ҳисобланмайди.

У.А.Арипджановнинг фикрича, оператив бошқариш ҳуқуқида давлат корхонаси ва муассасасига бириктирилган мол-мулкни бошқаришга нисбатан ҳар қандай фармойиш фақатгина мулкдорнинг розилиги билан амалга оширилади, бундай мол-мулкнинг ортиқча қисми ёки фойдаланилмаётган қисми мулкдор томонидан олиб қўйилиши мумкин. Бунда давлат ўзига тегишли корхона ёки муассасасига бириктирилган мол-мулкка нисбатан тўлиқ ашёвий ҳуқуқларни сақлаб қолади, бунга қўшимча равишда мажбуриятлари юзасидан мол-мулк билан жавобгарликни ҳам ўзи ташкил қилган юридик шахсларга юклайди.¹

Ушбу фикрларнинг ҳар бири турли нуқтаи назардан билдирилган бўлиб, муайян маънода тўғри ҳисобланади. Лекин уларнинг барчаси оператив бошқариш ҳуқуқини давлат мулк ҳуқуқини амалга ошириш усули сифатида эмас, давлат органлари, муассасалари ва корхоналарининг мулкий ҳуқуқи сифатида тушунтиришга ҳаракат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 178-моддасига мувофиқ, давлат корхонаси, шунингдек, муассасаси ўзларига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан қонунда белгилаб қўйилган доирада, ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолда эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширадилар. Айнан ана шу амалга ошириладиган ҳуқуқлар давлатга тегишлидир. Давлат ўзига тегишли мол-мулкни ва унга нисбатан мулкий (ашёвий) ҳуқуқларни ўз органига ёки ўзи ташкил этган юридик шахсга топширар экан, уларни амалга оширишга нисбатан бир қатор талабларни белгилайди. Бундай талаблар жумласига қуйидагилар кирadi:

- қонунда белгилаб қўйилган доирада ҳаракат қилиш;
- ўз фаолиятининг мақсадларига кўра мулкий ҳуқуқларни амалга ошириш;
- мулкдор (давлат) нинг топшириқларига амал қилиш;
- мол-мулкнинг вазифасини ҳисобга олган ҳолда унга нисбатан ҳуқуқларни амалга ошириш.

Давлат мулк ҳуқуқини амалга оширишда қонунда белгиланган доира-давлат юридик шахсларининг давлат мулк ҳуқуқини амалга ошириш юзасидан уларга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳажмига асосланилади. Бундай ҳуқуқ ва мажбуриятлар юридик шахс (давлат корхонаси ва давлат муассасаси) нинг Устави ёки Низомида белгиланади. Устав ёки Низом мулкдор (давлат) томонидан тайёрланади ва давлатнинг ваколатли органи (Адлия вазирлиги) томонидан рўйхатга олинади. Давлат корхонаси ва

¹ Арипджанов У.А. Право собственности в системе внешних прав. Автореф. Дисс...к.ю.н.-Т.: 2000. –С. 22.

Биринчи ҳолатда (яъни, давлатнинг мулк ҳуқуқи бевосита амалга оширилганда) давлат органлари давлатнинг юридик шахсларга бириктирилмаган мол-мулкига нисбатан эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширсалар, иккинчи ҳолатда, давлат томонидан ташкил этилган юридик шахслар ўзларига муайян мақсадни амалга ошириш учун бириктирилган мол-мулкка нисбатан давлат мулк ҳуқуқини бевосита амалга оширадilar. Бунда ушбу юридик шахслар бир вақтнинг ўзида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ўз номидан иштирок этишини ҳисобга олиб, қайси вақтда улар давлат мулк ҳуқуқини, қайси вақтда эса ўзларининг мулк ҳуқуқини амалга оширишларини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Мазкур ҳолат юзасидан ФК ва бошқа қонун ҳужжатлари аниқ меъёрларни белгиламайди. Давлат томонидан ташкил этилган юридик шахсларнинг давлат ва ўзларининг мулк ҳуқуқларини амалга ошираётганликларини аниқлашда, уларнинг қайси вазифа ва мақсад юзасидан мулк муносабатларга киришганликларини белгилаб олиш ва шундан сўнг бир гўхтамга келиш мумкин. Акс ҳолда кўп қиррали фаолият олиб борадиган юридик шахсларнинг қайси мулк ҳуқуқини (давлатнинг ёки ўзининг) амалга оширилаётганликларини аниқлаш турли чалкашликларни вужудга келтириши мумкин.

Ҳозирги кунда давлат мулк ҳуқуқи давлат мулки бириктириб қўйилган юридик шахслар (давлат томонидан ташкил этилган, эркин фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил иштирокчиси бўладиган субъект) ва давлат органлари томонидан амалга оширилади. Зеро, ФКнинг 214-моддаси 3-қисмига мувофиқ Республика мулки бўлган давлат мол-мулки давлат юридик шахсларига хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин.

Шу муносабат билан амалиётда давлат мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг икки асосий шакли мавжуд бўлиб, улар хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқидир. Умуман олганда, хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи совет ҳуқуқидаги давлат мулкни бошқаришнинг ўзига хос шакли сифатида вужудга келган. Зеро, собиқ Иттифок давридаги мулк муносабатларнинг давлат мулки билан чамбарчас боғлиқлиги, марказлашган бошқарув ва маъмурий-бўйруқбозликка асосланган давлатда мулкни бошқаришнинг ўзга мақбул усулини танлашнинг имкони ҳам мавжуд эди.

Цивилист олим Ю.К.Толстойнинг фикрича, оператив бошқариш ҳуқуқи фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий унсурларни ўзида қамраб олган аралаш характерли ҳуқуқдир.¹

Ш.М.Асяновнинг фикрига кўра, оператив бошқариш ҳуқуқи ашёвий ҳуқуқлар тизимида кирмайди. Бу ҳуқуқ мулкдор давлатнинг ўз органлари мол-мулкни бириктириб, уни бошқариш, ундан фойдаланиш тартиби ва

¹ Толстой Ю.К. Основы гражданского-правового законодательства -М.:1964, 59-63с.

шартларини белгиловчи ҳуқуқдир. Оператив бошқариш ҳуқуқи мутлақ ҳуқуқ ҳисобланмайди.

У.А.Арипджановнинг фикрича, оператив бошқариш ҳуқуқида давлат корхонаси ва муассасасига бириктирилган мол-мулкни бошқаришга нисбатан ҳар қандай фармойиш фақатгина мулкдорнинг розилиги билан амалга оширилади, бундай мол-мулкнинг ортиқча қисми ёки фойдаланилмаётган қисми мулкдор томонидан олиб қўйилиши мумкин. Бунда давлат ўзига тегишли корхона ёки муассасасига бириктирилган мол-мулкка нисбатан тўлиқ ашёвий ҳуқуқларни сақлаб қолади, бунга қўшимча равишда мажбуриятлари юзасидан мол-мулк билан жавобгарликни ҳам ўзи ташкил қилган юридик шахсларга юклайди.¹

Ушбу фикрларнинг ҳар бири турли нуқтаи назардан билдирилган бўлиб, муайян маънода тўғри ҳисобланади. Лекин уларнинг барчаси оператив бошқариш ҳуқуқини давлат мулк ҳуқуқини амалга ошириш усули сифатида эмас, давлат органлари, муассасалари ва корхоналарининг мулкый ҳуқуқи сифатида тушунтиришга ҳаракат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 178-моддасига мувофиқ, давлат корхонаси, шунингдек, муассасаси ўзларига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан қонунда белгилаб қўйилган доирада, ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолда эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширадилар. Айнан ана шу амалга ошириладиган ҳуқуқлар давлатга тегишлидир. Давлат ўзига тегишли мол-мулкни ва унга нисбатан мулкый (ашёвий) ҳуқуқларни ўз органига ёки ўзи ташкил этган юридик шахсга топширар экан, уларни амалга оширишга нисбатан бир қатор талабларни белгилайди. Бундай талаблар жумласига қуйидагилар қиради:

- қонунда белгилаб қўйилган доирада ҳаракат қилиш;
- ўз фаолиятининг мақсадларига кўра мулкый ҳуқуқларни амалга ошириш;
- мулкдор (давлат) нинг топшириқларига амал қилиш;
- мол-мулкнинг вазифасини ҳисобга олган ҳолда унга нисбатан ҳуқуқларни амалга ошириш.

Давлат мулк ҳуқуқини амалга оширишда қонунда белгиланган доира-давлат юридик шахсларининг давлат мулк ҳуқуқини амалга ошириш юзасидан уларга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳажмига асосланилади. Бундай ҳуқуқ ва мажбуриятлар юридик шахс (давлат корхонаси ва давлат муассасаси) нинг Устави ёки Низомида белгиланади. Устав ёки Низом мулкдор (давлат) томонидан тайёрланади ва давлатнинг ваколатли органи (Адлия вазирлиги) томонидан рўйхатга олинади. Давлат корхонаси ва

¹ Арипджанов У.А. Право собственности в системе вещных прав. Автореф. Дисс....к.ю.н.-Т.: 2000. –С. 22.

давлат муассасаси давлат мулк ҳуқуқини амалга оширишда ана шу ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасида ҳаракат қилишлари керак.

Агар оператив бошқариш ҳуқуқи берилган давлат корхонаси ёки муассасаси давлат мулк ҳуқуқини амалга оширишда ўз ваколатлари доирасидан четга чиқса, у ҳолда мулкдор ўз мулквий ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқини ўз зиммасига олиши мумкин.

Маълумки, давлат корхонаси ва муассасасига мулк муайян фаолиятни амалга ошириш учун бириктирилади. Ҳар қандай ҳолларда ҳам оператив бошқариш ҳуқуқидан фойдаланаётган давлат юридик шахслари мулкдан ўзларининг фаолият мақсадлари йўлида фойдаланишлари ва мулквий ҳуқуқнинг бошқа элементларини амалга оширишлари лозим.

Агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассасасига даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромадлар бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олиб борилади (масалан, давлатга қарашли олий ўқув юрти кафедраси томонидан шартнома асосида тадқиқотлар ўтказилиб, ишлаб топилган маблағлар худди шундай тартибда тасарруф қилинади).

Оператив бошқариш орқали давлат мулк ҳуқуқини амалга ошираётган давлат корхонаси ёки муассасаси мулкдорнинг, яъни давлатнинг топшириқларини бажариши лозим. Зеро, мулкдор-давлат бу ҳолатда фуқаролик ҳуқуқининг бошқа мустақил субъекти билан эмас, ўзининг мол-мулки асосида фаолият юритаётган ва давлатнинг мулк ҳуқуқини амалга ошираётган субъект ва, қолаверса, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ўз мулк ҳисобланган корхона, муассаса юзасидан ҳар қандай қонуний топшириқни беришга ҳақли. Бунда давлат ўз мол-мулкига нисбатан мулквий ҳуқуқнинг исталгани юзасидан топшириқ бера олади. Айнан давлатнинг ана шундай топшириғи унинг ўз мулк ҳуқуқини бевосита амалга ошириш ҳисобланади. Зеро, мулкдор ўз мол-мулкнинг ягона ҳўжайини ва ўз ашёсининг мулкдори сифатида ўз хоҳиш-иродаси асосида мулк ҳуқуқини амалга оширади.

ФКнинг 179-моддасига мувофиқ, давлат корхонаси ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни мулкдорнинг розилиғи билангина бошқа шахсга беришга ёки уни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли. Кўриниб турибдики, оператив бошқариш ҳуқуқи мулкдорнинг ўз мулк ҳуқуқини тўлиқ равишда ўз корхонасига топшириш ҳолати эмас.

Агар оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ўтиши лозим бўлган ашёвий ҳуқуқларнинг нисбатига эътибор қаратадиган бўлсак, мулкни эгаллаш ҳуқуқи давлат корхонаси ёки муассасасига тўлиқ ўтказилишини, фойдаланиш ҳуқуқи ҳам эгаллик ҳуқуқи каби тўлиқ ўтказилса-да, бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши мулкдор томонидан назорат этилишини (ФКнинг 178-моддаси 2-қисми), тасарруф этиш ҳуқуқи эса тўлиқ мулкдорнинг ўзида сақланиб қолишини кўриш мумкин. ФКнинг 180-

моддасига мувофиқ, муассаса ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни бошқа шахсга беришга ёки ўзгача усул билан тасарруф этишга ҳақли эмас.

Гарчи ФКнинг 178-моддаси 1-қисми давлат корхонаси ва муассасаси бир неча шартлар асосида мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширишни баён этса-да, бу шартлар асосида устувор ўринни мулкдорнинг топшириғи эгаллайди. Қолаверса, 178-моддада белгиланган барча шартлар давлат корхонаси ва муассасасининг оператив бошқариш ҳуқуқи асосида оладиган ашёвий ҳуқуқларига нисбатан чеклов ҳисобланади.

Давлат корхонаси ва муассасасига бириктирилган мол-мулкнинг вазифаси унинг ҳўжалик фаолиятида тайинланиш мақсади билан аниқланади. Масалан, олий ўқув юртида стол-стуллар талабалар дарс жараёнида ўтиришлари учун фойдаланилади ёки компьютер вазифаси давлат корхонаси ёки муассасасининг ўз фаолиятини амалга оширишда хизмат қилиш ҳисобланади.

Умумий қоидага кўра, оператив бошқариш ҳуқуқи давлат корхоналари (ФКнинг 72-моддаси) ва муассасаларига берилади. Булар жумласига, маданий-маърифий, оқартув, таълим, маориф, бошқарув соҳасида фаолият юритадиган давлат муассасалари ва ташкилотлари киради.

Ўқорида таъкидланганидек, оператив бошқариш ҳуқуқи совет ҳуқуқининг давлат мулкни бошқаришдаги ўзига хос усули сифатида вужудга келган ва асосан социалистик принциплар (хусусий мулкка йўл қўйилмаслиги, режали бошқарув, маъмурий-бўйруқбозлик, худудли ихтисослашув ва бошқалар) га таянган ҳолда амалда бўлган.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида талаб ва тақлиф, рақобат асосида шаклландиган муносабатларда оператив бошқариш ҳуқуқининг амалда бўлиши анча баҳсли масаладир.

Ҳ.Раҳмонкуловнинг фикрича, оператив бошқариш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳали корхоналарнинг асосий қисми давлат мулки бўлган пайтда киритилган.¹ Бундай корхоналар мулкдор бўлмаганлиги сабабли, давлат мулкни ашёвий ҳуқуқларга (ФКнинг 165-моддаси) мувофиқ эгалларди, фойдаланарди ва тасарруф этардилар. ФК қабул қилинганидан сўнг ўтган давр мобайнида кўплаб давлат корхоналари хусусийлаштирилди. Бу жараён ҳозирги кунда ҳам жадал давом этмоқда. Бу ҳолатларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси келгусида такомиллаштирилиши ва оператив бошқариш ҳуқуқи совет давридаги ҳуқуқ тизимининг институти сифатида ўз аҳамиятини йўқотганлиги сабабли фуқаролик кодекси – ҳуқуқий қонунчиликда ифодаланмаслиги лозимлиги тўғрисида ҳулоса чиқаришга асос бўлади.

¹ Раҳмонкулов Х.Р. Гражданское право. Учебник. -Т., ТГЮИ, 2010.-С 521.

Хўжалик юретиш ҳуқуқи ҳам оператив бошқариш ҳуқуқи каби давлат мулк ҳуқуқини амалга ошириш усули ҳисобланади. Маълумки, хўжалик юретиш ҳуқуқи оператив бошқариш ҳуқуқига қараганда анча кейин пайдо бўлган. Агар оператив бошқариш ҳуқуқи ўтган асрнинг 40-йилларида назарий жиҳатдан вужудга келиб, амалиётда 60-йилларда қўлланила бошланган бўлса, хўжалик юретиш ҳуқуқи 80-йилларнинг ўрталаридан (унгача тўла оператив бошқариш ҳуқуқи) амалиётда қўлланилиб келинмоқда.

Хўжалик юретиш ҳуқуқи 1963 йилги Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодексига ўз ифодасини топмаган. Давлат мулкни амалга оширишнинг бу усули собиқ Иттифоқдаги қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Шу ўринда давлат мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг усуллари ҳисобланган хўжалик юретиш ва оператив бошқариш ҳуқуқининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим. Ушбу ҳуқуқларнинг ўзаро ўхшаш жиҳатлари қуйидагиларда кўринади:

- хўжалик юретиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи соф маънодаги мулк ҳуқуқи эмас, балки давлат мулк ҳуқуқини амалга ошириш шаклидир;
- иккала ҳолатда ҳам давлат ўзининг мулкый ҳуқуқлари таркибига кирувчи ҳуқуқларнинг маълум бир қисмини беради;
- хўжалик юретиш ва оператив бошқариш ҳуқуқлари мулкый ҳуқуқнинг чекланиши билан боғлиқ;
- мулк ҳуқуқининг асосий элементи—тасарруф этиш элементи ҳар доим мулкдорда қолади.

Хўжалик юретиш ҳуқуқининг оператив бошқариш ҳуқуқидан фарқли томонлари қуйидагиларда номоён бўлади:

- хўжалик юретиш ҳуқуқи оператив бошқариш ҳуқуқидан фарқли равишда одагда, давлатнинг тижоратчи юридик шахсларига бериладиган ҳуқуқдир. Масалан, давлат унитар корхонаси тижорат ташкилотидир (ФКнинг 70- моддаси);

- хўжалик юретиш ҳуқуқига эга субъект оператив бошқариш ҳуқуқига эга шахсга қараганда давлат мулкни бошқаришда кенгроқ ҳуқуқ ва имтиёзга эга бўлади;

- хўжалик юретиш ҳуқуқи асосида фаолият юритаётган унитар корхона давлат муассасасидан фарқ қилиб, ўзининг хўжалик юретишида бўлган мол-мулкни ишлатишдан келган фойданинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга (ФКнинг 177-моддаси 2-қисми);

- хўжалик юретиш ҳуқуқи асосида фаолият юритаётган корхона муассасадан фарқ қилиб, ўз мажбуриятлари юзасидан мустақил жавобгар бўлади (ФКнинг 177-моддаси 3-қисми).

ФКнинг 176-моддасига мувофиқ хўжалик юретиш ҳуқуқи асосида ихтиёрида мол-мулк бўлган унитар корхона бу мол-мулкка ушбу Кодексда

белгиланган доирада эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Ҳ.Раҳмонкуловнинг фикрича, хўжалик юритиш ҳуқуқининг субъектлари (корхоналар) ўз ихтиёридаги мол-мулкка нисбатан мулк эгаси ҳуқуқларига эга эмаслар, лекин улар мулк эгаси тузган тартиб бўйича, ушбу мол-мулкдан фақат ўзларининг эмас, балки мулк эгасининг ҳам манфаатларини кўзлаб эгаллайдилар, ундан фойдаланадилар ва уни тасарруф этадилар.

Хўжалик юритиш ҳуқуқига корхоналар ўз фаолиятини оммавий шаклдаги, яъни, давлат ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларига тегишли мулк асосида амалга оширадилар. Дарҳақиқат, хўжалик юритиш ҳуқуқи фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрдаги «Мулкчилик тўғрисида» ги қонуни 10-моддаси 2-қисмига мувофиқ, маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли мулкнинг субъектидир. Ўзи сайлаб қўйган органлар маҳалла мулкни тўла хўжалик юритиш асосида эгаллайди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Гарчи ФК хўжалик юритиш ҳуқуқи фақат давлат унитар корхонасига тегишли, деган нормани белгиламаса-да, амалиётда мулкдорнинг мулк ҳуқуқини амалга ошириш усули сифатида хўжалик юритиш ҳуқуқи фақат давлат унитар корхоналарига нисбатан қўлланилади. Фикримизча, амалда хўжалик юритиш ҳуқуқини мулкнинг бошқа шакллариغا нисбатан тадбиқ этиш бир қатор тушунарсиз ҳолатларни келтириб чиқаради.

Маълумки, хўжалик юритиш ҳуқуқи совет ҳуқуқининг маҳсули ҳисобланади ва ўша даврларда фақат давлат мулкига нисбатан ишлаб чиқарилган мулк ҳуқуқини амалга ошириш усули сифатида тадбиқ этилган. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан вужудга келган турли мулк шаклларида мулкдор ўз мулкни ҳуқуқларини амалга оширишнинг бошқа ўзи учун кўпроқ фойдали усулларини танлайди (масалан, ижара, ишончли бошқариш, ишончнома ва х.к.). Шу сабабли хўжалик юритиш ҳуқуқи ҳала-ҳануз давлат мулкни амалга ошириш усули сифатида фақат давлат корхоналарига тадбиқ этилмоқда.

В.В.Лаптев кооператив, жамоат ва диний ташкилот шўба корхона ташкил этиб, ўз мулкни муайян қисмини хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида унга бириктириб қўйиши мумкин эмаслигини тушуниш кийин ҳолат, нега энди улар муайян фаолиятни амалга оширишлари учун айнан хўжалик жамияти ва ширкати тузишлари ва унга мулк ҳуқуқини беришлари лозим¹ дейди.

Дарҳақиқат, ушбу ҳолат анча тушунарсиздир. Зеро, қонун йўл қўйган ҳаракатларни субъектларнинг ўзлари амалга оширмасликлари уларнинг

¹ Лаптев В.В. Предпринимательское право. -М.:1997. -С.58.

субъектив эрк-иродасига боғлиқ. Шу сабабли ҳўжалиқ юритиш ҳуқуқидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслиқ бу турли мулк шакллари субъектларининг субъектив ҳуқуқи, бу ҳуқуқни амалга ошириш юзасидан таъсир кўрсатиши мумкин эмас.

В.В.Чубаровнинг фикрича, ушбу ашёвий ҳуқуқнинг объектини ташкил этувчи мол-мулк жумласига бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, талаб қилиш ҳуқуқи ва бошқалар киради. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, бу ҳуқуқ асосида бериладиган мол-мулклар жумласига яна корхонага берилиши мумкин бўлган қимматли қоғозлар, турли хилдаги ўзга ашёларни киритиш мумкин.

Маълумки, ҳўжалиқ юритиш ҳуқуқи асосида бириктирилган мулкый ҳуқуқлар турли кўринишда бўлади. Ҳўжалиқ юритиш ҳуқуқида мулкый ҳуқуқлар ўз мазмунига кўра икки қисмдан иборат бўлади:

а) ҳўжалиқ юритиш ҳуқуқи асосида корхонага бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдорнинг ҳуқуқлари;

б) ҳўжалиқ юритиш ҳуқуқи асосида ўзига мол-мулк бириктирилган корхона бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишга ҳақли. Яъни, корхонага қарашли мол-мулкни мустақил тасарруф этади.

ФКнинг 177-моддасига мувофиқ, ҳўжалиқ юритишида бўлган мол-мулкнинг эгаси қонунга мувофиқ корхона ташкил этиш, унинг фаолият соҳасини ва мақсадларини аниқлаш, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш масаласини ҳал қилади, корхона директори (раҳбари)ни тайинлайди, корхонага қарашли мол-мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланилиши ва унинг сақланишини назорат қилади, корхонанинг ҳўжалиқ юритишида бўлган мол-мулкни ишлатишдан келган фойданинг бир қисмини олади.

Мулкдорнинг ушбу ҳуқуқлари айни вақтда ҳўжалиқ юритиш корхонасининг мажбуриятлари ҳамдир. Шу муносабат билан унитар корхона ҳўжалиқ юритиш ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган қўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз сотишга, ижарага беришга, гаровга қўйишга, ҳўжалиқ ширкатлари ва жамиятларининг устав фондиги ҳисса сифатида торширишга ёки бу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли эмас. Лекин оператив бошқариш ҳуқуқидан фарқ қилиб, ҳўжалиқ юритиш ҳуқуқида корхона ўзига қарашли мол-мулкни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ю.К.Толстойнинг таъкидлашича, ҳўжалиқ юритиш ҳуқуқи ўз мазмунига кўра чегараланган ҳуқуқдир. Бу ҳолат унинг республика ва муниципал мулк билан узвий боғлиқлигидан келиб чиқади.

Ҳақиқатан ҳўжалиқ юритиш ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра ушбу ҳуқуқ эгасига нисбатан бир неча талаблар қўяди. Гарчи ҳўжалиқ юритиш ҳуқуқининг соҳиби мулкдорнинг розилигисиз корхонага қарашли бўлган қўчмас мулкни сотишга, ижарага беришга, гаровга қўйишга, ҳўжалиқ

ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига ҳисса сифатида топширишга ёки бу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли бўлмаса-да, қонун ёки ўзга меъёрий ҳужжатларда таъқиқланмаган ҳолларда корхонага тегишли кўчар мол-мулкларни мустақил тасарруф этишга ҳақли бўлади.

Мулкдор хўжалик юритиш ҳуқуқи бўйича фаолият юритаётган корхона мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайди (ФКнинг 48-моддаси 3-қисми бундан мустасно).

Маълумки, унитар корхона хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида фаолият юритадиган субъектларнинг типик намунаси ҳисобланади. Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона мулкдорнинг ёки у вакил қилган органнинг қарорига мувофиқ ташкил этилади ва бундай унитар корхона ўз мол-мулкнинг бир қисмини хўжалик юритиш учун белгиланган тартибда топшириш йўли билан юридик шахс бўлган унитар корхона (шўъба корхона) ташкил этиши мумкин. Бу ҳолатда шўъба корхонасида унга берилган мулкка нисбатан иккиламчи хўжалик юритиш ҳуқуқи вужудга келади. Лекин уларнинг бир-бирига нисбатан жавобгарлиги бўйича ФКнинг 48-моддаси қисми талаблари қўлланилади.

Ҳуқуқшунос олим Ш.Рўзиназаровнинг таъкидлашича, унитар корхонанинг мол-мулки унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш тартибида қарашли бўлади. Унитар корхонанинг фирма номида мол-мулкнинг эгаси кўрсатилган бўлиши керак.

Мазкур фикрдан шуни англаш мумкинки, унитар корхона фуқаролик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланса-да, соф маънодаги мулкдор ҳисобланмайди. Чунки унинг фирма номида эгаси (мулкдори) кўрсатилиши лозим. Шу билан бирга, унитар корхона ҳуқуқ соҳиби эмас, балки мулкдорнинг мулквий ҳуқуқларини амалга оширувчи субъектдир.

Умуман олганда, давлат мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг бу шакли давлат мол-мулки асосида фаолият юритаётган юридик шахс ва органлар мулкнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб беради.

3-§. Мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи

Мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқи бу ашёвий ҳуқуқнинг бир тури бўлиб, фуқаронинг белгиланган ўлчамдаги ва қонунда назарда тутилган ҳолларда эҳтиёжларни қондириш мақсадида ер участкасига нисбатан бевосита эгалик қилиш ҳуқуқидир.

Бундай ашёвий ҳуқуқ тури фуқароларга ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш учун (деҳқон хўжалиги, боғдорчилик, чорвачилик, миллий ҳалқ хунарамандчилиги), шахсий эҳтиёжларни қондириш учун (турар жой, дала ховли қуриш ва таъмирлаш учун) нохўжалик фаолият юритиш учун берилиши ва турар жойни мерос сифатида қабул қилиш билан вужудга келади. Мерос қилиб

колдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқининг объекти бериладиган мақсадлардан келиб чиқиб, ўлчами қонун билан тартибга солинадиган ер участкаси ҳисобланади. Мерос қилиб колдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқининг субъекти–жисмоний шахслардир. Шунини айтиш керакки, деҳқон хўжалигига мерос қилиб колдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган томорқа, ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳада, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Аммо бу ҳуқуқ кредит олиш учун гаровга қўйилиши мумкин.

4-§. Ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи

Ер участкасига доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи қонунда юридик шахсларга берилиб, у ҳам ашёвий ҳуқуқларнинг алоҳида тури сифатида кўрилади. Ер кодексининг 17-моддасига кўра, юридик шахслар ер участкасидан доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ҳолатда ердан фойдаланиш ҳуқуқи шартномадан келиб чиқади ҳамда мутлоқ ҳимоя қилинади. Бунда субъект юридик шахслар бўлиб, объекти–конкрет белгиланган ер участкасидир. Ушбу кодексга кўра, ер участкаси ижара шартномаси асосида муддатли, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун қуйидагиларга берилиши мумкин:

-Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва юридик шахсларига;

-чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, ҳалқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга.

Бундай ашёвий ҳуқуқ турида ер фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, диний ташкилотлар, мудофаа эҳтиёжлари учун берилиши мумкин. Улар бунда белгиланган ер участкасида мустақил хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлишади, шунингдек, етиштирилган ҳосилдан тушган даромадларни эркин реализация қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилди.

5-§. Сервитут ҳуқуқи

Сервитут ҳақида сўз юритганда, унинг дастлабки вужудга келиши Рим ҳуқуқи билан боғлиқ ҳодиса эканлигини таъкидлаш лозим. Маълумки, Рим жамиятида хўжалик ҳаётининг кескин ривожланиб бориши, ижтимоий ва хўжалик муносабатларининг мураккаблашиши ва ҳуқуқий маданиятнинг ошиб бориши Рим фуқаролик ҳуқуқининг барча институтларини янада ривожланишига ва такомиллашишига олиб келди.¹

¹ Новицкий И.Б. Римское право. Учебник. КноРус. – М., 2011. -С. 132.

Шу сабабли Рим ҳукукида мулк ҳукуки билан бир қаторда субъектлари ашё билан тўғридан тўғри муносабатда бўладиган ва айрим ҳолатларда бошқа учинчи шахсларни инкор этиш имкониятига эга махсус ашёвий ҳуқуқлар ҳам тан олинган ва амалда бўлган.

Мулк ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, махсус ашёвий ҳуқуқларнинг предмети мулк ёки ашё эмас, унинг алоҳида вазифаси ўзганинг мулкидан чекланган тарзда бевосита ва тўғридан тўғри фойдаланиш ҳисобланади. Бу вазифадан хатто мулкдорнинг ўзи ҳам (сервитут ҳуқуқининг объекти сифатида) фойдалана олмаслиги ёки, аксинча, ўзида мулкдор ваколатларидан бирининг предметини ифодалаш мумкин бўлган. Бундай ҳолатда мулкдор мулк ҳуқуқини чеклаётган махсус ашёвий ҳуқуқ тугатилиб, мулк ҳуқуқи тўла шаклда тикланмагунча ўз ҳуқуқларида чекланиб қолаверади.

Ашёвий ҳуқуқни мулк ҳуқуқи билан солиштириш цивилистикада махсус ашёвий ҳуқуқларни чекланган ёки қисман чекланган ашёвий ҳуқуқ сифатида талқин қилинишининг тарқалишига ўз таъсирини ўтказди. Уларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, мазкур чекланган ашёвий ҳуқуқ мулккий ҳуқуқ билан рақобатлаша олмайди. Лекин шу билан биргаликда бошқа шахснинг айнан шу мулкка ёки ашёга эгалик ҳуқуқи борлигини назарда тутати.

Сервитут ҳуқуқига бўлган эҳтиёжнинг зарурлиги асосан хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келиши билан ифодаланади. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, айрим ер майдонлари ҳар доим ҳам ундан фойдаланишдаги зарур хусусиятларга эга бўлавермайди. Масалан, муайян ер майдонида сув бўлмаганлиги сабали қўшни ердан ариқ қовлаб сув ўтказишга эҳтиёж туғилади. Шунинг учун ҳам шу ер хўжаликда иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида қўшни ер майдонидан қисман фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишга эришиш каби муаммолари пайдо бўла бошлаган. Бундай муаммолар ер жамоа мулки ҳисобланган даврда осонгина ҳал қилинган.¹ Аммо хусусий ер мулкчилиги вужудга келиши билан ернинг мулкдори қўшни ернинг эгасига ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод бўлади. Шу тарика ўзганинг ер мулкидан сервитут асосида фойдаланиш ҳуқуқини ўрнатишга зарурат пайдо бўла бошлаган. Сервитутнинг мазмуни бировнинг мулкидан маълум мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқи ёки ўз мулкидан бошқаларнинг чекланган тарзда фойдаланишига имкон беришдан иборат.

Бир қатор мутахассислар, масалан, З.И.Пухан ва М.П.Акимовскаялар чекланган ашёвий ҳуқуқларни назарий жиҳатдан мулккий хусусиятларига кўра уч гуруҳга ажратишади:

- сервитутлар;
- узок муддатли ер ижараси шартномаси:

¹ Цовицкий И.Б. Римское право. – М., 2011. Кнорус. 2011. –С. 134.

- гаров шартномаси.

Е.А.Суханов эса чекланган ашёвий ҳуқуқларни умумий вазибаларига кўра куйидагича таснифлашни таклиф қилади, мулкдорнинг мулкани бошқариш сифатида юридик шахсларнинг ашёвий ҳуқуқлари, сервитутга хоё ҳуқуқ (истеъмол максалларига кўра мулкдан чекланган тарзда фойдаланиш қандай бўлса, хўжалик максалларига кўра ҳам худди шундай) ва ер мулкдан фойдаланишга тааллуқли бўлган ашёвий ҳуқуқлар. Бинобарин, ашёвий ҳуқуқларни уларга тўлиқ эгалик қилишга кўра таснифлаш, яъни ваколатли шахсга мулкдан фойдаланишга рухсат берилган максимал даражада ашёвий ҳуқуқга эгалик қилиш ва кейинчалик унинг чекланишига қараб таснифлашга мувофиқ,

Узоқ муддатли ер ижараси шартномаси икки турга – эмфитевзис (юнонча “*emphiteuzis*” – “ўрнатмоқ” деган маънони англатади) ва суперфицийга ажратилади. Бу иккала ҳуқуқ узоқ муддатли ер ижараси шартномасининг таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқларнинг сервитут билан ўхшаш томонлари шундаки, эмфитевзис ҳам, суперфиций ҳам ўзганинг мулкдан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи ҳисобланади. Уларнинг сервитутдан ажралиб турадиган хусусиятлари эса ҳар иккаласидаги ҳуқуқий ваколатлар ҳажмининг кенглиги ва муддати билан белгиланади. Ерга нисбатан шу иккала ҳуқуқлардан бирининг ўрнатилиши айнан шу ерга ўрнатилган мулк ҳуқуқининг номигагина сақланиб қолишини англатади.

Эмфитевзис ниҳоятда кенг ҳажмга эга бўлган ҳуқуқ бўлиб, ижарага берувчи ўз мулкани бошқариш ҳуқуқида жиддий даражада чекланадиган алоҳида умрбод ижаравий ашё ҳуқуқи ҳисобланади. Эмфитевзис низоли вазиятларда виндикацион даъво усули ва претор интердиктлари билан ҳимоя қилинган. Ижарага олинган ерга жиддий даражада зарар етказилиши, уч йил давомида ижара ҳақи тўланмаслиги ва эмфитевзис барҳам толгандан кейингина у ерга нисбатан мулк ҳуқуқи тўлиқ қайта тикланган.

Сервитут ва узуфрукт ўртасидаги фарқ ҳақида француз цивилист олими Морандьер шундай ёзади: «Узуфрукт муайян шахс фойдасига хизмат қилиб, шу асосда айнан шу шахсни кўчар ва кўчмас мулкдан фойдаланиш ва мулклардан ҳосил ундириш ваколатини берадиган ашёвий ҳуқуқдир. Сервитут эса, муддати чекланган кўчмас мулкдан фойдаланиш шароитига кўра турли мазмунга эга бўлган шунга ўхшаш бошқа мулкдан фойдаланадиган ва унинг манфаатини кўзлаб ўрнатиладиган ашёвий ҳуқуқлар ҳисобланади».¹

Кўчмас мулк эгаси қўшни ер участкасининг эгасидан, зарур ҳолларда эса бошқа ер участкасининг эгасидан ҳам ўзганинг ер

¹ Гражданское право: учебник В2т./Отв.ред.Е.А.Суханов. Т.1. -Москва 1993. Жолио Де Морандьер. Гражданское право Франции. Т.1.-М. ИЛ.1958.

участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳукукини беришни талаб қилишга ҳақли.

Ўзганинг ер участкасидан пиёда ва транспортда ўта олишни таъминлаш, электр узаткич, алоқа ва қувур линияларини ўтказиш, улардан фойдаланиш, сув билан таъминлаш учун, шунингдек, кўчмас мулк эгасининг эҳтиёжларини сервитут белгиланмай туриб таъминлаши мумкин бўлмаган бошқа эҳтиёжларини қондириш учун сервитут белгиланиши мумкин. Ер участкасида сервитут белгиланиши ер участкаси эгасининг ушбу участкага эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан маҳрум этмайди.

Сервитут белгиланишини талаб қилаётган шахс билан ўзга ер участкасининг эгаси ўртасидаги битимга кўра, сервитут белгиланади ва у кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Сервитутни белгилаш хусусида келиша олинмаса, бахс сервитутни талаб қилаётган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади. Фуқароларнинг сервитут ҳуқуқлари тижорат мақсадларидан холи бўлганлиги учун кенг мулкый ҳуқуқларни талаб қилмайди.

Шунингдек, гаров ҳам ашёвий ҳуқуқ тури ҳисобланади. Унинг нарсаси ҳар қандай мол-мулк, шунингдек, ашёлар ва мулкый ҳуқуқлар бўлиши мумкин. Муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талабномалар, хусусан, ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустаснодир. Гаров турларига ипотека, яъни кўчмас мулкни гаровга қўйиш ҳамда закат кироди.

Назорат учун саволлар

1. Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи нима?
2. Сервитут ҳуқуқига таъриф беринг?
3. Мерос қилиб қолдирилайдиган ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқи қандай ҳуқуқлар туркумига кироди?
4. Гаров ҳам ашёвий ҳуқуқ турларига киродими?
5. Сервитут қандай белгиланади?
6. Сервитут ва узфрукт ўртасида қандай фарк мавжуд?
7. Эмфитевзис қандай усуллар билан ҳимоя қилинган?
8. Чекланган ашёвий ҳуқуқларни назарий жиҳатдан неча гуруҳга бўлиш мумкин?
9. Сервитутнинг мазмуни нималардан иборат?
10. Хўжалик юритиш ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра ушбу ҳуқуқ эгасига нисбатан қандай талаблар қўяди?

XX Боб. МУЛК ХУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ФУҚАРОЛИК ХУҚУҚИЙ УСУЛЛАРИ

1-§. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да илгари сурилган янги қонунларни қабул қилиш таклифида ҳам хусусий мулкка тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 19 июлда қабул қилиниши ва Сенат томонидан 2012 йил 30 августда маъқулланиши мулкчилик муносабатларининг янги бир босқичини бошлаб берди.

“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг энг муҳим жиҳатларидан бири шуки, у хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатларини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормаларни тизимли равишда ўзида акс эттиради. Таъкидлаш керакки, ушбу қонун АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция каби жаҳоннинг тараккий этган мамлакатлари тажрибаси ўрганилиб, ҳалқаро ҳуқуқнинг умумий тамойил ва нормалари инobatга олинган ҳолда тайёрланди ва қабул қилинди. Қонуннинг 1-боб 7-моддасига мувофиқ, мулкдорнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилади ва хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдор фойдасига талкин этилиши белгилаб қўйилди. Шу ўринда янги қонунда хусусий мулк дахлсизлиги, миқдори ва қийматининг чекланишига йўл қўйилмаслиги, мулкдорларнинг тенг ҳуқуқлилиги, хусусий мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги, мол-мулкни хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилишга йўл қўйилмаслиги, хусусий мулк ҳуқуқини амалга оширишда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний аралашуви ҳамда хусусий мулкни олиб қўйишга қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги, бузилган мулк ҳуқуқининг тикланиши каби масалаларнинг аниқ механизмлари кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги¹ қонунининг 8-

¹Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги Қонуни “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 39-сон, 446-модда.

моддасига асосан хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- хусусий мулк ҳуқуқини тан олиш;
- хусусий мулк ҳуқуқи бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва хусусий мулк ҳуқуқини бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;
- битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;
- давлат органининг ва бошқа органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;
- хусусий мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилиши;
- бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;
- зарарнинг ўрнини қоплаш;
- неустойка ундириш;
- маънавий зиённи қоплаш;
- хусусий мулк ҳуқуқи муносабатларини тартибга солишда қонун ҳужжатлари барқарорлигини таъминлаш;
- давлат органининг ва бошқа органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид бўлган ҳужжатининг суд томонидан қўлланилмаслиги;
- мол-мулкнинг айрим турларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келганлигини, ўзгарганлигини ва бекор қилинганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш.

Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш қонунга мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 3-боби мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларига бағишланган бўлиб унда ундирувни мол-мулкка қаратиш йўли билан мол-мулк олиб қўйилаётганда мулкдор ҳуқуқларининг кафолатлари, мулкдорнинг мол-мулки национализация, мусодара ва реквизиция қилинаётганда унинг ҳуқуқлари кафолатлари, қонунга мувофиқ ўзига тегишли бўлмайдиган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бекор қилинганда мулкдор ҳуқуқларининг кафолатлари, мулк ҳуқуқи мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратилмаган ҳолда бекор қилинганда унинг ҳуқуқлари кафолатлари, мол-мулкни бошқа шахснинг қонунга ҳилоф эгалигидан талаб қилиб олиш, мулкдорнинг ҳуқуқларини эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, хусусий мулк ҳуқуқининг қонунга мувофиқ бекор бўлиши оқибатлари, хусусий мулк муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжати қабул қилингандаги кафолатлар, мол-мулкни хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида

чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мулк ҳуқуқи кафолатлари белгилаб қўйилган.

Республикада хусусий мулк ҳуқуқини доимий ривожлантириш химоя қилиб бориш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, шунингдек, унинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш нафақат иктисодий ислоҳотларнинг, балки мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш, сиёсий демократик ва ижтимоий институтлар барқарорлигининг ҳам зарурий шартидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида белгиланган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳам, мулкдорга тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқларнинг ҳар қандай тегилиши ва у билан боғлиқ манфаатларга ҳар қандай путур етказилишининг таъқиқланишини ҳамда хусусий мулк ҳуқуқи у кимга тегишли бўлишидан қатъи назар фақатгина қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина бекор қилиниши мумкинлиги қондаси ҳам хусусий мулк дахлсизлигининг мазмунини ифодалайди. И.Зокиров ва М.Баратовларнинг фикрича, мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг унинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир. Мулкдор қонун йўл қўйган асосларда, доирада ўз мол-мулкига ўзи эгалик қилади, ўзи фойдаланади ва ўзи тасарруф этади. Бу мулкдорнинг конституциявий ҳуқуқидир. Унга ташқи томондан таъйиқ ўтказишга, унинг ички ишларига аралашишга, мол-мулкни олиб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳаттоки мулкдорнинг ўз ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечиши ҳам унинг мулк ҳуқуқини бекор қилмайди¹. А.Муҳаммадиевнинг фикрича эса, мулкнинг дахлсизлиги деганда, мулкдорга тегишли мол-мулкни қонуний асосларсиз ва суд қарорисиз ҳеч ким олиб қўйишга, мулк ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилишга ҳақли эмаслигига ва мулкдорнинг ҳамма вақт ҳам мол-мулкка нисбатан ҳўжалик ҳукмронлиги амалда бўлишига айтилади².

Е.А.Сухановнинг таъкидлашига кўра, мулкнинг дахлсизлиги хусусий мулкда ҳам оммавий мулкда ҳам мулкдорнинг ўзига тегишли мол-мулкни фақат ўзининг манфаатлари йўлида, мол-мулкнинг ўзбошимчалик билан олиб қўйилиши ёки ундан фойдаланишнинг ўзбошимчалик билан чекланишидан хавфсирамаган ҳолда фойдаланишнинг таъминланганлигини ҳамда шунга доир чораларнинг белгиланганлигини билдиради³.

Т.И.Илларионованинг фикрича, мулкнинг дахлсизлиги мулк ҳуқуқини вужудга келиши, амалга оширилиши ва бекор бўлишининг шундай механизмларини танлашни назарда тутадик, улар ёрдамида, биринчидан,

¹ Зокиров И., Баратов М. Мулк нима? Мулкдор ким? - Т. ТДЮИ. 2003. - 11-12 б.

² Муҳаммадиев Л.А. Бозор муносабатлари шароитида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг амал қилиш. Автореф. дисс. ... ю. ф. и. - Т.: 2006. - Б. 10.

³ Гражданское право. В 2-х т. Т. 1. Учебник / Отв. ред. Е.А. Суханов (Автор этой главы Е.А. Суханов). - М.: БЕК. 1998. - С. 39.

бошқа мулкдорлар манфаатларининг дахлсизлиги таъминланади, иккинчидан, агар мулк ҳуқуқи бузилган бўлса уни тиклаш мустаҳкамланади¹.

Н.Д.Егоровнинг эътироф этишича, мазкур тамойил (мулкнинг, биринчи навбатда эса, хусусий мулкнинг дахлсизлиги), иқтисодиётдаги мулккий тартиб асосини англатади. Зеро, фуқаролик ҳуқуқи нормалари хусусий мулкка нисбатан ҳар ким томонидан, шу жумладан, давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан бўладиган тазйиқлардан ҳимоя қилади².

ФКнинг 164-моддасида мулк ҳуқуқи, хусусан хусусий мулкни ҳимоя қилишга қаратилган энг муҳим қоидалар белгиланган. Мазкур нормага мувофиқ, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Мазкур нормадаги «ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир» жумласи хусусий мулк ҳуқуқини бевосита ҳимоя қилишни назарда tutувчи чора ҳисобланади. Бу вазиятда мулкдор мултоқ ҳуқуқ соҳиби сифатида ўзининг мулккий ҳуқуқини бузмасликни исталган шахсдан талаб қила олади ва бунда мулкдорнинг ўз ҳуқуқини талаб қилиш доираси шахсларга нисбатан чекланмаган бўлади.

Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда фуқаролик ҳуқуқининг нормалари муҳим роль ўйнайди. Фуқаролик ҳуқуқи йўли билан мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг асосий усуллари:

-**биринчидан**, мулкни бировнинг қонунсиз эгаллашидан талаб қилиб олиш (виндикацион даъволар);

-**иккинчидан**, мулкдан фойдаланишда мулк эгасига қилинган тўсқинликларни бартараф этиш (негатив даъволар);

-**учинчидан**, мулк ҳуқуқини бузишга қаратилган ғайриқонуний битимлар (шартномалар) ни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарорлар чиқариш билан кўриклаш;

-**тўртинчидан**, асоссиз олинган мулкни қайтариш йўли билан кўриклаш.

Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг юқорида кўрсатилган усулларида биринчи ва иккинчиси ашёвий ҳуқуқ нормаларига асосланиб қилинадиган даъволар бўлса, учинчи ва тўртинчи усуллари мажбурият ҳуқуқи нормаларига асосланиб қилинадиган даъволар ҳисобланади.

¹ Гражданское право. Часть первая./Под ред. Т.И.Илларионова, Б.М.Гонсало, В.А.Плетнева (автор этой главы Т.И.Илларионова).-М.:Норма-Инфра.1998. -С.28.

² Гражданское право. Т. I./Под ред. А. П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.:Прспект.2003. -29-30 с.

Ашёвий ҳуқуққа асосланган даъволар — ашёнинг (мулкнинг) асл ҳолида қайтарилишига ёки мулкдан фойдаланишда қилинаётган тўсқинликларни йўқотишга қаратилади.

Мажбурият ҳуқуқига асосланган даъволар эса битимда (шартномада) иштирок этувчи мулк эгасининг (кредиторнинг) манфаатини кўриклашда ғайриқонуний равишда тузилган шартнома юзасидан олинган нарсани мулк эгасига қайтаришга, зарар кўрган шахснинг (жабрланган шахснинг) зарарларини тўлатишга, асоссиз олинган нарсаларни қайтариш ёки унинг қийматини қайтаришга қаратилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 233-моддасида мулкдорнинг ҳуқуқи қонуний равишда тўхтатилган тақдирда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари белгилаб қўйилган. Айни вақтда қонунда мулкдор ҳуқуқини бузувчи ҳужжатларнинг қабул қилинишининг ҳуқуқий оқибатлари ҳам ўз ифодасини топган. Бинобарин, юқоридаги асослар мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ўзига хос мустақил тури сифатида қаралиши мумкин. Бундай ҳолатларда мулкдор ҳуқуқининг бузилиши давлат идораси томонидан норматив ёки ҳуқуқни қўлловчи ҳужжат қабул қилиниши орқали рўй беради. Бунда мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши қонуний асосларга эга бўлиши ёхуд ғайриқонуний бўлиши мумкин. Лекин ҳар иккала ҳолатда ҳам мулкдорнинг қонуний манфаатлари кафолатланади.

“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига асосан: “Хусусий мулкка тажоввуз қилишга йўл қўйилмайди.

Қонунга хилоф равишда хусусий мулк ҳуқуқини чеклашга ва (ёки) ундан маҳрум қилишга бевосита ёки билвосита қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Номақбуллиги олдиндан маълум бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан, ундан мол-мулкни, молиявий маблағларни ёки бошқа мулкий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш таъқиқланади.

Мулкдорнинг хўжалик фаолиятига пировард натижада унинг мол-мулкни тортиб олиншига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ёхуд мулкдорнинг ўз мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қиладиган қонунга хилоф равишдаги аралашув таъқиқланади.

Хусусий мулкка тажоввуз қилиш қонунга биноан таъқиқ қилинади”.¹

Давлат бошқарув идораси ёки давлат ҳокимияти маҳаллий идораси томонидан қонунга хилоф бўлган ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида мулкдорнинг мулкий ҳуқуқлари бузилган тақдирда, бундай ҳужжат мулкдорнинг даъвосига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 39-сон, 446-модда

Мазкур ҳужжатни қабул қилган давлат органи ўз ихтиёридаги маблағ ҳисобидан мулкдорга етказилган зарарларни тўлаши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги қонун хусусий мулкни ҳимоялаш ва мулкдорлар ҳуқуқларини қафолатлаш соҳасидаги асосий тамойиллар ва қоидаларни мустаҳкамловчи муҳим ҳужжат сифатида қабул қилинди. Шу боис унда Конституциямизда белгиланган энг муҳим тамойил – хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашнинг асосий механизмлари белгилаб қўйилди. Бир сўз билан айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши иқтисодиётда хусусий мулкнинг муомалада бўлиши учун самарали ва қулай шароитлар яратади, тадбиркорлик ташаббускорлиги ва меҳнатдан манфаатдорликни рағбатлантиради, мулкдорнинг ўз фаровонлигини ошириш йўлидаги тадбиркорлик фаолиятини қафолатлайди, бу эса, ўз навбатида, жамият ва давлатнинг истиқболда жадал таракқий этишига хизмат қилади.

2-§. Виндикацион даъволар

Мулкдорга қарашли мулк бирон-бир шахс (фуқаро ёки юридик шахс) нинг қонунсиз эгаллигида бўлса, мулкдор ўз мулкни асл ҳолатида қайтариш ҳақида судда бу шахсга нисбатан даъво кўзғатишга ҳақли. ФКнинг 228-моддасига асосан, мулкдор ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгаллигидан талаб қилиб олишга ҳақлидир. Фуқаролик ҳуқуқи назариясида бундай даъволарга виндикацион даъволар дейилади.

Виндикацион даъво мулкни инсофсиз эгалловчиларга нисбатан ҳам қилиниши мумкин. Инсофсиз эгалловчи деб мулкнинг ўзига ғайриқонуний йўл билан ўтишини билган ёки билиши лозим бўлган эгалловчига айтилади. Инсофли эгалловчи деганда, мулкнинг ўзига ғайриқонуний йўл билан ўтганини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган эгалловчи тушунилади.

ФКнинг 229-моддасида кўрсатилганидек, агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи уни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотилиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланган, ё бўлмаса, уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгаллигидан чиқиб кетган бўлса, бу мол-мулкни олган шахслар талаб қилиб олишга ҳақли.

ФКнинг мазкур 229-моддасидаги умумий қоидада баъзи исғиснолар ҳам назарда тутилган, жумладан, агар мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган бўлса, мол-мулкни юқорида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди; агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўламасдан олинган бўлса, мулкдор мол-мулкни барча ҳолларда ҳам талаб

қилиб олишга ҳақли. Пул, шунингдек, тақдим этувчига деб ёзилган қимматли қогозлар инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиниши мумкин эмас.

Ўзларининг ғайриқонуний равишда бошқа шахсга ўтказилган мулкларни талаб қилиб олишда мулкдор бир вақтнинг ўзида қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

-биринчидан, инсофсиз эгалловчидан, масалан, сотиб олувчидан мулкни эгаллаган вақти мобайнида олган ёки олиниши лозим бўлган ҳамма даромадларнинг қайтарилиши ёки тўланиши;

-иккинчидан, инсофли эгалловчидан эса унинг мулкни эгаллаши ғайриқонуний эканлигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб ёки мулкнинг қайтарилиши тўғрисида мулк эгасининг даъвоси бўйича чақирув қоғози олган пайтдан бошлаб олган ёки чақириб олиши лозим бўлган ҳамма даромадларнинг қайтарилишини ёки тўланишини талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 230-моддаси).

Ўз навбатида инсофли эгалловчи ҳам, инсофсиз эгалловчи ҳам, мол-мулкдан қанча вақт давомида олинган даромад мулкдорга қайтарилиши керак бўлса, шунча вақт давомида мол-мулкка қилинган зарур харажатларни тўлашни мулкдордан талаб қилишга ҳақли.

Қонунда мулк учун сарфланган нарсаларни, агар ашёдан уни бузмасдан ажратиб олиш мумкин бўлса, инсофли эгалловчи ўзида қолдиришда ҳақли эканлиги кўрсатилган. Агар мулкдан ажратиб олиш мумкин бўлмаса, инсофли эгалловчи мулкнинг қўпайиши учун сарф қилинган харажатларнинг ўзига тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Фуқаролик кодексида мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг кучайтирилишини таъминловчи қатор муҳим қоидалар белгиланган бўлиб, улар жумласига қуйидагилар қиради:

-биринчидан, мулк эгаси мулкни ўзи йўқотган ёки ўзи ўғирлатган ҳолларда инсофли эгалловчидан талаб қилиб олишдан ташқари, яна мулк унинг ихтиёридан ташқари эгаллигидан (қўлидан) кетган тақдирда ҳам талаб қилиб олиш;

-иккинчидан, мулк бировга ишониб топшириб қўйилганда, унинг ихтиёридан ташқари қўлидан чиқиб кетган бўлса ҳам, бу мулкни инсофли равишда олувчидан талаб қилиб олиш;

-учинчидан, агар мулк бировга топшириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан бепул олинган бўлса, у вақтда мулк эгаси барча ҳолларда ўз мулкни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, виндикацион даъво–бировнинг қонунсиз эгаллигидан бўлган ашёни қайтариб олиш ҳақидаги мулк эгасининг даъвосидир. Виндикацион даъвонинг бошқа турдаги даъволардан ажратиб турадиган асосий белгилари: даъволашувчи тарафлар даъво асоси ва даъво нарасаси, шунингдек, унинг мақсадидир.

Ашёга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган, лекин ашёси қўлида бўлмаган шахс виндикацион даъво бўйича даъвогар бўлади. Виндикацион даъвони қилишга айрим мулк эгасигина ҳақли бўлмай, улушлари бўлган мулкдорларнинг ҳар қайсиси ҳам даъво қилишга ҳақли. Бундан ташқари, мулкни қонун ва шартномага биноан эгаллаб (сақлаб) турган шахслар ҳам виндикацион даъво бўйича даъвогар бўладилар. Эгаллик ҳуқуқи виндикацион даъвони қилишга асос бўлади. Мулкдор мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли ашёга бўлган субъектив ҳуқуқи билан бу мулкни эгаллаш (қўлида сақлаш), ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш имкониятидан маҳрум бўлганида бу ҳуқуқларнинг ўзига қайтарилишини талаб қила олади.

Виндикацион даъвонинг мақсади – бузилган мулквий ҳуқуқни тиклашдан, ашёни бевосита мулк эгаси ихтиёрига қайтаришдан иборатдир.

Виндикацион даъвонинг предмети (нарсаси) турига хос аломатлари (сон, оғирлик, ўлчов) билан белгиланадиган, шунингдек, индивидуал (хусусий) аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бўлиши мумкин.

Виндикацион даъво бўйича фақат индивидуал ашёлар эмас, балки бошқа барча мулклар асл ҳолатда қонунсиз эгалловчидан талаб қилиб олиниши мумкин.

Мулк эгасига унга қарашли ашё ўрнига унинг қийматини тўлаш, барча ҳолларда ҳам мулк эгасининг манфаатларини таъминлай олмайди. Бинобарин, мазкур масалани ҳал қилишда жисмоний ёки индивидуал аломатли мулкларни эгалловчидан мажбурий тарзда олиб бериш ҳуқуқининг судларга берилиши мажбуриятларнинг турмушда реал ижро этилишини, шунингдек, мулквий ҳуқуқнинг янада тўлароқ ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилади.

Виндикацион даъво ҳуқуқини бузиш фактидан келиб чиқса ҳам, зарар етказишдан келиб чиқадиган даъво ҳисобланмайди. Виндикацион даъвога биноан ашё асл ҳолатда қайтарилишини талаб қилинса, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятда эса, ашё ўрнига унинг қиймати талаб қилиниши мумкин.

Агар ишни ҳал қилишда шартномага оид жавобгарлик белгилаш учун асослар бўлса, бу вақтда даъво шартнома мажбуриятлари тўғрисидаги нормаларнинг қонидаси бўйича ҳал қилинади. Бинобарин, виндикацион даъво ашёвий ҳуқуқий даъво сифатида қўрилганлиги туфайли шартнома юзасидан қилинадиган даъво билан аралаштириб юборилмаслиги лозим. Масалан, ашёни қайтариш ҳақидаги даъво шартнома мажбуриятларини, жумладан, ижара ёки омонат шартномалари юзасидан мулк эгаси ашёни асл ҳолида қайтариш тўғрисида даъво қилганида, ашёни қайтариб олиш ҳақидаги талаб шу шартномани тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар асосида қаноатлантирилади. Демак, бундай ҳолларда мулк эгаси шартнома даъвоси ўрнига виндикацион даъво қилишга ҳақли бўлмайди.

Мулкни эгаллаш қонуний ва қонунсиз бўлиши мумкин. Мулкни ҳуқуқ нормалари ёки шартномага асосланган ҳолда эгаллаш қонуний эгаллаш

хисобланади. Бунда мулк ижозат этилган (қонун ёки бошқа ҳуқуқий акт билан йўл қўйилган) усул билан қўлга киритилади.

Қонунсиз эгаллаш деб ашёни етарли ҳуқуқий асосларга эга бўлмаётган туриб қўлда сақлаб туришга айтилади. Қонунсиз эгалловчи деб ўзбошимчалик билан эгаллаб олувчи ёки топиб олинган нарсани ўзлаштирувчи, шунингдек, ашёни эгасидан қонун ёки шартнома асосида олмайдиған шахсга айтилади. Мулк қонун йўл қўймайдиган усул билан сотиб олинганда, қўлга киритилганда ҳам уни эгаллаш учун ҳуқуқий асос бўлмаса, бундай эгаллаш ҳам қонунсиз эгаллаш бўлади. Фақат қонунсиз эгалловчи, яъни даъво қўзғатилган вақтда низоли мулк қонунсиз эгаллигида бўлган шахсгина хисобланиши мумкин.

3-§. Негатор даъволар

Мулк ҳуқуқнинг бузилиши айрим ҳолларда ашёни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Профессор И.Б.Зокировнинг фикрича, “Ашё мулк эгасининг ихтиёрида, эгаллигида бўлган бир вақтда мазкур ашёни бирон-бир шахснинг ҳаракати тўсқинлик қилиши оқибатида фойдаланиш қийналиши ёки умуман фойдаланишга имкони бўлмаётган ҳолати мумкин. Масалан, фуқаро А. нинг қарзи учун фуқаро Б. нинг мулки нотўғри хатланганида фуқаро Б. мулкнинг рўйхатдан чиқарилишини ва шу билан ўз мулкдан фойдаланишга қилинган тўсқинликнинг бартараф қилинишини талаб қила олади.”¹

Мулк эгаларининг мулкни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бузиш, гарчи бу эгалик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, йўқотиш ҳақидаги талабларни ҳуқуқ назариясида негатор даъволар деб айтилади. ФКнинг 231-моддасида мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузилиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қила олиши кўрсатилган. Мазкур давонинг нарсаси мулк эгасининг бундай ҳалақитни (тўсқинликни) йўқ қилиш ҳақидаги талаби ҳисобланади. У мулк эгасига мулкдан фойдаланишда, ўз ҳуқуқини амалга оширишда тўсқинлик қилади.

Судда негатор даъвои мулк эгасигагина эмас, балки ашёни қонуний асослар бўйича, масалан, қонун ёки шартномага асосан эгалловчи шахс ҳам қўзғатишга ҳақли. Бундай қонуний эгалловчилар ўзларининг талабларини ФКнинг 231-моддаси асосида эмас, балки мулкни эгаллашнинг қонунийлигини белгиловчи ҳуқуқ нормалари (ФКнинг 232-моддаси) асосида қўя оладилар. Масалан, мулк ижарага олувчи, яъни мулк эгаси билан тузилган шартнома бўйича ашёдан вақтинча фойдаланувчи шахс бу мулкни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бузилганида ҳар кимга, шу жумладан, мулк эгасига нисбатан ҳам даъво қўзғатишга ҳақли. ФКнинг

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т., ТДҲОИ. 2009. –Б.454-455.

232-молдасида айтилишича, гарчи мулкдор бўлмаса ҳам қонун ёхуд шартномада назарда тутилган бошқа асосга қўра мол-мулкка эгалик қилаётган шахс ҳам ФКнинг 228-231-молдаларида назарда тутилган ҳуқуқларига, яъни виндикацион ва негатор даъволар қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда негатор даъво деб аталган даъво билан судга камдан кам мурожаат қилинади. Аммо бундан мулк эгаларининг ҳуқуқларини бузишдан маълум даражада ҳимоя қилувчи мазкур ҳуқуқ нормаси Ўз аҳамиятини йўқотади, деган хулоса мутлақо келиб чиқмайди. Амалда бировнинг мулкий ҳуқуқини бузишга уринган ҳар қандай шахсни тартибга чақириб турувчи бундай нормаларнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир.

4-§. Мулкий ҳуқуқни фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан ҳимоя қилишнинг бошқа усуллари

Мулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлмаган масалаларни ўрганишда мулк эгаларининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мажбурият ҳуқуқига оид воситалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг бундай мажбурий-ҳуқуқий усуллари икки кўринишда:

- шартномали муносабатлар;
- шартномадан ташқари муносабатларда бўлади.

Шартномали муносабатларда мулкий ҳуқуқнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида шуни айтиш керакки, тузиладиган хилма-хил шартномалар аксарият ҳолларда қонунга, шартнома шартларига риоя қилиниб, тўғри ва инсофли равишда бажарилади. Аммо баъзи ҳолларда шартноманинг айрим интизомсиз иштирокчилари шартнома юзасидан олган ўз мажбуриятларини бутунлай бажармасликлари ёки лозим даражада бажармасликлари ҳоллари ҳам учрайди. Бундай пайтларда табиий бузилган мулкий ҳуқуқларни тиклаш ҳамда шунинг ўзи билан мулкий ҳуқуқларни ҳар томонлама ва тўла ҳимоя қилиш масаласи кўйилади.

Шартномали муносабатларда мулкий ҳуқуқларни бузиш қуйидагича кўринишларда бўлиши мумкин:

- қонун ҳужжатларининг тартибларига мувофиқ келмайдиган тартиблардаги битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас ва у ФКнинг 116-молдасига биноан ҳақиқий саналмайди ҳамда ҳар икки тарафнинг ёки бир тарафнинг бундай шартнома юзасидан олган даромадлари давлат даромадларига ўтказилади;

- муомалага лаёқатсиз шахслар (ёш болалар, руҳий касаллар) билан битим тузилиши натижасида мазкур шахслар мулкий зарар кўрсалар, қонун (ФКнинг 117-119-молдалари) тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиши билан бирга бузилган мулкий ҳуқуқнинг тикланиши лозимлигини

ҳам кўрсатади. Масалан, 13 яшар бола ўзига ҳада қилинган уяли телефонини ота-онасининг рухсатисиз бировга сотса, шартнома ҳақиқий саналмаслиги ва бундай шартноманинг тузилиши натижасида вояга етмаган шахс мулкӣ зарар кўрган бўлса, зарар ҳақи ундирилиши мумкин;

- жиддий янглишиш, алданиш, зўрлик қилиниши таъсирида тузилган битимлар (шартномалар) суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай битимлар тузилиши натижасида бузилган мулкӣ ҳуқуқлар ҳам қонун (ФКнинг 122-123-моддалари) бўйича Ҳимоя қилинади;

- айрим шартномалар масалан, олди-соғди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, ижара, пудрат, юк ташиш ва бошқа катор шартномалар бўйича олинган мажбуриятлар бутунлай ёки лозим даражада бажарилмаслиги натижасида ташкилотлар ёки айрим фуқаролар мулкӣ зарар кўришлари мумкин. Бундай ҳолларда ҳам қонун (бундай шартномалар)нинг ҳар қайсисини бузиш оқибатлари тўғрисида, ҳуқуқий нормалар бузилган ҳуқуқларни Ҳимоя қилишни назарда тутати.

Шартномалардан ташқари бўладиган мажбурият муносабатларида мулкӣ ҳуқуқларнинг Ҳимоя қилинишига келсак, баъзи ҳолларда мажбурият муносабатлари юқорида айтилгандек, ўзаро келишув асосида тузилган шартномалардан келиб чиқмай бевосита қонун билан ҳам белгиланиши мумкин. Бундай ҳолларда ташкилотлар ва фуқаролар қонунга асосан ўзаро мажбурият муносабатларида бўлади ва ҳуқуқ субъектлари (юридик шахслар ва фуқаролар) бир-бирларига нисбатан муайян мажбуриятлар олади. Агар қонун билан белгиланган мажбуриятларни бажармаслик натижасида мулкӣ зарар кўрилса, бузилган мулкӣ ҳуқуқларни Ҳимоя қилиш масаласи вужудга келади.¹

Шартномалардан ташқари бўладиган мажбурият муносабатларида мулкӣ ҳуқуқнинг бузилиши асосан қуйидаги ҳолларда учраши мумкин:

-баъзи ҳолларда айрим шахслар (юридик шахслар ёхуд фуқаролар)нинг мулкига қасддан ёки эҳтиётсизлик билан зарар етказиши туфайли мулкӣ ҳуқуқлар бузилади. Бундай ҳолларда қонун бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши, мулкӣ ҳуқуқларнинг ҳар томонлама ва тўла Ҳимоя қилишни белгилайди;

-амалда бировдан топшириқ олмай, унинг манфаатларини кўзлаб, баъзи харажатлар қилиш ҳоллари ҳам бўлиши, масалан, бировнинг тўсатдан касал бўлиб қолган боласини шифохонага такси машинасида олиб бориб жойлаштиришда маълум харажат қилиниши мумкин;

-хатолик билан бировнинг мулки олинган ёки тежалган бўлса, яъни бировнинг мулкини олиб қолиш ёки тежаш учун қонун ёки шартнома билан белгиланган асослар бўлмаса, олинган ёки тежалган мулк эгасига қайтарилиши лозимлиги қонунда белгиланади.

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т., ТДҲОИ. 2009. –Б.457.

Қонун нормалари яна бошқа ҳолларда ҳам шартномалардан ташқари вужудга келадиган мажбуриятларда мулкӣ ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини белгилайди.

Назорат учун саволлар

1. Мулкни ҳимоя қилишнинг аҳамияти нималардан иборат?
2. Мулк ҳуқуқини фуқаролик-ҳуқуқий усуллари билан ҳимоя қилиниши деганда нималарни тушунасиз?
3. Мулк ҳуқуқининг кафолатлари нималардан иборат?
4. Виндикацион даъво деб қандай даъвога айтилади?
5. Негатор даъволарга мисол келтиринг?
6. Виндикацион даъвонинг мақсадини тушунтириб беринг?
7. Судда негатор даъвони қимлар қўзғатиш ҳуқуқига эга?
8. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг мажбурий-ҳуқуқий усулларини санаб беринг?
9. Шартномали муносабатларда мулкӣ ҳуқуқларни бузиш қандай қўриқиларда намоён бўлади?
10. Шартномалардан ташқари бўладиган мажбурият муносабатларида мулкӣ ҳуқуқнинг бузилиши қайси ҳолларда учрайди?

XXI БОБ. МАЖБУРИЯТ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУНИ

1-§. Мажбурият ҳуқуқи тушунчаси

Мажбурият ҳуқуқи жамиятимизда мулкӣ муносабатларнинг энг муҳим ва кенг соҳасини, ўзининг фуқаролик-ҳуқуқий характеридаги қоидалари билан тартибга солади. У ташкилотлар билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ҳам, жумладан, фуқароларга хилма-хил товарлар, озиқ-овқат маҳсулотларини сотишда, уларга турли хил хизматлар кўрсатиш, уй-жойлар бериш ва бошқа ҳолларда вужудга келадиган муносабатларни ҳам тартибга солади.

Фуқаролик ҳуқуқида мажбурият деб шундай фуқаролик ҳуқуқий муносабатга айтиладики, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатларни амалга оширишга, жумладан: мол-мулкни топшириш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади; кредитор эса, қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади (ФК, 234-модда).

Мажбурият кенг маънода ҳуқуқ субъектлари ҳисобланган шахслар (ташкилотлар ва фуқаролар) ўртасида бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий характердаги муносабатларни билдиради.

Мажбурият тушунчаси ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида ҳам, жумладан, маъмурий ҳуқуқ, оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи соҳаларида ҳам берилади. "Мажбурият" атамаси бошқа маъноларда ҳам ишлатилади, масалан, мажбурият деб фақат муайян бир ҳаракатни қилишга, жумладан, ижара ҳақини тўлашга, сотиб олинган нарсанинг қийматини тўлашга қаратилган бурчга ҳам айтилади.¹

Мажбурият субъектлари ва объектлари унинг муҳим элементлари ҳисобланади.

Мажбурият субъектлари муайян ҳуқуқларга эга бўлган ва зиммасига мажбурият олган шахслардир. Ҳар бир мажбуриятда, албатта, икки тараф иштирок этади. Муайян бир ҳаракатнинг қилинишини ёки муайян ҳаракатни қилишдан сақланишни талаб этишга ҳақли бўлган тараф-кредитор деб аталади. Муайян ҳаракатни қилишга ёки ҳаракат қилишдан сақланишга мажбур бўлган тараф эса қарздор деб аталади.

Мажбуриятда иштирок этувчи кредиторнинг ҳуқуқи нисбий ҳуқуқ бўлади, чунки кредитор фақат маълум шахс ёки шахсларга (бир қарздор ёки бир неча қарздорларга) нисбатан талаб қўйиш ҳуқуқига эга.

Мажбуриятда кредиторнинг талаб қилиш ҳуқуқи ва шунга яраша қарздорнинг бурчи нимага қаратилган бўлса, шунинг ўзи мажбурият объекти ҳисобланади. Жумладан, ҳуқуқ ва бурчлар бирон-бир ашёни олишга, топширишга, муайян пул суммасини тўлашга, бирон-бир

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т., ТДҶОИ. 2009. –Б.460.

ишнинг бажарилишига қаратилган ҳуқуқий ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин.

Мажбуриятлар мажбурият ҳуқуқи тушунчасини келтириб чиқаради. Мажбурият ҳуқуқи мулк топшириш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш ёки пул тўлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган фуқаролик ҳуқуқий нормалар йиғиндисиدير. Жамиятдаги мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатлар фуқаролар ва ташкилотларнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш, таъминлаш мақсадларида ўрнатилади. Мажбуриятлар тўғрисидаги нормалар мулкнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишини, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари орқали хилма-хил хизматлар кўрсатилишини тартибга солади. Мажбуриятлар воситасида мулк ва мулкий ҳуқуқлар кўрикланиши таъминланади, фуқаронинг соғлиғига зарар етказилганда, фуқаро ўлдирилганида кўрилган зарарлар қопланади ва ҳоказо.

Мажбурият ҳуқуқи фуқаролар билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ҳам, жумладан, бозорларда озиқ-овқат маҳсулотларини олишда, уй-жой сотиб олиш ва бошқа ҳолларда бўладиган ўзаро муносабатларни ҳам тартибга солади. У ташкилот ва фуқароларга етказилган мулкий зарарнинг тўланишини, шунингдек, қонун ёки шартномалар билан белгиланган асослар бўлмай туриб олинган нарсаларнинг қайтарилишини таъминлайдиган ҳуқуқларни ҳам ўз ичига олади.

Мажбурият ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи каби пандект тизимига асосан қурилган бўлиб, у умумий ва махсус қисмдан иборат,¹ яъни мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар ва мажбуриятларнинг айрим турларига оид махсус қоидалар.

Мажбурият ҳуқуқининг умумий қисмида (ФКнинг 234–385-моддалари) мажбуриятларнинг келиб чиқиши ва бажарилиши, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, талаб қилиш ҳуқуқини бировга ўтказиш ва қарзни кўчириш, мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик, мажбуриятларнинг бекор қилиниши асослари, мажбурият муносабатларини вужудга келтирувчи асосий ҳуқуқий восита ҳисобланган шартномалар ва уларни тузиш, ўзгартириш ҳамда бекор қилиш тартиби каби масалалар белгиланади.

Мажбуриятларнинг айрим турларига бағишланган ФК нормалари мажбурият ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ниҳоятда кўп ва хилма-хил бўлганлиги туфайли кодексда салмоқли ўринни эгаллайди.

Мажбурият ҳуқуқининг махсус қисми нормалари мазмуни ва ҳажми бўйича тенг бўлмаган:

- шартномали мажбурият институтларига;
- шартномасиз мажбурият институтларига бўлинган.

¹ Раҳманкулов Х. Обязательственное право. –Т., ТГЮИ. 2005. –С.17.

Шартномали мажбуриятларга оид ҳуқуқий институтларга:

- олди-сотди;
- маҳсулот етказиб бериш;
- қарз;
- контракция;
- пудрат;
- мулк ижараси;
- лизинг;
- уй-жой ижараси;
- юк ва йўловчилар ташиш;
- франшизинг;
- суғурта каби бир қатор шартномалар асосида вужудга келадиган муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар тааллуқлидир.

Шартномадан ташқари мажбуриятларга оид институтларга:

- зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар,
- асосиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар киради.

Мажбурият мазмуни деганда, кредиторнинг қарздор томонидан муайян ҳаракатлар қилинишини (ёки қилинмаслигини) талаб этишга бўлган ҳуқуқи ва қарздорни шунга яраша бўлган бурчи тушунилади. Қарздор томонидан қилиниши лозим бўлган ҳаракатлар ҳар хил ашёни эгасига топшириш, ашёларни фойдаланиш учун топшириш, маълум сумма пулни тўлаш, бирон-бир ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш, қарздор томонидан битимнинг тузилишини таъминлаш, бировга етказилган зарарни тўлаш, асосиз орттирилган бойликни ўз эгасига қайтариш тўғрисида бўлиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган мажбурият объектларидан кўринишича, мажбуриятнинг мазмуни асосан мулкый характердаги ҳуқуқ ва бурчлардан иборат бўлсада, ҳуқуқ субъектларини ўзаро мулкый характерда бўлмаган мажбуриятлар ҳам белгилашлари мумкин.

2-§. Мажбуриятларнинг турлари

Фуқаролик ҳуқуқида қўлланиладиган мезон ва таснифларга асосан мажбуриятлар ўзининг мазмуни, объектлари ва субъектларига қараб куйидаги турларга бўлинади:

1. Бир томонлама, икки томонлама ва куп томонлама мажбуриятлар. Мажбуриятда қатнашувчиларнинг бирида фақат талаб қилиш ҳуқуқи (ёки ҳуқуқлари), иккинчи томонда эса, фақат мажбурият (мажбуриятлар) бўлса, бундай мажбуриятлар бир томонлама мажбуриятлар ҳисобланади.

Ҳуқуқий муносабатда қатнашувчиларнинг ҳар қайсиси ҳам ҳуқуқ, ҳам мажбуриятга эга бўлса, бундай мажбуриятлар икки томонлама

мажбурият ҳисобланади. Икки томонлама мажбуриятларга олди-сотди, ижара, нудрат каби шартномаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда кўп томонлама мажбуриятлар ҳам мавжуд. Жумладан, кўп томонлама мажбуриятларга таъсис шартномаси, оддий ширкат шартномаси ва бошқа шартномаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин

2. Ижобий мазмунли мажбуриятлар ва салбий мазмунли мажбуриятлар. Агар мажбурият юзасидан қарздор муайян бир ҳаракатни қилишга бурчли бўлиб, кредитор айнан шундай ҳаракатнинг қилинишини талаб қилишга ҳақли бўлса, бундай мажбурият ижобий мазмунли мажбурият ҳисобланади. Ҳуқуқий муносабатнинг кўпчилигида ижобий мазмунли мажбуриятлар ётади. Масалан: олди-сотди, мулкни ижарага бериш, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида олинадиган мажбуриятлар– ижобий мазмунли мажбуриятлардир.

Агар мажбурият бўйича қарздор муайян ҳаракатни қилишдан сақланишга бурчли, кредитор ҳаракат қилишдан сақланишини талаб этиш ҳуқуқига эга бўлса, бундай мажбурият салбий мазмунли мажбурият ҳисобланади. Масалан, нашриёт шартномаси бўйича муаллиф шартнома кучда бўлган даврда ўз асарини бошқа нашриётга топширишдан сақланиш мажбуриятини олса, нашриёт муаллифнинг бошқа нашриёт билан шартнома тузишдан сақланишини талаб этиш ҳуқуқини олади.

3. Муайян ҳаракатни бажаришга қаратилган ва муқобил мажбуриятлар. Агар ҳуқуқий муносабат бўйича кредитор қарздордан муайян бир ҳаракат қилинишини, масалан, маълум ишнинг бажарилишини, бирон-бир ашёнинг топширилишини ёки маълум сумма пул тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, бундай мажбурият муайян ҳаракатни бажаришга қаратилган мажбурият ҳисобланади. Агар ҳуқуқий муносабатда кредиторнинг талаби бўйича қарздор бир неча ҳаракатлардан бирини бажаришга мажбур бўлса, бундай мажбурият муқобил мажбурият саналади. Муқобил мажбурият бўйича ҳуқуқий муносабатда бир неча ҳаракат кўрсатилган бўлса ҳам мажбуриятнинг мазмунини қарздорнинг фақат биргина мажбурияти ва кредиторнинг шу мажбуриятнинг бажарилишини талаб қилишга бўлган ҳуқуқи ташкил этади. Ҳуқуқий муносабатда назарда тутилган ҳаракатлардан бирининг бажарилиши билан мажбурият ижро этилган ҳисобланади. Муқобил мажбуриятнинг бажарилиши тўғрисидаги қоида ФКнинг 250-моддасида берилган. Мазкур моддада кўрсатилишича, агар қарздор икки ёки бир неча ҳаракатлардан бирини бажаришга мажбур бўлса, қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, танлаш ҳуқуқи қарздор ихтиёрида бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ҳужжатларида қандай мажбуриятнинг бажарилиши лозимлигини танлаш ҳуқуқи кредиторга берилганлиги кўрсатилади. Жумладан, уларда сотилган ашёнинг сифати

лозим даражада бўлмаганда, сотиб олувчи ўз хоҳиши билан ана шу ашёни бошқа сифатли ашёга алмаштириш ёки харид баҳосини тегишли даражада камайтиришни ёхуд сотувчининг шу ашёдаги камчиликларни ҳақ олмай тузатиб беришини ёки шу камчиликни тузатиш учун олувчининг қилган харажатларини тўлашни ё бўлмаса шартномани бекор қилиб, ўзига етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишга ҳақли бўлади, деб кўрсатилади. Бу қоида бўйича қарздор сифатидаги сотувчи томонидан бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлардан бирини танлаш ҳуқуқи кредиторга, яъни сотиб олувчига берилади.

4. Асосий ва қўшимча мажбуриятлар. Фуқаролик ҳуқуқида асосий ва қўшимча мажбуриятлар мавжуд бўлиб, улар баъзи бир адабиётларда қарам ёки аксессор мажбуриятлар деб аталади. Қўшимча мажбуриятлар доимо асосий мажбуриятлар билан боғлиқ бўлади ҳамда унинг тақдири асосий мажбуриятга боғлиқ бўлади. Асосий мажбурият бекор бўлиши билан қўшимча мажбурият ҳам бекор бўлади.¹

5. Шахсий характерга эга бўлган мажбуриятлар ва шахсий характерга эга бўлмаган мажбуриятлар. Баъзи мажбуриятлар ҳуқуқий муносабатда қатнашувчиларнинг ҳар қайсиси ёки бирининг шахси билан қатъий боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, топшириқ шартномаси бўйича вужудга келадиган мажбурият вакилнинг (топшириқни бажарувчининг) ишончли шахс бўлишига қараб белгиланади. Бундай шахсий характерга эга бўлган мажбуриятларнинг бажарилишини, агар қонун ёки шартномада бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, бошқа шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди, кредитор ҳам бошқа шахс билан алмашиниши мумкин эмас. Бундай мажбуриятлар, одатда, қарздор ёки кредиторнинг вафот этиши билан бекор бўлади.

Аксарият ҳуқуқий муносабатларда мажбуриятнинг ким томонидан бажарилиши аҳамиятга эга бўлмайди. Масалан, қарз шартномаси бўйича мажбуриятнинг фуқаро А. томонидан ҳам ёки унинг учун фуқаро С. томонидан ҳам бажарилиши мумкин. Бундай шахсий характерга эга бўлмаган мажбуриятлар бўйича кредитор ҳам, қарздор ҳам бошқа шахс билан алмашинишига йўл қўйилади. Бундай мажбуриятлар бўйича кредитор ёки қарздорнинг вафот этиши мажбуриятнинг бекор қилиниши учун асос бўлмайди.

Мажбуриятда санкция масаласига келсак, фуқаролик ҳуқуқи нормаларига мувофиқ қўлланиладиган мажбурлаш чоралари кўпинча ҳуқуқ бузилишда, мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли даражада бажармаслик учун қўлланилади. Санкция фуқаролик ҳуқуқий муносабагида иштирок этаётган тарафлар ўз зиммаларидаги мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганларида ҳуқуқ нормаларига мувофиқ қўлланиладиган мажбурлаш чорасидир.

¹ Раҳманқулов Х. Обязательственное право.-Т., ТПЮИ. 2005. –С.23.

Бузилган мажбуриятлар юзасидан қўлланиладиган санкциялар ҳар хил. Мажбурий чора сифатида қўлланиладиган санкциялар умумий характерга эга бўлиши ҳамда махсус, яъни аниқ бир ҳуқуқий муносабатдан юзага келган ҳаракатларга нисбатан қўлланиладиган бўлиши мумкин.

Умумий характердаги санкциялар мажбуриятнинг бажарилишини кечиктириш, бирор ашёни топшириш мажбуриятини бажармаслик учун қўлланилади. Махсус санкцияларга мисол қилиб сотилган ашёларнинг сифати тегишли даражада бўлмаслиги учун сотувчининг жавобгарлигини кўрсатиш мумкин. Санкция мажбуриятларда иштирок этувчи ва ўз зиммаларидаги мажбуриятларни бажармаган тараф–кредитор ва қарздорга нисбатан қўлланилади.

Мажбуриятларни бузганлик учун қўлланиладиган санкциялар қуйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин:

1. Ихтиёрий бажарилмаган бурчни мажбурий ижро эттириш.
2. Шартномада кўрсатилган мажбурият бажарилмаганда уни бир томонлама бекор қилиш.
3. Мажбуриятнинг ижро этилиши тартибини ўзгартириш.
4. Тузук тараф зиммасида бўлган мажбуриятлар ҳажмини камайитиришга қаратилган санкциялар.
5. Нотузук тарафнинг зиммасида бўлган мажбуриятлар ҳажмини ошириш.
6. Мулкий жавобгарлик чоралари сифатида кўриладиган санкциялар.

3-§. Мажбуриятларнинг вужудга келиши асослари

Мажбуриятларнинг вужудга келиши учун алоҳида юридик фактлар ёки юридик ҳаракатлар, масалан, айрим маҳсулотларни экспорт ёки импорт қилиш учун хорижий ёки мамлакатдаги контрагент билан шартнома тузишдан ташқари, тегишли рухсатнома олинishi ҳам талаб этилади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 234-моддаси мажбуриятни юзага келтирувчи фақат иккита асосни санаб ўтади, булардан шартнома ва зарар етказиш аниқ кўрсатилиб, кейин эса ФКда кўрсатилган бошқа асосларга ҳавола қилинади.

Маълумки, ФКнинг деярли барча меъёрлари шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни тартибга солишга қаратилган. Бу ҳуқуқий нормалар воситасида тартибга солинадиган мажбуриятлар жумласига мулкни бошқа шахснинг эгалитига топшириш (олди-соғди, айирбошлаш, ҳада шартномалари)дан, мулкни оператив бошқариш ҳуқуқини ўтказиш (маҳсулот етказиб бериш шартномаси)дан, фойдаланиш ҳуқуқини ўтказиш (мулк ижараси ва уй-жой ижараси, текин фойдаланиш тўғрисидаги шартномалар)дан, бирор ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш (пудрат, юк ташиш, топширик, воситачилик, суғурта, транспорт экспедицияси шартномалари)дан ва бошқа шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар киради. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида

турли тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузиладиган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар алоҳида аҳамиятга эгадир.¹

Давлат органларининг қонунда фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келишининг асоси сифатида назарда тутилган ҳужжатлари ҳам мажбуриятларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳужжатлар турли кўринишларда давлат буюртмаси ёки маъмурий ҳужжатлар шаклида бўлиши мумкин.

Юридик адабиётларда мажбуриятларнинг вужудга келиш асосларини кенгайтирган ҳолда тушунтиришга ҳаракат қилинади ва уларни муайян юридик фактлар, юридик фактнинг бир тури бўлган шартномалар, бир томонлама битимлар, давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатлари, суд қарори, ғайриқонуний ҳаракатлар (деликт ва асоссиз бойлик ортириш), юридик ҳаракатлар, масалан, топилмани қайтариш (ФКнинг 192-моддаси) ёки топилган хазинани топшириш (ФКнинг 196-моддаси) ёхуд шахсга ёки унинг мол-мулкига зарар етишининг олдини олиш учун унинг топшириғисиз қилинган ҳаракат (ФКнинг 826-моддаси) ва бошқаларга бўлинади².

Фуқаролик ҳуқуқий мажбурият судлар томонидан чиқарилган ҳужжатлар (ҳал қилув қарорлари, ажримлар, ҳукмлар) асосида ҳам вужудга келиши мумкин.

Қонун йўли қўйган асосларда мол-мулкнинг мулк сифатида олиниши натижасида ҳам (масалан, эғалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ҳосил бўлганлиги сабабли) мажбурият келиб чиқиши мумкин. Бир томонлама битимлар ҳам фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятларни келтириб чиқарувчи юридик фактлар жумласига киради. Бундай битимга мувофиқ шахснинг эрки иккинчи бир шахсга ҳуқуқ ва мажбурият келтириб чиқаради.

Яратилган ихтиро ва фойдали модель, буюмларнинг саноат намуналари, фан, адабиёт ҳамда санъат асарлари қонун талабларига жавоб бериши керак. Тегишли қонунлардаги нормаларга мувофиқ бу яратилган нарсалар уни яратган шахс билан ўзга шахслар, шунингдек, тегишли давлат ташкилотлари ўртасида мажбуриятларнинг келиб чиқишига асос бўлади.

ФКнинг 234-моддасида кўрсатилганидек, фуқарога ёки ташкилотга зиён етказиш ҳам муайян мажбуриятлар туғдиради. Бундай мажбуриятлар, одатда, шартлашилмаган мажбуриятлар деб аталади.

Мажбуриятлар қонунларда белгиланганидек, ҳеч бир асосларсиз бошқа шахснинг мол-мулкни эгаллаб олиши ёки тежаб қилишидан келиб чиқади. Асоссиз олинган ёки тежаб қилинган мол-мулк жабрланувчига асл ҳолида қайтарилиши лозим, агар бунинг имконияти бўлмаса, мол-мулк қўлга киритилиши пайғидаги ҳақиқий қийматини тўлаш, агар қўлга киритувчи ортирилган бойликнинг асоссизлигини билгандан кейин.

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т., ТДҲОИ. 2009. –Б.469.

² Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. –Тошкент: ТДҲОИ, 2005. –25-31 б.

дархол унинг қийматини тўламаган бўлса, мол-мулк қийматининг кейинги ўзгариши туфайли кўрилган зарарни тўлаш мажбурияти вужудга келади.

Бошқа шахсларнинг ишларини топшириқсиз бажарганлик учун келиб чиқадиган мажбуриятлар тўғрисидаги қоидалар ҳам қонунларда мавжуд. Қонунларда кўрсатилишича, бошқа шахс манфаатларини кўзлаб топшириқ олмай ҳаракат қилган шахс, шу муносабат билан қилган зарур харажатларнинг, шунингдек, бошқа ҳақиқий зарарнинг тўланишини талаб қилишга ҳақли. Агар манфаатдор шахс топшириқ олмай ҳаракат қилган шахснинг ишини маъқулласа, бундай ҳолларда фуқаролик кодексининг шартнома тўғрисидаги қоидалари қўлланилади ва мажбуриятларнинг келиб чиқишига асос бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятлар танлов эълон қилишдан ҳам келиб чиқиши мумкин. Мукофот тўлашни ошқора ваъда қилиш оммавий танлов эълон қилишдан келиб чиқадиган мажбуриятларда муайян ишни энг яхши бажарганлик ёки бошқа натижаларга эришганлик пул мукофоти тўлаш ёки бошқа мукофот бериш тўғрисида оммавий танлов эълон қилган шахс, танловни ўтказиш шартларига мувофиқ, унинг ғолиби деб топилган шахсга шартлашилган мукофотни тўлаши лозим.

Мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатлар ҳодисалардан ҳам келиб чиқади. Масалан: табиий ҳодисалар, ёнгин ёки зилзила натижасида ижарага топширилган мулкнинг зарарланиши туфайли сўғурта органига нисбаган келиб чиқадиган мажбуриятларни кўрсатиш мумкин. Мажбуриятлар қонунда кўрсатилган ҳолларда бошқа асослардан ҳам келиб чиқиши мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Мажбурият ва мажбурият ҳуқуқи тушунчаларининг фарқи нималардан иборат?
2. Мажбурият муносабатларининг муҳим элементларини санаб беринг?
3. Шартномали мажбуриятлар жумласига қайси ҳуқуқий институтлар қиради?
4. Мажбуриятлар нималарга асосан фарқланади?
5. Ижобий мазмунли мажбуриятларга мисол келтиринг?
6. Шахсий характерга эга бўлган мажбуриятларни тушинтириб беринг?
7. Мажбуриятда санкция нима?
8. Мажбуриятларни бузганлик учун қўлланиладиган санкциялар неча гуруҳга бўлинади?
9. Мажбуриятлар танлов эълон қилишдан келиб чиқадими?
10. Мажбуриятларни бузганлик учун қўлланиладиган санкциялар неча гуруҳга бўлинади?

XXII Боб. МАЖБУРИЯТ ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТЛАРИ

1-§. Мажбуриятда қатнашувчи тарафлар ва уларнинг кўпчилик бўлиши

Мажбурият ҳуқуқий муносабатлар нисбий характерга эга бўлиб, унда асосан икки тараф иштирок этади. Мажбуриятда қатнашувчи тарафларнинг бири – кредитор, иккинчиси – қарздор деб аталади. Мажбуриятда қарздор ва кредитор бўлиб иштирок этувчилар фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўла оладиган шахслар бўлишлари керак. Мажбуриятга оид муносабатларда кредитор ва қарздор сифатида фуқаролар, юридик шахслар, шунингдек, баъзи ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳам субъект сифатида иштирок этиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқида аксарият мажбуриятларда қатнашувчи шахслар бир вақтнинг ўзида ҳам кредитор, ҳам қарздор бўлиб ҳисобланади. Масалан, олди-сотди шартномасида сотувчи сотилган нарсани топшириш юзасидан қарздор, унинг суммасини талаб қилиб олиш юзасидан кредитор ҳисобланади ва аксинча, сотиб олувчи нарсани талаб қилиб олиш юзасидан кредитор, унинг суммасини тўлаш юзасидан қарздор ҳисобланади. Бинобарин, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларда, яъни кредитор ва қарздорда ҳам талаб қилиш ҳуқуқи, ҳам мажбурият бўлса, бундай мажбуриятлар мураккаб мажбуриятлар деб ҳам юритилади.

Одатда, ҳар бир мажбуриятда икки тараф – кредитор ва қарздор қатнашади. Аммо баъзи ҳолларда мажбуриятда кредитор ёки қарздор тарафида ёхуд ҳар икки тарафда ҳам бир неча шахслар иштирок этишлари мумкин. Бундай мажбуриятлар кўп шахсли мажбуриятлар ҳисобланади. Масалан, бир мулк икки шахс томонидан сотиб олинганида, сотувчи ҳузурида унинг суммасини тўлаш юзасидан қарздор томонидан икки шахс қатнашади.¹

Мажбуриятда кўпчилик бўлиб қатнашувчи шахслар актив, пасив ва аралаш иштирокчиларга ажратилиши мумкин.² Мажбуриятда кўпчилик бўлиб кредитор тарафида қатнашувчи шахслар – актив иштирокчилар деб, қарздор тарафида қатнашувчи шахслар эса пасив иштирокчилар деб аталади. Агар мажбуриятда қатнашувчи шахслар икки тарафда ҳам кўпчилик бўлиб иштирок этса аралаш иштирокчилар деб аталади.

Кўп шахслар иштирок этган мажбуриятлар улушли ва шерик мажбуриятларга бўлинади. Улушли мажбуриятларда қатнашувчи кредиторларнинг ҳар бири қарздордан тегишли улушининг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, улушли қарздорлардан ҳар бири ўзига тегишли улушни бажаришга мажбур бўлади.

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т., ТДЮИ. 2009. –Б.473.

² Рахмонқулов Х.Р. Обязательственное право. Учебник. –Т., ТТЮИ.2005. –С. 31.

Фуқаролик кодексининг 251-моддасида кўрсатилганидек, агар улушли мажбуриятда бир неча кредитор ёки бир неча қарздор иштирок этса, башарти қонундан ёки шартномадан бошқача тартиб белгиленган бўлмаса, у ҳолда ҳар бир кредитор мажбуриятни бошқалар билан тенг улушларда талаб қилишга ҳақли, ҳар бир қарздор эса бу талабни бажариши шарт.

Улушли мажбуриятга икки фуқаро томонидан улушларга бўлиниб қурилган уй-жойнинг сотилишида сотувчилардан ҳар бири ўз улушига нисбатан тегишли ҳақни талаб қилиш юзасидан кредитор бўлишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Юридик шахслар ўртасида ҳам улушли мажбуриятлар вужудга келиши мумкин. Жумладан, бир неча ташкилот биргаликда уй-жой қурганида ташкилотларнинг ҳар бири ўз улушига яраша уй-жойни бошқариш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Улушли мажбуриятларда фаол иштирокчи бўлган кредиторлардан ҳар бир қарздордан фақат ўзига тегишли улушининг талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, қарздорлардан ҳар бири ўзига тегишли улушда мажбуриятни бажаришга мажбур бўлади.

Кредиторлардан бирига мажбуриятнинг қарздорлардан бири томонидан ўз улушига яраша бажариши улушли мажбуриятни бутунлай бекор қилмайди. Бундай мажбурият то бошқа кредиторларнинг талаблари қондирилгунча ёки бошқа қарздорлар ўз улушларига яраша мажбуриятларини бажаргунча сақланиб қолади.

Кредиторлар ва қарздорлар кўпчилик бўлган тақдирда кредиторлардан ҳар бири қарздордан қарзни бошқалар билан тенг улушда талаб қилишга ҳақли ва қарздорларнинг ҳар бири эса бошқалар билан тенг улушда мажбуриятни бажаришга мажбур бўлади. Шериклик мажбуриятларга асосан кредитор мажбуриятнинг тўла ҳажмда бажарилишини, шерик қарздорларнинг ҳар қайсисидан мажбуриятнинг бутунлай бажарилишини талаб қилишга ҳақли.

Юқорида берилган таърифга кўра, шериклик мажбуриятларида қатнашувчилар сифатида қарздор битта, кредиторлар бир неча бўлиши ёки бир неча кредитор ва бир неча қарздор бўлиши мумкин. Шериклик асосида мажбурият олганлар — шерик қарздорлар бўлса, шериклик асосида талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар шерик кредиторлар деб аталади. Шериклик мажбуриятининг мазмунини шериклик мажбурияти ва шерикликка оид талаб қилиш ҳуқуқлари ташкил этади. Масалан, бир неча шахс бир кишига ёки ташкилотга зиён етказилганида қонун бўйича шериклик мажбурияти белгиланади. Бир неча ворисларга қарашли, улушли ва бўлинмаган уй-жой бир фуқаро томонидан сотиб олинганда шерикликка асосланган талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келади. Шериклик мажбуриятида кредиторларнинг талаблари ёки қарздорларнинг мажбуриятлари улушларга бўлинмайди. Аммо кредиторлардан бири ёки бир нечтаси қарзнинг қисман бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга

XXII Боб. МАЖБУРИЯТ ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТЛАРИ

1-§. Мажбуриятда қатнашувчи тарафлар ва уларнинг кўпчилик бўлиши

Мажбурият ҳуқуқий муносабатлар нисбий характерга эга бўлиб, унда асосан икки тараф иштирок этади. Мажбуриятда қатнашувчи тарафларнинг бири – кредитор, иккинчиси – қарздор деб аталади. Мажбуриятда қарздор ва кредитор бўлиб иштирок этувчилар фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўла оладиган шахслар бўлишлари керак. Мажбуриятга оид муносабатларда кредитор ва қарздор сифатида фуқаролар, юридик шахслар, шунингдек, баъзи ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳам субъект сифатида иштирок этиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқида аксарият мажбуриятларда қатнашувчи шахслар бир вақтнинг ўзида ҳам кредитор, ҳам қарздор бўлиб ҳисобланади. Масалан, олди-сотди шартномасида сотувчи сотилган нарсани топшириш юзасидан қарздор, унинг суммасини талаб қилиб олиш юзасидан кредитор ҳисобланади ва аксинча, сотиб олувчи нарсани талаб қилиб олиш юзасидан кредитор, унинг суммасини тўлаш юзасидан қарздор ҳисобланади. Бинобарин, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларда, яъни кредитор ва қарздорда ҳам талаб қилиш ҳуқуқи, ҳам мажбурият бўлса, бундай мажбуриятлар мураккаб мажбуриятлар деб ҳам юритилади.

Одатда, ҳар бир мажбуриятда икки тараф – кредитор ва қарздор қатнашади. Аммо баъзи ҳолларда мажбуриятда кредитор ёки қарздор тарафида ёхуд ҳар икки тарафда ҳам бир неча шахслар иштирок этишлари мумкин. Бундай мажбуриятлар кўп шахсли мажбуриятлар ҳисобланади. Масалан, бир мулк икки шахс томонидан сотиб олинганида, сотувчи ҳузурда унинг суммасини тўлаш юзасидан қарздор томонидан икки шахс қатнашади.¹

Мажбуриятда кўпчилик бўлиб қатнашувчи шахслар актив, пассив ва аралаш иштирокчиларга ажратилиши мумкин.² Мажбуриятда кўпчилик бўлиб кредитор тарафида қатнашувчи шахслар – актив иштирокчилар деб, қарздор тарафида қатнашувчи шахслар эса пассив иштирокчилар деб аталади. Агар мажбуриятда қатнашувчи шахслар икки тарафда ҳам кўпчилик бўлиб иштирок этса аралаш иштирокчилар деб аталади.

Кўп шахслар иштирок этган мажбуриятлар улушли ва шерик мажбуриятларга бўлинади. Улушли мажбуриятларда қатнашувчи кредиторларнинг ҳар бири қарздордан тегишли улушининг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, улушли қарздорлардан ҳар бири ўзига тегишли улушни бажаришга мажбур бўлади.

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т., ТДЮИ. 2009. –Б.473.

² Раҳмоновлов Х.Р. Обязательственное право. Учебник. –Т., ТГЮИ.2005. –С. 31.

Фуқаролик кодексининг 251-моддасида кўрсатилганидек, агар улушли мажбуриятда бир неча кредитор ёки бир неча қарздор иштирок этса, башарти қонундан ёки шартномадан бошқача тартиб англашилмаса, у ҳолда ҳар бир кредитор мажбуриятни бошқалар билан тенг улушларда талаб қилишга ҳақли, ҳар бир қарздор эса бу талабни бажариши шарт.

Улушли мажбуриятга икки фуқаро томонидан улушларга бўлиниб қурилган уй-жойнинг сотилишида сотувчилардан ҳар бири ўз улушига нисбатан тегишли ҳақни талаб қилиш юзасидан кредитор бўлишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Юридик шахслар ўртасида ҳам улушли мажбуриятлар вужудга келиши мумкин. Жумладан, бир неча ташкилот биргалашиб уй-жой қурганида ташкилотларнинг ҳар бири ўз улушига яраша уй-жойни бошқариш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Улушли мажбуриятларда фаол иштирокчи бўлган кредиторлардан ҳар бир қарздордан фақат ўзига тегишли улушнинггина талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, қарздорлардан ҳар бири ўзига тегишли улушда мажбуриятни бажаришга мажбур бўлади.

Кредиторлардан бирига мажбуриятнинг қарздорлардан бири томонидан ўз улушига яраша бажариши улушли мажбуриятни бутунлай бекор қилмайди. Бундай мажбурият то бошқа кредиторларнинг талаблари кондирилгунча ёки бошқа қарздорлар ўз улушларига яраша мажбуриятларини бажаргунча сақланиб қолади.

Кредиторлар ва қарздорлар кўпчилик бўлган тақдирда кредиторлардан ҳар бири қарздордан қарзни бошқалар билан тенг улушда талаб қилишга ҳақли ва қарздорларнинг ҳар бири эса бошқалар билан тенг улушда мажбуриятини бажаришга мажбур бўлади. Шериклик мажбуриятларга асосан кредитор мажбуриятнинг тўла ҳажмида бажарилишини, шерик қарздорларнинг ҳар қайсисидан мажбуриятнинг бутунлай бажарилишини талаб қилишга ҳақли.

Юқорида берилган таърифга кўра, шериклик мажбуриятларида қатнашувчилар сифатида қарздор битта, кредиторлар бир неча бўлиши ёки бир неча кредитор ва бир неча қарздор бўлиши мумкин. Шериклик асосида мажбурият олганлар – шерик қарздорлар бўлса, шериклик асосида талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар шерик кредиторлар деб аталади. Шериклик мажбуриятининг мазмунини шериклик мажбурияти ва шерикликка оид талаб қилиш ҳуқуқлари ташкил этади. Масалан, бир неча шахс бир кишига ёки ташкилотга зиён етказилганида қонун бўйича шериклик мажбурияти белгиланади. Бир неча ворисларга қарашли, улушли ва бўлинмаган уй-жой бир фуқаро томонидан сотиб олинганда шерикликка асосланган талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келади. Шериклик мажбуриятида кредиторларнинг талаблари ёки қарздорларнинг мажбуриятлари улушларга бўлинмайди. Аммо кредиторлардан бири ёки бир нечаси қарзнинг қисман бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга

бўлади. Шериклик (солидаритет) асосида белгиланадиган мажбуриятга кўра, қарздорлардан бири томонидан мажбурият бажарилмаганида, унинг учун бошқа шерик қарздорлар жавобгар бўлишди ва, аксинча, шерик қарздорлар бажармаган мажбуриятнинг бажарилишини бундай қарздорларнинг биридангина талаб қилиш ҳам мумкин.

ФКнинг 252-моддасида кўрсатилганидек, қарздорларнинг шериклик мажбурияти белгиланганида кредитор мажбуриятнинг қарздорларнинг барчасидан биргаликда, шунингдек, ҳар қайсисидан айрим-айрим ҳолда тўла ёки қисман бажарилишини талаб қилишга ҳақлидир. Шерик қарздорларнинг биридан тўла қаноат ҳосил қилмаган кредитор ололмаган нарчасини бошқа шерик қарздорлардан талаб қилишга ҳақли. Шерик қарздорлар то мажбурият тўла бажарилгунга қадар қарздор бўлиб қолаверади. Шерик қарздорларнинг ҳар бири кредиторнинг талабларига қарши эътирозларини билдира олади. Жумладан, қарзнинг илгари тўлиқ ёки қисман тўланганлигини кўрсатишлари мумкин. Аммо шериклик мажбурият бўлгани ҳолда, қарздор кредиторнинг талабларига қарши бошқа қарздорларнинг кредиторга нисбатан бўлган, мазкур қарздор иштирок этмаган, муносабатларга асосланган эътирозларини кўя олмайди (ФКнинг 253-моддаси).

Шериклик мажбуриятининг қарздорлардан бири томонидан тўла бажарилиши бошқа қарздорларни кредиторга нисбатан мажбуриятни бажаришдан озод қилади. Шериклик мажбуриятини бажарган қарздор, конун ёки шартномаларда бошқача тартиб белгилаб қўйилмаган бўлса, мажбуриятни бажарган қарздор ўз улушини чегириб ташлаб бошқа қарздорларга тенг улушларда регресс талаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятини бажарган қарздорга тўланмаган ҳақ бу ва бошқа қарздорлар зиммасига тенг улушларда тушади (ФК, 254-модда).

Агар шериклик мажбуриятда кредиторлар бир неча бўлса, у ҳолда шерик талаблар вужудга келади ва шерик кредиторларнинг ҳар қайсиси қарздорга нисбатан тўла ҳажмда талаб қўйишга ҳақли бўлади. Бундай шериклик талабларга фаол шериклик дейилади. Шериклик талабларига биноан, конун ёки шартномада бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, қарздор кредиторларнинг бирига мажбуриятни тўла ҳажмда бажариши мумкин, кредитор эса қабул қилиб олишга мажбур. Шерик кредиторлардан ҳар бири ҳам қарздордан мажбуриятнинг тўла ҳажмда бажарилишини талаб қилишга ҳақли. Бундай талаб қўйилганда қарздор ана шу кредиторлардан бирига нисбатан бажаришдан озод қилади (ФК, 255-модда, 3-банд).

Шериклик талаблар кўпинча биргаликдаги фаолиятдан, шерик муаллифликдан ва бошқа баъзи ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиши мумкин. Шерик кредиторлардан ҳар бири ҳаракати билан бошқа кредиторнинг манфаатига зиён етказмаслиги керак. Жумладан, шерик кредиторлардан бирининг қилган ҳаракати қарздорлардан бирини мажбуриятнинг муайян қисмини бажаришдан озод қилишга қаратилган

булса ҳам, бу қарздор шерик кредиторлар ҳузурида мажбуриятни тўла бажаришдан озод бўлмайди. Қарздор шерик кредиторларнинг бири томонидан қўйилган талабга қарши ўзининг бошқа шерик кредиторлар билан бўлган, мазкур кредитор иштирок этмаган муносабатларга асосланган эътирозини қўя олмайди. Масалан, пудрат шартномаси бўйича пудратчи бир неча жамоа хўжалигининг буюртмасига биноан стадион куриши керак бўлиб, кейинчалик шу жамоа хўжаликларининг биридан буюртмани кечиктириб бажаришга мухлат олган бўлса, қолган жамоа хўжаликларининг буюртмасини ўз вақтида бажариши учун қўйган талабига кечиктириб бажариш учун олган мухлатини қарши қўя олмайди.

Мажбуриятнинг қарздор томон шерик кредиторларидан бирининг тўла ҳажмда бажарилиши, уни бошқа кредиторларга нисбатан бажаришдан озод қилади. Қарздордан мажбуриятнинг ижросини қабул қилиб олган шерик кредитор, башарти улар ўртасидаги муносабатлардан бошқача тартиб англашилмаса, бошқа кредиторларга тегишли бўлган улушларни тўлаши шарт (ФК, 255-модда).

Аралаш шериклик мажбуриятларда бир вақтнинг ўзида бир неча кредитор ва қарздор шахс иштирок этади. Бундай мажбуриятларни бажариш тартибига фаол ва суст шериклик мажбуриятларини бажариш дейилади. Масалан, шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жойга эга бўлган бир неча фуқаро таъмирловчи бригада билан пудрат шартномаси тузган бўлса, улардан ҳар бири мажбуриятнинг тўла ҳажмда бажарилишини бригаданинг ҳар қайси аъзосидан талаб қилишга ҳақли.

Ташкилотлар юридик шахс сифатида мустақил мулкый жавобгарликка эга бўлиб, хўжалик ҳисоби асосида иш олиб борганликлари сабабли ҳар қайси ташкилот мажбуриятини бажармаганлиги учун ўзича алоҳида жавобгар бўлади. Лекин айрим ҳолларда аралаш шериклик мажбурияти асосида ҳам жавобгарлик белгиланиши мумкин. Масалан, турли ташкилотларга қарашли автомашинадан бир неча фуқарога зиён етказилса, биргаликдаги аралаш шерик жавобгарлик белгиланиши мумкин.

Қўшимча (субсидиар) мажбуриятлар фақат қарздорлар тарафидан вужудга келади. Мажбурият асосий қарздор томонидан бажарилмаганида кредитор унинг бажарилишини қўшимча қарздордан талаб қилишга ҳақли. Субсидиар жавобгарлик асослари ФКнинг 329-моддасида назарда тутилган. Бунга асосан қонун ҳужжатлари ёки мажбурият шартларига мувофиқ асосий қарздор бўлган бошқа шахснинг жавобгарлигига қўшимча равишда бўлган (субсидиар жавобгарлик) шахсга талаблар қўйишдан олдин кредитор асосий қарздорга талаб қўйиши керак. Агар асосий қарздор кредиторнинг талабини қондиришдан бош тортса ёки кредитор ундан қўйилган талабга оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, бу талаб субсидиар жавобгар бўлган шахсга қўйилиши мумкин. Кредитор асосий қарздорга бўлган ўз талабининг қондирилиши субсидиар жавобгар шахсдан талаб қилишга ҳақли эмас, башарти бу талаб асосий қарздорга

мукобил талабни ҳисобга ўтказиш ёки маблағларни асосий қарздордан низосиз ундириб олиш йўли билан қондирилиши мумкин бўлса, субсидиар жавобгар шахс ўзига кредитор томонидан қўйилган талабнинг қондирилишидан олдин бу ҳақда асосий қарздорни огохлантириш, бордию, бундай шахсга нисбатан даъво кўзгатилган бўлса, асосий қарздорни ишда қатнашишга жалб қилиш керак. Акс ҳолда асосий қарздор ўзининг кредиторга қарши эътирозларини субсидиар жавобгар шахснинг регресс талабига қарши қўйиш ҳуқуқига эга.

Шериклик мажбурияти бўйича бошқалар учун мажбуриятни бажарган қарздор регресс (қайтарма) даъво ҳуқуқига эга бўлса, қўшимча мажбуриятни учинчи шахсга нисбатан бажарган қарздор, агар қонун ёки шартномаларда бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, шу бажарилган нарсани қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Масалан: ота-оналар фарзандликка олганлар васийлар, хомийлар, вояга етмаган болаларнинг ҳаракати натижасида етказилган зарарни учинчи шахсга тўлаганларида мазкур ҳақни қайтариб олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Қўшимча мажбурият қонун ёки шартномаларда кўрсатилган тақдирдагина вужудга келади. Жумладан, қонунда айтилишича, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган ўсмир томонидан етказилган зиён учун уларнинг ота-оналари, васий ва хомийлари қўшимча жавобгардирлар. Қўшимча мажбуриятга яна бир мисол қилиб, тўғридан-тўғри шартномада кўрсатилган бўлса, бошқа шахс мажбуриятининг бутунлай ёки қисман бажарилиши учун унинг кредитори олдида жавобгарликни ўз зиммасига олган кафилнинг қўшимча жавобгарлигини кўрсатиш мумкин. Аммо бу ҳолда мажбуриятни бажарган кафил регресс (қайтарма) даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

2-§. Мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгариши

Кредиторнинг ўзгариши мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатларда муайян субъектлар ўртасида вужудга келади. Мажбуриятни бажаришда иштирок этаётган тарафлар ўринларини бошқа шахс билан алмашинишларига қонун бўйича йўл қўйилади. Мажбуриятда катнашувчи кредитор ҳам, қарздор ҳам бошқа шахслар билан алмашинишлари мумкин.

Кредиторнинг алмашиниши деб, мажбуриятда иштирок этаётган кредитор ўз ўрнини бошқа шахс билан алмашинишига айтилади. Кредиторнинг талаб қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтказилишига, агар бу қонун ёки шартномага зид бўлмаса ёки талаб кредиторнинг шахси билан боғлиқ бўлмаса йўл қўйилади. Агар талаб кредиторнинг шахси билан чамбарчас боғланган бўлса, масалан, ФКнинг 314-моддасида кўрсатилганидек, алиментлар ва ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги талабларнинг бошқа шахсга ўтишига йўл қўйилмайди. Баъзи ҳолларда талаб қилиш ҳуқуқини ўтказишга шартнома бўйича ҳам йўл қўйилмайди. Масалан, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой

(квартира)ни бошқа шахсга берган шахс узининг талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказа олмайди. ФКнинг 318-моддасида кўрсатилишича, кредиторнинг мажбурият бўйича ҳуқуқлари бошқа шахсга қуйидаги ҳолларда ўтади:

1. Кредитор ҳуқуқларидаги универсал ҳуқуқий ворислик натижасида;

2. Кредитор ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги суднинг қарорига мувофиқ;

3. Қарздорнинг мажбурияти ушбу мажбурият бўйича қарздор бўлмаган кафил ёки гаровга қўювчи томонидан бажарилиши оқибатида;

4. Суғурта ҳолати бошланиши учун жавобгар бўлган қарздорга нисбатан кредитор ҳуқуқларининг суғурта қилувчига ўтиши натижасида;

5. Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказган кредитор бу ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатларни ҳам ана шу шахсга топширишга мажбур. Жумладан, кредитор қарздордан тилхат олган бўлса, мазкур ҳужжатга талаб қилиш ҳуқуқининг ўтказилганлигини ёзиб, уни янги кредиторга топшириши лозим. Дастлабки кредитор янги кредитор олдида унга ўтказилган талабнинг қарздор томонидан бажарилмаганлиги учун жавоб бермайди, дастлабки кредитор янги кредитор олдида қарздор учун ўз зиммасига кафолатини олган ҳоллар бундан мустасно (ФК, 321-модда).

Кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтиши учун, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди. Агар қарздор кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтганлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилинмаган бўлса, янги кредитор шу тўғрисида келиб чиққан ўзи учун ноқулай оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади. Мазкур ҳолда мажбуриятнинг дастлабки кредиторга нисбатан бажарилиши тегишли кредиторга нисбатан бажариш деб ҳисобланади (ФК, 313-модда).

Баъзи ҳолларда норматив ҳужжатларнинг ўзида ҳам талаб қилиш ҳуқуқини умумий қоида сифатида ўтказишга йўл қўйилмаслиги, масалан, Темир йўл уставининг 172-моддасида темир йўл корхонасига талаб, шикоят ёки даъво қўзғатиш ҳуқуқини бошқа ташкилотга ёки фуқарога ўтказишга йўл қўйилмаслиги кўрсатилиши билан бирга қандай ҳолларда бу қоидадан истиснолар бўлиши ҳам айтилган. Қарздор мажбурият бўйича ҳуқуқлар янги кредиторга ўтганлиги ҳақида огоҳлантириш олган пайтда дастлабки кредиторга қарши эътирозларни янги кредиторнинг талабига қарши қўя олади (ФК, 317-модда). Масалан, мажбуриятнинг қисман бажарилганлигини ёки қарз ҳужжатида кўрсатилган сумманинг олинмаганлигини кўрсатиб, ўз эътирозларини янги кредитор талабига қарши қўйиш ҳуқуқига эга.

Қарздорнинг алмашилишига келсак, мажбуриятда қатнашаётган қарздор ҳам ўз ўрнини бошқа шахс билан алмашиш ҳуқуқига эга.

Қарздор алмашгани туфайли янги қарздор мажбуриятли бўлиб қолишига -- қарзнинг (мажбуриятнинг) кўчирилиши дейилади.

Қарздорнинг ўз қарзини бошқа шахсга ўтказишига фақат кредиторнинг розилиги билан йўл қўйилади (ФК, 322-модда). Қарздор учун қайси кредиторга нисбатан мажбуриятни бажаришнинг фарқи йўқ бўлса ҳам кредитор учун ким янги қарздор бўлишининг аҳамияти бор. Аввало, кредиторнинг янги қарздорнинг мулкӣй ҳолати, иш қобилияти ҳамда мажбуриятни бажаришга қодир бўлиш-бўлмаслиги қизиқтиради. Агар, масалан, юқори малакали уста ишни бажаришни ўз шогирдига топшироқчи бўлса, кредитор иш манфаатларини қўзлаб бунга рози бўлмаслиги ҳам мумкин. Дастлабки қарздор бошқа шахсга мажбуриятини ўтказганида кредиторга нисбатан мажбуриятни бажаришдан бутунлай озод бўлади. Унинг барча мажбурияти янги қарздор зиммасига ўтади. Кредитор билан дастлабки қарздор ўртасидаги муносабатларга асосланган барча эътирозларни янги қарздор кредиторнинг талабига қарши қўя олади, жумладан, янги қарздор ҳам дастлабки қарздор каби мажбуриятнинг қисман бажарилганлигини ёки қарзнинг қисман тўланганлигини ёхуд ҳужжатда кўрсатилганга қараганда камроқ суммада олинганлигини айтиб, эътирозларини билдира олади. Кредитор янги қарздордан мажбуриятни тўла ҳажмда бажаришни талаб қила олади, чунки мажбуриятни кўчиришда унинг мазмуни ўзгармайди. Масалан, қарз шартномасида қарздор алмашса, кредитор янги қарздордан тўла ҳажмда тўланишини талаб қила олади.

Агар кафил ёки гаровга қўювчи янги қарздор учун жавобгар бўлишига розилик бермаса, кафиллик ёки учинчи шахс томонидан берилган гаров қарзнинг бошқа шахсга кўчирилиши билан бекор бўлади. Қарзни (мажбуриятни) кўчириш кўпинча фуқароларнинг ўзаро муносабатларида қўлланилади. Аммо мажбурият қарздорнинг шахси билан боғлиқ бўлса, қарзни кўчириш мумкин эмас.

Ёзма шаклда тузилган битимга асосланган талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш ва қарзни (мажбуриятни) кўчириш оддий ёзма шаклда қилиниши лозим. Агар битим нотариал тасдиқланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, у ҳолда ушбу тегишли шаклга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. ФКнинг 323-моддасида қарзни ҳам, мажбурият бўйича ижрони ҳам бир пайтда бошқа шахсга ўтказиш қоидалари назарда тутилган. Бунга асосан қарздорни қарзни тўлаш мажбуриятидан озод қилмаган ҳолда қарзни ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказишга руҳсат берилади. Бу ҳолда ҳар иккала қарздор мажбуриятнинг бажарилиши учун шерик (солидар) жавобгар бўлади. Қарздорнинг учинчи шахс билан шартномаси асосида учинчи шахс мажбуриятининг бажарилиши бўйича кредитор олдида эмас, балки фақат қарздор олдида бурчли бўлади.

3-§. Регресс мажбурият

Фукаролик ҳуқуқида регресс тушунчаси, қайтариш деган маънони, яъни биров учун туланган пулнинг қайтариш тўғрисидаги талабни билдиради. Қайтарма мажбурият шериклик ва қўшимча мажбуриятларни бажаришдан келиб чиқади. Шерик қарздорлардан бири кредиторга нисбатан мажбуриятни тўла ҳажмда бажариб, кейинчалик улар учун туланган суммани, қилинган иш харажатларини қолган қарздорлардан қайтарма талаб асоёида коплата олади.

Қайтарма (регресс) мажбурият деб бир тараф иккинчи тараф учун учинчи шахс олдидан бажарган мажбуриятни қайтариш тўғрисида талаб қила олиш ҳуқуқига айтилади. Регресс (қайтарма) талабда ҳам бошқа мажбуриятлар сингари икки тараф иштирок этади. Ҳ.Раҳмонкуловнинг фикрича, кредитор регрессиент қарздор регрессат деб номланади.¹ Масалан, қарз шартномасига асосан қарздорлардан бири қарзни тўла ҳажмда тўласа, қарз мажбурияти бекор бўлади. Лекин бошқа қарздорлар учун қарзни тўлаган қарздор улардан тегишли суммани ундириш учун қайтарма талаб қила олади.² Агар мажбуриятни тўла ҳажмда бажарган қарздор бу тўғрида бошқа шерик қарздорларини оғохлантирмаса, шерик қарздорлар мажбуриятни бажармаган бўлса, зарар кўрган қарздор қолган қарздорларга нисбатан қайтарма даъво қўзғата олмайди. У фақат кредиторга нисбатангина унинг асоссиз олганини қайтариши тўғрисида даъво қила олади. Қайтарма талаб учинчи шахсга нисбатан қилинган харажатнинг умумий миқдоридан ошмаслиги керак.

Қайтарма мажбурият хўжалик ташкилотлари ўртасидаги муносабатларда кўпроқ тарқалган. Жумладан, маҳсулот етказиб берувчи ташкилотдан сотиб олувчи ташкилотга маҳсулот сифатсиз бўлгани учун жарима тўлаганида - бундай санкцияга (жарима) тортилиши маҳсулот тайёрловчи ташкилотнинг шартнома шартларини бузганлиги сабабли вужудга келганлиги кўрсатилиб, кейинчалик бу жарима суммасининг ўзига қайтарилиши тўғрисида маҳсулот тайёрловчи ташкилотга қайтарма даъво қўзғата олади.

Бир сўз билан айтганда, қайтарма даъво ташкилотлар ўртасида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятига нисбатан жавобгарлигини ва маъсулиятини оширади ҳамда у муайян аҳамиятга эга бўлади.

Назорат учун саволлар

1. Улушли мажбуриятлар деб нимага айтилади?
2. Мажбуриятда қатнашувчи тарафлар нима деб айтилади?
3. Аралаш шериклик тушунчасига таъриф беринг?

¹ Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. -46 б.

² Зокиров И.Б. Фукаролик ҳуқуқи. –Т., ТДЮИ, 2009. -Б.482.

4. Кредиторнинг мажбурият буйича ҳуқуқлари қайси ҳолларда бошқа шахсларга ўтади?
5. Қайтарма мажбурият деб қандай мажбуриятга айтилади?
6. Кредиторнинг алмашиниши деб нимага айтилади?
7. Қайси ҳолларда қарзни қучириш мумкин эмас?
8. Реғридиент нима?
9. Талаб қилиш ҳуқуқини ўтказишга қайси ҳолларда йул қўйилмайди?
10. Мажбуриятда шахсларнинг ўзгаришига қайси ҳолларда рухсат берилади?

XXIII Боб. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ

1-§. Мажбуриятларни бажариш тушунчаси

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий алоқаларни мустақкамлаш мажбуриятларнинг бажарилишида муҳим ўринга эга бўлади. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги мажбуриятларнинг ўз вақтида ва лозим даражада бажарилиши, иқтисодий контрагентлар ўртасидаги ишончни ошириши билан бирга, мамлакатдаги иқтисодий-ҳуқуқий алоқаларнинг давомийлиги ва мустақкамлигини таъминлайди.

Мажбуриятларни бажариш деб, қарздор томонидан кредитор талабига мувофиқ муайян бир ҳаракатнинг қилиниши ёки ҳаракатдан сакланиш тушунилади. Қарздорнинг мажбуриятни бажариши кредиторга ашёни топшириш, маълум ишни бажариш, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш, асоссиз олинган мулкни қайтариш кабилардан иборат.¹

Давлат, юридик шахслар ва фуқаролар томонидан олинган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш мулкий муносабатларни мустақкамлаш, жамятнинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маданий талабларини қондиришда катта роль ўйнайди.

Мажбуриятнинг бажарилиши бир томонлама битим саналади, зеро, моҳиятан бу ижро ҳаракати мавжуд бўлган мажбуриятларни кредиторнинг ёки учинчи шахснинг (агар мажбурият шартларида шу нарса назарда тутилган бўлса) фойдасига бажаришга қаратилгандир.²

ФКнинг 236-моддаси қоидаларида мажбуриятни ижро этишнинг муҳим таомили, яъни мажбуриятни лозим даражада бажариш ўз ифодасини топган. Шунингдек, мажбуриятни бажариш мезонлари ҳам ўрнатилганки, ижро уларга мос бўлиши шарт. Аввало, мажбуриятнинг бажарилиши мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши шарт. Агар қонун ҳужжатларида қандайдир талаб кўзла тутилган бўлса-ю, бу талабни тарафлар шартномага киритмаган бўлса ҳам, мазкур талаб мажбуриятлар мазмунини ташкил этади ва тарафлар учун мажбурийдир. Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси, хизмат кўрсатиш, ишлар бажариш тўғрисидаги шартномаларнинг тарафлари учун маҳсулотнинг, хизматларнинг истеъмолчиларнинг ҳаёти ва саломатлиги, аτροφ-муҳит ва ш.к. хавфсизлигига оид турли давлат стандартлари талаблари мажбурий ҳисобланади.

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. -Т., ТДҲОИ. 2009. -Б.484.

² Раҳмонкулов Х.Р. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд. -Т. "Vektor-Press" 2010. -Б. 589.

Мажбуриятлар, дейди проф. И.Б.Зокиров, ФКнинг 236-моддасида айтилганидек, мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган тақдирда эса, иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. Бунда тарафларнинг ҳар бири ўз мажбуриятларини анча тежамли бажариш, иккинчи томонга унинг ўз мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши лозим.

Мажбуриятлар давлат ҳужжатлари ва шартномалардан келиб чиққан бўлса, уларда кўрсатилган талаб ва шартларга мувофиқ бажарилиши керак. Агар давлат ҳужжатларида мажбуриятни бажариш шarti кўрсатилмаган бўлса, мажбуриятлар ўзаро келишиб қўйиладиган талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши зарур. Мажбуриятни бажаришда ҳар икки томон ҳўжалик алоқаларининг ривожланишини кўзлаб, тежамлилиқ билан ва ўзаро ҳамкорликда зарур ҳаракатларни қилишлари талаб этилади.

Мажбуриятларни бажариш бир қатор тамойилларга асосланади. Улар мажбуриятларни тегишли даражада бажариш, келишилган ва макбул усулда бажариш, мажбуриятни тегишли шахс учун бажариш, аниқ бажариш, тежамлилиқ ва ўзаро ҳамкорликда бажариш кабилардир. Мажбуриятларни тегишли даражада бажариш деганда, мажбуриятлар қўйилган талабларга тўлиқ жавоб берадиган даражада, беқаму қўст ва белгиланган муддатда бажарилиши назарда тутилади. Ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи шахслар ўз мажбуриятларининг лозим даражада бажарилишидан баб-баравар манфаатдор бўлишлари, бир-бирларига кўмаклашишлари фараз қилинади. Мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилиши жамият манфаати ҳамда унинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маданий талабларини қондиришга қаратилган бўлиши лозим.

Бозор муносабатлари шароитида мажбуриятларнинг тегишли равишда бажарилишидан нафақат мажбурият ўз фойдасига бажарилаётган субъект, балки охир-оқибатда жамиятнинг ҳар бир аъзоси манфаатдор бўлади. Чунки барча ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаслиги бошқа субъектлар учун ҳам, гарчи улар бевосита бунда кредитор сифатида қатнашмасаларда, салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин.

Мажбуриятларни тегишли равишда бажариш уларни қонун ҳужжатларига, шартнома шартларига, иш муомаласи одатларига, одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ равишда шартнома нарсасининг сифати, миқдори, ҳажми бўйича ўз вақтида бажарилишини аниглайди.

Мажбуриятларни бажаришнинг яна бир тамойили бу мажбуриятлар келишилган ва тарафлар учун макбул усулда бажарилишидан иборат.

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т., ТДҶОИ. 2009. –Б.485.

Мажбуриятни бажариш усули, агар бу усул мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса ва қонун билан белгилаб қўйилган бўлмаса, шартномада кўрсатилган бўлиши керак. Ушбу тамойил мазмунига кўра ўз навбатида мажбуриятларни реал бажарилиши, уни бажаришда тежамли усуллардан фойдаланиш, мажбурият бажарилишида тарафларнинг ҳамкорлик қилиш ҳақидаги қоидаларини англатади. Бу қоидаларни ҳам шартли равишда, гарчи қонунда бевосита санаб ўтилмаган бўлсада, мажбуриятларни бажариш тамойиллари сифатида қараш мумкин. Мажбуриятларнинг аниқ бажарилиши шартномада кўрсатилган ҳаракатнинг айнан ўзи бажарилишининг, топширилиши лозим бўлган нарсанинг (маҳсулотнинг) асл ҳолатида топширилишини билдиради.

Мажбуриятнинг қарздор айби билан кечиктирилиши ёки лозим даражада бажарилмаслиги ҳолларини назарда тутиб белгиланган неустойка (жарима, пеня)нинг ҳамда мажбуриятнинг лозим даражада бажарилмаслиги натижасида келиб чиққан зарарнинг ундирилиши мажбуриятни асл ҳолатида бажаришдан қарздорни озод қилмайди.

Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди (ФК, 237-модда). Аммо бу қоида, юқорида айтилганидек, қонунда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи мажбуриятлар учун қўлланилмайди. Жумладан, топшириқ шартномаси бўйича топшириқ берувчи берган топшириғини ҳар вақт бекор қила олади, топшириқ олган шахс хоҳлаган вақтида топшириқни бажаришдан бош торта олади. Темир йўл ва бошқа турдаги транспорт воситасида йўловчилар ташиш муносабатида ҳам йўловчи талаби билан шартнома ҳар қачон бекор қилиниши мумкин.

Мажбуриятларни бажаришда тежамлилик қоида­сига мувофиқ мажбуриятни бажаришда тарафлар кам харажат билан кўп фойда келтиришга қаратилган ҳаракатларни қилишлари лозим. Бу қоида кредитор ва қарздорга мажбуриятни бажариш жараёнида энг қулай ҳамда энг фойдали усулдан фойдаланиш лозимлигини белгилайди. Жумладан, пудрат шартномаси бўйича пудратчи ишни буюртмачи материалдан бажаришда материални тежамлилик билан сарфлаши ва у нотўғри ишлатилиши учун жавобгар бўлиши белгиланган. Юк ташиш шартномасига асосан юк ташувчи юкни энг қисқа йўлдан ташиши кўрсатилган.

Мажбуриятларни бажаришда ўзаро ҳамкорлик тамойилига биноан ҳар икки томон мажбуриятни бажаришда бир-бирларига зарур бўлган ёрдамни кўрсатишлари лозим. Жумладан, кредитор мажбуриятнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши билан бирга қарздорнинг ўз мажбуриятини бажаришда унга ёрдам беришга, кўмаклашишга ҳам мажбур. Масалан, контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг давлат йўли билан харид

килинишида тайёрловчи (маҳсулот қабул қилувчи) ташкилотлар кишлоқ хўжалиқ корхоналарига маҳсулотлар етиштиришда, маҳсулотни ташишни ташкил қилишда ёрдам кўрсатиши зарур.

Мажбуриятларни тегишли шахс учун бажариш тамоёйили ФКнинг 240-моддасида ўз ифодасини топган. Бунга асосан тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлса ва иш муомаласи одатларидан ёки мажбуриятни бажариш чоғида ижрони кредиторнинг ўзи ёки бу иш учун у ваколат берган шахс қабул қилаётганлигини исботлашни талаб қилишга ҳақли бўлади ва бундай талабни қўймаганлик оқибатлари хавфи унинг зиммасида бўлади.

2-§. Мажбуриятларни бажарувчи субъектлар

Мажбуриятни ўз номидан ижро этувчи ва ижрони қабул қилиб олувчилар мажбурият ижросининг субъекти ҳисобланадилар. Ижро субъектлари мажбурият субъектларига ҳамма вақт ҳам ўхшамаслиги мумкин. Мажбурият субъектлари барча ҳолларда қарздор ва кредитор бўлади. Ижро субъектлари эса айрим ҳолларда қарздор учун мажбуриятни бажарувчи бошқа бирон шахс бўлиши, кредитор учун ижрони қабул қилувчи учинчи бир шахс бўлиши ҳам мумкин.

Аммо баъзи ҳолларда мажбурият кредитор учун унинг кўрсатмасига биноан, бошқа шахсга ҳам ижро этилиши мумкин. Масалан, маҳсулот олувчи улгуржи савдо базаси манзилига келиши лозим бўлган маҳсулот (товар)нинг бевосита савдо корхоналарига юборилиши тўғрисида маҳсулот етказувчи билан келишиши мумкин.

Қарзни депозитга қўйиш йўли билан мажбуриятнинг бажарилиши тўғрисида ФКнинг 249-моддасида айтилганки, мажбурият бажарилиши лозим бўлган жойда кредитор ёки ижрони қабул қилиб олиш учун у вакил қилган шахс бўлмаса ёки вакил рози бўлмаса: мажбурият бўйича қим кредитор эканлиги хусусида аниқлик йўқлиги қўрилиб турган бўлса, хусусан, бу ҳақда кредитор билан бошқа шахслар ўртасида низо чиққанлиги муносабати билан кредиторнинг ижрони қабул қилишдан бўйин товлаши ёки унинг томонидан бошқача йўл билан кечиктирилиши муносабати билан амалга оширилади.

Пул суммасини ёки қимматли қоғозларни нотариус ёхуд суднинг депозитга қўйиши, мажбуриятни бажариши ҳисобланади. Депозитга пул ёки қимматли қоғозлар қўйган нотариус ёхуд суд кредиторни бундан хабардор қилади. Нотариал идоранинг депозитга қарзни қўйиш йўли билан мажбуриятнинг бажарилишига оид муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги қонуни билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 74-моддасида айтилишича, пул суммалари ва қимматли қоғозлар депозитга қўйилганлиги ҳақида нотариус кредиторга хабар қилади ва унинг талаби бўйича унга тегишли бўлган пул суммалари ва қимматли қоғозларни топширади.

Мажбуриятнинг бажарилиши ФКнинг 241-моддасида кўрсатилганидек, учинчи шахс зиммасига ҳам юклатилиши мумкин. Қонунда айтилишича, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бўлса, шунингдек, учинчи шахс тарафлардан бири билан тегишли шартнома орқали боғлиқ бўлса, шартномадан келиб чиққан мажбуриятнинг бажарилиши учинчи шахс зиммасига юклатилиши мумкин.

Мажбуриятнинг бажарилишини учинчи шахс зиммасига юклаш учун қуйидаги асослар бўлиши керак:

1. Белгиланган қоидаларда назарда тутилган бўлиши;

2. Маъмурий жиҳатдан бўйсунуш ҳолати бўлиши;

3. Мажбуриятнинг бажарилиши учинчи шахс зиммасига юкланиши шартнома билан белгиланган бўлиши.

Бу ҳолатларда учинчи шахснинг мажбуриятни қабул қилишга розилигини олиш зарур, шунингдек, тарафлар ўртасидаги шартномада тегишли қоида акс этган бўлиши, ёхуд учинчи шахсда ёки тарафлардан бирида тегишли шартнома мавжуд бўлиши, ё бўлмаса, қонун ҳужжатига мазкур мажбуриятни учинчи шахс зиммасига ўтказилишини кўзда тутувчи қоида бўлиши талаб этилади. Айтиш керакки, мажбуриятларни учинчи шахсга юклаш фуқаролик муомаласида, айниқса, тадбиркорлик фаолиятига татбиқан ва, аввало, субконтрагентлик муносабатларида кенг тарқалган. Мазкур модданинг қоидалари кўп ҳолларда транзит орқали етказиб беришда (таъминотчи товарларни харидорга етказиб берилишини ўзининг таъминотчисига, яъни товар ишлаб чиқарувчига топширади), субпудрат (ёрдამчи пудрат) ҳолатларида (пудратчининг топшириғи бўйича субпудратчи ижронинг бевосита бунортмачига ўтказилади), субижарада (субижарачи (иккиламчи ижарачи) ижарачининг топшириғига биноан ижара ҳақини бевосита ижарага берувчига топширади), субкомиссияда (субкомиссионер сотиб олинган товарни комиссионер берган топширик асосида бевосита комитентга ўтказиб беради) ва ҳ.к. тез-тез татбиқ этилади.

Агар мажбуриятни қарздорнинг шахсан ўзи ижро этишга мажбурлиги қонун ҳужжатлари, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан аниқлашилмаса, кредитор қарздор учун учинчи шахс томонидан таклиф қилинган ижронинг қабул қилини шарт. “Мажбуриятнинг моҳиятидан” деган иборанинг ва қарздорнинг шахсан ўзи ижро этиши тўғрисидаги шартларнинг киритилганлиги ижронининг ўтказилиши мажбурият предметини ташкил этувчи хатти-ҳаракатларнинг хусусиятига боғлиқ эканлигини кўрсатади. Қарздор, масалан, мажбурият ижодий хусусиятга эга бўлган ҳолатда (рассом, режиссёр, ёзувчи қабилар билан шартнома), уни учинчи шахсга ўтказиб бера олмайди. Қарздор мажбуриятни шахсан ижро этиши қонун ҳужжатларида шарт қилиб қўйилган ҳолатга Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 884-моддасида келтирилган

омонатнинг учинчи шахсга топширилиши буни юк топширувчининг манфаатлари зарур қилиб қўйган ва омонат сақловчи унинг розилигини олиш ймкониятидан маҳрум бўлган ҳолатлардан бошқа барча ҳолатда таъқиқланиши мисол бўла олади.¹

Табийки, қарздорнинг мажбуриятларни бажармаганлик учун кредитор олдидаги жавобгарлиги масаласи, мажбурият учинчи шахсга ўтказиб берилишига карамай сақланиб қолади. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 241-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, мажбуриятнинг бажарилмаганлиги учун, башарти қонун ҳужжатларида ёки шартномада учинчи шахснинг жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса, шартномадаги тараф жавобгар бўлади.

3-§. Мажбуриятни бажариш предмети

Моддий нарсалар (ашёлар, пуллар), шунингдек, ижодий меҳнат натижалари (яратилган асарлар), умуман ниманинг барпо этилиши ёки топширилиши тўғрисида мажбурият белгиланса, у бажариш предмети бўлади. Фақат у фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган ашёлар бўлиши керак. Масалан, кредиторга мажбурият бўйича муайян бир ашёни, жумладан, ўзига хос белгилари бўлган нарсани топшириш лозим.

Айтайлик, мажбурият предмети жисмий аломатлари, жумладан, сон, оғирлик ёки ўлчов билан белгиланадиган бўлса – қарздор томонидан шу хилдаги сон, оғирлик ёки ўлчов билан белгиланадиган ашё топширилиши керак.

Пул мажбуриятида у сўмлар билан чет эл валютасидаги муайян суммадаги эквивалент (тенг) бўлган суммадаги ёки шартли пул бирликлари (евро, "махсус қарз олиш ҳуқуқлари" ва ҳоказолар) билан тўланиши лозимлиги назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолларда, одатда, ҳисоб-китоблар тўлов кундаги расмий курс бўйича белгиланади. Пул тўғрисидаги мажбуриятларни чет эл валютасида ифодалаш ҳамда тўлашга фақат Ўзбекистон Республикаси қонуниларида белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Пул мажбуриятлари бўйича талабларни қондириш навбати ҳақида тўхталиб шунга эслатиш керакки, тўлов амалга оширилаётганда маблағлар етарли бўлмаса (ФКнинг 248-моддаси), судлар шундан келиб чиқишлари лозимки, асосий қарз суммаларидан олдин тўланиши лозим бўлган фоизларни, пул мажбуриятлари бўйича тўланиши лозим бўлган пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар, шу жумладан, қарз, кредит, аванс, олдиндан ҳақ тўлаш ва ҳоказолардан фойдаланганлик учун фоизлар ва бошқаларни тушунишлари лозим, деб тавсия беради Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг қарори.

¹ Раҳмонкулов Ҳ.Р. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. I-жилд.-Т.: "Vektor-Press" 2010. –Б. 595-596.

Муқобил ва факультатив мажбуриятлар. қарздор икки ёки бир неча ҳаракатлардан бирини қилишга мажбур бўлиши (ФҚнинг 250-моддаси) муқобил мажбурият ҳисобланади. Жумладан, икки фуқаро ўртасидаги олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи олувчига ўзида бўлган бир нархдаги икки нарсадан бирини, масалан, ё телевизор ёки ҳолодильникни сотиш тўғрисидаги келишишлари мумкин. Бунда шартнома предмети икки ашё бўлиб кўрилади. Бу ашёлардан бирини танлаб олиш билан мажбуриятни бажариш ҳуқуқи қонун, шартнома ёки мажбурият мазмунидан бошқача ҳол англашилмаса қарздорга берилади.

Факультатив мажбурият деб, асосан, қарздор муайян бир ҳаракатни қилишга мажбур бўлиб, шу билан бирга мазкур мажбуриятда назарда тутилган ҳаракат ўрнига бошқа бир ҳаракатни қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолишга айтилади. Жумладан, шартномада телевизорнинг сотилиши кўрсатилади, аммо шу билан бирга сотувчи телевизор ўрнига ҳолодильникни сотиш ҳуқуқини ўзига белгилаб қўяди.

Мажбуриятларнинг муқобил ва факультатив мажбуриятларга бўлиниб бажарилишининг маълум ҳуқуқий оқибатлари бор. Жумладан, муқобил мажбуриятда кўрсатилган ашёлардан бири тасодифан нобуд бўлса, ўрнига иккинчиси топширилади. Демак, бундай ҳолда мажбурият бекор бўлмайди. Аммо факультатив мажбуриятда кўрсатилган асосий нарса тасодифан, қарздорнинг айби билан боғлиқ бўлмаган ҳолда нобуд бўлса, бундай мажбурият бажариш мумкин бўлмаганлиги туфайли бекор бўлади.

4-§. Мажбуриятни бажариш муддати, жойи ва усули

Мажбуриятни бажариш муддати қонун билан ёки тарафларнинг ўзаро келишуви билан ёхуд суд қарори билан белгиланиши мумкин. Мажбуриятни бажариш муддати календарь сана билан ёки муайян вақтда, масалан, уч ой ичида бажарилишини кўрсатиш билан ёхуд бирон ҳодисанинг вужудга келиши, жумладан, пахта ҳосилининг йиғиштириб олиниши вақти билан кўрсатилиши мумкин. Муддатлар умумий ва жузъий, асосий ва махсус, бошланғич ва охириги муддатларга бўлиниши мумкин.

Умумий муддат – барча мажбуриятнинг бутунлай бажарилиши муддати бўлса, жузъий муддат – мажбуриятнинг қонун ёки шартномада назарда тутилган қисмларга бўлиниб, қисман бажарилишидир. Бундай муддатлар асосий муддатлар ҳисобланади, чунки бу муддатлар тарафларнинг асосий мажбуриятларини бажаришлари учун белгиланади,

Махсус муддатлар бирон-бир қўшимча, махсус ҳаракатларни бажариш, жумладан, қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда зарур ҳужжатларни топшириш, махсулотда бўлган камчиликлар тўғрисида далолатномалар тузиш учун белгиланган муддатлардир.

Баъзи мажбуриятларда, масалан, пудрат шартномасида ишни бошлаш муддати бошланғич муддат ва ишни тамомлаш муддати охириг муддат қилиб кўрсатилиши мумкин. Муддатларни ҳисоблашга оид қоидалар ФКнинг 145-148-моддаларида кўрсатилган. Бажариш муддати белгиланмаган мажбуриятлар ҳам учрайди. Баъзи ҳолларда ўзаро шартнома тузишда мажбуриятни бажариш муддатини белгиламасликлари ёки мажбуриятнинг кредитор ёки қарздор талаб қилган заҳоти бажарилиши кераклигини белгилашлари мумкин.

Агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланиб қўйилмаган бўлса, кредитор мажбуриятда ижрони талаб қилишга, қарздор эса ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади. Мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шарт (ФК, 242-модда). Муддат кўрсатилмай белгиланган мажбуриятларга омонат сақлаш мажбуриятини кўрсатиш мумкин. Тарафлардан бирининг талаби бўйича омонат шартномаси ҳар қачон бекор қилиниши ва ашёни омонатга қўйган шахс ҳар қачон унинг қайтарилишини талаб қилишга, омонат сақловчи эса дарҳол қайтаришга мажбур бўлади. Агар ашёлар талаб қилиб олингунча ёки муддат кўрсатилмай сақлаш учун топширилган бўлса, омонат сақловчи ҳар қачон шартномадан бош торга олади, аммо бу ҳолда у омонат топширган шахсга мулкни қайта қабул қилиш учун мазкур шароитларда етарли муддат беришга мажбур. Қонун баъзи ҳолларда кредиторга ҳам ижрони қабул қилишга тайёргарлик кўриш учун муҳлат олиш мумкинлигини белгилайди. Жумладан, агар мулк ижараси шартномаси муддати кўрсатилмай тузилган бўлса, бу ҳолда у номаълум муддатга тузилган саналади ва ҳар икки тараф хоҳлаган вақтда шартномани бекор қила олади. Бу ҳолда шартномани бекор қилмоқчи бўлган тараф иккинчи тарафни бир ой олдин, қўчмас мулк ижарасида эса уч ой илгари ёзма огоҳлантириши лозим деб кўрсатилади.

Мажбуриятлар муддатидан илгари ҳам бажарилиши мумкин. Мажбуриятнинг бажарилиши вақти кредитор учун ҳар хил аҳамиятга эга бўлади. Жумладан, кредитор омонатга қўйилган нарсани муддатидан илгари ўзига қайтарилишини истамаслиги, қарз шартномаси бўйича эса, берилган қарзнинг муддатидан аввал қайтарилишига қарши бўлмаслиги мумкин. Агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд мажбуриятларнинг моҳиятидан ёнки иш муомаласи одатларидан ёки одатда қўйиладиган бошқа талаблардан англашилса, қарздор мажбуриятни муддатидан илгари бажаришга ҳақли, кредитор эса ижрони муддатидан илгари қабул қилиши шарт (ФК, 243-модда).

Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишининг энг муҳим шартларидан бири уни бажариш жойи

ҳисобланади. Амалда шартномавий мажбуриятларни бажариш жойи шартноманинг ўзида кўрсатилади. ФКнинг 246-моддасига асосан агар мажбуриятни бажариш жойи конун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгилаб қўйилган бўлмаса ва мажбуриятнинг моҳиятидан ёхуд иш муомаласи одатларидан ёнки одатда қўйиладиган талаблардан келиб чиқмаса, ижро қуйидаги жойларда амалга оширилиши керак:

1. Кўчмас мол-мулкни топшириш мажбуриятлари бўйича – мол-мулк турган жойда. Мазкур банднинг қоидаси кўп жиҳатдан мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқади. Масалан, агар мажбурият предмети уй ёки шу уй ижарасидан иборат бўлса, табиийки, мажбуриятнинг бажарилиши уй жойлашган жойда амалга оширилади;

2. Ташишни назарда тутадиган товар ёки бошқа мол-мулкни топшириш мажбуриятлар бўйича товарни кредиторга етказиб бериш учун уни биринчи ташувчига топшириш жойида;

3. Қарздорнинг товарни ёки бошқа мол-мулкни топшириш юзасидан ўзга мажбуриятлари бўйича мол-мулкни тайёрлаш ва сақлаш жойида, башарти мажбуриятнинг келиб чиқиш пайтида бу жой кредиторга маълум бўлган бўлса;

4. Пул мажбурияти бўйича – мажбурият вужудга келган пайтда кредитор яшаган жойда, агар кредитор юридик шахс бўлса, унинг мажбурият вужудга келган пайтда жойлашган ерида, агар кредитор мажбуриятни бажариш вақтигача ўз яшаш жойини ёки жойлашган ерини ўзгартирган бўлса ва бу ҳақда қарздори хабардор қилган бўлса, ижро билан боғлиқ ҳамма харажатларни кредитор ҳисобидан қилган ҳолда, унинг янги яшаш жойида ёки жойлашган ерида.

Агар кредитор фуқароларга хизмат кўрсатувчи, иш бажарувчи фуқаро бўлса, у билан ҳисоб-китоблар иш бажарилган, хизмат кўрсатилган ерда амалга оширилади. Бу нарса мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқади. Фуқаронинг юридик шахслар билан ўзаро муносабатида эса, пул маблағлари унинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиб берилади ёки нақд пулда, ана шундай ҳисоб-китоблар учун белгиланган қоидалар ва чекловларга риоя этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

5. Бошқа барча мажбуриятлар бўйича – қарздорнинг яшаш жойида, агар қарздор юридик шахс бўлса, унинг жойлашган ерида.

Мажбуриятни ижро этиш усули – бу мажбурият тузилган шартноманинг шартлари ёки ҳуқуқ нормалари билан белгиланган тартибда ижро этилишидир.

Баъзи мажбуриятлар ўзининг мазмунига кўра бирданига ва батамом ижро этилади. Жумладан, хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёни, масалан, сотилган телевизорни топшириш мажбурияти бир вақтда ва бағамом ижро этилади. Бошқа бир хил мажбуриятлар, аксинча, қисмларга бўлиниб, бир қанча вақт давомида ижро этилиши мумкин. Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга

беришда моддий таъминот унга бир неча йиллар давомида берилади, яъни мажбурият қисмларига бўлиниб, бир қанча вақт давомида бажарилади. Аксарият мажбурият, масалан, ташкилотларга сотилган маҳсулот (товар)ларни етказиб бериш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятлари бирданига, қисмларга бўлиб-бўдиб ҳам бажарилиши мумкин.

Баъзи ҳолларда мажбуриятнинг қисмларга бўлиниб ижро этилиши кредитор учун ноқулай бўлиши мумкин. Масалан, киш фаслида сотиладиган кийимларнинг бир неча чоракка бўлиб, баҳор ва ёз фаслларида етказиб берилиши ҳужалик ҳисобида иш кўрувчи савдо ташкилотини қаноатлангирмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда бошқача тарғиб қонун ҳужжатларида, шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки иш муомаласи одатларидан ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, кредитор мажбуриятнинг қисмларга бўлиб бажарилишини қабул қилмасликка ҳақли (ФК, 239-моддаси). Бундай ижронини кредитор қабул қилмаса, қарздор мажбуриятни лозим даражада бажармаган ёки бутунлай бажармаган ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда икки томонлама мажбуриятларда кимнинг энг аввал ўз мажбуриятини ижро этиши лозимлиги маълум бўлади. Масалан, воситачилик шартномаси бўйича воситачи аввал ўз мажбуриятини бажаради, нарсани сотади, кейин хизмат ҳақини олади; чакана савдо магазинида олувчи товарнинг қийматини аввал тўлайди, кейин молни олади ва ҳ.к.

Агар тарафлардан бири ўз мажбуриятини аввал бажариши номаълум бўлганда, агар қонун, шартнома ёки мажбурият моҳиятидан бошқача ҳол келиб чиқмаса, шартнома юзасидан олинган ўзаро мажбуриятлар бир вақтда бажарилиши лозим бўлади.

Юқорида келтирилган қоида диспозитив характерда бўлганлиги туфайли мажбуриятнинг аввало ким томонидан бажарилиши, масалан, сотилган нарсанинг топширилиши ёки пулнинг тўланиши ўзаро келишув бўйича ҳам белгиланиши мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Шерикли, ҳиссали ва қўшимча мажбуриятларнинг бир-биридан фарқи нималардан иборат?
2. Мажбуриятларда шахсларнинг алмашилишига қайси ҳолатда руҳсат берилмайди?
3. Мажбуриятда қатнашувчи шахсларнинг кўпчилик бўлиши қонунда назарда тутилганми?
4. Мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгаришига йўл қўйилладими?
5. Кредитор ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтиш асослари ва тартиби қандай?

6. Бошқа шахсга ўтадиган кредитор ҳуқуқларининг ҳажми деганда нималар назарда тутилади?

7. Талабда бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартлари ва шакли қандай?

8. Қарзни ва ижрони бошқа шахсга ўтказиш нималарда намоён бўлади?

9. Мажбуриятни бажариш муддати тушунчасига изоҳ беринг?

10. Мажбуриятни бажариш предмети нима?

XXIV Боб. МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ

1-§. Мажбуриятларнинг бажарилишINI таъминлаш тушунчаси

Мажбуриятнинг бажарилишINI таъминлаш деб қарздор томонидан олинган ва унинг зиммасида бўлган вазифани бажаришга мажбур қиладиган чорага айтилади.

Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳар хил усуллар билан таъминланади. Мазкур усуллар ё қонун билан белгиланиши ёки шартномага асосланган бўлиши мумкин. Фуқаролик қонунчилигида мажбуриятнинг бажарилишINI таъминлаш неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкINI ушлаб қолиш, кафиллик, қафолат, закат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқа усуллар билан таъминланиши мумкин (ФК, 259-модда).

Ушбу усуллардан ҳеч қайсиси ўзича мустақил равишда қўлланилмайди, Буларнинг ҳаммаси бирон-бир мажбуриятнинг мавжуд бўлишINI кўрсатиб, мазкур мажбуриятнинг бажариш мақсадларINI кўзлаб белгиланади. Бунда шартнома бўйича белгиланган мажбурият – асосий мажбурият бўлиб, унинг бажарилишINI таъминлаш усули эса – қўшимча мажбурият ҳисобланади. Жумладан, маҳсулот етказиб бериш ёки пудрат шартномасидан келиб чиқадиган асосий мажбуриятнинг амалга оширилишINI таъминлаш қўшимча мажбурият ҳисобланади.

Баъзи мажбуриятларнинг бажарилишINI таъминлаш махсус қонунларда назарда тутилмаган бўлса, бундай мажбурият муносабатларINI таъминлаш фуқаролик кодексида берилган умумий қоидалар билан тартибга солинади. Шу билан бирга, муайян мажбуриятнинг бажарилишINI таъминлаш усуллари бир вақтнинг ўзида қонун билан ҳам, шартнома билан ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, неустойка ва гаров бир вақтнинг ўзида шартнома билан ҳам, қонун билан ҳам назарда тутилиши мумкин¹. Бошқа усуллар эса, жумладан, закат фақат келишув бўйичагина белгиланади. Фуқаролик ҳуқуқининг мазкур институти мажбуриятларни қарздор томонидан бажарилмаслиги натижасида кредиторга келиши мумкин бўлган зарар оқибатларининг олдини олишга қаратилди. Аммо мазкур усулларнинг ҳар қайсиси билан кўрсатилган мақсадга эришиш ҳар хил бўлади.

Неустойка ва закат қарздор томонидан мажбуриятнинг асл ҳолатида бажарилишINI таъминлайди ва мажбурият ижро этилмаган ҳолда қарздорга муайян жавобгарлик белгиланишINI кўрсатади. Неустойка ва закат баъзи ҳолларда мажбуриятнинг бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарнинг кредитор томонидан ундирилишINI енгиллаштиради. Қарздор томонидан мулкнинг гаровга қўйилиши асосий

мажбурият у томонидан реал бажарилишини муайян даражада таъминлайди ва мазкур мажбуриятнинг бажарилмаслиги туфайли вужудга келган кредитор талабларини қондиришга кўпроқ имконият беради.

Учинчи шахс томонидан белгиланган гаров, кафолат ва кафиллик мажбуриятнинг бажарилмагани ҳолда зарарнинг қопланиши, фоизларнинг ёки неустойкаларнинг тўланиши тўғрисида кредитор томонидан қўйилган талабларнинг қондирилишини таъминлайди.

Мажбуриятнинг бажарилиши мазкур мажбурият юзасидан кредитор бўлган шахс билан мажбуриятнинг амалга оширилишини таъминлаган учинчи шахс ўртасида мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатни ва асосий мажбуриятга нисбатан бўлган қўшимча ҳуқуқий муносабатни вужудга келтиради. Мазкур мажбуриятнинг қўшимча характерда бўлиши қатор ҳуқуқий масалаларда қўрилади.

ФКнинг 259-моддасида кўрсатилганидек, мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги келишувнинг ҳақиқий эмаслиги ушбу мажбуриятнинг (асосий мажбуриятнинг) ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди. Бироқ, асосий мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслиги унинг бажарилишини таъминлайдиган мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

2-§. Неустойка

Неустойка – мажбуриятларни таъминлашнинг кенг тарқалган усулидир. Неустойканинг маъноси, мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслиги мавжудлиги ҳолатида келтирилган зарарларнинг миқдори, шунингдек, бажариш муддатини кечиктириш ҳоллари, тўланиши лозим бўлган муайян пул суммасига мутаносиб равишда қарздор томонидан тўлашдан иборат. Шартнома мажбуриятларини таъминлаш мақсадида неустойканинг кенг қўлланилиши, биринчи навбатда, қарздор томонидан мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслиги оқибатида вужудга келган кредитор талафларини ўрнини тўлдириш қулай воситаси эканлиги билан изоҳланади. Бу маънода неустойкага қуйидаги хусусиятлар хосдир: томонлар шартномани тузиш пайтидаёқ олдиндан мажбуриятнинг бузилиши ҳолатлари учун жавобгарлик миқдорининг белгиланганлиги; бундай бузиш сабабли етказилган зарарлар мавжудлигини исботлаш зарурияти йўқлиги ҳолларида мажбуриятни бузиш ҳолатининг ўзи учун неустойкани ундириш; томонларнинг ўз ихтиёрига кўра неустойка тўғрисидаги шартнома шартини белгилаш имконияти (қонуний неустойкадан ташқари), шу жумладан, унинг миқдори, зарарлар билан ўзаро нисбати, ҳисоблаш тартиби қисмида, уни томонларнинг муайян

ўзаро муносабатларига мослаштирган ва мақсадга мувофиқ таъсирини кучайтирган ҳолда шакллантиришга ҳақли эканлиги.

Неустойка қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга, тўлаши шарт бўлган пул суммасидир (ФК, 260-модда). Неустойка жарима ва пеня шаклида бўлади.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усуллари сифатида қурилган жарима билан пеня ўртасида ҳеч қандай муҳим фарқ йўқ. Улар фақат ҳисоблашиш усуллари жиҳатидангина бир-биридан фарқ қилади. Пеня мажбуриятнинг бажарилиши кечиктирилганда қўлланилади ва муайян вақт масалан, ўн, йигирма, ўттиз кун давомида ҳисобланади. Пеня мажбуриятнинг бажарилиши кечиктирилганида кечиктиришнинг барча муддати давомида ҳисобланиб, бажарилмаган суммаси юзасидан белгиланган фоизлар билан ундирилади. Мажбуриятнинг бажарилишини кечиктириш вақти ошиб борган сари пеня суммасининг ҳам ўсиб бориши мажбуриятни мумкин қадар тезроқ бажаришга қарздорни мажбур қилади.

Агар пеня муайян кунлар, масалан, ўттиз кун давомида ҳисобланса, мазкур кунлар ўтгандан сўнг унинг ҳисобланиши тўхтатилади. Одатда, кейинчалик кредиторга қарздордан бирданига 2 фоиздан 5 фоизгача неустойка олиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Тор маънодаги неустойка мажбуриятни бутунлай бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, шу жумладан, шартнома мажбуриятларининг ижросини кечиктирилганлик учун ундирилади ва етказиб берилмаган маҳсулотнинг ёки пудрат шартномаси бўйича бажарилмаган ишлар суммасидан ҳамда шу каби бошқа суммаларга нисбатан фоиз билан, масалан, 2,3,4,5 фоиз миқдорида неустойка олинади. Неустойканинг хусусияти шундаки, у мажбуриятнинг бажарилиши бузилишида ҳар қайси факт учун ундирилади ва унинг миқдори мажбурият кечиктирилишининг қанчалик узоқроқ бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар белгиланади. Фуқаролик қонунчилиги неустойканинг икки ҳуқуқий асосини: қонун ва шартномадан келиб чиқишини белгилайди.

Қонуний неустойка деганда, мажбуриятларнинг муайян турлари учун қонун билан махсус белгиланган неустойка тушунилади. Бу ҳолда қонун неустойканинг миқдори, унинг ундирилиш тартиби ва шартларини белгилайди. Қонун билан белгиланадиган неустойка учун шу нарса характерлики, уни тўлаш тарафларнинг қелишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Қонуний неустойканинг миқдори, агар қонун таъкиқламаса, тарафларнинг қелишуви билан кўпайтирилиши мумкин (ФК, 263-модда).

Қонунда назарда тутилган неустойкани ундиришдан тарафлар бош торта олмайдилар, унинг миқдорини ҳам камайтира олмайдилар. Агар шартномада бундай шартлар кўрсатилган бўлса, улар ҳақиқий

саналмайди. Қонуний неустойка ҳужалик ташкилотлари ўртасидаги муносабатларда анча кўп қўлланилади ва махсус норматив ҳужжатларда назарда тутилади. Хусусан, тарафлар томонидан ўз мажбуриятларини бузганликлари учун жарима шаклидаги неустойканинг кўп миқдорда ва ҳар хил ҳолларда олиниши транспорт қонунчилигида ва уставларида назарда тутилади.

Шартномали неустойка тарафларнинг ўзаро келишуви бўйича белгиланади. Бундай неустойка асосий мажбуриятнинг неустойка билан таъминланиши ёки таъминланмаслиги тўғрисидаги масала, унинг миқдори, ундириш тартиби ва шартлари фақат тарафларнинг ўзлари томонидангина белгиланади. Масалан, иккита ҳужалик субъекти бир-бирига қурилиш учун ғишт етказиб бериш тўғрисида шартнома тузганларида мажбуриятни бузганлик учун неустойканинг тўланишини кўрсатишлари мумкин. Баъзи ҳолларда шартномага неустойка ундириш тўғрисидаги шартнинг қўшилиши зарурлиги қонун ёки шартнома билан белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда неустойканинг миқдори ва ундирилиш шартлари, одатда, мазкур қонунда белгиланади. Аммо бундай неустойкани қонун билан белгиланган неустойка деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки тарафлар неустойка тўғрисидаги шартномани шартномага киритмаганликлари сабабли мажбурият бажарилмагани учун неустойка тўлашга мажбур бўлмайди.

ФКнинг 262-моддасида кўрсатилганидек, неустойка (жарима, пеня) тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиши керак. Бундай келишув махсус шартнома ёки асосий шартномага қўшимча келишув шаклларида расмийлаштирилиши мумкин. Келишувнинг ёзма шаклда бўлишига рияз қилмаслик неустойка (жарима, пеня) тўғрисидаги келишувнинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Амалдаги фуқаролик қонунчилигига асосан неустойка қуйидаги турларга бўлинади:

- ҳисобга ўтказиладиган неустойка;
- жаримали неустойка;
- алоҳида неустойка;
- муқобил неустойка.

Ҳисобга ўтказиладиган неустойка ФКнинг 325-моддасида кўрсатилганидек, агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади. Бундай неустойка кўпинча ташкилотлар ўртасида тузиладиган, масалан, маҳсулот етказиб бериш, қурилиш пудрати шартномаларида қўлланилади.

Жаримали неустойка кредиторга қарздордан неустойканинг ўзини, шунингдек, неустойкадан ташқари зарарни ҳам тўла ҳажмда ундириш ҳуқуқини беради. ФКнинг 325-моддасида назарда тутилган бундай неустойка шундай ҳусусиятга эгаки, у қарздорга бутунлай бажармаганлик

ёки лозим даражада бажармаганлик учун белгиланганидан бошқа турдаги неустойкаларга нисбатан қўшимча жавобгарлик белгилайди. Неустойканинг шундай тарзда қўшилиб, яъни неустойканинг ҳам, зарарнинг ҳам қўшилиши ва бир вақтда ундирилиши мажбуриятни бажарувчи қарздорга кучли таъсир этиш чораси бўлиб қўрилади. Масалан, маҳсулот олувчига сифатсиз ёки бут бўлмаган маҳсулот етказиб берилган ҳолларида маҳсулот етказувчининг неустойка (жарима) тўлаш, бундай маҳсулот етказиб бериш натижасида қўрилган зарарни (неустойкани бу ҳисобга киритмасдан) ундан ундириб олиш бунга мисол бўла олади.

Алоҳида неустойка шу билан характерланадики, бунда ФКнинг 325-моддасида кўрсатилганидек, кредиторга зарарни ундирмасдан, балки неустойкани ундириб олиш ҳуқуқи берилади. Мажбуриятнинг бажарилишини кечиктирганлик учун ундириладиган алоҳида неустойка - пеня шаклида белгиланади. Масалан, квартира ҳақининг тўланиши ёки бошқача пул тўловлари кечиктирилганда, одатда, алоҳида неустойка ундирилади. Бундай неустойка жарима шаклида транспорт корхоналари фаолиятдан шартномавий режа мажбуриятларининг бузилганлиги учун ҳам ундирилиши мумкин.

Муқобил неустойка юқорида кўрсатиб ўтилган неустойкалардан шу билан фарқ қиладики, бунда кредиторга қарздордан белгиланган неустойка (жарима, пеня) ни ундириш ёки мажбуриятнинг бажарилмаслиги туфайли қўрилган зарарларни ундириш ҳуқуқи берилади. Неустойканинг бундай тури рағбатлантириш аҳамиятига эга бўлишидан ташқари яна аввалдан суммада белгиланиши мумкин бўлган зарарни қоплаш имкониятини ҳам беради. Шунинг учун бундай неустойка баъзи ҳолларда баҳоланадиган неустойка деб ҳам аталади. Муқобил неустойка кредиторнинг кўрган зарарларини қоплашга қаратилган. Агар неустойка кредиторга етказилган зарарнинг миқдоридан ошиб кетган бўлса, кредитор неустойкани ундиришдан бош тортишга ва кўрган зарарларининг тўланишини талаб қилишга ҳақли. Бу ҳолда кредитор қарздорнинг ўз мажбуриятини бажармаслиги туфайли қандай зарар кўрганлигини исботлашга мажбур бўлади. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги мазкур неустойка камдан-кам татбиқ этилади. Мажбуриятларни бузганлик учун, жумладан, сифатсиз маҳсулот ёки товар етказиб берганлик учун маҳсулот етказувчилардан неустойкани ундириш маҳсулот олувчининг ҳуқуқигина бўлиб қолмай, балки унинг давлат олдидаги мажбурияти ҳам ҳисобланади. Неустойкани ундиришдан асосий мақсад мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашдир. ФКнинг 261-моддасида кўрсатилганидек, неустойка фақат пул билан белгиланади. Неустойка миқдори ё қонун билан ёки шартнома билан белгиланган бўлиши лозим. Одатда, неустойка бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган мажбурият суммасига нисбатан фоиз билан ёки қатъий сумма билан белгиланади. Пеня деб аталадиган неустойка қуйидагича таърифланиши мумкин:

-биринчидан, пеня одатда, мажбуриятнинг ўз вақтида бажарилмаслиги ҳолларига татбиқ этилади ва мажбуриятнинг белгиланган муддатда бажарилишини таъминлашга қаратилади;

-иккинчидан, пеня қатъий миқдорда белгиланмай, бажарилиши кечиктирилган мажбурият суммасига нисбатан фоиз билан белгиланади;

-учинчидан, пеня, одатда, узоқ муддат давом этадиган неустойка сифатида кўрилади, яъни пеня бир қанча муддат давомида, масалан, ўн кун ёки бир ой давомида мажбуриятнинг кечиктирилган ҳар бир куни учун ҳисобланади.

Неустойканинг татбиқ этилиши тарафлар ўртасида шартнома тузилишида, у тўғрисида кўрсатмалар бўлиш-бўлмастидан қатъи назар белгиланади. Агар неустойка тўғрисидаги қонун унинг миқдорини ўзгартириш ҳуқуқини тарафларга бермаган бўлса, тузиладиган шартномаларда неустойканинг қонунда назарда тутилган миқдорини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Фуқаролик кодексида айтилганидек, қарздор мажбуриятни бутунлай бажармаганида ёки лозим даражада бажармаганида неустойка тўлашга мажбур бўлади. Шу тартибда ФКнинг 261-моддасида назарда тутилган неустойка ҳар қандай мажбуриятнинг ижро этилишини таъминлашга қаратилган бўлиши мумкин.

Неустойка қарздор томонидан мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайди. Аммо амалда, кўпчилик ҳолларда неустойка мажбуриятда қатнашувчи иккинчи тараф кредитор мажбуриятларининг ҳам бажарилишини таъминлайдиган усул сифатида фойдаланилади. Жумладан, кредитор мажбуриятнинг бажарилишини қабул қилмаганида неустойка тўлашга мажбур қилиниши мумкин. Қабул қилиш-топшириш жойига етказиб келтирилган маҳсулотни қабул қилиш асоссиз рад этилганда тайёрловчи хўжаликка уни етказиб келиш харажатларини қоплайди. Неустойка тўғрисидаги ўзаро келишув асосий мажбурият шакли суммаси, неустойка суммасидан, шунингдек, бошқа бирон-бир шартлардан қатъи назар, ёзма шаклда расмийлаштирилиши лозим. Неустойка тўғрисидаги келишувнинг ёзма шакли битимлар ва шартномаларнинг ёзма шаклларида нисбатан қўйиладиган умумий талабларга, яъни ФКнинг 105-моддаларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши лозим.

Неустойка тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилмаса, бундай келишув ҳақиқий саналмайди ва неустойканинг ундирилиши мумкин бўлмайди. ФКнинг 325-моддасида неустойка билан мажбуриятнинг бутунлай бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли кўрилган зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланиш тўғрисида умумий қоида берилади. Мазкур қоида неустойка билан таъминланган мажбуриятларнинг ҳар қандай бузилишларида қўлланилиши лозим. Аммо қонун ёки шартномада кўрсатилган алоҳида ҳоллар бундан мустасно.

ФКнинг 325-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган қоида ФКнинг бошқа нормаларида ҳам, шунингдек, айрим мажбуриятларни тартибга соладиган бошқа меъёрий ҳужжатларда ҳам келтирилади. Ушбу қоида неустойка билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бузилиши туфайли зарар кўрилиши ҳолларига тааллуқлидир. Масалан, автомобиль транспорти билан юк ташишда мазкур юк кечиктириб етказилган ҳолларда; кўрилган зарарлар, кечиктирилган зарарлар кечиктирилганлик учун юк ташувчидан жариманинг олинмаслигини қатъи назар ундирилади. Мазкур моддада кўрсатилишича, агар мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун неустойка белгиланган бўлса, зарар неустойка (жарима, пеня) билан қопланмаган қисми ҳажмида тўлатиб олинади.

Қонун ёки шартномада қуйидаги ҳоллар, яъни зарарни ундирмасдан, балки фақат неустойкани ундириб олиш, неустойка билан бир қаторда зарарни ҳам тўла ундириб олиш, кредиторнинг хоҳиши билан ёки неустойкани ёки зарарни ундириб олиш назарда тутилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексида назарда тутилган жарималар алоҳида неустойка характерида кўрилади, чунки мазкур кодексида тарафлар бир-бирига нисбатан олган мажбуриятларини бажармаганларида Уставнинг тегишли моддаларида назарда тутилган доиралардагина моддий жавобгарликка тортилишлари белгиланади. Жарима ва неустойка маҳсулот етказиб бериш бўйича бўладиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида кенг қўлланилади. ФКнинг 326-моддасида кўрсатилганидек, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатида номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек, кредиторнинг эътиборга олинishi лозим бўлган манфаатлари ҳисобга олинishi керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Пленуми қарори бу қойдани амалиётда қўллашда судлар қуйидагиларга эътибор беришлари лозимлигини белгилайди: агар талаб қилинган неустойканинг миқдори асосий қарз миқдоридан ошиб кетмаган тақдирда, суд томонидан зарар ҳажмини аниқламадан талаб қилинган суммада ундирилиши мумкин. Агарда неустойканинг суммаси асосий қарз суммасидан ортӣ бўлса, суд даъвогардан зарарнинг асосли равишда зарар ва неустойкага мутаносиблигини аниқлаш учун асослантирилган ҳисобни талаб қилиши лозим. Улар мутаносиб бўлмаганида, суд, суд амалиётидан келиб чиқиб, қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятларда қатнашувчи тарафларнинг мулкӣ ҳолатини, шунингдек, кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, неустойканинг миқдорини асосий қарз миқдоригача камайтиришга ҳақлидир. Агар неустойка асосий қарз суммасидан ошиб кетмасада, лекин унинг қарздор

томонидан тўланиши унинг фаолиятини ёмон оқибатларга, ҳатто иктисодий жиҳатдан ночор аҳволга олиб келиши аниқ бўлган ҳолатда неустойка камайтирилиши мумкин. Бундай ҳолатда неустойканинг энг кам миқдори Фуқаролик кодексининг 327-моддасида кўрсатилган фоизлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозим. Аммо суд ҳеч қачон неустойкани тўлашдан озод қила олмайди. Хўжалик субъектлари ўртасидаги низолар бўйича судлар фақат айрим ҳоллардагина қарздор ва кредиторнинг эътиборга олинishi мумкин бўлган манфаатларини назарга олиб кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтиришга ҳақли.

Фуқароларнинг иштироки билан бўладиган муносабатларда неустойканинг миқдорини камайтириш учун зарур шарт неустойканинг кредитор кўрган зарарларга нисбатан анча кўп бўлишидир. ФКнинг 326-моддаси биринчи қисмида келтирилган бошқа ҳолатлар эса, фақат неустойканинг миқдорини камайтириш тўғрисидаги талабни рад қилиш ёки камайтирилиши лозим бўлган сумманинг миқдорини белгилаш учунгина аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Аммо ҳар ҳолда мазкур қонунга асосан неустойканинг ундирилиши суд томонидан бугунлай рад қилиниши мумкин эмас. Мазкур қоида судларга ҳар қандай ҳолда ҳам неустойкани камайтириш мақсадга мувофиқ бўлиш-бўлмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишни топширади. Шу билан бирга, неустойка фақат айрим ҳоллардагина камайтирилиши мумкинлигини кўрсатиб ўтади. ФКнинг 326-моддаси иккинчи бандида кўрсатиб ўтилганидек, неустойканинг миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин. Бунда суд қарздор ва кредитор манфаатларини ҳисобга олиши лозим. Неустойканинг миқдори кредиторнинг кўрган зарарлари миқдори билан таққослаганида, қарздор бўлган ташкилотнинг мажбуриятни бажара олиш, айблилиги даражаси эътиборга олингандагина суд неустойканинг миқдорини камайтиришга ҳақли. Неустойка ёки зарарни тўлаган қарздорнинг ўз мажбуриятини асл ҳолда бажариш бурчи ФКнинг 330-моддасида кўрсатилган.

Мазкур моддада айтилишича, мажбуриятнинг бажарилиши кечиктирилганлиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги ҳолларини назарда тутиб, белгиланган неустойка (жарима, пеня) ни ҳамда мажбуриятнинг лозим даражада бажарилмаслиги натижасида келган зарарни тўлаш мажбуриятини асл ҳолда бажаришдан қарздорни озод қилмайди.

Айни пайтда кредитор мажбурият ижроси кечикканлиги сабабли ўзи учун унинг аҳамияти қолмаган бўлса, у ижрони қабул қилишдан бош тортиши ва зарарни тўлашни талаб қилиши мумкин (ФК, 337-модда, 2-қисм). Башарти, қонуңда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мажбурият бажарилмаган тақдирда зарарни қоплаш ва унинг бажарилмаганлиги учун неустойка тўлаш қарздорни

мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилади (ФК, 330-модда, 2-қисм)

3-§. Гаров

Кишилик жамиятида мулкый муносабатлар шаклланган вақтлардан бошлаб қарздорлар томонидан олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Жумладан, гаровдан мажбуриятни таъминлаш усули сифатида антик даврдан бошлаб фойдаланилган ҳамда унинг турли усул ва кўринишларда қўллаш одат бўлган. Ҳ.Раҳмонқулов ислом ҳукукида гаровга алоҳида эътибор берилганлигини, гаров кўчар ва кўчмас мулк, айрим ҳолларда фақат нарса эмас, балки шахсан қарздор ва унинг оила аъзоларидан иборат бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади¹. Гаров қадимдан инсоният “кашф” этган мажбуриятларнинг таъминлаш усули экан, у турли даврларда турлича номларда талқин этилган. Гаров сўзи барча элат ва миллатлар тилида турлича талқинда инсоният тараққиёти давомида қўлланган. Масалан, гаров сўзи ўтмишда “рахн” деб айtilган ва бу сўз қадимий қўлёзмаларда ёзилган. “Рахн”нинг маъноси қарз олувчининг қарз берувчига ишончи учун берилган ашёси, яъни гаровга берилган мулки деб тушунилган.

Қадимий қўлёзмалар гувоҳлик беришича, “рахн” (гаров) – қарзга олганда ишонч учун қарз берувчига қўйилган нарсанинг номи. Мисол учун, шариат қонунларига қисқача шарҳ берилган “Мухтасар”да қайд этилишича, “Шариатда устундаги бир ҳақ баробарига шариат қошинда боҳоши бўлгон молни ҳақини ўтиб ишонч учун бериши мумкин бўлгон кишининг олиши мумкин бўлгон кишига сақлаб туришига бериб турмоқи. Агар рахнга қўйилган нарсадан қўювчи ҳақини тўламаган тақдирда рахнни сотуб олиши мумкин бўлур. Яъни, гаровга қўйилган нарса қарз баробарина турарлиқ бўлур. Рахн фақат қарз учун қўйилмайди, бошқа кўп муомалаларда ҳам ишонч учун қўйилади, бизнинг диёрда “гаров” дейилур”².

Рахн фақат қарз учун қўйилмасдан, балки гаровга даҳли бўлмаган турли муносабатларда ишонч учун қўйилгани сабабли гаров дейилган. Демак, гаров сўзини аждодларимиз ишлатишган, у қарз олиш ва қарз бериш муносабатларини ўрнатишда ишонччи таъминловчи восита сифатида намоён бўлган.

Қадимий Европа халқлари гаровдан фойдаланилгани тарихий қўлёзмаларда ўз тасдиғини топган. Масалан, И.Б.Новицкий “Гаров ҳукуки Рим фуқаролик ҳукукидан ҳам аввал маълум эди. Умумий қоидага кўра

¹ Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Тошкент: Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. –Б. 27.

² Мухтасар. Шариат қонунларига қисқача шарҳ/Наширға тайёрловчилар Р.Зоҳид, А.Дехқон. – Тошкент: “Чулпон”, 1994.-Б.

гаров ҳукуқи ўзгалар мулкига нисбатан бўлган ҳуқуқнинг ўзига хос намоён бўлиши ҳисобланиб, унинг асосий вазифаси мажбуриятларнинг ижросини таъминлаш ҳисобланар эди. Қарздор маълум бир ашёни мажбурият ижросини таъминловчи восита сифатида гаровга қўйган ва мажбурият ижро этилмаган тақдирда, қарз берувчи ўша ашёга нисбатан мажбурият бўйича ўз талабини қаноатлантириш учун ундириш ҳуқуқига (ашё қарздорни мол-мулки сифатида қолганлиги ёки ундан бегоналашганидан қатъий назар) ёхуд ўша ашёдан ўз талабларини бошқаларнинг талабларига нисбатан имтиёзли, устувор қаноатлантириш ҳуқуқига гаров ҳуқуқи деб эътироф этилган”¹ – деб қайд этади..

Демак, ўша даврда гаров ҳуқуқи муғлак ҳимоя, муҳофаза ёрлиғи билан таъминланган, яъни бунда гаровга қўйилган ашё кимга утганигидан қатъий назар кредитор ҳуқуқларига (ўша ашёга нисбатан) асло путур етмаган.

Рим цивилистлари томонидан гаров ҳуқуқи у ёки бу асосий мажбуриятдан келиб чиқувчи ҳосила, иккиламчи (акцессор) мажбурият деб аввал бошданок унинг ўрнини аниқ белгиланганлар. Яъни, асосий мажбурият мавжуд бўлганлиги учун, гаров ҳуқуқи ҳам мавжуд бўлади деб ҳисобланган.

Гаров мулкий муносабатларда энг кўп қўлланиладиган, турли хил битимлар бўйича вужудга келадиган мажбуриятларнинг бекаму кўст бажарилишини таъминлашга, кредиторнинг иқтисодий манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишга қаратилган муҳим фуқаролик-ҳуқуқий воситалардан бири бўлиб ҳисобланади².

Ҳ. Раҳмонкуловнинг фикрича, бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқини мажбуриятни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади. Гаровга кўра қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда кредитор (гаровга олувчи) бу мажбурият бўйича гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ўз талаби ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи)нинг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли суръатда қаноатлантирилишига (агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса) ҳақли бўлади³.

И.Б.Зокиров гаров туфайли гаров билан таъминланган мажбурият бўйича кредитор (гаровга олувчи) қарздор томонидан бу мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи)нинг бошқа кредиторларига нисбатан ўз талабини имтиёзли қаноатлантиришга ҳақли бўлади деган фикрни илгари суради⁴. Айнан шу мазмундаги таърифлар бошқа

¹ Новицкий И.Б. Римское право. –М.: Кнорус, 2011. –С.112.

² «Гаров тўғрисида»ги Қонуннинг тадбиқ этилиши билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилиш бўйича суд амалиётини таҳлили.//Олий ҳўжалик суди Раёсатининг 1999 йил 25 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган.

³ Раҳмонкулов Х. Мажбурият ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ, 2005. –Б. 89.

⁴ Зокиров И. Фуқаролик ҳуқуқи. 1-қисм. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. –305 б.

муаллифлар томонидан ҳам илгари сурилиб, улар гаровнинг асосий моҳияти сифатида қарздор томонидан мажбурият бажарилмаганда гаровга қўйилган нарса мажбурият ижро этилишини таъминлашнинг дастлабки манбаси деб ҳисоблайдилар¹. Е.А.Поссе юқоридаги фикрларни тўлдирган ҳолда мажбурият ўрнатилган вақтда гаровга алоҳида мулк ажратилади ва мажбурият бажарилмаганда ундирув мазкур мулкка қаратилади деган фикрни билдиради².

О.М.Олейник фикрича, гаров мажбуриятларни таъминлашнинг асосий усулларидан бири бўлиб, у қарздор (гаровга қўювчи) ҳамда кредитор (гаровга олувчи) ўртасида тузиладиган шартномадан иборат. Мазкур шартномага мувофиқ, гаровга қўювчи гаровга олувчига муайян мулкни топширади. Бунда гаровга қўювчи томонидан мажбурият бажарилмаса, гаровга олувчи ўз талабларини мазкур мулк ҳисобидан қондиради³.

Н.Исмоиловнинг фикрига кўра эса, гаров бозор муносабатларига ўтиш шароитида мажбуриятларни таъминлашнинг энг самарали усули бўлиб, пул қадрсизланиши, ишлаб чиқариш даражасининг тушиб кетиши, тўловга қобилиятсизлик каби салбий ҳолатлар таъсиридан ҳоли ҳисобланади⁴.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 264-моддасида кўрсатилганидек, бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади. Гаров туфайли гаров билан таъминланган мажбурият бўйича кредитор (гаровга олувчи) қарздор томонидан бу мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи) нинг бошқа кредиторларига нисбатан ўз талабини имтиёзли қаноатлантирилишига ҳақли бўлади.

ФКнинг 264-моддасида кўрсатилган субъектив ҳуқуқ гаров ҳуқуқи бўлиб, мулкни гаровга берган шахс – гаровга қўювчи ва мулкни олган шахс эса – гаровга олувчи деб аталади. Мулкни гаровга қўювчи шахс қарздорнинг ўзи ҳам, шунингдек, учинчи бир шахс ҳам бўлиши мумкин.

ФКнинг 266-моддасида кўрсатилганидек, гаровга қўювчи гаровга қўйилаётган мулкнинг эгаси бўлиши лозим. Башарти, қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдорнинг розилигисиз ашёвий ҳуқуқни гаровга қўйишга йўл қўйилади.

¹ Гражданское право. Ч.1. /под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.:Прспект, 1998.-590 с.; Мильштейн Н.Я. Сто вопросов и сто ответов по гражданскому праву.-Тошкент:Ўзбекистан, 1990.-78 с.; Советское гражданское право./Отв.ред. В.А.Рябенцев.- М.: Юрлит, 1986.-498 с.

² Советское гражданское право. Ч.1.-Ленинград: ЛГУ, 1982.-392 с.

³ Комментарий к гражданскому кодексу Российской Федерации.-М.: Юринформцентр,1997.-346 с.

⁴ Исмоилов Н.М. О некоторых проблемах цивилистической науки и законотворческой практики Материалы международной научно-практической конференции на тему «Актуальные проблемы и тенденции развития гражданского законодательства.- Т.: ТДЮИ, 2005.-185 с.

Гаровнинг моҳияти шундаки, мажбурият қарздор томонидан ижро этилмаганида, кредитор ўзининг талабини гаровга қўйилган мулк ҳисобидан биринчи навбатда қондириш имкониятига эга бўлади. Кредиторнинг талаблари қондирилгандан сўнггина гаровга қўйилган мулкни сотишдан ҳосил қилинган суммадан қолганини бошқа кредиторларнинг талабларини қондириш учун сарфланиши мумкин.

Гаров нарсаи ҳар қандай мол-мулк, ашёлар ва мулкӣ ҳуқуқлар (талаблар) бўлиши мумкин, аммо бундан ФКнинг 267-моддасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган ашёлар бундан мустаснодир. Муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар, хусусан, ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги талаблар, алиментлар ҳақидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга бериш қонун билан ман этилган бошқа талаблар гаров нарсаи бўла олмайди. Тарихий, маданий ёки ўзгача қимматбаҳолиги тўғрисидаги давлат ҳавфсизлиги нуқтаи-назаридан гаров қўлланилиши мумкин бўлмаган объектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади. Ундирув қаратилиши мумкин бўлган фуқароларнинг айрим турдаги мол-мулкни гаровга қўйиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ман этилиши ёки тикланиши мумкин. Одатда, фақат кредиторнинг ҳақиқий талабига гаров билан таъминланиши мумкин. Демак, агар шартнома ҳақиқий эмас деб топилса, у ҳолда гаров тўғрисидаги шартнома ҳам ҳақиқий саналмайди. Агар қонун ёки шартномада бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, гаров талаби таъминланиш пайтида қандай бўлса, шу ҳажмда, жумладан, фондларни, ижрони кечиктириб юбориш натижасида етказилган зарарнинг тўланишини, неустойкани, шунингдек, ундириш харажатларининг тўланишини таъминлайди.

Асосий мажбурият юзасидан кредитор бўлган шахс талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга топширса, у ҳолда ФКнинг 315-моддасида кўрсатилганидек, гаров ҳуқуқи ҳам янги кредиторга ўтади. Гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ёки ҳужжалик юритиш ҳуқуқи мулкни гаровга берган шахсдан бошқа шахсга ўтганида ҳам гаров ҳуқуқи ўз кучини сақлаб қолади. Бинобарин, гаров сакловчи шахс – кредитор гаровга қўйилган мулкнинг эгаси ёки уни бошқарувчи субъект бошқа шахс бўлганида ҳам ўз ҳуқуқини гаровга қўйилган мулк ҳисобидан ундиришга ҳақли. Масалан, банкдан қарздор бўлган фуқаро олинган ссуда ҳисобига «қурилган уй-жойни сотса, банк уй-жойни гаровга олган шахс сифатида мазкур уй-жой ҳисобидан ўз ҳақини янги эгадан ҳам ундириб олиши мумкин.

Гаров ҳуқуқи шартнома ёки қонунга биноан вужудга келади. Гаров ҳуқуқи қонунда фақат норматив ҳужжатда махсус кўрсатма бўлганидагина вужудга келади. Кўпчилик ҳолларда мажбурият бирон-бир мулкни

гаровга қўйиш тўғрисида шартнома тузиш йўли билан таъминланади. ФКнинг 265-моддасига асосан гаровнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- а) закатат;
- б) ипотека;
- в) мулкый ҳуқуқларни гаровга олиш.

ФКнинг 269-моддасига асосан, агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчида қолади. Ипотека белгиланган мол-мулк, шунингдек, гаровга қўйилган муомаладаги товар ҳам гаровга олувчига топширилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг "Гаров тўғрисида"ги Қонунининг 38-моддасига асосан, ер билан боғлиқ мол-мулклар, бинолар, иншоот, квартиралар, уйларидаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулкый мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек, турар жой хоналари улар жойлашган ер участкалари билан бирга, қонун ҳужжатлари билан кўчмас мулк сирасига киритилган бошқа мол-мулк ҳамда ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ипотека нарсаси бўлиши мумкин.

Гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган ҳосил маҳсулот ва даромадга гаров ҳуқуқи шартномада назарда тутилган ҳолларда жорий қилинади.

Гаров нарсаси гаровга олувчи томонидан қулфланган ва муҳрланган ҳолда гаровга қўювчида қолдирилиши мумкин. Гаров нарсаси гаровга қўйилганлигини билдирувчи белгилар қўйилган ҳолда гаровга қўювчида қолдирилган гаров – қатъий гаров ҳисобланади. Қимматли қоғоз билан тасдиқланган мулкый ҳуқуқ гаровга қўйилганида, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олувчи ёки нотариус депозитига топширилади (ФК, 269-модда).

Гаровга қўйилган мулк, уй-жойлардан бошқалари, агар қонун ёки шартнома билан бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, гаровга олувчи ихтиёрига бериб қўйилади. Бундай топшириш хўжалик муносабатларида барча ҳолларда ҳам мақсадга мувофиқ бўлмайди, чунки қарздор гаровга қўйилган мулкдан фойдаланиш имкониятини йўқотади ва унинг манфаатларини жиддий равишда бузишга олиб келади. Тарафларнинг ўзаро келишувлари бўйича гаровга қўйилган мулк қарздорнинг ўзида ҳам қолдирилиши мумкин. Баъзи ҳолларда гаровга қўйилган мулкни қарздор ихтиёрида қолдириш қонунда назарда тутилган бўлади. Масалан, муомалада бўлган товарларнинг гаровга олинишида ёки ишланишда бўлган маҳсулотларнинг гаровга қўйилишида гаров нарсаси бўлган мулк қарздорнинг ўзида қолдирилади. Гаровнинг баъзи турлари бўйича ашёларни гаровга берувчи қўлида қолдирилишига йўл қўйилмайди. Масалан, ашёларни ломбардда гаровга қўйишда ашёлар, албатта, ломбард ихтиёрида бўлади.

Гаровга олувчилар гаровга қўйилган мулкни тегишли равишда сақлашга мажбур. Гаровга олувчи гаровга қўйилган мулкнинг йўқолиши ёки бузилиши ўзининг айби билан бўлмаганлигини исботламаса – ўзига топширилган мулкнинг сақланмаганлиги учун жавобгар бўлади.

Агар қонун ёки шартнома билан бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, гаровга олувчи гаровга қўйилган мулкдан фойдаланишга ҳақли эмас. Агар гаровга олинган мулкни сақлаб турган шахс, яъни мулкни гаровга олувчи уни йўқотса ёки унинг қўлидан ўғирлаб кетилган бўлса ёки бошқа йўл билан унинг ихтиёридан ташқарига чиқиб кетган ҳолда гаровга олган шахс гаров нарчасини ҳар қандай эгалловчидан, шу жумладан, эгасидан ҳам талаб қилиб олишга ҳақли бўлади.

Агар ашё гаровга шахснинг эгаллашидан унинг ихтиёри бўйича қўлидан кетган бўлса, бу ҳолда у мазкур мулкни инсофли эгалловчидан талаб қилиб ололмади.

Агар гаровга олган шахс қўлида қолдирилган мулк бошқа бир шахсга текинга ўтказилган, масалан, ҳадя қилинган ёки мерос тариқасида ўтган бўлса, гаров нарчасини сақловчи, яъни мулкни гаровга олган шахс мазкур гаров нарчасини инсофли эгалловчидан талаб қилиб олишга ҳақли.

Қонунда гаров нарчасига нисбатан гаровга олувчи ва гаровга қўювчи ҳуқуқлари аниқ чегаралаб қўйилган. Шу жумладан, гаровга олувчининг ҳуқуқлари жорий қилинадиган мол-мулк ФКнинг 272-моддасида белгилаб қўйилган. Бутун корхона ёки бошқа мулккий комплекс ипотекасида гаров ҳуқуқи ипотека таркибига кирувчи мол-мулкнинг ҳаммасига, шу жумладан, талаб қилиш ҳуқуқи ва мутлак ҳуқуқларга, шу билан бир қаторда ипотека даврида олинган ҳуқуқларга ҳам (агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса) жорий этилади.

Ер участкасининг ўзини ипотекага қўйишда гаров талаби гаровга қўювчининг ушбу участкасида жойлашган ёки кураётган бинолари ва иншоотларига қаратилмайди. Мабодо, кейинчалик ер участкасига нисбатан ҳақ ундириш гаров талаби асосида қаратиладиган бўлса, унда жойлашган бинолардан ўз ўрнида фойдаланиш учун зарур бўлган сервитут (чекланган тарзда фойдаланиш) ҳуқуқи гаровга қўювчида сақланиб қолади.

Агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса ёки гаровнинг моҳиятидан англашилмаса, гаровга қўювчи гаров нарчасидан унинг вазифасига қўра фойдаланишга, шу жумладан, ундан ҳосил ва даромадлар олишга ҳақли (ФК, 277-модда).

Шунингдек, гаровга қўювчи гаровга олувчининг розилиги билан гаров нарчасини бошқа шахсга беришга, уни ижарага ёки бепул фойдаланишга топширишга ёки бошқа усулда тасарруф этишга ҳақли. Гаровга олувчи ўзига топширилган гаров нарчасидан шартномада у гаровга қўювчига бу ҳақда мунтазам ҳисобот бериб туради. Шартномага

мувофиқ гаровга олувчи зиммасига асосий мажбуриятни бажариш мақсадида ёки гаровга қўювчининг манфаатини кўзлаб, гаров нарчасидан ҳосил ва даромадлар олиш бурчи юкланиши мумкин.

Гаровга қўйилган мол-мулкни сақлаш ва асраш мажбурияти гаров нарчаси кимда сақланаётганлигига боғлиқ бўлади. Гаров нарчаси ипотека бўлган ҳолда у йўқолиш ва шикастланиш хавфидан суғурта қилиниши ҳам лозим бўлади. ФКнинг 274-моддасига асосан, гаровга қўйилган мол-мулк тўла қиймати бўйича, бордию, бу қиймат гаров билан таъминланган талабнинг миқдоридан ошиб кетса, бу талаб миқдоридан кам бўлмаган суммага гаровга қўювчи ҳисобидан суғурталаниши лозим.

Гаровга олувчи ва гаровга қўювчи иккинчи тарафдаги гаровга қўйилган мол-мулкнинг мавжудлигини, миқдорини, ҳолатини ва уни сақлаш шароитларини ҳужжатлар асосида амалда текширишга ҳақли. Гаровга олувчи томонидан сақланаётган гаров нарчаси гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиш хавфини туғдирадиган даражада қўпол суратда бузилганида гаровга қўювчи гаровни муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Агар гаров тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўювчи қўйилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфини ўз зиммасига олади.

Агар гаровга олувчида гаров нарчаси сақланаётган бўлса, у ҳолда гаров нарчасининг бутунлай ёки қисман йўқолиши ёхуд шикастланиши учун жавоб беради (агар бунда у айбдор эмаслигини исбот қилиб бера олмаса). Гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор бўлган гаровга қўювчи гаров нарчасининг йўқолиши ёки шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги талабни гаров билан таъминланган мажбуриятларни қоплаш учун ҳисобга олдиришга ҳақли. Гаров нарчасини алмаштиришга, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади. Гаровга қўйиш гаров ҳақидаги шартнома билан расмийлаштирилади. Шартномада гаров нарчаси, унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши лозим. Унда гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши керак. Гаров шартномаси ёзма равишда тузилиши лозим. Ипотека ҳақидаги шартнома, шунингдек, нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинадиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт. Бундан ташқари, гаров шартномаси қийматига қараб тегишли адлия органларида руйхатдан ўтказилиши лозим. Гаров шартномаси шакли, уни тасдиқлаш ва давлат руйхатидан ўтказиш

хакидаги талабларга риоя қилинмай тузилганда мутлако хақиқий ҳисобланмайди.

ФКнинг 278-модда, 1-қисмида кўрсатилганидек, гаровга олувчи ўз ихтиёрида бўлган ёки бўлиши лозим бўлган гаровга қўйилган мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгаллашидан талаб қилиб олишга ҳақли (ФК, 228, 229, 230, 232-моддалар).

Гаров билан таъминланган мажбурият қарздор томонидан бажарилганда, гаровга қўйилган мулк суднинг, хўжалик судининг қарорига асосан сотилади ва тушган сумма ҳисобидан, биринчи навбатда, бошқа шахслардан олдин кредиторнинг талаблари қондирилади. Гаровга қўйилган мулк давлат ва кооператив дўкон орқали соғилади. Гаровга қўйилган уй-жойлар эса, суд ижрочилари томонидан очик савдо билан сотилади.

Агар гаровга қўйилган мулкни сотишдан тушган сумма мулкни гаровга олган шахс (кредитор)нинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, у ҳолда кредитор, агар қонун ёки шартномада бошқача кўрсатмалар бўлмаса, етишмаган суммани қарздорнинг бошқа мулк ҳисобидан олишга ҳақли бўлади. Кредиторнинг ўз ҳақини қарздорнинг бошқа мулкдан олишга бўлган ҳуқуқи гаров ҳуқуқидан эмас, асосий мажбуриятдан келиб чиқади. Бу ҳолда қарздорнинг бошқа мулк ҳисобидан ўз ҳақини ундиришда бошқа шахсларга нисбатан устунлик ҳуқуқига эга бўлмайди.

Мулкни гаровга олган шахснинг ўз талабларини гаровга қўйилган мулк ҳисобидан ундиришда устунлик ҳуқуқига эга бўлишлиги баъзи ҳолларда чекланиши мумкин. Жумладан, ФКнинг 26, 56-моддаларига мувофиқ, гаровга олган шахс талабларнинг қондирилишига қадар гаровга қўйилган мулкни сотиш натижасида тушган суммадан алиментларнинг ундирилиши, ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблари, ўзгаларнинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказиш, шунингдек, муаллифлик шартномалари бўйича мукофот тўлаш тўғрисидаги талаблар биринчи навбатда қондирилиши лозим.

Гаров ҳуқуқи уй-жойларга нисбатан шартноманинг давлат руйхатидан ўтказилиши пайтида, бошқа мулкка нисбатан эса, бу мулкни гаровга олувчига топширилиши пайтидан, агар у қонун ёки шартнома бўйича топширилиши лозим бўлмаса, шартноманинг тузилиш пайтидан эътиборан вужудга келади.

Гаров ҳуқуқининг бекор бўлиши ҳоллари ФКнинг 283-моддасида кўрсатилади. Унда айтилишича, гаров ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда:

- гаров билан таъминланган мажбурият бекор бўлганда;
- гаровга қўйилган ашё нобуд бўлганида ёки гаровга қўйилган ҳуқуқ бекор бўлганида;
- гаровга қўювчи гаров нарчасини алмаштирмаса;

-гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқолиш ёки шикастланиш хавфини туғдирадиган даражада қўпол суратда бузишларда гаровга қўйилган мол-мулк ким ошди савдосида сотилган ёхуд сотиш мумкин бўлмаган тақдирда бекор бўлади. Ипотека бекор бўлгани ҳақида ипотека тўғрисидаги шартнома рўйхатга олинган реесгга белги қўйилиши керак.

Гаровнинг бир неча турлари мавжуд, жумладан, ипотека гарови банклар томонидан турли мақсадлар учун қарзлар беришда, фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун қарз берилишида, ломбардлар томонидан фуқароларга қарз берилишида қўлланилади. Банклар томонидан ташкилотларга ҳар хил мақсадлар учун бериладиган қарзлар мазкур ташкилотларнинг товарлари ва бошқа моддий бойликларнинг тўла гаровга қўйилиши билан таъминланади. Жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш мақсадида аванс учун, шунингдек, қишлоқ хўжалигида мавсумий ишларнинг харажатлари учун бериладиган қарзлар тайёрланган маҳсулотларнинг хўжалик ташкилотлари ихтиёрига ўтиши билан гаров нарсаи сифатида қарзларни таъминлашга қаратилади. Банк томонидан гаров бараварига кредитларнинг берилиши хўжалик субъектларининг ҳам, банкларнинг ҳам манфаатларига жавоб беради.

Товарлар ва бошқа моддий бойликлар гаровга қўйилишида уларга гаровга берувчи – савдо корхонаси, гаровга қўйилган ашёларнинг қиймати тегишлича банкка тўланган ёки сотилган моллар бошқа моллар билан алмаштирилган ҳолда гаровга қўйилган ашёларни сотишга ҳақли.

Ашёларни гаровга берувчи ишлаб чиқариш корхонаси ўзининг ишлаб чиқаришда хом ашё материаллари ва ярим тайёр маҳсулотларни ишлатишга, қайтадан ишлашга ҳақли бўлса ҳам, банкнинг гаров ҳукуки барча ашёларга нисбатан белгиланади.

Маҳсулотларни гаровга олувчига банкка гаровга қўйилган молларнинг мавжуд бўлишини ва сақланишини текшириб туриш ҳукуки берилади. Кредит олган қарздор ташкилот ўз мажбуриятларини бажармаганида банк ўз буйруғи билан гаровга қўйилган молларни сотишга ҳақли. Банкка гаровга қўйилган товарларни сотишдан ҳосил қилинган маблағ банкнинг гаров билан таъминланган қарзини қоплашга сарфланади. Якка тартибда ва кооператив уй-жой қурилиши учун банк томонидан узок муддатли кредитлар берилишида иморатларнинг гаровга қўйилиши махсус қоидалар билан тартибга солинади. Бунда уй-жой қуриш учун банклар томонидан фуқароларга бериладиган кредитлар нотариал идоралар орқали иморатларнинг гаровга қўйилиши йўли билан таъминланади.

Банкка гаровга қўйилган иморатлар то кредитлар бус-бутун тўланмагунча сотилиши ёки бошқа усулда бировга ўтказилишига йўл қўйилмайди. Уй-жой қуриш учун фуқарога қарз беришда банк тегишли нотариал идорани хабардор қилади ва унга қанча қарз қанча вақтга

берилганини кўрсатади. Нотариал идора банкнинг хабарномасини олганидан сўнг мазкур хужжатга таъқиқ тўғрисида белги қўйиб, биринчи нусхасини руйхатдан ўтказиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органига юборади, иккинчи нусхаси эса нотариал идорада сақланади.

Нотариал идорада иморатга таъқиқ белгиси қўйилиши бино эгасининг иморатни тасаруф қилиш ҳуқуқини чеклайди. Гаровга қўювчи то ўзи олган кредитни тўла миқдорда тўлаб банкнинг ижозатини олмай туриб, кредит ҳисобига қурилган иморатни сотишга ёки бошқа усулда бировга ўтказишга ҳақли эмас.

Олинган кредит бўйича қарзлар тўланмаганда банк қарз пулини иморат қиймати ҳисобидан ундиришга, агар иморат қуриб тамомланмаган бўлса, қурилиш материаллари ҳисобидан ундиришга ҳақли. Иморатларни гаровга қўйишда Фуқаролик кодексининг мулк гаровини тартибга соладиган қоидаларида баъзи хусусиятлар бор. Уй-жой қурилиш кооперациясига кредитлар бериш банк муассасалари томонидан кредитлар берилиши шаклида амалга оширилади. Уй-жой қуриш кооперациясига кредитлар бериш қоидаларига мувофиқ кооператив ўзи олган кредитни тўла тўламагунича кредит ҳисобидан қурилган уйини бошқа ташкилотларга топширишга ҳақли эмас. Бундан ташқари, кооператив уй-жойни суғурта қилдиришга ва мазкур уй-жой нобуд бўлгани ҳолда суғурта ташкилоти томонидан бериладиган суммалар биринчи навбатда банк кредити бўйича бўлган қарзларни тўлашга сарфланади.

Гаровга қўйиладиган ашёлар ўзаро келишув бўйича баҳоланади. Ашёларнинг бундай баҳоланиши гаровга қўйилган ашёнинг нобуд бўлиши ёки бузилиши ҳолларида низо чиққан тақдирда зарур бўлади. Гаровга олувчи (кредитор) нинг талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятларни ўзи жавобгар бўлган ҳолатларда бажармаган ёки тегишли даражада бажармаган тақдирда гаров нарчасига қаратиши мумкин.

Агар гаров билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бузилиши жуда арзимас бўлса ва шу туфайли гаровга олувчининг талабларининг миқдори гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматига мутлақо мос келмаса, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни рад этиши мумкин (ФК, 279-модда.) Гаровга олувчи (кредитор)нинг талаблари гаровга қўйилган қўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ ундирилади. Агар бунда нотариал тасдиқланган келишув мавжуд бўлса, суднинг қарорисиз ундириш амалга оширилади. Бироқ, бундай келишув туфайли ҳуқуқлари бузилган шахс келишувни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақли.

Агар гаровга қўювчининг гаровга олувчи билан келишувида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчининг талаблари гаровга қўйилган қўчар мол-мулк ҳисобидан суд қарорига мувофиқ қондирилади.

Ундирув гаров нарсасига қуйидаги ҳолларда фақат суднинг қарорига мувофиқ қаратилиши мумкин:

1. Гаров тўғрисида шартнома тузиш учун бошқа шахс ёки ораданнинг розилиги ёхуд рухсати талаб қилинганда (масалан, ашёвий ҳуқуқ гаровга қўйилганда мулкдорнинг розилиги талаб қилиниши ҳолларида);

2. Гаров нарсаси жамият учун тарихий, бадиий ёки ўзгача маданий ахамиятга эга мол-мулк бўлса;

3. Гаровга қўювчи йўқолган бўлса ва унинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаса.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мажбурият бўйича ҳақ ундириш гаров нарсасига қаратилган ҳолларда уни сотиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ким ошди савдосида сотиш йўли билан амалга оширилади. Гаровга қўювчининг илтимосига кўра, суд ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги қароридан уни ким ошди савдосида сотишни бир йилгача муддатга кечиктиришга ҳақли. Бундай кечиктириш гаров билан таъминланган мажбурият бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмайди. Бинобарин, агар кечиктириш даврида кредиторнинг кўриши мумкин бўлган зарарлари ва неустойка қарздор томонидан тўланиши лозим.

Гаровга қўйилган мол-мулкни ким ошди савдосида сотишда дастлабки бошланғич баҳо, агар ундириш суд тартибидан белгиланган бўлса, суд қарори билан, бошқа ҳолларда эса гаровга олувчи ва гаровга қўювчи ўртасидаги келишув асосида белгиланади. Гаровга қўйилган мол-мулк ким ошди савдосида энг юқори баҳо таклиф қилган шахсга соғилади. Ким ошди савдоси амалга ошмаган ҳолларда (агарда гаровга қўйилган мол-мулкка харидор чиқмаса) гаровга олувчи гаровга қўювчи билан келишиб, гаровга қўйилган мол-мулкни сотиб олишга харид нарҳини гаров билан таъминланган ўз талаблари ҳисобига ўтказишга ҳақли. Такрорий ким ошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганда, гаровга олувчи гаров нарсасини такрорий ким ошди савдосидаги бошланғич сотиш нарҳини кўпи билан ўн фоиз камайтирган суммада баҳолаб, ўзида олиб қолишга ҳақли – агар гаровга олувчи бу ҳуқуқдан бир ой давомида фойдаланмаса, гаров шартномаси бекор бўлади.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма гаровга олувчининг талабини қоплашга етарли бўлмаса, у қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатма бўлмаганида етишмаётган суммани умумий асосларда ва тартибда қарздорнинг бошқа мол-мулкдан олиш ҳуқуқига эга. Агар сотувдан тушган сумма гаровга олувчининг гаров билан таъминланган талабидан ошиб кетса, фарқ гаровга қўювчига қайтариб берилади.

Қарздор ёки учинчи шахс бўлган гаровга қўювчи гаров нарсаси сотилгунча, хоҳлаган вақтда гаров билан таъминланган мажбуриятни ёки

унинг ижросини кечиктириб юборилган қисмини бажариб, ундирувни унга қаратиши ва уни сотишга барҳам бериши мумкин. Бу ҳуқуқни чеклайдиган келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир (ФК, 281-модда).

Мол-мулкнинг гаровга қўйилиши:

-биринчидан, мол-мулкнинг доимо мавжуд бўлиши ва сақланишини таъминлайди;

-иккинчидан, кредитор бошқа шахсларга, яъни қарзларнинг бошқа кредиторларига нисбатан устуңлик билан ўз талабларини қондириш имкониятига эга бўлади;

-учинчидан, мол-мулкнинг қарздор учун учинчи шахс томонидан гаровга қўйилиши қарздорга бўлган талабларнинг қондирилиши учун кўшимча манба ҳисобланади. Ашёни гаровга олган кредитор талабларининг қондирилиши аниқ таъминланиши билан гаровнинг белгиланиши қарздорни ўз мажбуриятини ижро этишга мажбур қилади.

Қонунга қўра, ҳар қандай мажбурият ҳам гаров билан таъминланиши мумкин. Амалда гаров асосан қарз мажбуриятларининг ижро этилишини таъминлаш усули сифатида татбиқ этилади.

Ашёларнинг ломбардда гаровга қўйилиши. Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектларнинг фаолияти мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бевосита тадбиркорлик фаолияти орқали ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланади. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан бирга ўзига хос ижтимоий ҳимоя функциясини бажараётган субъектлар доираси кенгайиб ривожланиб бормоқда. Ана шундай ташкилотлардан бири бу ломбардлардир. Ломбардлар фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган қўнар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади ҳамда муайян маънода пулга эҳтиёжи бўлган шахсларни кредитлаб ижтимоий ҳимоя функциясини бажаради.

Маълумки, “Ломбард” атамаси Италиядаги вилоят номидан олинган бўлиб, дастлаб фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган ашёлар эвазига қарз бериш фаолияти айнан шу жойда вужудга келганлиги адабиётларда таъкидланади. Ушбу фаолият (ломбард фаолияти) нинг моҳияти шундаки, бунда ўзига хос молиявий муассаса ҳисобланган ломбард кредит бериш эвазига фоизлар асосида фойда кўради ва айни пайтда берилган пул эвазига унинг миқдорига тенг бўлган ашёларни гаровга олиб қолади. Бу ҳолат эса ломбардларнинг бир вақтнинг ўзида банкнинг функцияларини бажараётганлигини англатади. Бундан ташқари, ломбардлар гаров сақловчилик фаолиятини ҳам юритади ва кредитор сифатида мажбурият ижросини энг ишончли восита орқали таъминлаб, мажбурият бажарилмаганда қисқа муддатларда ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳуқуқига эга бўлади.

Айни пайтда ломбард нафақат гаров эвазига кредит бериш функциясини, балки фуқароларнинг шахсий истеъмолга мўлжалланган ашёларини сақлаб туриш хизматини ҳам кўрсатмоқда. Зеро, бозор муносабатлари шароитида мол-мулкни сақлаш ва асраш вазифаси мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда, хусусий мулкдорлар манфаатларини амалга оширишда ва мавжуд мол-мулкларнинг нобуд бўлишининг олдини олишда муҳим ўрин тутади. Жамиятда мол-мулклар ва моддий неъматларнинг қонун нормалари орқали ҳимояланганлигидан ташқари уларни амалда сақлаб туриш, турли ташқи таъсирлардан асраш ва мол-мулкнинг мавжудлиги, шикастланмаслигини таъминлаш иқтисодий юксалишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 289-моддасида айтилганидек, фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитлар бериш учун гаровга қабул қилиш ихтисослашган ташкилотлар, яъни лицензияси бўлган ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилиши мумкин.

Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартнома, ломбард томонидан гаров паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади.

ФКнинг 289-моддаси 4-қисмида кўрсатилганидек, ломбард гаровга қабул қилинган ашёларни гаровга қабул қилиш пайтида шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёларнинг нархларига мос баҳодаги тўлиқ суммасида ўз ҳисобидан гаровга кўювчи фойдасига суғурталаши шарт. Ломбард гаровга қўйилган ашёлардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақли эмас. Ломбард ашёларнинг йўқолиши ёки шикастланиши енгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, гаровга қўйилган ашёларнинг йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлади.

Агар ломбардда ашёлар гарови билан таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилмаса, ломбард нотариуснинг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин гаровга қўйган мол-мулкни сотиш учун белгилаб қўйилган тартибда мол-мулкни сотишга ҳақли. Гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса ҳам, ломбарднинг гаровга кўювчига (қарздорга) талаблари бекор бўлади (ФК, 289-модда, 7-банд).

Ломбардлар томонидан фуқароларнинг ашёларини гаровга олиб кредит бериш қоидалари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартноманинг гаровга кўювчининг ҳуқуқлари ФК ёки бошқа қонун билан унга бериладиган ҳуқуқларга қараганда чеклаб қўядиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас (ФК, 289-модда, 9-банд).

4-§. Қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш

Ушлаб қолиш деганда кредитор томонидан қарздорга унга тегишли бўлган ёки унга ёки у кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни, қарздор ўз мажбуриятларини бажармагунча бермаслиги тушунилади. Масалан, маиший техникани таъмирлаш бўйича уста у таъмирлаган телевизорни, телевизор эгаси таъмирлаш бўйича хизмат ҳақини тўламагунча ушлаб туриши мумкин.

Бу жиҳатдан қараганда, ушлаб қолиш гаровга ўхшашдир. Уларнинг ўхшашлиги, иккала ҳолда ҳам мажбурият бажарилишини таъминлашнинг нарсаси ашё эканлигидан иборат. Ушлаб қолиш ёки гаровдан фойдаланувчи кредитор мажбурият бажарилишини таъминлаш ашёсини ўзида қолдиради.

Ушлаб қолишга қарздорнинг ўз мажбуриятларини бажармаслик ҳолатида вужудга келадиган ўзганинг ашёсига нисбатан кредиторнинг ҳуқуқи сифатида қараш мумкин. Агар кредитор ушбу ҳуқуқдан фойдаланса, унинг ҳаракатларини бир томонлама битим сифатида тан олиш мумкин, бунда кредиторнинг ҳаракатлари туфайли битимлар учун хос бўлган фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчлари вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 259-моддасида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари тизимида қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиши ҳам назарда тутилади. Бу усуллари қўллаш асослари ФКнинг 290-моддасида белгилаб берилган. Бунга асосан қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан муддатида бажарилмаган тақдирда унга тегишли мажбурият бажарилгунга қадар ушлаб қолишга ҳақли. Гарчи ашёнинг ҳақини тўлаш унинг чиқимларини ва бошқа зарарни тўлаш билан боғлиқ бўлмасада, бироқ тарафлари тадбиркор сифатида иш кўраётган мажбуриятдан келиб чиққан талаблар ҳам ашёни ушлаб қолиш билан таъминланиши мумкин.

Ашё кредитор эгалигига ўтганидан кейин унга бўлган ҳуқуқлар учинчи шахс томонидан олинганлигига қарамасдан, кредитор ўз қўлидаги бу ашёни ушлаб қолиши мумкин.

Ушлаб қолиш ўз моҳиятига кўра гаровга ўхшайди. Бироқ, айни вақтда у қатор ўзига хосликларга ҳам эга.

Биринчидан, ушлаб қолишда ашё фақат кредитор ихтиёрида бўлади, гаров нарсаси эса қарздорда ҳам, учинчи шахсда ҳам сақланиши мумкин.

Иккинчидан, ушлаб қолинаётган ашё кредитор ихтиёрига турли асослар бўйича ўтган бўлиши мумкин. Гаров нарсаси эса ҳар доим қарздор ёки учинчи шахс (гаровга кўювчи) иродаси билан шартнома асосидагина вужудга келади ва ҳоказо.

Ашёни ушлаб турган кредиторнинг талаблари унинг қийматидан гаров билан таъминланган талабларни қондириш учун назарда тутилган ҳажмда ва тартибда қаноатлантирилади. Бинобарин, ушлаб қолинган мол-мулк ёки пул маблағлари ҳажми қарздорнинг қарзи ҳажмидан кўп бўлса, у ҳолда кредитор ортиқча қисмини қайтариши лозим. Агар ушлаб турилган мол-мулк ёки пул маблағлари қарздор қарз ҳажмига тенг бўлса, ФКнинг 343-345-моддаларида кўрсатилган талабларга риоя қилинган ҳолда мажбурият ҳисобга ўтказиш орқали бекор бўлиши мумкин. Қарздор томонидан мажбурият ижро этилган ҳолларда кредитор ушлаб қолинган мол-мулкни қарздорга ёки учинчи шахсга қайтариши шарт.

5-§. Кафиллик

Кафиллик – қарздор мажбуриятларининг бажарилиши учун учинчи шахс – кафил жавобгар бўладиган ҳуқуқий муносабатдир. Мазкур ҳолатда “жавобгар бўлади” деган ибора фақат мулкий жавобгарликни назарда тутати ва у қарздор ўз мажбуриятларини бажармаганлиги оқибатида кафилда жавобгарликни вужудга келтиради. Бошқача қилиб айтганда, агар қарздор ўз мажбуриятларини бажармаса ёки тўлиқ бажармаса, кафил қарздорнинг мажбуриятларини бажаришга мажбур бўлади.

Кафиллик мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг алоҳида тури бўлиб, у кафиллик тўғрисидаги шартнома асосида вужудга келади. Кафиллик шартномасига асосан бир тараф кафил, бошқа шахс ўз мажбуриятларини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади (ФК, 292-модда, 1-қисм).

Кафил қарздор учун мулкий жавобгарликни олганлигини тўғридан-тўғри аниқ билдириши лозим. Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида қўриладиган кафилликнинг моҳияти шундаки, кредитор асосий мажбурият бажарилмаган ҳолда ўз талабларини фақат асосий қарздоргагина қўймай, балки кафилга нисбатан ҳам қўя олади.

Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Бу ҳолда тарафлар кафиллик тўғрисида алоҳида ёзма шартнома тузишлари шарт бўлмайди. Кафиллик белгиланишида кафил асосий қарздор томонидан бериладиган тилхатда қарздор томонидан мажбуриятнинг лозим даражада бажарилиши жавобгарликни ўз зиммасига олганлигини кўрсатиб белги қўйса ёки қарздорнинг муайян мажбурият юзасидан кафил бўлишини кредитор номига ёзган хатида билдирса ҳам kifoya. Кафиллик ҳақидаги шартноманинг ёзма шаклда тузилиши лозимлиги тўғрисидаги қонун билан белгиланган талабларга риоя қилмаслик – кафиллик шартномасининг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади. Кафиллик асосий мажбуриятга қўшимча характерда бўлиши шундан иборатки, кафиллик билан фақат асосий талабга таъминланиши мумкин. Агар асосий шартнома унинг шаклиги риоя қилинмаганлиги сабабли ёки

шартномада иштирок этувчи тарафларнинг муомалага лаёқатсиз бўлиши туфайли ва бошқа шу каби сабаблар бўйича ҳақиқий эмас деб топилса, мазкур шартномага қўшимча ҳисобланган кафиллик шартномаси ҳам ўзининг юридик кучини йўқотади. Кафилнинг жавобгарлиги асосий мажбурият юзасидан қарздорнинг жавобгарлигидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Қарздор қандай ҳажмда жавобгар бўлса, кафил ҳам шу ҳажмда жавобгар бўлади. Хусусан, кафиллик шартномаси билан бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, фоизларнинг, зарарларнинг, неустойканинг тўланиши учун ҳам жавобгар бўлади. Қарздор учун мажбуриятни бажарган кафил мазкур мажбурият юзасидан бўлган барча ҳуқуқларни олади. ФКнинг 295-моддасида кўрсатилганидек, мажбуриятни бажарган кафилга шу мажбурият юзасидан кредиторга тегишли бўлган барча ҳуқуқлар ўтади. Кафил мажбуриятни бажарганидан кейинги кредитор қарздорга бўлган талабни тасдиқловчи ҳужжатларни кафилга топшириш ва бу талабни таъминлайдиган ҳуқуқларни бериши шарт. Қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар (ФК, 293-модда).

ФКда кўрсатилган юқоридаги қоида диспозитив характерда бўлгани, яъни, ўзгартирилиши, тўлғазилиши мумкин бўлгани сабабли тарафлар ўзаро келишиб, кафилнинг бошқача ҳажмда жавобгар бўлишини, масалан, асосий қарздорга қўшимча жавобгар бўлишини белгилашлари мумкин. Бу ҳолда кафил мажбуриятнинг бажарилиши юзасидан қарздордан ҳеч нарса ундириш мумкин бўлмагани ҳолдагина қарздор учун жавобгар бўлади.

ФКнинг 293-моддаси 3-қисмида айтилганидек, биргалашиб кафил бўлган шахслар, агар кафиллик шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, кредитор олдида солидар жавоб берадилар.

Агар кредитор кафилга нисбатан даъво кўзғатса, у ҳолда кафил қарздорларни ишда иштирок этиш учун жалб қилишга мажбур. Шунинг ўзи билан у қарздорга ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини берган бўлади. Агар кафил ишда иштирок этишга жалб қилмаса, қарздор ўзининг кредиторига қарши қўйиши мумкин бўлган барча эътирозларини, яъни ФКнинг 294-моддасида кўрсатилган эътирозларини кафилнинг унга қилган талабига қарши қўйишга ҳақли. ФКнинг 294-моддасида кўрсатилганидек, кафил кредиторнинг талабига қарши қарздорнинг ўзи томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган барча эътирозларни қўйишга ҳақли. Кафил бундай эътирозларга бўлган ҳуқуқини, гарчи қарздор ўзи бу ҳуқуқдан воз кечса ҳам ёки ўз мажбуриятига иқроп бўлса ҳам йўқотмайди.

Агар бир неча кафил қарздор учун кафиллик берган бўлса, кейинчалик қарздор учун қарзларини тўлаганлари ҳолда ҳар қайсиси ўзлари томонидан тўланган сумма миқдоридан қарздорга нисбатан ўз талабларини қўя олади. ФКнинг 296-моддасида кўрсатилганидек,

кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажарган қарздор бу ҳақда кафилни дарҳол хабардор қилиши шарт. Акс ҳолда ўз навбатида мажбуриятни бажарган кафил асоссиз олинган нарсани кредитордан ундириб олиши ёки қарздорга регресс талаб қўйишга ҳақли. Регресс талаб қўйилган тақдирда, қарздор асоссиз олинган нарсанигина кредитордан ундириб олишга ҳақли.

Кафиллик шартномаси қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

-кафиллик билан таъминланган асосий мажбурият бекор бўлганда;
-кафилнинг розилигисиз мажбуриятда унинг жавобгарлиги ошиши ёки унинг учун бошқа ноқулай оқибатлар юз беришига олиб келадиган тарзда мажбурият шартлари ўзгартирилганда;

-кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилганда, агар кафил янги қарздор учун жавобгар бўлиши ҳақида кредиторга розилик берган бўлмаса;

-мажбуриятни бажариш муддати келганида кредитор қарздор ёки кафил таклиф қилган тегишли ижрони қабул қилишдан бош тортганда;

-шартномада белгиланган кафиллик муддати ўтганда;

-агар шартномада кафиллик муддати кўрсатилмаган бўлса, кредитор мажбуриятни бажариш муддати етган кундан бошлаб бир йил давомида кафилга даъво кўзғатмаса;

-агар асосий мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ва белгиланиши мумкин бўлмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланган бўлса, кредитор кафиллик шартномаси тузилган кундан бошлаб бир йил мобайнида кафилга нисбатан даъво кўзғатмаган тақдирда (ФКнинг 298-моддаси).

6-§. Кафолат

Кафолат – мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг усуллари билан биридик. У ўз хусусиятларига кўра кредиторнинг манфаатларини янада тўлароқ ҳимоя қилади. Фуқаролик ҳуқуқида кўпинча мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг мазкур тури банк кафолати деб аталади, чунки кафил сифатида фақат банк ёки бошқа кредит муассасаси чиқиши мумкин.

Кафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал) нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради (ФК, 299-модда).

Кафолатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бунда ҳар доим кафил сифатида банк, бошқа кредит муассасаси ёхуд суғурта ташкилоти қатнашади. Кўп ҳолларда кафил принципалга хизмат

кўрсатувчи ташкилот ҳисобланади. Шу сабабли ҳам кафил принципалнинг банкда сақлаётган пул маблағлари ҳисобидан унинг кредиторлари олдидаги мажбуриятини бажаради. Бироқ, конун буни шарт қилиб қўймайди, шу сабабли ҳам кафил сифатида ҳар қандай кредит муассасаси ёки кредит ташкилоти бўлиши мумкин. Кафолатнинг асосий моҳияти шундаки, у орқали принципалнинг бенефициар олдидаги ўз мажбуриятини (асосий мажбуриятни) тегишли даражада бажарилиши таъминланади. Кафолат ҳақ бараварига тузилади. Кафолат берган банк (кредит муассасаси, суғурта ташкилоти) га принципал тегишли миқдорда ҳақ тўлайди. Кафолат асосий мажбуриятдан (яъни принципалнинг бенефициар олдидаги мажбуриятдан), гарчи кафолатда ушбу мажбуриятга ҳавола қилинсада, мустақил ҳисобланади.

Кафолат моҳиятини тушуниш учун, унинг учта турдаги қонуний муносабатларни келтириб чиқаришини эътиборга олиш лозим. Биринчидан, асосий мажбуриятни келтириб чиқарган принципал билан бенефициар орасидаги муносабатлар. Иккинчидан, кафил билан принципал орасидаги муносабатлар. Учинчидан, кафил билан бенефициар орасидаги муносабатлар. Санаб ўтилган ҳуқуқий муносабатлар кафолат деб аталувчи ягона ҳуқуқий конструкцияни ташкил қилади ва улар ўзаро бир-бири билан боғланган.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун кредитор қарздордан кафолатларни талаб қилади ва бунинг учун учинчи шахс – кафил билан ҳуқуқий муносабат вужудга келади, бунда у кредиторга муайян суммани тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, у кафил томонидан қақриб олиниши мумкин эмас. Кафолат бўйича бенефициарга тегишли бўлган кафилга талаб қўйиш ҳуқуқи агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас.

Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлмаса, у берилган кундан эътиборан кучга киради. Бенефициарнинг кафолат бўйича пул суммасини тўлаш ҳақидаги талаби кафолатда кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кафилга ёзма равишда тақдим этилиши лозим. Талабда ёки унга иловада бенефициар принципални таъминлаш учун кафолат берилган асосий мажбуриятни бузиши нимадан иборатлигини кўрсатиши керак.

Кафил бенефициарнинг талабларини олганидан сўнг бу ҳақда дархол принципални хабардор қилиши ва унга талабнинг нусхасини барча тегишли ҳужжатлар билан топшириши керак. Кафил бенефициарнинг талабини илова қилинган ҳужжатлар билан бирга кафолатда кўрсатилган муддатда бу талаб ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар кафолат шартларига мос келиши ёки келмаслигини аниқлаш учун оқиллона жанкуярлик кўрсатиши керак.

Агар бенефициарнинг талаби ёки унга илова қилинган ҳужжатлар қафолат шартларига мос келмаса ёхуд қафилга қафолатда белгилаб қўйилган муддат тамом бўлганидан кейин тақдим этилган бўлса, қафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этади ва бу ҳақда уни дарҳол хабардор қилади.

Агар бенефициарнинг талаби қондирилганга қадар қафолат билан таъминланган асосий мажбурият батамом ёки унинг тегишли қисми бажарилганлиги ёхуд бошқа асосларга қўра бекор бўлганлиги ёнки ҳақиқий эмас деб топилганлиги қафилга маълум бўлиб қолса, у бу ҳақида дарҳол бенефициарга ва принципалга хабар бериши шарт.

Одатда, қафилнинг бенефициар олдидаги масъулияти қафолатда назарда тутилган суммани тўлаш билан чегараланadi. Бироқ, қафил қафолат бўйича мажбуриятни бажармаганда ёки лозим даражада бажармаган тақдирда қафолатда назарда тутилган суммани тўлатиш билан чегараланмай, етказилган зарарларни ҳам ундириб олишга ҳақли.

Қафилнинг қафолат бўйича бенефициар олдидаги мажбурияти қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

1. Қафолат берилган сумма бенефициарга тўланиши билан;
2. Қафолатда белгиланган муддат тамом бўлиши билан;
3. Бенефициар қафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши ва уни қафилга қайтариб бериш оқибатида;

4. Бенефициар қафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиш ҳақидаги ёзма ариза бериш йўли билан қафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши оқибатида. Қафолатнинг юқоридаги 1, 2, 4-бандларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилиниши қафилга қафолат қайтариб берилган ёки берилмаганлигига боғлиқ бўлмайди. Қафолат бекор бўлганлигидан хабар топган қафил дарҳол бу ҳақда принципални хабардор қилиши керак.¹ Қафилнинг принципалдан қафолат бўйича бенефициарга тўланган суммаларни регресс тартибида тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи қафилнинг принципал билан бажариш юзасидан қафолат берилган келишувда белгилаб қўйилади.

Агар қафилнинг принципал билан келишувда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қафил бенефициарни қафолат шартларига мувофиқ тарзда ёки қафилнинг бенефициар олдидаги мажбуриятни бузганлиги учун тўланган суммаларни қоплаши принципалдан талаб қилишга ҳақли эмас (ФК, 310-мудда).

Бунда қафил ва принципал орасидаги келишув билан, кўрсатилган вазиятлардан катъий назар, харажатларни қоплашга бўлган ҳуқуқ назарда тутилиши мумкин.

¹ Раҳмонкулов Х.Р. ва бошқалар. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Дарслик. –Т., Консаудитинформ 2002. –Б. 479.

7-§. Закалат

Закалат – мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг усулларидан биридир. Мажбуриятларни таъминлашнинг бошқа турларидан фарқли равишда, закалат шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан бериладиган пул суммасидир.

Шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берилган пул суммаси закалат ҳисобланади. Закалат тўғрисидаги келишув закалатнинг суммасидан қатъи назар, ёзма равишда тузилиши керак. (ФК, 311-модда).

Шундай қилиб, закалат бир вақтнинг ўзида учта функцияни бажаради: **биринчидан**, закалат берилиб тузилган шартнома ҳақиқатан тузилганлигини исботловчи далил ҳисобланади;

иккинчидан, шартнома бўйича амалга ошириладиган тўловларнинг бир қисми ҳисобланади;

учинчидан, шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди. Закалатнинг мазкур вазифаси шундаки, закалат берган тараф шартнома юзасидан олган ўз мажбуриятларини бажармаганида, берган закалатни йўқотади. Агар закалат берган тараф шартномадан воз кечган бўлса, бу ҳолда у берган закалатнинг қайтариб берилишини талаб қила олмайди. Агар закалат олган тараф ўз мажбуриятларини бажармаса, у иккинчи тарафга закалат суммасини икки баравар миқдорда тўлашга мажбур. Баъзи ҳолларда закалат уни берган тарафга бир миқдорда қайтарилиши лозим. Жумладан, агар мажбурият, тарафлардан ҳеч қайсисининг айби билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бажарилмаса, ўзаро келишув бўйича бериладиган закалат қайтарилади.

Агар ижро этилган шартнома кейинчалик ҳақиқий эмас деб топилса ва бунинг натижасида ҳар икки тараф ҳам аввалги ҳолларига келтирилиши лозим бўлса ёки закалат берган тараф шартнома юзасидан амалга оширилган барча суммани ўзига қайтарилишини талаб қилишга ҳақли бўлса-ю, аммо иккинчи тараф бундай ҳуқуққа эга бўлмаса – закалат, юқорида кўрсатилганидек, аслича бир карра миқдорда қайтарилиши лозим бўлади.

ФКнинг 312-моддаси учинчи қисмида кўрсатилганидек, шартнома-нинг бажарилмаслиги учун жавобгар бўлган тараф, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, закалат суммасини ҳисобга олган ҳолда иккинчи тарафга зарарларни тўлаши шарт.

Агар закалат суммаси зарар суммасидан бирмунча кўпроқ бўлса, у ҳолда фақат закалатгина ундирилади. Агар мажбуриятни бажармаслик натижасида кўрилган зарар закалат суммасидан ортиқ бўлса, у ҳолда закалат суммаси ҳам, зарарларни қоплаш учун етишмаган сумма ҳам ундирилади. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида кўриладиган закалат фуқаролар ўртасидаги муносабатда ҳам, шунингдек,

фуқаролар билан юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда ҳам қўлланилиши мумкин. Закалатни авансдан фарқлаш керак. Закалат билан аванснинг бир-бирига ўхшаш томони шундаки, буларнинг ҳар иккиси ҳам келажакда тўланадиган суммалар ҳисобидан тарафлардан бири томонидан иккинчисига аввалдан тўланиб қўйилган пул суммаси бўлиб қўрилади. Аммо аванс закалатдан фарқ қилиб, мажбуриятнинг бажарилишини таъминламай, балки шартнома юзасидан тарафлардан бирининг иккинчисига тегишли бўлган суммани мазкур иккинчи тарафнинг фаолиятини пул билан таъминлаш мақсадида аввалдан берилган пул суммаси ҳисобланади. Тарафлардан бири томонидан иккинчисига берилган аванс муайян ишларни бажариш учун зарур харажатларни қилиш имкониятини беради. Келажакда тўланадиган суммалар ҳисобига аввалдан берилган пул маблағлари ёки бошқа моддий бойликлар шартноманинг тузилганлигини исботлаш ва унинг бажарилишини таъминлаш масадларида берилган ҳолдагина закалат ҳисобланади.

Агар бу икки белгидан ҳеч қайсиси бўлмаса, берилган суммани аванс каторида ҳисоблаш лозим бўлади. Иккинчи тараф томонидан мажбурият ижро этилмагани ҳолда аванс берган тараф қанча суммада аванс берган бўлса, унинг шу миқдорда қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

Назорат учун саволлар

1. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш тушунчасига таъриф беринг?
2. Мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгариши деганда нимани тушунасиз?
3. Неустойканинг қандай шакллари биласиз?
4. Гаров тушунчаси ва унинг вужудга келиш асослари нималардан иборат?
5. Навбатдаги гаровга мисол келтиринг?
6. Муомаладаги товарлар гарови нима?
7. Кафилнинг жавобгарлиги нималардан иборат?
8. Кафилнинг хизматларига ҳақ тўлаш қандай амалга оширилади?
9. Кафолат қайси вақтдан бошлаб кучга киради?
10. Кафолатнинг бекор бўлиши қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келади?

**1-§. Мажбуриятларнинг бузилиши ва фуқаролик-ҳуқуқий
жавобгарлик тушунчаси**

Мажбуриятни бузганлик учун жавобгарликнинг шарти бўлиб қарздорнинг айби, яъни қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли бузиши ҳисобланади. Айблилик фақат фуқаролар эмас, балки юридик шахслар жавобгарлигининг ҳам шарти ҳисобланади. Юридик шахслар, масалан, ходимлари томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида етказилган зарар учун жавоб беради. Қарздорнинг қасддан ҳаракати унинг томонидан ўз хатти-ҳаракатининг нохуш оқибатларини англаган ҳолда атайин ҳуқуқбузарликка йўл қўйишида ифодаланади. Эҳтиётсизлик шаклидаги айбдорлик ҳуқуқбузар ўз хатти-ҳаракатининг нохуш оқибатларини олдиндан кўра билмаган бўлса-да, ана шундай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини ҳисобга олиши лозим бўлган ва бундай оқибатларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўрмаган ёхуд унга йўл қўйган ҳолатларда вужудга келади.

Шу билан бирга, қарздорнинг айби бўлмаган ҳолда – қонунда ёки шартномада жавобгарликнинг бошқа асослари назарда тутилган ҳолатларда ҳам жавобгарлик вужудга келиши мумкин.¹

Мажбурият юзасидан қарздор бўлган шахс уни бутунлай бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги мажбуриятни бажариш юзасидан белгиланган ҳуқуқ нормаларига риоя қилмаслиги ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳисобланиб, бу ҳол мажбурият бузилганлигидан далолат беради. Яъни, мажбурият юзасидан қарздор шахс кредиторнинг субъектив ҳуқуқини бузган ҳисобланади. Жумладан, сифатсиз маҳсулот (товар) етказиб беришда маҳсулот сотувчи ташкилот – қарздор сифатида ҳуқуқ нормасини, яъни ФКнинг тегишли моддасида кўрсатилган қонунда бузиш билан бирга маҳсулот олувчи корхонанинг, яъни кредитор ташкилот қарздор ташкилотдан шартномага мувофиқ сифатли маҳсулот (товар)нинг ўзига топширилишини талаб қила олади.

Юқорида айтилганидек, қарздорнинг ҳаракатсизлиги ҳам ҳуқуққа хилоф ҳисобланиши мумкин. Бундай ҳаракатсизлик қарздорнинг шундай хатти-ҳаракатидан иборат бўлиб кўринадики, бунда қарздор ўзи амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатни қилмайди. Масалан, уй-жой ижараси шартномаси бўйича ташкилотнинг уйда яшовчи фуқаро белгиланган ижара ҳақини тўламаслиги билан Уй-жой кодексининг 69-моддасида белгиланган қонунда бузади. Шу билан бирга, шартномага мувофиқ тарзда қарздордан квартира ҳақининг ўз вақтида тўланишини талаб

¹ Рахмонқулов Ҳ.Р. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд. -Т. "Vektor-Press" 2010. –Б. 725.

қилиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотнинг – ижарага берувчининг, яъни кредиторнинг субъектив ҳуқуқи ҳам бузилади.

Бозор муносабатлари шароитларида қарздорнинг талбиркорлик қоидаларига зид келган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, бепарволиги ҳуқуқ нормасини тўғридан-тўғри бузиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, ҳуқуққа хилоф ҳисобланиши мумкин.

Қарздорнинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати ҳуқуқ нормаларига риоя қилмаслиқни билдирганлиги туфайли, жумладан, қарздор томонидан олинган мажбуриятнинг бутунлай бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги ва шу билан шартнома интизомининг бузилиши – қонунчиликни бузиш деб юритилади. Бинобарин, шартнома юзасидан олинган мажбуриятларнинг, шунингдек, бошқа мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган кураш – айнан шу вақтнинг ўзида қонунчиликка риоя қилиш учун бўлган кураш деб ҳисобланади.

Қонунчилик ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бузилишига йўл қўймаслик лозимлигини нормаламайди. Чунки қарздор томонидан мажбуриятнинг бузилиши, мазкур субъектлар томонидан шартнома интизомига риоя қилмаслиги давлат томонидан белгиланган ҳуқуқ нормаларига риоя қилмаслиқни билдиради. Натижада ташкилотларнинг маблағлари муомалада бўлиши бирмунча секинлашади, қурилишлар, корхоналар ва ташкилотларнинг изчил, узлуksиз иш олиб боришлари бузилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қарздор томонидан мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги ҳолларини назарда тутиб, қонун ёки шартномада белгиланган санкциялар қўлланилади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик мажбуриятни бажармаган қарздор зиммасига зарарларни, неустойкани кредитор фойдасига тўлаш вазифасини юклашдан иборатдир. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси мажбуриятдаги санкция тушунчасидан бирмунча торроқ маънода тушунилади, чунки бунда қарздорнинг жавобгарлиги барча ҳолларда фақат мулкий жавобгарлик ҳисобланади. Жумладан, бировга зарар етказиш туфайли вужудга келадиган мажбуриятларда зарар етказувчи жабрланган шахсга етказилган зарарнинг пул билан ҳисобланган миқдорини тўла равишда тўлайди. Шартнома бўйича олинган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги эса кредиторнинг қўрган зарарларни тўлатиш учун ҳам, қарздордан неустойканинг ундирилиши учун ҳам асос бўлади.

Қарздорнинг мажбуриятни лозим даражада бажарилмаслиги, яъни мажбуриятни шартнома ёки қонунда кўрсатилган шартларга мувофиқ равишда бажарилмаслиги; масалан, маҳсулотнинг сифати, топшириш муддати, шартноманинг бажарилиш жойи каби шартлар бузилишидан иборатдир.¹ Мажбурият қарздор томонидан бутунлай бажарилмаса, кредитор суд орқали мажбуриятнинг мажбурий тартибда бажарилишини, биринчи навбатда, албатта реал равишда бажарилишини, агар мажбурият

лозим даражада бажарилмаган бўлса, унинг қонун ёки шартномада кўрсатилган шартларга мувофиқ бажарилишини талаб қилишга ҳақли.

Оқорида кўрсатилган ҳар икки ҳолатда, яъни мажбурият бутунлай бажарилмаганида ҳам, лозим даражада бажарилмаганида ҳам, яъни айрим шартлари бузилганида ҳам кредитор қарздордан қонун ёки шартномада назарда тутилган мулкӣ жарималарнинг ундирилишини, яъни ўзи кўрган зарарларнинг қопланишини, неустойкаларнинг тўланишини талаб қила олади. Шу билан бирга қарздорни олган мажбуриятларини бажариш учун мумкин қадар кўпроқ ҳаракат қилишга мажбур қилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг белгиланиши турли субъектлар ўртасидаги муносабатларда шартнома интизомининг мустаҳкамланишига ёрдам беради. Бинобарин, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик мажбуриятларнинг реал ва тегишли даражада бажарилишига ёрдам бериб, катта юксак тарбиявий роль ўйнайди.

Агар мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида кредиторга зарар етказилган бўлса, қарздор бундай зарарларни тўлашга мажбур бўлади. ФКнинг 324-моддасида қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт деб кўрсатилади. ФКнинг 14-моддаси 2-қисмида зарар тушунчаси нормаланган. Бунга асосан, зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиниши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулкӣ йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмаётган қолган даромадлари бой берилган фойда тушунилади. Зарар деганда, қарздор томонидан мажбуриятнинг бутунлай ижро этилмаслиги ёки лозим даражада ижро этилмаслиги оқибатида кредитор томонидан қилинган харажатлар, мулкнинг йўқотилиши ёки камайиши тушунилади. Кредиторнинг мулкӣ зарарига мисол қилиб, биринчидан, ташкилот томонидан қилинган ишларнинг сифатсиз бажарилиши сабабли уни тузатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ёки шартномада белгиланмаган муддатда қарздор томонидан юборилган, масалан, муддатидан олдин юборилган маҳсулотни саклаш харажатларидан келган зарарни, ёхуд кредитор томонидан бошқа ташкилотларга тўланган жарималарни кўрсатса бўлади. Кийим тикувчи атсьелнинг хизматчиси томонидан фуқарога костюм тикилишида у томондан топширилган материалларнинг нотўғри бичилиши натижасида кўрган зарарни кредитор бўлган фуқаронинг зарарларига мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Иккинчидан, зарар сифатида кредитор томонидан олиниши мумкин бўлган, аммо қарздор мажбуриятни бажармагани туфайли олинмай қолган даромадлар ҳам мисол бўла олади. Масалан, кредитор бўлган давлат корхонаси қарздор ташкилотнинг хом ашёларни ўз вақтида етказиб

берилишини кечиктирмаганида, мажбурият ўз вақтида бажарилгани ҳолда олиши мумкин бўлган, яъни тайёр маҳсулотни сотиш натижасида олиши мумкин бўлган фойданинг қарздор ўз мажбуриятини бажармаганлиги сабабли олинмаган даромадлари кредиторнинг қўрган зарари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг Пленуми қарори ҳам мавжуд зарар таркибига фақатгина тегишли шахс томонидан аниқ етказилган зарарларнигина эмас, балки шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаши учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлар ҳам киришини белгилайди. Айни пайтда бундай харажатларнинг зарурийлиги ва уларнинг тахминий миқдори жавобгарлик миқдорини белгиловчи товар, ишдаги ҳамда хизмат кўрсатишдаги камчиликларни бартараф этишга кетадиган смета сифатидаги ва мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик даражасини белгиловчи шартнома, асослантирилган ҳисобкитоб каби бошқа далиллар билан тасдиқланган бўлиши ҳам керак. Олимай қолган даромаднинг миқдори (бой берилган фойда), агарда мажбурият бажарилган бўлганида, кредитор қилиши лозим бўлган оқилона харажатлар ҳисобга олиниб аниқланади.

Мажбурият ҳуқуқида зарарнинг тўла равишда тўланиши тамойили белгиланади. Шу билан бирга, фуқаролар ўртасидаги муносабатларда суд зарарнинг ундирилиши тартибини белгилашда ҳар икки томоннинг мулкӣ аҳволини, хусусан, қарздорнинг мулкӣ аҳволини эътиборга олиб, мажбуриятнинг бажарилишини кечиктиришга ёки уни бўлиб-бўлиб бажарилишини белгилашга ҳам ҳақли. Бу тўғрисида Фуқаролик процессуал кодексининг тегишли моддасида қойда белгиланган. Унда алоҳида ҳолларда иш бўйича ҳал қилув қарорини чиқарган суд ёки ҳал қилув қарорини ижро этиш жойидаги суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси бўйича тарафларнинг мулкӣ аҳволига ёки бошқа ҳолатларга қараб, ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб ижро этишга, шунингдек, уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга ҳақли деб кўрсатилган.

ФКнинг 332-моддасига асосан мажбуриятнинг айрим турлари бўйича ҳамда муайян фаолият тури билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича қонунда зарарни тўла коплашга бўлган ҳуқуқ чеклаб қўйилиши мумкин (чекланган жавобгарлик). Масалан, юк ташувчи транспорт ташкилоти ташиш учун қабул қилган мулкни йўқотганда, юзага келган зарарни юк жўнатувчига ёки олувчига йўқотилган ашё қиймати бараварида тўлайди. Агар юк зарарланган бўлса, у ҳолда зарарланган юкнинг қиймати қанчага камайган бўлса, шу сумма миқдорида тўлайди. Холбуки, юк юборувчи ёки юк олувчининг зарарлари фақат йўқотилган юкнинг қиймати ёки қийматининг камайиши натижасида келган зарардангина иборат бўлмай, яна юкларни сақлаш учун керакли омбор биноларини ижарага олиш билан боғлиқ харажатлардан, ходимларнинг бекор турган даврида уларга

туланган иш ҳақидан, юк ташувчининг айби билан материаллар ва ускуналарнинг ўз вақтида олинмаслиги натижасида содир бўлган бошқа зарарлардан иборат бўлиши мумкин эди. Аmmo транспорт ташкилотларига нисбатан чекланган жавобгарлик белгиланганлиги сабабли кейинги зарарлар эътиборга олинмайди. Чекланган жавобгарлик транспорт ташкилотлари ва баъзи бошқа ташкилотлар учун ҳам белгиланиши мумкин. Жумладан, электр қувватини етарли миқдорда етказиб бера олмаган электр станцияси фақат берилмаган электр қуввати киймати миқдорида жавобгар бўлиши мумкин. Ташкилотлар ўртасидаги мажбурият муносабатларида кўпроқ татбиқ этиладиган мулкий санкция – неустойкадир. Неустойкани ундириш учун фақат қарздорнинг ўз мажбуриятини бажармаганлиги кўрсатилса кифоя ва бундай мажбуриятнинг бажарилмаслиги натижасида етказилган конкрет моддий зарар миқдорини исботлаш талаб қилинмайди.

Агар муайян мажбурият учун белгиланган жавобгарлик миқдори қонунида аниқ кўрсатилган бўлса, бундай жавобгарликни чеклаш тўғрисида ўзаро келишишга йўл қўйилмайди.

2-§. Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси кенг маънога эга. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик деганда, нафақат мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик, балки фуқаролик ҳуқуқининг бошқа институтлари томонидан тартибга солинадиган муносабатлардаги ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат натижасида вужудга келадиган жавобгарлик ҳам тушунилади. Деярли барча ҳолатларда, гарчи жавобгарлик фуқаролик ҳуқуқининг бошқа институтлари томонидан тартибга солинадиган муносабатлардан келиб чиққан ҳолларда ҳам, мажбурият ва уни бажармаслик билан боғлиқ бўлади. Масалан, Фуқаролик кодексининг 228-230-моддаларига мувофиқ, мулкдор ўзганинг эгалигига ноқонуний ўтган ўзининг мол-мулкни, ундан олинган даромадларни қайтаришни талаб қилишга ҳақли. Бундай талаб қилиш ҳуқуқи ўз навбатида ноқонуний эгага нисбатан ҳам мажбурият вужудга келтиради ҳамда бундай мажбуриятни бажармаслик жавобгарликка олиб келади. Ёки ФКнинг 37-моддасига биноан, вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келганда, у ҳар қандай шахсдан ўзининг мол-мулкни қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади ва бу ҳуқуқ учинчи шахсларга нисбатан мажбурият вужудга келтиради ҳамда мажбуриятни бажармаслик жавобгарлик учун асос бўлади.¹

¹ Эгамбердиева Н. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. Монография. –Т., 2007. – Б.7.

Қарздор томонидан мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳисобланади. Бунинг учун умумий қоида сифатида фақат муайян асослар мавжуд бўлгандагина қарздорнинг, яъни мажбуриятни бузган шахснинг мулкӣ жавобгарликка тортилиши белгиланади.

Фуқаролик ҳуқуқида, одатда, мажбуриятни бузганлик учун қарздорнинг ёки зарар етказувчининг жавобгарликка тортилиши учун қуйидаги тўртта асос бўлиши кўрсатилган:

биринчидан, ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

иккинчидан, зарар етказилиши;

учинчидан, ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир бўлган зарар ўртасида сабабий боғланиш;

тўртинчидан, қарздорнинг ёки зарар етказувчининг айби мавжуд бўлиши.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, шартномадан ёхуд бошқа бир томонлама битимдан келиб чиқадиган мажбуриятларда унинг бажарилмаслиги бошқа шахсга ғайриқонуний равишда зарар етказиш барча ҳолларда ҳуқуққа хилоф ҳисобланади. Мазкур ҳолларда қарздор хатти-ҳаракатининг ҳуқуққа хилоф бўлишини белгилашда қандай шартлар мавжуд бўлганида мажбуриятни ижро этмаслик учун фуқаролик ҳуқуқӣ жавобгарликнинг белгиланишини аниқлаш зарур бўлади. Зарарлар ҳамма вақт ҳам қарздорнинг мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигидан келиб чиқавермайди. Баъзи ҳолларда мажбуриятнинг бажарилмаслиги натижасида, юқорида айтганимиздек, мулкӣ зарар бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо аксарият ҳолларда зарар жавобгарликни белгилаш учун зарур асос бўлади. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар баъзи ҳолларда қонун йўл қўйган ҳаракатлар натижасида ҳам етказилиши мумкин. Масалан, давлат, жамият ёки айрим фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонунӣ манфаатларини химоя қилишда етказилган зарар қонунӣ, ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракат бўлиб ҳисобланади.

Агар кредиторнинг талаблари зарарни ундиришга қаратилган бўлса у ҳолда, албатта, қуйидаги асослар: зарарнинг бўлиши, қарздорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан кредиторнинг кўрган зарари ўртасида сабабий боғланишлар бўлиши ва, ниҳоят, қарздорнинг айби бўлиши талаб этилади. Агар кредиторнинг талаби фақат неустойка, пеня, жаримани ундиришга қаратилган бўлса, қарздор фақат айби бўлгандагина мулкӣ жавобгарликка тортилади. Қарздорга мулкӣ жавобгарликни белгилашдан олдин, яъни кредиторга етказилган зарарнинг ундан ундирилишидан олдин суд ҳар бир аниқ ҳолатда, мазкур зарарлар қарздорнинг ўз мажбуриятларини бузишидан келган-келмаганлигини аниқлаши, яъни қарздорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан кредиторнинг кўрган зарари ўртасида сабабий боғланиш бўлиб-бўлмаслигини аниқлаши лозим. Масалан, агар темир йўл транспорти

корхонаси юк олувчига зарарланган юкни етказиб берса, суд кредиторга бундай зарарни ким етказганлигини, махсулот юборувчи ташкилотми, ёки темир йўл корхонаси томонидан етказилганлигини, бундай зарарнинг сифатсиз товар юборувчи ташкилотнинг айби, ҳуқуққа хилоф ҳаракати билан бўлиши-бўлмаганлигини ёки ташиш учун қабул қилинган юкнинг йўлда сақланишини таъминламаган темир йўл корхонасининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларидан бўлган-бўлмаганлигини аниқлаши лозим. ФКнинг 324-моддасида кўрсатилганидек, қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт. Бунда шартнома билан белгиланадиган мажбурият муносабатларида ҳам сабабий боғланиш муаммосини қўйиш ва ҳал қилиш зарурлиги келиб чиқади.

Юридик адабиётларда сабабий боғланиш тўғрисидаги масалани таҳлил қилишда аксарият мутахассислар қуйидаги илмий қоидаларга асосланадилар:

-табиатда ва жамиятда ҳар бир ҳодиса фақат атрофдаги бошқа ҳодисалар билан боғлиқ ҳолдагина олиб қаралиши мумкин. Ҳар бир ҳодисанинг келиб чиқиши атрофдаги ҳодисалар билан боғлиқ бўлиши, бир ҳодисанинг келиб чиқишига иккинчиси, шу билан бирга, бир ҳодисанинг ўзи бошқа бирмунча сабаблар туфайли содир бўлиши мумкин;

-табиат ва жамиятда сабабий боғланиш ҳодисалар ўртасидаги объектив равишда мавжуд бўлган боғлиқликдан иборат. Бундай боғланишлар кишилар томонидан ўрганилиб, амалиётда текширилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қоидаларга асосланиб, суд сабабий боғланиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда мазкур натижанинг, яъни, кредитор зарарлари содир бўлишида қарздорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги туфайли бўлган бошқа ҳолатлар ўртасида қандай роль ўйнаганлигини эътиборга олиши, ўзининг мулоҳазасида - мазкур ҳодисага субъектив равишда қилинган баҳосидан эмас, балки объектив равишда мавжуд бўлган қонуниятларга амал қилиши, ҳар бир конкрет ишни ҳал қилишда барча муҳим ҳолатларни ажратиб олиши лозим. Муайян бир натижага қатор сабабларнинг оқибати бўлиши мумкинлиги туфайли ҳар қандай ҳуқуққа хилоф ҳаракатсизлик, кредиторнинг зарар кўришига алоқаси бўлган қарздорнинг ҳар қандай ҳаракати ҳам ҳуқуқий аҳамиятга эга яъни, унинг учун жавобгарлик туғдирадиган ҳаракат бўлиш-бўлмаглиги масаласини ҳал қилишда роли бор. Қачонки натижа, яъни кредиторга зарар етказилиши қарздорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлигидан бевосита вужудга келганлиги маълум бўлса яъни, тўғридан-тўғри сабабий боғланиш мавжуд бўлса, у ҳолда масаланинг ҳал этилиши унча қийинчилик туғдирмайди.

Юқорида ёзилган назарий тушунчани қуйидагича изоҳлаш ўринлидир. Масалан, мебель фабрикасига қарашли юк киракаш автопарк

машинасида ташилишида ёнгин бўлиб, фабрикага мулкый зарар етказилади. Даъво ишининг судда кўрилишида автопарк ёнгин бўлишида айби йўқлигини исботлай олмади. Бинобарин, фабриканинг машинадаги ёнгин натижасида кўрган зарарини тўлашга автопарк мажбур қилинади. Мазкур ҳолда тўғридан-тўғри сабабий боғланиш мавжудлигини кўрамиз. Чунки бундай ҳолатда автопарк йўлга носоз машина чиқарганлиги ва шу билан унинг ҳаракати бепарволикнинг оқибати бўлиши муайян зарарли оқибат содир этилганлигига сабаб бўлади. Қарздорнинг ҳаракатлари муайян зарарли оқибатларнинг содир бўлишига сабаб бўлган-бўлмаганлигини белгилаш учун суд бундай ҳолатларнинг сабабий боғланишига таъсири бўлган-бўлмаганлигини белгилаши керак. Бундай мақсадда ҳар хил далиллардан фойдаланишга тўғри келади. Жумладан, далил тўплаш учун экспертиза тайинлашга, масалан, юк ташишдан келиб чиқадиган даъволар бўйича товарни текшириш экспертизаси тайинлашга, бажарилган ишларнинг сифати тўғрисидаги даъволар бўйича техникавий экспертизалар тайинлашга тўғри келади. Қарздорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан содир бўлган натижа ўртасидаги сабабий боғланиш қарздорнинг мажбуриятни бутунлай бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарликка тортилишига объектив асос бўлади. Шу билан бирга, қонун жавобгарликнинг субъектив асосини ҳам, яъни қарздорнинг айбини ҳам назарда тутаяди.

Мажбурият бажарилмаганлиги учун қарздорнинг жавобгарлигини белгилайдиган шарт сифатида қўриладиган айб қонунда назарда тутилган. Жумладан, ФКнинг 333-моддасида кўрсатилганидек, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки уни лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Агар мажбурият ҳар икки тарафнинг айби билан бажарилмаган бўлса, у ҳолда суд қарздорнинг жавобгарлигини тегишлича камайтиради.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, олинган мажбуриятларнинг ташкилотлар томонидан ҳам, фуқаролар томонидан ҳам лозим даражада бажарилиши учун барча моддий шарт-шароитлар мавжуд. Бунинг учун қарздордан ўз ижодий қобилиятлари ва иродасининг муайян даражада кучайтирилиши талаб этилади.

Мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун барча имкониятлардан фойдаланиш, мажбуриятларни бажаришда вужудга келиши мумкин бўлган қийинчиликларни йўқотиш учун ҳар икки тарафнинг – қарздор ва кредиторнинг ҳам маълум даражада ташаббус кўрсатиши, диққат билан иш қилиши, фаол ҳаракат қилишлари зарур. Барча субъектлар ўз мажбуриятларини бажаришлари учун ўзидаги мавжуд ички имкониятларни кидириб топиш ва улардан мумкин қадар тўлиқ фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштира

бориб, меҳнат унумдорлигини ошириш, ускуналардан, хом ашё ва материаллардан самарали фойдаланишда ғамхўрлик қилишлари лозим.

Агар қарздор ўз эркини, ижодиётини, кучини қасддан сафарбар қилмаганлиги ёки бунга бепарволик билан қараганлиги натижасида мажбурият бутунлай бажарилмаса ёки лозим даражада бажарилмаса, унинг айби бўлмаганлиги аниқланади ва бунинг учун у мулккий жавобгарликка тортилиши лозим бўлади. Шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан айб тўғрисида гапирар эканмиз, айб деб шахснинг мажбуриятини бажаришга талаб қилинган тарзда муносабатда бўлмаганлиги, қонун ва ахлоқ талабларига мувофиқ риоя қилмаганлиги ва натижада мажбуриятнинг бутунлай бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги тушунилади.

Фуқаролик ҳуқуқи фанида, айб қасд ёки эҳтиётсизлик (бепарволик) шаклида ифодаланади. Қасд шаклида айб бўлишида шахс мажбуриятни онгли равишда, агайин бажармайди ёки лозим даражада бажармайди. Фуқаролик муомаласида мажбуриятни бажаришга нисбатан бундай муносабатда бўлиш фақат айрим ҳоллардагина учрайди. Умумий қоида сифатида ташкилотлар ва фуқаролар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришга виждонан муносабатда бўладилар. Мажбуриятларнинг айрим турлари бўйича қасд шаклида айб қонунларда бевосита назарда тутилади. Ташкилотлар томонидан мажбуриятларнинг қасддан бажарилмаслиги уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий (мулккий) жавобгарликка тортилишига, баъзи ҳолларда мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарликка ҳам тортилишига сабаб бўлиши мумкин.

Юқорида айтганимиздек, мажбуриятлар бажарилмаслигининг навбатдаги шакли эса – бепарволикдир. Амалиёт бўйича таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, хўжалик судлари томонидан кўрилган ишларнинг салмоқли фоизи шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки кечиктиришга оиддир. Шу маънода хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш, шартномаларнинг ўз вақтида тузилиши ва бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан хўжалик судлари:

-хўжалик низоларини кўриш жараёнида жиноят аломатлари аниқланган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан жиноят йиш кўзгатиш;

-иқтисодий ҳуқуқбузарликни содир қилган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш;

-хўжалик юритувчи субъектларга етказилган мулккий зарарни айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан қоплаш;

-пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланмаганлик, тўлов интизомини бузганлик, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ва корхоналарни банкротлик даражасига олиб келганлик учун хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини ва бошқа ходимларини эгаллаб

турган лавозимидан озод этишга қадар бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга тақдимномалар киритиш ваколати берилди.

Бепарволикда қарздор мажбуриятни бажаришга интилмайди, ҳаракат қилмайди, бунинг учун барча куч ва қобилиятини етарли даражада сафарбар қилмайди, ишни бажаришда эътиборсизликка йўл қўяди. Бепарволик шаклидаги айб ҳам ФКнинг тегишли моддаларида нормаланган. Фуқаролик кодексида қўпол эътиётсизлик оддий эътиётсизлик, оддий бепарволикдан фаркланади. Қонун баъзи ҳолларда қарздорга жавобгарлик белгилаш учун оддий эътиётсизлик (бепарволик) эмас, балки қўпол эътиётсизлик бўлишини шарт қилиб қўяди. Эътиётсизликнинг қўпол эътиётсизликдан фарқи шундаки, олинган мажбуриятларни тегишли даражада бажаришда эътиборсизликнинг турли даражада бўлишидир. Қўпол эътиётсизлик мавжуд бўлганида қарздор ҳатти-ҳаракатидаги эътиборсизлик оддий эътиётсизликка нисбатан бирмунча қўпол бўлиб кўринади ёки турмуш ва ишбилармонлик қоидалари нуктаи назаридан қарасак, бундай қўпол эътиётсизликка нисбатан қаттиқроқ масъулият белгиланиши, жазо берилиши талаб этилади. Қарздор қўпол эътиётсизликка йўл қўйиши билан фуқаролик муомаласида бўлган талабларга атайин эътиборсизлик билан қарайди. Жумладан, омонатга олинган ашёлар ҳавонинг булутли вақтида очик жойда қолдирилиши туфайли ёмғир таъсирида зарарланса, бу ҳолат эътиётсизликка йўл қўйилган деб ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқи фанида эътиётсизлик шаклидаги айб содир қилинганлигини белгилаш бирмунча мураккаб ҳисобланади. Мажбуриятни бажаришга қаратилган муносабатларга баҳо беришда қарздорнинг индивидуал хусусиятларига ҳам қараш керак. Жумладан, фуқаронинг ақлий, жисмоний томонидан етарли даражада камолотга етмагани аниқланса, бундай шахсга нисбатан мулкий жавобгарликни белгиласлик масаласи қўйилади. Баъзи ҳолларда мазкур шароитларда ҳар бир киши ёки хўжалик корхонаси хизматчиси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ғамхўрлик чоралари кўрилган-кўрилмаганлигига қараб баҳо бериш масаласи туради. Шартнома юзасидан олинган мажбуриятларни бутунлай бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун қарздорга мулкий жавобгарлик юклаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда унинг тажрибасизлиги, маълум ишларни бажаришга қобилиятсизлигига қараб, маълум чекинишларга йўл қўйиш нотўғри бўлур эди. Судларга фуқаролик-ҳуқуқий характердаги низоларни ҳал қилишдаги барча ҳолларда юридик шахсларнинг айби тўғрисидаги масалани текширишга, таҳлил қилишга тўғри келади: Юридик шахснинг айби бўлиши-бўлмалиги тўғрисидаги масалани кўришда суд корхона, муассаса ёки ташкилот мазкур шароитларда мажбуриятни бажариш учун максимал даражада барча куч ва ташаббусни кўрсатган

кўрсатмаганлигини, бунинг учун бозор муносабатлари шароитида бўлган кенг имкониятлардан фойдаланган-фойдаланмаганлигини эътиборга олиш талаб этилади.

Агар юридик шахс мажбуриятни бажариш учун барча зарур чораларни кўрган бўлса-ю, мажбуриятни бутунлай ёки қисман бажара олмаса, масъулиятни белгилаш учун талаб этилган субъектив асос – айб бўлмаганлиги сабабли бундай ташкилот мажбуриятни бажармаганлиги учун мулкий жавобгарликдан озод қилинади. Мажбуриятни бажармасликда юридик шахснинг айби мазкур ташкилот органлари (вакиллари) ҳисобланган ва ўзларига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилган айрим шахсларнинг айби билан кўрилади. Ташкилотларнинг айби улар томонидан берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи вакилларининг, муайян хизмат вазифаларини бажарувчи ходимларининг айби билан белгиланади. Ташкилотларнинг айби юридик ҳаракатларда, масалан, вакил томонидан қонунга хилоф битимлар тузилишида, шунингдек, фактик ҳаракатларида; жумладан, ходимларнинг уста томонидан нотўғри ўргатилиши ёки уларнинг етарли даражада малакали бўлмасликлари туфайли сифатсиз маҳсулотлар тайёрланишида ҳам юзага келиши мумкин. Юридик шахс шартнома бўйича олинган мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мулкий жарима (санкция)ни тўлаганидан сўнг ўзи томонидан тўланган суммаларни регресс тартибида мажбуриятни бажармаганликда ёки лозим даражада бажармаганликда айбдор бўлган ходимлардан тўла ҳажмда ёки қисман ундириб олиши мумкин. Бундай ҳолларда муайян ходимнинг шахсий жавобгарлиги тўғрисида сўз кетади. Уларнинг жавобгарлиги фуқаролик ҳукуқи нормалари билангина тартибга солинмай, балки меҳнат ҳукуқи, маъмурий ҳуқуқ ва баъзи ҳолларда жиноят ҳукуқи нормалари билан ҳам тартибга солиниши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 202-моддаси 6-бандига асосан ходим корхона (муассаса, ташкилот) тижорат сирларини ошқор этганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади ва бунинг натижасида етказилган зарарни тўлаши лозим.

Юқорида айтганимиздек, фуқаролик ишларини ҳал қилишда ҳужалик суди шартнома интизомини қўпол тарзда бузишда айбдор бўлган шахсларни шахсий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани тегишли органлар олдига қўяди.

Кредитор қарздорнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги ҳуқуққа хилоф бўлишларини, яъни у томондан мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги фактини ва қарздорнинг айбли ҳаракати натижасида зарар кўрганлигини исботлаши лозим. Қарздор эса жавобгарликдан озод бўлиши учун ўз ҳаракатида айб йўқлигини исботлаши, яъни мажбуриятни лозим даражада бажариш учун барча зарур чораларни кўрганлигини тасдиқлайдиган фактларни келтириши лозим.

Қарздорнинг айбли деб фараз қилинишини қонун баъзи ҳолатларни эътиборга олиб белгилайди. Жумладан, жамиятда мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун барча шарт-шароитлар мавжудлиги, уларнинг бажарилмаслиги эса, одатда, қарздорнинг айби ҳаракати натижасида бўлишлиги, қарздорнинг айби бўлмаганида унинг далилларни етказиб келтириши кредиторга қараганда бир мунча енгил бўлишлиги эътиборга олинади. ФКнинг 333-моддаси фуқаролик қонунчилигининг асосий тамойилларидан бирини, яъни қонун ёхуд шартномада назарда тутилган истиснолардан ташқари ҳолларда, мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни белгилашда ҳуқуқни бузувчи ҳаракатларида айб бўлиши тамойилини белгилайди. Шартномали мажбуриятни бузишдаги айб, шунингдек, шартномасиз мажбуриятларда ҳам зарар етказувчининг айби деганда, ҳуқуққа хилоф ҳаракатни қилувчи шахснинг қасди ёки эҳтиётсизлиги тушунилади.

Аммо юқорида кўрсатилган қоида билан белгиланган айб қарздорда бўлишлиги фараз қилинади. Бинобарин, қарздор ўзига қўйилган айбни йўққа чиқаришга ҳаракат қилиши ва ўзининг айбсизлигини исботлаши керак. Қарздор томонидан мажбуриятнинг қасддан бузилиши ҳоллари суд амалиётида камдан-кам учрайди. Аммо баъзи ҳолларда мажбуриятни қасддан бузиш ҳоллари ҳам учраши мумкин. Масалан, ташкилот ўзи томонидан буюртма қилинган маҳсулотни қасддан қабул қилмаслик ҳоллари, сохта банкротлик ҳолатлари бўлиши мумкин. Мажбуриятларни бузишда юридик шахснинг айби тушунчаси баъзи хусусиятларга эга. Бундай айб масаласини қўришда суд айбли бўлган ташкилотни муайян бир бутун ташкилот, яъни юридик шахс сифатида назарда тутди. Бинобарин, агар мажбурият ташкилот ходимининг айби билан бажарилмаганида мажбуриятни бажармасликда ташкилот айбли бўлиб кўрилади. Баъзи ҳолларда суд ташкилотнинг мажбуриятни бажариш учун барча имкониятлардан фойдалангани ҳолда мажбурият бажарилмай қолганида уни айбли эмас деб топиши мумкин.

Айбнинг қасддан ёки эҳтиётсизликдан келиб чиқиши, шунингдек, эҳтиётсизлик даражаси, умумий қоида бўйича, қарздорнинг фуқаролик жавобгарлигини белгилаш учун аҳамиятли эмас, қайси шаклда бўлса ҳам қарздор ўз мажбуриятини бузишда айбли бўлса, бунинг натижасида келган зарарни, неустойкани тўлашга мажбур бўлади. Аммо баъзи ҳолларда қонун мажбуриятнинг қарздор томонидан фақат қасддан ёки қўпол эҳтиётсизлик натижасида бажарилмагани учунгина жавобгар бўлишини белгилайди. Бундан ташқари, қарздор айбининг шакли ва даражаси мажбурият фақат қарздорнинг айбли ҳаракатлари билангина эмас, балки кредитор айби билан ҳам боғлиқ бўлган ҳолларда ва ҳар икки тарафнинг айбини қарздорнинг жавобгарлиги ҳажмини белгилаш учун солиштириб кўриш зарур бўлган ҳолларда аҳамиятга эга бўлади.

Қонунчиликда назарда тутилганидек, умумий қоидадан истисно сифатида қарздорнинг баъзи ҳолларда мажбуриятларни бузганлиги учун жавобгарлигини айбнинг бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар белгилайди. Бундай ҳолларда, биринчи навбатда, бировнинг айби учун жавобгарлик белгилайдиган ФКнинг 334-моддасида кўрсатилган ҳоллар назарда тутилади. Булар жумласига мажбуриятни ўз айби билан бузмай, қарздорга нисбатан олган мажбуриятларини бузган шахсларнинг унинг бошқа қарздорлари айби билан бузилган мажбуриятлар учун жавобгарликни суд амалиётида маҳсулотлар тайёрловчи билан бирга, маҳсулот етказиб беришга мажбур бўлган ташкилотларнинг айбли ҳаракатлари натижасида, мажбурият бузилганида маҳсулот етказиб берувчи ташкилотларга юклаш ҳоллари учрайди. Шунингдек, маҳсулот ёки товар ишлаб чиқарувчи ташкилот ҳам маҳсулотнинг сифати унинг айбли ҳаракатларидан келиб чиқмай, балки унга хом ашё, материаллар ва бошқа нарсалар етказиб берган ташкилотларнинг айбли ҳаракатларидан келиб чиқганида ҳам жавобгар бўлади.

Агар қарздор бу ташкилотларнинг ҳаракатлари учун кредитор олдида жавобгар бўлмаганида, кредитор мажбуриятларнинг улар айби билан бузилганида, ҳеч қандай чора кўрмай қолган бўлар эди. Қарздор ўзини жавобгарликдан озод қилиш учун баъзи ҳолатларни, жумладан, биринчидан, ўзининг ҳаракатларида айб йўқлигини; иккинчидан, ўз мажбуриятларини бузган унинг қарздорлари ҳаракатларида ҳам айб йўқлигини исботлаши лозим. Баъзи ҳоллар учун қонун бирон-бир тарафнинг ҳаракатида айбнинг бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, жавобгарлик белгилайди. Бундай жавобгарликнинг белгиланиши тўғрисида шунини айтиш керакки, одатда, қарздорнинг жавобгарлиги унинг ҳаракатларида айб бўлишида белгиланади. Аммо баъзи ҳолларда қонун истисно сифатида қарздор томонидан мажбуриятларнинг бошқа учинчи шахслар айбли ҳаракати натижасида бажарилмагани учун ҳам жавобгар бўлишини белгилайди. Бундай жавобгарлик тўғрисида ФКнинг 334-моддасида кўрсатилишича, башарти қонун ҳужжатлари ёки шартномада бевосита ижрочи бўлган учинчи шахснинг жавобгарлиги белгилаб қўйилмаган бўлса, зиммасига мажбуриятни бажариш вазифаси юклатилган учинчи шахсларнинг мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қарздор жавобгар бўлади.

Мазкур ҳолларда қарздорнинг жавобгарлигини белгилаш учун қуйидаги шартлар, жумладан: қарздор мажбуриятини бошқа шахслар бажаришлари лозим бўлиши; бундай ҳаракатлар учинчи шахслар учун белгиланган қоидалар билан юклатилган бўлиши ёки бундай ҳаракатлар уларнинг қарздор билан тузилган шартномага асосан бажарилган бўлиши; ёки маъмурий жиҳатдан бўйсунушлик туфайли бажарилган бўлиши; мазкур шахсларнинг айби қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида кўрилган бўлиши лозим.

Амалда ушбу коида юкларнинг транзит тартибда юборилишида, қачонки, соғилган товарлар, бевосита олувчининг манзилига махсулот тайёрловчи томонидан юборилмай, балки учинчи бир ташкилот орқали унинг омборига туширилмай юборилишида қўлланилади.

Агар кредитор учинчи шахснинг айби билан махсулотни кечиктириб олса, махсулот юборувчи ташкилот, яъни махсулот тайёрловчининг топшириғи бўйича товарни юборувчи учинчи ташкилот эмас, балки қарздорнинг бевосита ўзи, яъни махсулот тайёрловчи ташкилот жавобгар бўлади.

Мажбуриятни бажармаган ёки уни лозим даражада бажармаганлиги учун қарздор, агар қонун ёки шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ўзининг айби бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, мулкий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бу ҳолда мулкий жавобгарликнинг белгиланиши ҳалқ хўжалиги манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиқларини ҳимоя қилиш мақсадларини кўзлайди. Масалан, автотранспорт билан юк ташиш юзасидан олинган шартномавий режали мажбуриятларни бажармаслик учун ҳар икки томон – юк юборувчи ҳам, автотранспорт ташкилоти ҳам ўзларининг айблари бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, мулкий жавобгарликка тортиладилар.

Автотранспорт билан юк ташиш тўғрисидаги махсус қонунларда юк ташиш режасини бажариш юзасидан олинган мажбуриятларни бажармаслик учун автотранспорт ташкилотини ва юк ташувчинини жавобгарликдан озод қилинадиган ҳолатлар ҳам кўрсатилади.

3-§. Қарздорнинг зарарни тўлаш мажбурияти

ФКнинг 324-моддасида қарздор мажбуриятни бутунлай бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шартлиги белгиланган. Қарздорнинг мажбуриятни бажармаслиги натижасида вужудга келган ва тўланиши лозим бўлган кредиторнинг харажатлари деганда, кредитор томонидан мазкур мажбурият юзасидан қилинган харажатлар ва қарздорнинг ўз вазифасини бажармаганлиги билан боғлиқ харажатлар тушунилади. Жумладан, махсулот етказиб берувчи томонидан махсулотнинг белгиланган муддатларда етказиб берилмаслиги туфайли махсулот олувчи корхонанинг фаолият кўрсатиб туриши вақтида қилинган харажатлар тўланиши лозим.

Мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган мулк шартнома шартларига мувофиқ келмаганда ва кредитор бундай ҳолларда мулкни қарздорга қайтариш ёки мажбур бўлганида кредитор зарарларининг ундирилишидан қатъи назар, мулк учун тўланган пул суммаларининг ўзига қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Кредитор қарздорнинг ўз вазифасини бажарганлиги туфайли йўқотган мулкнинг қийматини ёки мулкнинг зарарланиши натижасида унинг қиймати камайишидан келган суммаларнинг тўланишини талаб қилиши мумкин. Маълумки, бозор муносабатлари шароитида шартномавий нархлар амал қилади. Унинг асосий хусусияти шундан иборатки, баъзи ҳолларда мажбурият вужудга келган пайтдаги нарх билан зарарни ундириш вақтидаги баҳолар ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Қонунда ушбу ҳолатлар ҳам кўзда тутилади. ФКнинг 324-моддаси 2-қисми мазмунига кўра, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, бордию, талаб ихтиёрий қаноатлантирилмаган бўлса, даъво қўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади. Суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Кредитор томонидан олинмаган ва тўланилиши қарздордан талаб қилишга ҳақли бўлган даромадлар деганда, қарздор ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаганида кредиторнинг олиши мумкин бўлган даромадлар тушунилади. Бу айниқса, пул мажбуриятини бажармаганлик учун жавобгарлик белгилашда яққол намоён бўлади. ФКнинг 337-моддасига асосан бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак.

Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарз суд тартибида ундириб олинганда, суд кредиторнинг талабини даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Ушбу қоидалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиз миқдори белгиланмаган бўлса қўлланилади. Кредиторнинг пул маблағларидан қонунсиз фойдаланиш туфайли унга етказилган зарар юқорида кўрсатилган фоизлар суммасидан ошиб кетса, кредитор қарздордан зарарнинг бу суммадан ортиқча бўлган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақли. Ушбу модда билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалиқ суди Пленумининг қарорида ҳам тартибга солинган. Зарар кўрилганлигини исботлаш ва бундай зарарнинг қарздорнинг мажбуриятни бажармаслигидан келган бўлишини исботлаш, шунингдек, зарарнинг миқдорини ҳисоблаб кўрсатиш вазифаси зарарнинг ундирилиши тўғрисида талаб қўядиган кредиторга юклатилади.

Қонунда кредитор қарздордан йўқотилган ашёнинг қийматинигина талаб қилишга ҳақли бўлиб, мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилмаслиги натижасидан олинмай қолган даромадларни талаб қилишга ҳақли бўлмаслиги ҳоллари ҳам мавжуд. Қонун баъзи ҳолларда зарарларни тулаган қарздорнинг мажбуриятни асл ҳолида бажариш бурчини ҳам белгилайди. ФКнинг 330-моддасига асосан, башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбурият бажарилмаган тақдирда зарарни қоплаш ва унинг бажарилмаганлиги учун неустойка тулаш қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилади. Хусусий аломатлари билан белгиланган ашёни топшириш мажбуриятини бажармаслик оқибатлари ФКнинг 331-моддасида нормаланган.

Агар ашёни олувчилар эғалигига топшириш тўғрисида шартнома тузилмай, бу ашёни кредиторга фойдаланиш учун топшириш тўғрисида икки ёки бир неча шартнома кетма-кет тузилган бўлса, ашёнинг кредитордан бирига топширилиши, аввал шартнома тузган кредиторларнинг ҳуқуқини йўққа чиқаради. Агар ашё кредитор билан бирдек ҳуқуққа эга бўлган учинчи шахсга топширилган бўлса, бу ҳуқуқ, бекор бўлади. Бундай ҳолда аввал шартнома тузган кредитор қўрган зарарларнинг туланиши тўғрисида даъво кўзгаатишга ҳақли. Хусусий аломатлари билан белгиланган ашёни эғаликка ўтказиш ёки хўжалик юритишга, оператив бошқаришга ёхуд фойдаланиш учун топшириш тўғрисидаги кетма-кет тузилган икки ёки бир неча шартномалар бўлгани ҳолда ашёни ашё кредиторлардан ҳеч қайсисига топширилмаган бўлса, кредиторлардан қайси бири фойдасига илгари мажбурият вужудга келган бўлса, яъни ашёни топшириш тўғрисида ким билан аввал шартнома тузилган бўлса, шуниси устунлик ҳуқуқига эга бўлади.

Агар ишнинг вазиятлари бўйича мажбуриятларнинг қачон вужудга келганлиги, яъни шартнома ким билан аввал тузилганлигини белгилаш мумкин бўлмаса, ашёнинг топширилиши тўғрисида ким аввал даъво кўзгаатган бўлса, бу шахс имтиёзга эга бўлади.

Муайян ишни бажариш мажбуриятини бажармаслик оқибатлари 330-моддада белгиланганидек, мажбуриятни реал равишда, аслича бажарилишини таъминлашга қаратилади. ФКнинг мазкур нормаси қарздор томонидан мажбуриятнинг бажарилмаганида шартнома юзасидан бажарилиши лозим бўлган ишни, биринчи навбатда, ўзи бажариши ёки бажаришни бошқа шахсга топшириши ва мазкур ишни бажариш учун зарур харажатларнинг туланишини қарздор зиммасига қўйиш ҳуқуқини беради.

Фуқаролик процессуал қонунларда жавобгарни муайян ҳаракатлар қилишга мажбур этадиган даъволарнинг қилиниши ва бу тўғрида суд қарорининг чиқарилиши назарда тутилади. Мажбурият бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни бевосита қилишга мажбур этиш

мумкин бўлмаганлиги туфайли қонун, агар жавобгар қарорни белгиланган муддатда бажармаса, даъвогар бу ҳаракатларни жавобгар ҳисобидан ўзи бажаришга ва шу муносабат билан қилинган зарур харажатларни ундан ундиришга ҳақли эканлиги тўғрисида суд ўз қарориди кўрсатишга ҳақли бўлади, деб кўрсатма беради. Агар қонун ёки шартномада назарда тутилмаган бўлса, мажбуриятни бажармаган қарздор ҳисобига ишнинг кредитор томонидан бажарилишига ёки у билан тузилган шартнома бўйича бошқа шахс томонидан бажарилишига йўл қўйилмайди.

Агар қарздор, яъни жавобгар томонидан бажарилмаган ҳаракат фақат унинг томонидангина бажарилиши мумкин бўлса, бундай ҳаракатларни қилишга қарздорни мажбур этадиган қарорда суд қарори ижро этилиши муддати белгиланади, агар суд қарори белгиланган муддатда ижро этилмаса, жавобгарга қонунда кўрсатилган тартибда жарима солиниши мумкин. Баъзи ҳолларда ишни ижро этиш мумкин бўлмаганида, кредитор мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилмаслиги туфайли ўзига етказилган зарарнинг тўланишини талаб қила олади.

4-§. Қарздорнинг жавобгарликдан озод қилиниши асослари

Қарздорнинг мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги унинг айбисиз содир бўлганлиги ёки бундай ҳолат кредиторнинг айби билан боғлиқ бўлса, умумий қоида бўйича қарздор жавобгарликдан озод бўлади.

Қарздор томонидан мажбуриятнинг аниқ бажарилишига тўсқинлик қилган юқорида кўрсатилган юридик фактлардан бирининг бўлиши – мажбурият бажарилиши мумкин бўлмаслиги тушунчасини билдиради.

Оддий тасодифий ҳолат – юридик маънода мажбуриятнинг қарздор томонидан унинг ва кредиторнинг айби бўлмай туриб бажарилганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлигини содир қилган ҳолат ҳисобланади. Бундай ҳолатлар учинчи шахсларнинг, Жумладан, бошқа шахсларнинг ҳаракатлари билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, бегона бир шахснинг ҳаракатлари натижасида қарздор йўқлигида у томондан олди-сотди шартномаси бўйича кредиторга топширилиши лозим бўлган уйга ўт тушиб, ёниб кетишини кўрсатиш мумкин. Бозор муносабатлари шароитида гадбиркорликнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда тadbиркорлар учун муҳим кафолатни кўзда тутди. ФКнинг 333-моддаси 3-қисмига асосан башарти, қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлмаса, тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар

бўлади. Қайтариш мумкин бўлмаган куч сифатида шу мажбуриятда тарафлар бўлган шахс томонидан, унинг ихтиёридаги барча воситалар билан олдини олиш, қайтариш мумкин бўлмаган фавқулодда ҳодиса деб баҳоланади. Қайтариш мумкин бўлмаган куч оддий тасодифий ҳол каби мажбуриятни бажармасликда ёки лозим даражада бажармаганликда тарафларнинг айби бўлмаслиги ва мазкур аниқ ҳолатларда уни қайтариш мумкин бўлмаслиги билан характерланади. Шу билан бирга, мазкур ҳолат одатдан ташқари фавқулодда содир этилган бўлиши керак. Амалда бундай ҳолатларда табиий офат, масалан, сув тошқини, zilzila, кучли бўрон каби табиий офат ҳоллари тўғрисида сўз юритилади. Суд қарорларида мажбуриятни бутунлай бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан қарздорни озод қилишга асос бўладиган қайтариш мумкин бўлмаган куч ҳолатларини кўрсатиш камдан-кам учрайди.

Қайтариш мумкин бўлмаган кучни (zilzila, тошқин, ёнгин кабиларни) нисбий тушунча деб билиб, бундай ҳолатларни асос қилиб, жавобгарликдан озод қилиш-қилмаслик мазкур ҳолатларнинг қандай шароитларда, қандай жойда ва даврда содир бўлганлиги эътиборга олинади. Мажбуриятни бажаришга тўсқинлик қилган ҳолат ўзининг ички, ўзига хос хусусиятлари бўйича қайтариш мумкин бўлмаган куч сифатида кўрилмайдими, балки қатор шароит ва муайян ҳолатларнинг биргаликда келишига қараб белгиланади. Қайтариб бўлмайдиган куч таъсири натижасида зарар етказилганлиги исботланганда мулккий жавобгарликдан озод қилиш мумкин. Шу билан бирга, айрим ҳолларда қайтариб бўлмайдиган куч таъсирида етказилган зарарнинг тўланиши ҳам фуқаролик қончилигида назарда тутилган. Жумладан, ҳаво транспортдан фойдаланишда йўловчиларнинг кўрган зарарлари Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексида мувофиқ тўла равишда тўланади.

Қайтариб бўлмайдиган куч тушунчасини аниқлаш фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги масалани тўғри ҳал қилиш учун зарур. Чунки қарздор тасодифий ҳолат учун жавобгар бўлганлиги туфайли қайтариш мумкин бўлмаган куч мавжуд бўлганида, у жавобгарликдан озод қилинади. Жумладан, автотранспорт орқали юк юборувчи ва юк ташувчи ташкилот юк ташишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни тасодифий ҳолатлар сабабли бажармаганларида жавобгарликка тортилсалар, аммо табиий ҳодисалар содир бўлганда жавобгарликдан озод қилинадилар. Ёнгиб бўлмайдиган куч таъсирида мажбуриятни бажармаганлик учун қарздорни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётганда содир бўлсагина қўлланилади. Бинобарин, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларга нисбатан ФКнинг 333-моддасининг 3-қисми нормаси қўлланилмайди. Айни вақтда шунини таъкидлаб ўтиш ўринлики, тадбиркорлик фаолиятини

амалга ошириш билан боғлиқ бўлган мажбуриятнинг бажарилмаслиги қарздорнинг шартнома бўйича шериклари томонидан содир этилиб, бозорда мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг йўқлиги, қарздорда пул маблағлари бўлмаганлиги сабабли рўй берган ҳолларда улар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сифатида қаралмайди ва демак, қарздорни 333-модда 3-қисми билан жавобгарликдан озод этиш учун асос бўлмайди.

Кредиторнинг айбини ҳам аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. ФКнинг 335-моддасида айтилганидек, агар кредитор қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги юк беришига ёки бажармаслик туфайли етказилган зарар миқдорининг кўпайишига кўмаклашган бўлса, шунингдек, кредитор мажбуриятни бажармасликдан етказилган зарарни камайиш чораларини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли кўрмаган бўлса, суд ишнинг ҳолатларига қараб тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришга ёки кредиторга ҳақ тўлашни батамом рад этишга ҳақли. ФКнинг қондасида мажбуриятларнинг қарздор, шунингдек, кредитор ҳагги-ҳаракатлари туфайли бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги тўғрисида сўз боради. Бундай ҳолларда қарздорнинг жавобгарлиги ҳажми ҳам камайтирилиши мумкин.

Мазкур ҳолда суд ҳар икки тарафнинг айби даражасини белгилаши ва қарздорнинг жавобгарлиги миқдорини тегишлича камайтириши, кредитор кўрган зарарларни қисман тўлашига мажбур қилиши, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойка суммасини камайтириши лозим. Модомики, мажбуриятларни бажаришда ҳар икки тараф ўзи учун фойдали тежамли самарага эришишни кўзлаб ҳаракат қилар экан, кредитор ўз айби билан зарар камайиши учун чоралар кўрмаса, ўз мажбуриятини бажармаган ҳисобланади. Мажбуриятни бажармасликдаги айби кейинчалик мажбуриятни лозим даражада бажара олмаган қарздорнинг жавобгар бўлиш даражасини белгилашда эътиборга олинади.

Мажбуриятни бажармасликда ҳар икки тараф тенг даражада айбли бўлса, кўрилган зарар тарафлар ўртасида баб-баравар тақсимланиши зарарнинг фақат ярминигина тўлашга мажбур қилинади. Зарарнинг иккинчи ярми эса кредиторга тўланмай қолади. Аммо бундай жавобгарлик барча ҳолларда ҳам бир хил бўлмайди. Жумладан, суд қарорларида ҳар икки тарафнинг айбини таққослаб кўриб, тўланадиган зарар суммаси бирмунча камайтирилиши ҳоллари кўрилади. Баъзи ҳолларда қарздор мажбуриятни бажариш учун барча чораларни кўрса ҳам кредитор ўзининг ҳаракатсизлиги ва бепарволиги билан мажбуриятнинг бажарилишига тўсқинлик қилади. Бундай ҳолда суд қарздорнинг мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик жавобгарлигидан озод қилади.

5-§. Мажбуриятнинг қарздор ва кредитор томонидан кечиктирилиши оқибатлари

ФКнинг 337-339-моддалари мажбуриятнинг бажарилиши қарздор ёки кредитор томонидан кечиктирилгани учун жавобгарлик тўғрисидаги масалани тартибга соладиган қоидаларни белгилайди. Ижронинг қарздор томонидан кечиктирилиши деб, мажбуриятнинг у томонидан белгиланган муддатда бажарилмаслиги тушунилади.

Қарздор томонидан мажбуриятни кечиктириш содир бўлганида у кредитор олдида қуйидагилар учун жавоб беради:

кечиктириш орқали етказилган зарар учун, бу ҳолда мажбуриятнинг ўзи амал қилишда давом этади;

кечиктирилган давр ичида тасодифан мажбуриятни бажариш мумкин бўлмайдиган ҳолат вужудга келса (ФК 349-модда), бунда у кредиторга мажбуриятни бажармаслик сабабли етказилган зарарни тўлайди (ФК 324-модда). Масалан, ижара муддати тугаганидан кейин ижарачи ижарага берувчига мол-мулкни қайтариб бермади ва кейинчалик ушбу мол-мулк табиий офат туфайли нобуд бўлди. Бу ҳолатда мажбуриятнинг бажарилишини кечиктирган қарздор бундай кечиктириши натижасида кредиторга етказилган зарарни тўлашга мажбур бўлади. Мазкур зарарнинг тўланишини қарздорни ўз мажбуриятини асл ҳолида бажаришидан озод қилмайди.

Қарздор томонидан ижрони кечиктиришнинг бошқа бир оқибати шундаки, агар ана шу кечиктириш муддати ичида кредитор учун мажбуриятнинг бажарилиши аҳамиятини йўқотган бўлса, у ижрони қабул қилишдан бош тортиши мумкин. Кредитор бош тортганидан сўнг зарарни тўлаб беришни талаб қилиши мумкин (ФК 324-модда). Умумий қоидага кўра, кредитор мажбуриятнинг бажарилиши аҳамиятини йўқотганлигини исботлаши шарт эмас, акс ҳолда эса қарздордан исботлаш талаб этилади. Таъкидлаш жоизки, кредитор ўзининг ижрони қабул қилишдан бош тортиш ҳуқуқидан ижрони қабул қилиб олиш амалга оширилишидан аввал фойдаланиши мумкин, акс ҳолда у ушбу ҳуқуқдан маҳрум бўлади.¹

Агар мажбуриятнинг ижро этилиши кечиктирилган даврда мазкур мажбурият қарздорнинг айбидан қатъи назар, ижро этилиши мумкин бўлмаса ҳам, у ўз айби билан мажбуриятни ижро этмаганида қандай жавобгарликка тортиладиган бўлса, унга нисбатан худди шундай жавобгарлик белгиланади. Бундай ҳолларда жавобгарликни белгилаш учун қарздор томонидан кечиктирилиши асос қилиб олинади. Чунки қарздор сотилган нарсани ёки ижарага берилган ашёни ўз вақтида топширганида эди, ашё тасодифан нобуд бўлмаган бўлур эди, деб фараз қилинади.

¹ Раҳмонкулов Ҳ.Р. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд.-Т.: "Vektor-Press" 2010. –Б. 725.

Агар мажбуриятнинг бажарилиши қарздор томонидан кечиктирилганлиги туфайли унинг кейинчалик бажарилишига зарурат қолмаган бўлса, кредитор ФКнинг 337-моддаси 2-қисмида кўрсатилганидек, ижрони қабул қилишдан бош тортишга ва зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Кредиторнинг кечиктириши ҳам муҳим ҳуқуқий оқибатлар туғдиради. Фуқаролик қонунчилиги юқорида айтилганидек, мажбуриятнинг бажарилишида қарздорнинг ҳам, кредиторнинг ҳам манфаатлари бир бўлиши зарурлигини белгилайди. Модомики, тарафлар мажбуриятни бажаришда бир-бирига қўмаклашишлари лозим экан, кредитор ўзининг хатти-ҳаракати билан мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилишига тўсқинлик қилмаслиги, ижрони кечиктирмаслиги керак.

Кредиторнинг кечиктириши деганда, мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилишида тўсқинлик қилишга ёки бундай ижронинг қийинлаштирилишига қаратилган ҳаракат тушунилади. Бундай ҳаракатнинг оқибати учун кредитор мулкий жавобгар бўлиши, яъни бундай ҳаракатнинг мулкий оқибати кредиторнинг зиммасига қўйилиши керак. Кечиктиришнинг оқибатлари ФКнинг 338-моддасида кўрсатилган. Бу моддада кредиторнинг шартнома бўйича ўзига тегишли нарсани қабул қилишни кечиктириб юбориши туфайли етказилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқини бериши ва кейинчалик мажбуриятни ижро этиш мумкин бўлмай қолса, уни жавобгарликдан озод қилиш, қарздорнинг қасддан иш тутиши ёки қўпол эҳтиётсизлик қилиш ҳоллари бундан мустасно эканлиги, пул мажбурияти бўйича кредитор ижрони кечиктириб юборган вақт учун қарздор фоизлар тўлашга мажбур эмаслиги кўрсатилган. Кредиторнинг кечиктириши икки турдаги хатти-ҳаракатдан, биринчидан, кредитор ўзига қарздор томонидан лозим даражадаги ижрони қабул қилмасликдан, иккинчидан, қарздорнинг ўз мажбуриятини бажаришга қадар кредитор томонидан лозим бўлган ҳаракатнинг у томондан қилинмаганлигидан иборат бўлиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган ҳолатларни баъзи мисоллар билан гушунтирса бўлади. Жумладан, агар маҳсулот олувчи маҳсулотни топширишга тайёр эканлиги тўғрисида хабардор қилинган бўлсаю, уни белгиланган муддатда олиб кетмаса – мажбуриятни кечиктиришга йўл қўйган ҳисобланади. Кредитор ўзига юклатилган ҳақракатларни бажармаса ва бу ҳаракатни бажармасдан туриб қарздор мажбуриятини ижро эта олмайдиган ҳолларда ҳам кредитор кечиктирган ҳисобланади.

Кредитор мажбуриятни кечиктиришда ўз айби ёки ўзига қарашли шахсларнинг айби йўқлигини исботлай олмаса, мажбуриятнинг кечиктирилиши натижасида қарздорга етказилган зарарни тўлашга мажбур бўлади, Жумладан, белгиланган муддатда олиб кетилмаган маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни тўлаши шарт. Одатда, бундай ҳолларда неустойка (пеня, жарима) ундирилади.

Кредиторнинг кечиктириши кўпинча мажбуриятнинг бажармаслигида айбли бўлган қарздорнинг жавобгарлиги тўғрисида даъво кўзгатишганда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки бундай ҳолларда кредиторнинг айблилик даражаси эътиборга олиниб, қарздорнинг жавобгарлиги даражаси бирмунча камайтирилиши мумкин.

Агар кечиктириш кредиторнинг ўз айби ёки қонунга ёхуд кредиторнинг топшириғига биноан ижрони қабул қилиш юклатилган шахсларнинг қасди ёки кўпол эҳтиётсизлигидан эмаслигини кредитор исботласа, у кечиктириш жавобгарлигидан озод бўлади. Мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилишида у томондан берилган тилхат ёки ҳужжатини кредитор қарздорга қайтариб беришдан бош тортганда ҳам кредитор кечиктирган ҳисобланади.

Юқорида айтилганидек, кредитор мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилишида унга кўмаклашишга мажбур. Агар у ўзининг бундай мажбуриятини бажармаса, оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. Кредиторнинг мажбуриятни кечиктириш оқибатлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

биринчидан, мажбуриятнинг кечиктирилиши натижасида қарздорга етказилган зарарни тўлайди; масалан, қарздор мажбуриятини бажариш юзасидан керакли маҳсулотларни ўз вақтида етказган бўлса-ю, кредитор бўш омбор биносининг бўлмаслигини баҳона қилиб, маҳсулотни қабул қилишдан бош тортса, қарздор маҳсулотнинг ташилиши ва сақланиши билан боғлиқ ошқоча харажатлардан келган зарарларни кредитордан ундиришга ҳақли. Бу ҳолда кредитор бундай кечиктиришнинг ўз қасди ёки эҳтиётсизлиги билан боғлиқ бўлмаганлигини ёки бундай кечиктиришда қонун ёхуд кредиторнинг топшириғи бўйича мажбуриятни бажаришни ўз зиммасига олган бошқа шахсларнинг қасди ёки эҳтиётсизлигидан келмаганлигини исботласа, қарздор кўрган зарарларни тўлашдан озод қилинади;

иккинчидан, кредиторнинг кечиктириш вақти учун қарздор пул мажбуриятлари бўйича фоизлар тўламайди;

учинчидан, агар кредитор қарздорга унинг берган тилхатини ёки бошқа қарз ҳужжатини қайтаришдан, ёхуд тилхатда қарз ҳужжатининг қайтарилиши мумкин бўлмаслигини кўрсатишдан бош тортса, қарздор ижро этишни тўхтатишга ҳақли.

Бажариш мумкин бўлмаслиги тушунчаси ҳам маълум аҳамиятга эга. Бажариш мумкин бўлмаслиги, юқорида айтиб ўтилганидек, мажбуриятнинг реал тарзда, яъни асл ҳолатда бажариш мумкин бўлмаслигини билдиради. Бажариш мумкин бўлмаслиги тўғрисидаги масала ҳар бир муайян ҳолатда суд томонидан мазкур ишнинг хусусиятлари эътиборга олиниб ҳал этилади.

Қарздордан мажбуриятнинг реал тарзда бажарилишини, баъзи ҳолларда ва баъзи асослар бўйича талаб қилиш мумкин бўлмайди. Бунга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Мажбуриятнинг аслича бажарилиши мумкин бўлмаслиги, яъни, мажбурият нарчаси хусусий аломатлари билан белгиланган ашё бўлиб, уни аслича топшириш мумкин бўлмаган ҳолатларнинг мавжудлиги ёки бирон-бир ҳолатнинг содир бўлиши сабабли қарздор мажбуриятини маълум бир жойда бажара олмаслиги;

2. Мажбуриятнинг ҳуқуқий жиҳатдан бажарилиши мумкин бўлмаслиги, яъни баъзи ҳолларда мажбуриятнинг бажарилиши бундай мажбурият вужудга келгандан сўнг қабул қилинган қонун ҳужжатларига хилоф келадиган бўлса, мажбурият бажарилмаслиги мумкин.

3. Баъзи ҳолларда мажбуриятнинг реал бажарилиши ниҳоятда қийин бўлиши мумкин. Масалан, шартнома бўйича бирон-бир мажбуриятни шахсан бажаришга мажбур қарздорнинг каттиқ бетоб бўлиб қолишини кўрсатиш мумкин. Мажбуриятнинг бажарилиши мумкин бўлмаслиги қарздорни кредитор олдида бўлган жавобгарликдан озод қилмайди.

4. Агар ашёларнинг нобуд бўлиши қарздорнинг мазкур ашёларга бепарволик билан, эҳтиётсизлик муомаласи туфайли бўлса, кредиторга етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Назорат учун саволлар

1. Мажбуриятнинг бузилиши тушунчасига таъриф беринг?
2. Мажбуриятларни бажармаслик ва лозим даражада бажармаслик тушунчаларига изоҳ беринг?
3. Мажбуриятларни бузганлик учун қандай фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қўлланилади?
4. Мажбуриятлар бўйича жавобгарлик ҳажмини чеклаш мумкинми?
5. Фуқаролик ҳуқуқбузарлик таркиби нималардан иборат?
6. Учинчи шахсларнинг ҳаракатлари учун қарздорнинг жавобгарлиги қонунчиликда қандай ҳал этилган?
7. Пул мажбуриятини бажармаганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган?
8. Субсидиар жавобгарлик нима?
9. Мажбуриятнинг бажарилиши мумкин бўлмаслиги қарздорни нималардан озод этмайди?
10. Ижронинг кечиктириб юборилганлиги учун кредиторни жавобгарликдан озод қилишга йўл қўйиладими?

XXVI БОБ. МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БЕКОР БЎЛИШИ

1-§. Мажбуриятларни бекор бўлиш тушунчаси

Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат каби мажбурият ҳам муайян асослар, яъни, муайян юридик фактлар мавжуд бўлган вақтда бекор бўлади. Мажбуриятнинг бекор бўлиши деганда вужудга келган юридик факт туфайли мажбурият иштирокчилари ҳуқуқ ва бурчларининг бекор бўлиши тушунилади.¹ Мажбурият фуқаролик кодексига, бошқа қонунларда ёки шартномада назарда тутилган асосларга кўра тулик ёки қисман бекор бўлади. Мажбуриятни тарафлардан бирининг талаби билан бекор қилишга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади (ФК, 340-модда).

Амалдаги қонунчиликка кўра, мажбурият қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

1. Мажбуриятнинг бажарилиши билан;
2. Воз кечиш ҳақини бериш билан;
3. Ҳисобга ўтказиш билан;
4. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан;
5. Қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолиши билан;
6. Мажбурият янгиланиши билан;
7. Қарздан воз кечиш билан;
8. Бажариш мумкин бўлмаганлиги туфайли;
9. Давлат органи ҳужжати асосида;
10. Фуқаронинг вафот этиши билан;
11. Юридик шахс тугатилиши билан.

Юқорида кўрсатилган умумий асослардан ташқари мажбуриятларни бекор қиладиган баъзи бир асослар уларнинг айрим турларини тартибга соладиган тегишли бобларда назарда тутилган. Жумладан, мулкни ижарага олувчи шартномани истаган вақтида бир томонлама бекор қила олиши мумкинлиги кўрсатилади.

2-§. Мажбуриятларнинг бажарилиши билан бекор бўлиши

Мажбурият қоида тарикасида унинг лозим даражада бажарилиши билан бекор бўлади. Мажбуриятлар бекор бўлишининг энг кўп тарқалган усулларидан бири мажбуриятни тегишли равишда ижро этилишидир. Мажбуриятларнинг бекор бўлиши учун бажариш тегишли равишда амалга оширилмаса, мажбуриятни бекор қилмай, балки уни бузганлик учун мулкий жавобгарлик белгиланади, баъзи ҳолларда мажбуриятни реал равишда

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. -Т.: ТДЮИ, 2009. 565 бет.

бажариш вазифаси ҳам сақланиб қолади. Айрим мажбуриятлар тегишли равишда бажарилиши билан бекор бўлади, шу билан бирга, мажбуриятни талаб даражасида бажарган шахсга шу шартномани қайта тиклашда имтиёзли ҳуқуқ берилади. Масалан, бирор мулкни ижарага олган шахс ўз зиммасига олган мажбуриятини, талаб даражасида бажарса, шу мулкни ижарага олиш учун янги шартнома тузишда бошқа шахсларга нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади. Кредитор ижрони қабул қила туриб, қарздорнинг талаби бўйича унга ижронинг тўла ёки қисман қабул қилинганлиги тўғрисида тилхат беришга мажбур. Агар қарздор мажбуриятни тасдиқлаш юзасидан кредиторга қарз ҳужжати берган бўлса, кредитор ижрони қабул қила туриб бу ҳужжатни қайтариши, агар уни қайтариш мумкин бўлмаса, бу тўғрида ўзи берган тилхатда кўрсатиши лозим. Тилхат қайтарилаётган қарз ҳужжатига устхат ёзиш билан ҳам алмаштирилиши мумкин.

Мажбуриятнинг бажарилганлигини исботловчи бошқа ҳужжатлар ҳам бўлиши мумкин. Сотилган ашёларни олувчига жўнатиш учун транспорт ташкилотига топширилиши ёки олувчига юбориш учун алоқа бўлимига берилиши тўғрисидаги ҳужжат шулар сирасига киради. Қарз ҳужжатининг қарздор қўлида бўлиши, бошқа бир ҳол исботланмагунча, мажбуриятнинг бекор бўлганлигини тасдиқлайди. Кредитор тилхат беришдан, қарз ҳужжатини қайтаришдан ёки қайтариб бериш имконияти йўқлигини тилхатда кўрсатишдан бош тортган тақдирда, қарздор ижрони тўхтатиб туришга ҳақли бўлади. Бундай ҳолларда кредитор муддатни кечиктирган ҳисобланади (ФК, 258-модда).

Қарз ҳужжатининг қайтарилиши ёки уни қайтариш мумкин бўлмаганлиги тўғрисидаги тилхат ўрнига берилган ҳужжат устига ижронинг қабул қилинганлиги ҳақида ёзиб бериши мажбуриятнинг ижро этилганлигини исботлаш ҳужжатларидан бири ҳисобланади. Қарз ҳужжати (тилхат) қарздор томонидан кредиторга берилади. Бундай ҳужжат билан кўпинча маиший пудрат шартномаларидан келиб чиққан мажбуриятлар гувоҳдантирилади. Қарз ҳужжати кредитор қўлида бўлиши мажбуриятнинг мавжудлигини исботловчи далил ҳисобланади ва унга мажбуриятнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини, масалан, қарз пулининг тўланишини, буюртма қилинган нарсанинг берилишини талаб қилиш ҳуқуқини беради. Кредитор мажбуриятнинг ижросини қабул қила туриб, қарздорга қарз ҳужжатини қайтаришга мажбур. Қарздор эса мажбуриятнинг бажарилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатни ўзига берилишини кредитордан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Айрим ҳолларда мажбуриятнинг бажарилганлиги тўғрисида кредитордан алоҳида ҳужжат олмай, балки қарздорнинг тилхати устига мажбуриятнинг бажарилганлигини, масалан, қарз пулининг бугунлай ёки қисман олинганлигини ёзиш мумкин. Ўз харақтерига кўра қарз ҳужжати то мажбурият тегишли суратда бажарилгунга қадар кредиторда бўлиши

керак. Қарз ҳужжатининг қарздорга қайтарилиши мажбуриятнинг бажарилганлигини билдиради. Шунинг учун қарз ҳужжатининг қарздор қўлида бўлиши бошқа бир ҳол исботланмагунча, мажбуриятнинг бажарилганлигини ва шу билан унинг бекор бўлганлигини тасдиқлайди.

Башарти кредитор йўқ бўлса ёки у ижрони қабул қилишдан бош тортса, ёхуд бошқа сабабларга кўра қабул қилиш муддатини ўтказиб юборса, шунингдек, муомала лаёқатига эга бўлмаса ёки муомала лаёқати чекланган бўлса, ижрони қабул қилишга рози бўлган вакил қоғозни нотариал идоранинг депозитига қўйиши мумкин. Бундай ҳолларда пулни ёки қимматли қоғозни кредитор номига нотариал идоранинг депозитга қўйиши, мажбуриятни лозим даражада бажариш бўлиб ҳисобланади.

Юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда мажбуриятнинг бажарилиши тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Юборилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўланган суммани тасдиқлайдиган счётлар ёки квитанциялар ана шундай ҳужжатлар ҳисобланади.¹ Улар ташкилотлар маблағлари ҳисобидан пул тўловлари ва бошқа харажатларнинг тўғри сарфланганлигини тасдиқлаш ҳамда тегишли назорат олиб бориш имконини беради.

3-§. Воз кечиш ҳақини бериш ва мажбуриятларнинг ҳисобга ўтказиш йўли билан бекор бўлиши

Мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг келишувига мувофиқ мажбурият уни бажариш ўрнига воз кечиш ҳақини бериш (пул тўлаш, мол-мулк бериш ва шу қабилар) билан бекор қилиниши мумкин. Воз кечиш ҳақининг миқдори, муддатлари ва уни бериш тартибини тарафлар белгилайдилар.

Ҳисобга ўтказиш – бу мажбуриятни бекор қиладиган шундай усулки, бунинг воситасида муддати тўлган ёки қисман муддати кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш пайти билан белгиланган муқобил ўхшаш талаб ҳисобга ўтказилиши билан мажбурият тўлиқ ёки қисман бекор бўлади (ФКнинг 343-моддаси, жумладан, ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан шартнома тузишда у тўлаган закат суммаси тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришда ҳисобга ўтказилади).

Ҳисобга ўтказиш ўз-ўзича автоматик равишда амалга оширилмайди. Фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳисобга ўтказиш бир томонлама битим бўлиб кўрингани туфайли бунга бир томоннинг ҳисоблашиш тўғрисидаги аризаси кифоя қилади.

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. 1 қисм. Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. –Т.: ТДЮИ, 2009. 568 бет.

Ҳисобга ўтказиш мажбуриятларнинг бажарилишини осонлаштиради, чунки бу усул тарафларни бир-бирларига пул тўлаш билан бўлган ошиқча ҳаракатларни қилишдан озод қилади ва ҳар икки кредиторнинг манфаатларини яхши таъминлайди.

Муқобил (қарши) талабни ҳисобга ўтказиш фуқаролар иштирок этган муносабатларда ҳам, ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда ҳам қўлланилади. Ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга муқобил (қарши) талабни ҳисобга ўтказиш, банк орқали ҳисоблашиш шаклида амалга оширилади. Банк ташкилотлар ихтиёридаги пул маблағларининг айланишини тезлатиш мақсадида нақд пулсиз ўзаро ҳисоблашишни амалга оширади. Банк орқали ҳисобга ўтказиш ФКнинг тегишли моддаларидан ташқари ваколатли органлар томонидан чиқарилган махсус ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади. Қонун муқобил (қарши) талаб ҳисоби йўли билан мажбуриятларнинг бекор бўлиши учун қуйидаги уч талабни қўяди:

1. Мажбуриятлар қайтарма бўлиши, яъни кредиторлар бир-бирига нисбатан қарздор бўлиши керак. Масалан, ижарага олувчи ижарага берувчига ижара ҳақи учун 600.000 минг сўм тўлаши керак бўлса, ижарага берувчи ундан 600.000 минг сўм қарз бўлса муқобил талаб ҳисобидир;

2. Қарама-қарши талаб бир хилда, талаб қилинадиган нарсанинг аломатлари ҳам шу турда бўлиши керак. Масалан, пулга пул, бугдойга бугдой каби. Агар қарама-қарши талабнинг нарсаси бир хилда бўлмаса, ўзаро муқобил талабни ҳисобга ўтказиш мумкин эмас. Масалан, бир томон бир ашё юзасидан виндикацион даъво қўзғатса, иккинчи томон эса шартнома бўйича кўрсатилган хизматни талаб қилса, бундай талаблар ўзаро қарши талабни ҳисобга ўтказиш йўли билан бекор бўлмайди, яъни муқобил (қарши) талабни ҳисобга ўтказиш йўли билан ҳисоблашиш мумкин эмас, бир хилдаги қарама-қарши талабни ҳисобга ўтказишда уларни бажариш муддатлари тўлган бўлиши керак. Агар бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиш пайти билан белгиланган бўлса, мажбуриятни бажаришнинг ҳисобланиши ҳар қачон талаб этилиши мумкин. Шунинг учун бундай талабни ўзаро ҳисобга ўтказишда бажариш муддати аҳамиятсиздир. Бироқ, кредитор бажариш муддати тўлмаган талабини шу кредитордан талаб қилиш муддати тўлган қарздорнинг талабига қарши ўзаро ҳисобга ўтказишга ҳақли эмас.

Муқобил (қарши) талабларни ҳисобга ўтказишга қўйилмайдиган ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланганидек:

-даъво муддати ўтган талабларни (даъво муддатининг ўтиб кетиши талаб қилиш ҳуқуқини йўқотади);

-фуқаронинг соғлиғига шикаст етказиш ёки унинг вафоти муносабати билан етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги талабини;

-алиментлар ундириш ҳақидаги талабни;

-умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни (квартирани) бошқа шахсга топшириш талабини (меҳнатга қобилиятсиз шахсларни моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида бўлганлиги туфайли);

-қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактация шартномалари бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонларнинг мулкий жавобгарлиги;

-қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳоллардаги талабни ҳисобга ўтказишга йўл қўйилмайди.

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечилган тақдирда қарздор ўзининг дастлабки кредиторига муқобил талабни янги кредиторнинг талабига қарши ҳисобга ўтказишга ҳақли.

Агар талаб қарздор бу талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечилгани тўғрисидаги билдиришни олган пайтгача мавжуд бўлган асосга кўра вужудга келган бўлса ва талаб қилиш муддати ана шу билдириш олгунча келган бўлса ёки ушбу муддат кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш пайти билан белгиланган бўлса, ҳисобга олиш амалга оширилади (ФК, 345-модда).

4-§. Мажбуриятлар бекор бўлишининг айрим турлари

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ва қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолганида мажбуриятнинг бекор бўлиши. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечилган тақдирда қарздор ўзининг дастлабки кредиторга муқобил талабини янги кредиторнинг талабига қарши ҳисобга ўтказишга ҳақли (ФК, 345-модда).

Агар талаб қарздор бу талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечилгани тўғрисидаги билдиришни олган пайтгача мавжуд бўлган асосга кўра вужудга келган бўлса ва талаб қилиш муддати ана шу билдириш олингунча келган бўлса ёки ушбу муддат кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш пайти билан белгиланган бўлса, ҳисобга олиш амалга оширилади.

Қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолганида мажбурият бекор бўлади (ФК, 346-модда). Маълумки, ҳар қандай шахс ўзига ўзи ҳам қарздор, ҳам кредитор бўлиши мумкин эмас. Бундай кредитор ва қарздорнинг бир шахс бўлиб қолиши кўпинча мерос олишда учрайди. Масалан, мерос олувчи шахс ўз акаси ёки отасига қарздор бўлса, кейинчалик мерос очилиши натижасида кредиторнинг (марҳум ака ёки отанинг) талаб қилиш ҳуқуқларини ўзига олади. Қарздор билан кредиторнинг бир шахс бўлиб қолиши фуқаролар ўртасидагина эмас, балки юридик шахслар ўртасида ҳам юз бериши мумкин. Одатда, юридик шахслар қайта ташкил бўлиши ёки бир нечаси қўшилиши туфайли (универсал ҳуқуқий ворислик) қарздор ва кредитор бўлган ташкилотлар бир юридик шахс бўлиб қолиши мажбуриятни бекор қилади. Агар бунда қўшилиш кейинчалик бекор бўлса, мажбурият янгидан пайдо бўлади. Жумладан, бир-бирига қарздор

бўлган икки хўжалик қўшила туриб, кейинчалик яна ажралсалар аввалги қарздор хўжаликларнинг мажбурияти янгидан пайдо бўлади.

Мажбурият янгиланиши билан ва қарздорни қарздан воз кечиши бўйича мажбуриятнинг бекор бўлиши. Тарафларнинг келишувига мувофиқ мажбуриятларнинг бекор қилинишида бундай келишув бажарилмаган мажбуриятларни келгусида бажаришдан озод қилишга қаратилган бўлади ва ҳар икки тараф мажбуриятни бажаришга ҳали киришмаган вақтда ёки мажбуриятнинг бир қисми бажарилган пайтда юз беради. Тарафларнинг келишувлари турлича озмунда, жумладан, қарзни тўлашдан ёки бирон-бир ишни бажаришдан озод қилиш тўғрисида бўлиши мумкин. ФКнинг 342-моддасига асосан тарафларнинг келишувига мувофиқ мажбурият уни бажариш ўрнига воз кечиш ҳақини бериш (пул тўлаш, мол-мулк бериш каби) билан бекор қилиниши мумкин. Воз кечиш ҳақининг миқдори, муддатлари ва уни бериш тартибини тарафлар белгилайдилар.

Кредиторнинг қарздан воз кечиши ҳам мажбуриятнинг бекор бўлишига олиб келади. Бу бир тарафлама битим бўлиб, унда тарафларнинг келишуви рўй бермайди. Бирок, бунда кредиторнинг қарздан воз кечиши бошқа шахсларнинг кредитор мол-мулкига нисбатан ҳуқуқларини бузмаса, мажбурият бекор бўлади (ФК, 348-модда).

ФКнинг 347-моддасида кўрсатилганидек, тарафлар ўз ўрталаридаги дастлабки мажбуриятни бошқа нарсани ёки бошқача ижро этиш усулини назарда тутувчи янги мажбурият билан алмаштириш (мажбуриятни янгилаш) ҳақида келишиб олсалар, мажбурият бекор бўлади. Жумладан, бирон-бир нарса насияга олинганида олди-сотди шартномасидан келиб чиққан мажбурият тарафларнинг келишуви билан қарз мажбуриятига айлантирилади. Бундай ҳолда тарафлар ўртасида қарз шартномаси билан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабат келиб чиқади.

Бир мажбуриятнинг бошқа бир мажбурият билан алмаштирилиши учун катор шартлар талаб қилинади. Бунда, биринчидан, тарафлар ўртасидаги бир мажбуриятни бекор қилиш учун бошқа турдаги мажбурият билан алмаштириш ҳақидаги келишув бўлиши; иккинчидан, ҳаракатда бўлган, ҳақиқий мажбуриятнинг бўлиши (агар дастлабки мажбурият ҳақиқий бўлмаса ёки бекор қилинган бўлса, у ҳолда мажбуриятни бошқа бир мажбурият билан алмаштириш тўғрисида келишув ҳам бўлиши мумкин эмас); учинчидан, янги мажбурият ҳақиқий бўлиши ва эски мажбуриятдан бирон-бир фарқи бўлиши керак.

Тарафларнинг бир турдаги мажбуриятни бошқа бир турдаги мажбурият билан алмаштириш тўғрисидаги келишуви шартнома сифатида кўрсатилганлиги туфайли келишув ҳам шартномаларни тузишга оид умумий қоидаларга мувофиқ бўлиши лозим

Дастлабки мажбуриятнинг янги мажбурият билан алмаштирилишида дастлабки мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун белгиланган кафолат, закалат ва бошқа усуллар ҳам бекор бўлади.

Мажбуриятларнинг келишув йўли билан бекор қилиниши ФКнинг 102-112-моддаларига риоя қилинган ҳолда расмийлаштирилиши лозим. Ташкилотлар ўртасидаги мажбуриятларнинг келишуви фақат ёзма шаклдагина бекор қилиниши мумкин.

Бажариш мумкин бўлмаганлиги туфайли мажбуриятнинг бекор бўлиши. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги деб шундай вазият тушуниладики, бунда қарздорга мажбурият мазмунини ташкил этган ҳаракатларни бажариш имконияти бўлмай қолади. ФКнинг 349-моддасида кўрсатилишича, агар тарафлардан биронтаси ҳам жавоб бермайдиган вазият туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмай қолса, у бекор бўлади. Башарти, қарздор мажбуриятни кредиторнинг айбли ҳаракатлари туфайли бажариши мумкин бўлмаса, кредитор ўзининг мажбурият бўйича бажарганларини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмас.

Бажариш мумкин бўлмаслик тасодифий ҳолатлар туфайли бўлишини бировнинг айби билан боғлиқ бўлиши ҳолатидан ажратиш керак. Тасодифий ҳолат туфайли бажариш мумкин бўлмаслиги деб мазкур шароитда, вазиятда қайтара олмайдиган куч, жумладан, сув тошқини, зилзила, ёнғин каби табиий офатлар туфайли бажариш мумкин бўлмаслиги тушунилади.

Бажаришининг мумкин бўлмай қолиши қарздор айби билан бўлган деб ҳисоблаш учун бажариш имкониятини бермаган ҳолатлар қарздор қасддан ёки эҳтиётсизликдан йўл қўйган бўлиши ёхуд унинг олдини олмаган бўлиши керак. Агар бажаришга имконият бермайдиган ҳолатлар қарздорнинг айби билан содир этилган бўлса, у ҳолда қарздор мажбуриятни бажаришдан озод бўлмайди, бундай ҳолда мажбурият бекор бўлмай ўз кучида қолиб, фақат унинг мазмуни юз берган ҳолатга қараб ўзгариши мумкин. Қарздорнинг ўз айби билан ижро этиб бўлмайдиган ҳолат содир қилинган бўлса, мажбурият бажарилмаслиги учун неустойка ёки зарарни тўлаш бурчидан озод қилинмайди, қонун мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги фактларини турларга бўлиб кўрсатмайди. Мажбуриятни бажариб бўлмаслиги фактлари ўз характерида кўра бир неча турга, жумладан, жисмий, ҳуқуқий ва иқтисодий фактларга бўлинади. Жисмий жиҳатдан бажариб бўлмаслик деганда, бажарилиши лозим бўлган мажбурият нарсасининг нобуд бўлиши натижасида бажариш мумкин бўлмаслиги тушунилади. Масалан, ижарага берилган бинонинг ёнғин туфайли яроқсиз бўлиб қолганлиги сабабли мажбурият нарсасини бериб бўлмайди.

Ҳуқуқий жиҳатдан бажариб бўлмаслик деганда, мажбурият мазмунини ташкил этган ҳаракатни қилишни ваколатли орган томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжат билан ман қилиниши тушунилади. Масалан, дори тайёрлаш заводи дори етказиб бериш мажбуриятини олса, лекин тайёрланган дорининг зарарли хусусияти маълум бўлиб қолиб, ваколатли

орган фуқаролик муомаласидан чиқариш тўғрисида буйруқ берса, ҳуқуқий асос бўйича бажариб бўлмайдиган ҳолат рўй берали.

Иқтисодий жиҳатдан бажариб бўлмаслиги шу билан характерланадики, қарздор мажбуриятни бажариш жараёнида ошиқча харажатлар қилиши лозим бўлса, бундай харажатлар туфайли халқ хўжалигига зарар етказилиши сабабли бажарилмаслиги мумкин.

Бундан ташқари, мажбуриятни бутунлай ёки қисман, шунингдек, муттасил ва вақтинча бажариб бўлмасликни бир-биридан фарқ қилмоқ керак. Қисман ижро этиб бўлмаслик, масалан, шартномага асосан топшириладиган бир неча ашёнинг бири ёки бир нечасининг бузилишидан келиб чиқиши мумкин. Бутунлай ижро этиб бўлмаслик эса, топширилиши лозим бўлган мулкнинг тасодифий ҳолат сабабли истёмолга яроқсиз бўлиб қолиши тушунилади. Вақтинча бажариб бўлмасликка ваколатли орган томонидан берилган буйруққа асосан мажбурият бажарилиши кечиктирилишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Вақтинча ижро этиб бўлмасликда мажбурият бутунлай бекор қилинмай, балки бажарилиши вақтинча тўхтатилиб турилади. Муттасил ижро этиб бўлмасликда бирон тасодифий ҳолат туфайли мажбуриятни ҳеч қачон бажариш мумкин бўлмайди. Масалан, ёнғин туфайли вайрон бўлган муайян бинони ижарага бериш мажбурияти муттасил, ҳеч қачон бажарилмаслиги мумкин.

Мажбуриятнинг давлат органи хужжати асосида бекор бўлиши. Фуқаролик кодексининг 350-моддасига асосан агар давлат органининг хужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади. Масалан, Ўзбекистондаги мис комбинати хориждаги корхонага мис етказиб бериш ҳақидаги шартнома бўйича мажбуриятга эга бўлиши мумкин. Бордию, Ўзбекистан Республикаси Хукумаги хорижга мис экспорт қилишни чеклаш ҳақида қарор қабул қилгудай бўлса, ушбу мажбурият бекор бўлади. Бунинг натижасида зарар кўрган тарафлар ФКнинг 12 ва 15 - моддаларига мувофиқ уни тўлашни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Давлат органининг мажбурият бекор бўлишига асос бўлган хужжати белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилганда, агар тарафларнинг келишувидан ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача тартиб келиб чиқмаса ва мажбуриятни бажариш кредитор учун ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлса, мажбурият тикланади.

Фуқаронинг вафот этиши ёки юридик шахснинг тугатилиши сабабли мажбуриятнинг бекор бўлиши. Мажбурият иштирокчиси бўлган фуқаро вафот этиши туфайли мажбуриятлар барча ҳолларда ҳам тугатилмайди, чунки қонун билан белгиланган баъзи ҳолларда марҳумнинг ҳуқуқ ва бурчлари унинг ворисларига ўтади. Фуқаронинг вафот этиши сабабли мажбуриятнинг бекор бўлиши фақат мажбурият шахсий хусусиятга эга бўлган ҳолатларда йўл қўйилади. Жумладан, меросни қабул қилган ворис мерос қолдирувчининг қарзлари юзасидан ўзига ўтган мерос

мулкининг ҳақиқий киймати доирасида жавобгар бўлади. Мерос мулки ворислар бўлмагани учун давлатга ўтган бўлса, давлат ҳам шу тартибда марҳумнинг қарзлари учун жавоб беради.

Агар мажбуриятни қарздорнинг шахсий иштирокисиз бажариш мумкин бўлмаса ёки мажбурият бошқача тарзда қарздорнинг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлса, қарздор вафот этиши билан бекор бўлади (ФК, 351-модда). Жумладан, вакил вафот этса, у томондан олинган мажбурият ҳам бекор қилинади, чунки вакиллик шахсий ишончга асосланиб белгиланган ҳуқуқий муносабат ҳисобланади. Агар мажбуриятни бажариш шахсан кредитор учун мўлжалланган ёки мажбурият бошқача тарзда кредиторнинг шахси билан боғлиқ бўлса, кредитор вафот этиши билан мажбурият бекор бўлади. Жумладан, соғлиғига шикаст етказганлиги туфайли зарар ҳақини олиб турган фуқаронинг вафот этиши билан унга нисбатан белгиланган мажбуриятлар ҳам бекор бўлади ва ҳоказо.

Мажбурият қарздор ёки кредитор бўлган юридик шахс тугатилиши билан ҳам бекор бўлади (ФК, 352-модда).

Юридик шахснинг қайтадан ташкил бўлишида – ташкилотнинг ишлари ва мулкни тугатмай, бекор қилинганда, яъни бирлашиш, бўлиниш ёки қўшилиш ҳолларида мажбуриятлари тугамайди. Икки ёки бир неча ташкилот бирлашганда ёки бир ташкилот бир неча ташкилотларга бўлинганда, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янгидан вужудга келган ташкилот (ёки ташкилотлар) га ўтади. Бир ташкилот бошқа бир ташкилотга қўшилганда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қўшиб олаётган ташкилотга ўтади. Юридик шахс банкрот бўлгани сабабли тугатилганда, унинг мажбуриятлари бекор бўлади. Айрим мажбуриятлар, масалан, юридик шахс фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказгани учун тўловлар бўйича мажбуриятда қарздор бўлса, бекор бўлмайди. Бунда ФКнинг 247-моддасига ва банкротлик ҳақидаги қонунчиликка асосан тугатилаётган юридик шахс маблағлари капиталлаштирилиб қўйилади ва мажбуриятнинг ижроси бошқа шахс зиммасига юкланади.

Юқорида кўрсатилган усуллар мажбуриятни бекор қиладиган умумий асослар бўлиб, баъзи ҳолларда мажбуриятлар бошқа асосларда ҳам бекор бўлиши мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Мажбурият янгиланиши билан унинг бекор бўлиши деганда нимани тушунасиз?
2. Қарздан воз кечиш бажариш мумкин бўлмаганлиги туфайли мажбуриятнинг бекор бўлиши тушунчасини тушунтириб беринг?
3. Мажбуриятнинг давлат органи ҳужжати асосида бекор бўлишига мисол келтиринг?

4. Фуқаро вафот этиши билан мажбуриятнинг бекор бўлиши қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келади?

5. Юридик шахс тугатилиши билан мажбуриятнинг бекор бўлишининг моҳиятини очиб беринг?

6. Мажбуриятни бажарилганлигини исботловчи қандай ҳужжатларни биласиз?

7. Ҳисобга ўтказиш деганда нимани тушунасиз?

8. Кредиторнинг қарздан воз кечиши қандай ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиради?

9. Дастлабки мажбуриятни янги мажбурият билан алмаштиришда нималар бекор бўлади?

10. Мажбуриятни қисман ижро этиб бўлмаслик деганда нимани тушунасиз?

XXVII Боб. ШАРТНОМА ТЎҒРИСИДА УМУМҲИЙ ТУШУНЧАЛАР

1-§. Шартнома тушунчаси ва унинг аҳамияти

Ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий воситалар ичида шартномалар алоҳида ўрин эгаллайди. Шартномалар бир неча минг йиллар давомида инсоният томонидан турли ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос мослашувчан юридик воситаси сифатида қўлланиб келинмоқда. Бундай юридик воситалардан бошқа бири эса қонун ҳисобланади. Албатта, шартнома қонун доирасида ишларнинг ҳаракатини тартибга солади, уларнинг имкониятлари доирасини белгилаб беради, хатти-ҳаракатларини йўналтириб туради. Шунингдек, шартнома талаблари бузилган тақдирда вужудга келадиган оқибатларни ҳам белгилаб беради.

Фуқаролик кодексининг 8-моддаси талабига кўра, шартномалар тарафлар ўртасида фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг асосларидан биридир. Шубҳасиз, бугунги кунда шартномаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки шартномаларда бошқа юридик фактларга қараганда, тарафларнинг эрки-иродаси тўла ифодаланади.

Шартномага киришувчи шахслар ким билан, қачон шартнома тузишни у туфайли етказиб берилиши лозим бўлган пул, товар, ашёларни қайси муддатларда, қандай транспортларда етказилишини, тўлов амалдаги қандай шаклларда бўлишини мутлақо ўзи мустақил ҳал қиладилар. Улар шартномалар тузишда эркиндирлар, шартнома тузишга мажбурлашга йўл қўйилмайди. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, шартномалар тузишнинг эркинлиги, ундан тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги, шартномада шартнома интизомининг мустаҳкамлигида маъмурий-буйруқбозликка асосланган жавобгарликдан кўра, мулкий жавобгарликнинг кенг белгиланиши хўжалик юритувчи субъектларни тавора ушбу ҳуқуқий воситадан (шартномадан) тўлароқ фойдаланишга жалб қилмоқда, Шартномаларнинг аҳамиятини кенг тушунтириш мумкин. Аммо уларнинг сараси шартномалар тўлов интизომини кучайтиради, тарафларнинг фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантиради, ўз навбатида, тарафларнинг масъулиятини оширади, хўжаликнинг дебиторлик ва кредиторлик ҳолатини яхшилайдди, пировардида тарафларнинг барқарорлигини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида, жамиятда товарлар, хизматлар ва капиталларнинг мўл-кўллигига гаровдир. Шу маънода соҳанинг тезкор ва таъсирчан ҳуқуқий механизмини яратиш, шартномалар тузиш ва бажаришни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" қонун қабул қилинди, шартномаларни тузиш ва бажариш мониторинги юритилмоқда. Булар, ўз навбатида, гузилган шартномаларни тезроқ ва реалроқ ишлашига хизмат қилмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Шартнома мажбуриятларини бузиш тўғрисидаги ҳар

бир аниқланган факт атрофлича муҳокама қилиниши, бунга йўл қўйган раҳбар ёки шахслар эса амалдаги қонунга биноан жавобгарликка тортилиши лозим”¹.

Шартнома икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ўзаро келишувдир.

Шартнома атамаси уч маънода:

-юридик факт;

-бирон-бир юридик фактга асосланган моддий ёки моддий манфаатлар тўғрисидаги ҳуқуқий муносабат;

-шахслар (фуқаролар ва ташкилотлар) нима тўғрисида ўзаро келишсалар, шуни акс этирувчи, ифодаловчи ҳужжат маъносида ишлатилади. Бу ерда у ўзининг биринчи маъноси – юридик факт сифатида кўрилади ва ўрганилади. Унда юридик фактлар мазмуни жиҳатидан икки асосий тоифага: юридик ҳодисалар ва ҳаракатларга бўлинган эди. Юридик ҳаракатлар, ўз навбатида, ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракатлар сифатида бир томонлама ва икки томонлама битимлар (шартномалар) дан иборатлиги кўрсатилган эди. Икки томонлама битимларнинг ҳаммаси (олди-сотди, ижара, қарз ва бошқалар) шартнома ҳисобланади. Бир томонлама битим, масалан, васиятнома шартнома бўла олмайди. Бинобарин, ҳар қандай шартнома битим дейилса ҳам, аммо ҳар қандай битимни шартнома деб атаб бўлмайди.

Демак, шартнома битимнинг бир кўриниши ҳисобланар экан, унга нисбатан битимга оид қоидалар, жумладан, ФКнинг 9-бобидага қоидалар татбиқ этилади. Шу билан бирга шартнома ўзига тааллуқли бўлган бошқа махсус нормалар билан ҳам масалан, “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари билан тайёрлов хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом билан ҳам тартибга солинади.

Шартномадан келиб чиққан мажбуриятларга, агар қонунларда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ФКда белгиланган мажбуриятлар ҳақидаги умумий қоидалар (ФКнинг 234-352-моддалари) қўлланилади.

Икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида тузиладиган шартномаларга ҳам агар бундай шартномалар шартномаларнинг кўп тарафламалик хусусиятига зид бўлмаса, шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади. Шартнома ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Аммо шартноманинг ҳаракати бу билан чекланмайди.

¹ И.А.Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард максимизмиз. Т. “Ўзбекистон” 2000. – Б. 45.

Агар бошқа юридик фактлар умумий қоида бўйича ҳуқуқий муносабатни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш билан тугалланса, шартнома мазкур юридик фактлардан фарқ қилиб, ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишдан ташқари яна ҳуқуқ нормалари билан белгиланган доираларда ҳуқуқий муносабатда қатнашувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини тартибга солади, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди.

Шартнома билан вужудга келтирилган ҳуқуқий муносабат давомида шартнома тарафларнинг ҳатти-ҳаракатлари қанчалик қонунга мувофиқ бўлган-бўлмаганлигини ҳам текшириш имкониятини беради. Шартнома тушунчасида асосий белги, асосий шарт тарафларнинг муайян натижага эришишга қаратилган ўзаро келишувларидир. Тарафларнинг ҳар қайсиси томонидан шартнома бўйича олинadиган ҳуқуқ ва бурчлар ҳар хил бўлса ҳам, улар оқибатида ягона ҳуқуқий натижа беради, масалан, бирон-бир нарсага қисбатан эгаллик ҳуқуқи ўтказилади ёки бирон-бир ашёдан фойдаланиш ҳуқуқи олинади ва ҳоказо.

Тарафларнинг келишувлари натижасида эришиладиган бевосита аниқ натижани мазкур шартнома тузишда тарафларнинг ўз олдларига қўйилган асосий мақсаддан ажратиш керак. Масалан, металлургия заводи машинасозлик заводи билан муайян миқдордаги, шарт қилинган ва маркали пулагни етказиб бериш тўғрисида шартнома тузади. Бу ерда тарафлар ўзаро келишувларининг бевосита натижаси металлургия заводи томонидан машинасозлик заводини шартнома билан белгиланган муддатларда ва муайян шартларга биноан маълум миқдорда пулат етказиб бериш ҳисобланади. Шартноманинг мақсади эса ҳар икки тараф учун умумий бўлиб, тарафларнинг ҳар қайсиси шартноманинг барча кўрсаткичлари бажаришдан, пировардида фойда (даромад) олишдан иборат бўлади. Бинобарин, ҳар икки тараф ҳам шартномани лозим даражада бажаришни ўзларининг бурчлари деб биладилар.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома, асосан, мулкий муносабатларни расмийлаштириш учун тузилади. Баъзи ҳолларда шартнома шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳам расмийлаштиради. Бу адабиёт, фан ва санъат асарларини яратиш соҳасидаги ижодий фаолият билан боғлиқ бўлган шартномалар, жумладан, нашриёт шартномаси, сахна асари, киносценариялар ва бошқа шартномалар учун характерлидир. Бундай шартномалар тарафларнинг мулкий ҳуқуқлари ва бурчларини, жумладан, муаллифлик ҳақи тўғрисидаги шартларни, муддатларни бузганлик учун жавобгарлиқни белгиламай, балки шахсий-номулкий ҳуқуқларни ҳам, масалан, муаллиф ўз асарида номини кўрсатиб ёки аноним тарзда чиқариши, асар матнига ўзгартириш киритишга руҳсат бериш-бермаслик сингари номулкий ҳуқуқларни ҳам белгилайди.

2-§. Шартномаларнинг турлари

Шартнома унда иштирок этаётган тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро тақсимланишига қараб бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга бўлинади.

Бир томонлама шартномада иштирок этаётган тарафларнинг бирида фақат ҳуқуқ бўлиб, ҳеч қандай мажбурият бўлмайди, иккинчи тарафда эса фақат мажбурият бўлади. Масалан, қарз шартномасида қарздор олган пул суммасини ўз вақтида қарз берувчига қарзга берган пул суммасини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Икки томонлама шартномада эса ҳар икки тараф ҳам мустақил ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлади. Бундай шартномага олди-сотди шартномасини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу шартнома бўйича сотувчи сотилган ашёнинг баҳосини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, сотилган ашёни олувчига топширишга мажбур, олувчи эса олаётган ашёнинг баҳосини тўлаши зарур бўлиб, сотиб олинган ашёни талаб қилиб олишга ҳақли.

Фуқаролик муомаласида тузиладиган шартномаларнинг кўпчилиги икки томонлама, яъни юқорида кўрсатилган олди-сотди шартномасидан ташқари, маҳсулот етказиб бериш, мулк ижараси, пудрат ва бошқа шартномалардан иборат бўлади.

Кўп томонлама шартномалар ҳам мавжуд бўлиб, унда тарафлар уч ва ундан ортик бўлади. Бундай шартларда бир пайтнинг ўзида ҳар бир тарафда муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўлиши характерлидир. Масалан: оддий ширкат, таъсис шартномалари ва хоказолар.

Шартномалар ҳақ бараварига ва текинга тузиладиган шартномаларга бўлинади. Ҳақ бараварига тузиладиган шартномалар бир тараф топширган мулкни, қилган хизмати эвазига пул ёки мулк билан ҳақ олади. Масалан, бир тараф вақтинчалик фойдаланиш учун мулкни ижарага олувчи ундан фойдалангани учун ижара ҳақи тўлашга мажбур бўлади. Бундай ҳақ бараварига тузиладиган шартномаларга олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, айирбошлаш, пудрат ва бошқа кўплаб шартномаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Агар конун ҳужжатларидан бошқача қоида келиб чиқмаса, шартноманинг мазмуни моҳиятидан ўзгача ҳол англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома деб ҳисобланади. Текинга тузиладиган шартномада эса бир тараф бошқа бир тараф билан ҳақ олмай, бирон-бир мулкни топшириш, бирон ишни бажариши мумкин. Масалан, ҳадя шартномаси бўйича мулк эгаси ўз мулкни бошқа бир шахсга текинга беради. Текин фойдаланиш, фойсиз қарз шартномалари ҳам бепул тузиладиган шартномаларга киради.

Шартномалар тузилиш пайтига ва мазмунига қараб консенсуал ва реал шартномаларга бўлинади.

Консенсуал шартномалар ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарафларнинг келишувлари асосида конун талаб қилган шаклда расмийлаштирган захоти

тузилган ҳисобланади. "Консенсуал" сўзи лотинча "консенсус" сўзидан олинган бўлиб, "келишув" маъносини билдиради. Консенсуал шартномага мисол қилиб олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, пудрат, мулкни ижарага бериш каби шартномаларни кўрсатса бўлади. Фуқаролик ҳуқуқида аксарият кўпчилик шартномалар консенсуал шартномалар гуруҳига кирилади.

Реал шартномалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарафлар ўзаро келишган ва шартнома нарчаси ашё ёки пул топширилган пайтдан вужудга келади. "Реал" сўзи лотинча "рес" сўзидан олинган бўлиб, "ашё" маъносини билдиради. Реал шартномага мисол қилиб қарз, омонат, ҳада, текин фойдаланиш шартномаларини кўрсатиш мумкин.

Учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартномалар умумий қоида бўйича шартномадан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар шартнома тузишда қатнашган тарафлар учун пайдо бўлади. Айрим ҳолларда шартнома учинчи шахс фойдасига тузилиши ҳам мумкин. Учинчи шахс фойдасига тузилган шартномага мисол қилиб суғурта шартномасини кўрсатиш мумкин. Учинчи шахс шартномада алоҳида тараф ҳисобланмайди. Бироқ, ФКнинг 362-моддасида кўрсатилганидек, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, учинчи шахс шартнома бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланиш ниятини қарздорга билдирган пайтдан бошлаб тарафлар ўзлари тузган шартномани учинчи шахснинг розилигисиз бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари мумкин эмас. Шартнома тузган шахс шартномадан келиб чиққан мажбуриятнинг учинчи шахсга нисбатан бажарилишини шарт қилган бўлса, бу ҳақда шартномада бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, мажбуриятнинг бажарилишини шартномани тузган шахс ҳам, фойдасига мажбуриятнинг бажарилиши кўрсатилган учинчи шахс ҳам талаб қилиши мумкин.

Агар учинчи шахс ўзига шартнома бўйича берилган ҳуқуқдан воз кечса, шартнома тузган шахс, агар шартноманинг мазмунига хилоф келмаса, бу ҳуқуқдан ўзи фойдаланиши мумкин.

Шартномалар, шунингдек, оммавий шартнома, қўшилиш шартномаси ва дастлабки шартнома каби турларга ҳам бўлинади.

Ташкилот тарафидан тузилган ҳамда унинг бундай ташкилот ўз фаолияти хусусиятига кўра ўзига мурожаат қиладиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириш шарт бўлган товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларини (чакана савдо, жамоат транспортида йўловчи ташиш, алоқа хизмати, электр қуввати билан таъминлаш, тиббий хизмат, меҳмонхона хизмати ва бошқаларни) белгилаб қўядиган шартнома тузишда бир шахсни бошқа шахсга нисбатан афзал кўришга ҳақли эмас (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари).

Товарлар, ишлар, хизматларнинг баҳоси, шунингдек, оммавий шартноманинг бошқа шартлари ҳамма истеъмолчилар учун бир хил қилиб белгиланади. Ташкилотнинг истеъмолчига тегишли товарларни бериши, хизматлар кўрсатиши, унинг учун тегишли ишларини бажариш имконияти бўла туриб оммавий шартнома тузишдан бош тортишига йўл қўйилмайди. Ташкилот оммавий шартнома тузишдан асоссиз бош тортганида харидор (мижоз) уни суд орқали шартнома тузишга мажбур қилиш имкониятига (ФК, 358-модда) эга. Маиший пудрат, йўловчи ташиш, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари оммавий шартномалардир.

Шартларини тарафлардан бири формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларда таърифлаган ҳамда иккинчи тараф фақат таклиф қилинган шартномага бутунлай қўшилиш йўли билан қабул қилиши мумкин бўлган шартнома қўшилиш шартномаси дейилади. Бундай шартномаларга мисол қилиб хаво ва темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташиш шартномаларини кўрсатиш мумкин. Одатда, бундай шартномалар мазмуни ҳамма учун деярли бир хил бўлиб, олдиндан белгилаб қўйилади ва бинобарин, мижоз унинг шартларини бошқача тузишни таклиф этиш имкониятига эга эмас. Бироқ, қўшилиш шартномаси мижознинг ўз ихтиёри, эрки ва иродаси билан шартномага қўшилишини билдиради. Бундай шартномаларни асло бир томонлама битим деб ҳисоблаш мумкин эмас. Қўшилиш шартномасини бекор қилиш ёки шартномаларини ўзгартириш асослари ФКнинг 360-моддасида назарда тутилган.

Дастлабки шартнома бўйича тарафлар келгусида мол-мулк бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақида дастлабки шартномада назарда тутилган шартлар асосида шартнома тузиш (асосий шартнома) мажбуриятини оладилар.

Дастлабки шартнома асосий шартнома учун белгиланган шаклда, борди-ю, асосий шартноманинг шакли аниқланмаган бўлса, ёзма шаклда тузилади. Дастлабки шартноманинг шакли тўғрисидаги қоидаларга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади. Дастлабки шартномада асосий шартноманинг нарчасини, шунингдек, бошқа муҳим шартларини белгилаб қўйиш имконини берадиган шартлар бўлиши керак. Дастлабки шартномада асосий шартномани тузиш муддати кўрсатилган бўлиши лозим, агар кўрсатилмаган бўлса, дастлабки шартнома тузилган вақтдан бошлаб бир йил ичида тузилиши шарт (ФК, 361-модда).

Биржаларда тузиладиган турли хил шартномалар; жумладан, форвард, фьючерс, опцион битимлар дастлабки шартномалардир.

3-§. Шартноманинг мазмуни

Шартноманинг мазмунини унинг шартлари ташкил этади. Амалдаги қонунчиликка кўра, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим

шартлари юзасидан талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартнома шартлари муҳим, одатдаги ва тасодифий шартларга бўлинади. Шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек, тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олинishi зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади. Баъзи шартномалар учун хос муҳим бандлар қонун билан белгиланади. Жумладан, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуннинг 10-моддасида, "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиш мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида» ги Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг II бандига мувофиқ, шартномаларда қуйидагилар кўрсатилади:

- шартноманинг предмети;
- маҳсулотнинг номи;
- ассортиментни;
- миқдори;
- сифати;
- нархи;
- шартноманинг умумий суммаси;
- томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- маҳсулотларни етказиб бериш тартиби ва шартлари;
- топшириш – қабул қилиб олиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) пунктлари ва даврлари (муддатлари);
- идишга, маркировка қилишга, ўраш-жойлашга қўйиладиган талаблар;
- ҳисоб-китоблар тартиби, шакли ва муддатлари;
- томонларнинг тўлов, почта ва юклар жўнатиш реквизитлари;
- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун томонларнинг мулккий жавобгарлиги;
- низоларни, форс-мажор ҳолатларни ҳал этиш тартиби, томонларнинг реквизитлари,
- шартнома тузилган сана ва жой.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш юзасидан тузиладиган контрактация шартномаларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ҳамда хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларнинг сорти ва миқдори ҳам кўрсатилади.

Одатдаги шартлар муайян мажбуриятга оид муносабатни тартибга соладиган диспозитив нормалар билан белгиланадиган шартлар

хисобланади. Бундай шартлар одатдагидек назарда тутилади. Масалан, мулк ижараси шартномасида мулкни майда (жорий) таъмирлаш шарт қилиб кўрсатилса ҳам, кўрсатилмаса ҳам бўлади, чунки бу шарт тўғрисида конунчиликда (диспозитив характердаги) кўрсатма берилган.

Тасодифий шартлар умумий ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинмаган масалалар бўйича ўзаро келишув бўлиб кўрилади. Жумладан, ижарага олинган мулкни таъмирлаш муддати тўғрисидаги масала тасодифий шартлардан бири ҳисобланади.

Шартномада унинг айрим шартлари тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган намунавий шартлар билан белгиланиши назарда тутилиши мумкин. Шартномада намунавий шартларга хавола қилинмаган ҳолларда бундай намунавий шартлар тарафларнинг муносабатларига иш муомаласи одатлари сифатида қўлланилади (ФК, 359-модда).

4-§. Шартнома тузиш

Ҳуқуқий муносабат тарафларининг шартномаларни тузишда ва тузиладиган шартнома турини танлашда эркин эканлиги қондаси биринчи навбатда ФКнинг 8-моддасида мустаҳкамланган. Унга мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлардан, шунингдек, гарчи қонунда назарда тутилган бўлмасида, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ва бошқа битимлардан вужудга келади. Шу сабабли ҳуқуқий муносабатга киришаётган тарафлар шартномаларнинг турларини танлашда ва умуман шартнома тузиш ва шартномавий алоқаларга киришиш истагини билдиришда эркин ҳисобланадилар.

Шартномалар эркинлигининг мазмуни ФКнинг 354-моддасида ифодаланган бўлиб, унга биноан, фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар.

И.Б.Зокировнинг фикрича, шартномалар эркинлиги тамойилини қуйидаги учта ҳолатни ажратиб кўрсатиш орқали тушуниш мумкин:

1) субъектнинг шартнома бўйича ўз контрагенти, яъни шартнома бўйича шеригини танлаш эркинлиги;

2) шартнома предметини, яъни айнан қандай ҳолат юзасидан шартнома тузишни танлаш эркинлиги;

3) шартнома шартларини танлаш эркинлиги.

Ушбу учта ҳолатни амалга оширишда субъектга ҳеч қандай ноқонуний таъсир ўтказмаслик лозим бўлади¹.

А.Н.Танага эса шартномалар эркинлиги тамойилига қуйидагича таъриф беради: шартномалар эркинлиги – бу қонунда тўғридан-тўғри

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари ҳақида // “Фуқаролик конунчилигининг ривожланиши ва долзарб муаммолари” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. Ташкент: ТДҲИ, 2005. – Б. 252.

мустаҳкамланган фуқаролик ҳуқуқининг бошланғич негизи бўлиб, у шартнома муносабатлари субъектлари учун шартнома тузиш эркинлигини, тузилаётган шартнома турини танлаш эркинлигини ва унинг шартларини белгилаш эркинлигини ўрнатади¹.

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрига кўра, шартнома эркинлиги тарафларнинг шартнома муносабатларига киришишига доир ҳақиқий истаклари ва хоши-иродалари мавжуд бўлишини тақозо этади. Бундай хоши-ирода, биринчидан, шартнома тузишга доир ҳаракатларда, иккинчидан, шартнома шартларини белгилашга доир ҳаракатларда, учинчидан, шартнома мажбуриятларини бажаришга доир ҳаракатларда намоён бўлади².

Шартнома тузишда шартнома тузиш эркинлиги шартноманинг асосий моҳиятини ташкил этади. Шартнома тузиш эркинлиги бу фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини ўзларининг хоши-иродаларига ва манфаатларига мувофиқ вужудга келтириш ва амалга ошириш имкониятидир. Шартноманинг тузилиши ФКнинг 354-моддасида кўрсатилганидек, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Шартноманинг умумий тартибда тузилиши икки давр билан белгиланади.

Биринчи давр – шартнома тузишга таклиф қилиш даври, бу оферта, шартнома тузишга таклиф қилувчи эса, офферент, деб аталади.

Иккинчи давр – шартнома тузиш тўғрисидаги таклифни қабул қилиш даври, бу акцепт, таклифни қабул қилувчи акцептант деб айтылади.

Шартнома тузишнинг умумий тартибига оид қоидалар ФКнинг 364-381-моддаларида берилган. Бу қоидаларда айтилишича, агар шартнома тузиш тўғрисидаги таклиф (оферта) жавоб учун муддат тайинлаб қилинган бўлса, бу ҳолда шартнома иккинчи тараф (акцептант) томонидан таклифнинг қабул қилинганлиги тўғрисидаги жавоб шу муддат ичида таклиф қилувчи (оферент) томонидан олинган ҳолдагина тузилган ҳисобланади. Оферта йўллаган шахс унинг акцептини олган пайтдан шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартнома тузилиши учун тарафлар ўзаро келишувининг ўзигина кифоя эмас. Бу келишув тегишли шаклда расмийлаштирилган бўлиши шарт. Шартномаларнинг шакли ФКнинг 366-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлиши шарт. Унга асосан, агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилмаган бўлса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин.

¹ Танага А.Н. Принцип свободы договора в гражданском праве России. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс. 2003. – С.39.

² Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қисм). Дарслик. - Т.:ТДҲОИ.2005 - Б.227.

Нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани муайян шаклда тузишга келишган бўлсалар, гарчи қонунда бу турдаги шартномалар учун бундай шакл талаб қилинган бўлмасада, шартнома белгиланган шаклга келтирилганидан кейин тузилган ҳисобланади.

Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек, почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

Шартнома тузиш ҳақидаги таклиф (оферта) акцептантга билдирилгунича қақриб олиниши мумкин. Бироқ, у акцептант томонидан қабул қилиб олинган бўлса, акцептлаш учун белгиланган муддат давомида қақриб олиниши мумкин эмас.

Оферта муайян шахсга ҳам, номуайян шахсларга ҳам қаратилган бўлиши мумкин. Масалан, махсулотни реклама қилиш, ўз хизматини таклиф этиб эълон бериш – номуайян шахслар доирасида йўлланган оферта ҳисобланади. Бундай офертани, одатда, оммавий оферта деб ҳам юритилади. Оферта юборилган шахснинг уни қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби акцепт ҳисобланади. Акцепт тўлиқ ва писандасиз бўлиши шарт. Агар қонундан, иш муомаласи одагидан ёки тарафларнинг иш бўйича аввалги муносабатларидан бошқача маъно келиб чиқмаса, сукут сақлаш акцепт бўлмайди.

Агар шартнома тўғрисидаги таклиф (оферта) жавоб учун муддат тайинланмасдан, оғзаки равишда қилинган бўлса, иккинчи тараф (акцептант) бу таклифни қабул қилганлигини дарҳол таклиф қилувчига (оферентга) билдирган ҳолдагина шартнома тузилган ҳисобланади. Агар бундай таклиф ёзма равишда қилинган бўлса, таклифни қабул қилганлик (акцепт) тўғрисидаги жавоб уни олиш учун лозим бўлган нормал вақт давомида олинган тақдирдагина, шартнома тузилган ҳисобланади.

Агар шартнома тузишга рови бўлганлик тўғрисидаги кечиктирилиб олинган жавобдан унинг ўз вақтида юборилганлиги маълум бўлса, бу ҳолда таклиф қилувчи шахс (оферент жавобнинг кечиктирилиб олинганлиги тўғрисида иккинчи тараф (акцептант)ни дарҳол хабардор қилсагина жавоб кечиктирилган ҳисобланади. Бу ҳолда жавоб айна пайтда янги таклиф (оферта) ҳисобланади.

ФКнинг 375-моддасида кўрсатилганидек, офертада таклиф қилинганидан бошқача шартлар асосида шартнома тузишга розилик

билдириш тўғрисидаги жавоб акцент ҳисобланмайди. Бунда жавоб акцентдан бош тортиш ва аynи вақтда янги оферта ҳисобланади.

Одатда, шартномада у тузилган жой кўрсатиб ўтилиши керак. Агар шартномада унинг тузилган жойи кўрсатилмаган бўлса, шартнома оферта йўлаган фуқаронинг яшаш жойида ёки юридик шахснинг жойлашган ерида тузилган ҳисобланади (ФК, 376-модда). Аynи пайтда "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунда белгиланишича, контрактация шартномалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи жойлашган ерда тузилади.

Юқорида айтганимиздек, шартномалар тузишда тарафлар эркиндирлар. Бинобарин, ҳеч қайси тараф шартнома тузишга мажбур қилинмайди. Бирок, айрим ҳолларда мажбурий шартнома тузилиши мумкин.

5-§. Шартномани мажбурий равишда тузиш

Маълумки умумий қоидага кўра, шартнома тузишга мажбурлашга йўл қўйилмайди. Бу умумий қоидадан қуйидаги ҳолатлар истисно этилади: Фуқаролик кодекси ёки бошқа қонунда назарда тутилган бўлса ёхуд мажбурият олинган бўлса.¹ ФКнинг 354-моддаси 2-қисмига кўра, шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди, шартнома тузиш бурчи ушбу Кодексла, бошқа қонунда ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг фикрича, хўжалик юритишнинг социалистик тизими амал қилган даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кўпгина шартномаларни тузиш мажбурий ҳисобланган. Давлат, кооператив, жамоат ташкилотлари муайян шартномаларни тузишлари шарт эди. Бундай мажбурият, энг аввало, режа топшириқлар негизда юзага келган. Амалдаги фуқаролик қонун ҳужжатларида ҳам мажбурий тартибда шартнома тузиш назарда тутилган. Бирок, аввалги тизим қонунчилиги билан ҳозирги тизим қонунчилиги ўртасида жиддий фарқ бор. Мажбурий тартибда шартномалар тузиш қонунда белгиланган муайян ҳоллардагина содир этилиши назарда тутилади.² Р.Книпер МДХ давлатлари қонунчилигидаги мажбурий тартибда шартнома тузишнинг ифодаланиши бўйича қуйидаги фикрларни билдиради: ФК шартномалар эркинлиги, шунингдек, шартномалар тузиш эркинлигини белгилаш билан бирга асосли равишда ушбу тамойилларни чеклайди ва бундай чеклаш биринчи навбатда ижтимоий ҳимоя ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан амалга оширилади. Аynи вақтда айрим давлатлар қонунчилиги: жумладан, Грузия ва Молдова ГКлари бозордаги илғор ўринда бўлган корхоналарга ва ҳаётий муҳим масалаларда шартнома тузишни мажбур қилиб белгиланган бўлса, МДХнинг бошқа давлатлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд. -Т., «VEKTOP-PRESS» 2010. -Б.782.

² Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қисм). Дарсник. - Г.: ГДЮИ.2005. - Б.253.

фуқаролик конунчилиги МДХнинг модели ГК асосида мажбурий тартибда шартнома тузиш қоидаларини мустаҳкамлаган¹.

Ҳақиқатан ҳам, шартномалар тузиш эркинлигидан истисно сифатида белгиланган мажбурий тартибда шартнома тузишнинг киритилиши тарафлардан бирига нисбатан ёки иккаласига нисбатан ҳам шартнома тузиш мажбуриятини белгилайди. Шартнома тузиш тартибининг мажбурийлиги эса фуқаролик ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради ва бу муносабатларнинг вужудга келиши, уларнинг мазмуни ва амалга ошириш шартлари ФКда ўз ифодасини топган.

Н.Д.Егоровнинг фикрича, шартнома тузишнинг бундай тартиби қонун бўйича тарафлардан бири учун шартнома тузиш мажбурий бўлганда, яъни мажбурий шартнома тузилиши лозим бўлганда қўлланилади².

Мажбурий тартибда шартнома тузишдаги ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар, шартнома лойиҳасини юбориш, уни қабул қилиб олиш ва жавоб бериш, шартнома лойиҳасида кўзда тутилган шартларни ўзгартириш тартиби ёки шартнома тузишдан бош тортиш билан боғлиқ ташкилий жараёнлар ФКнинг 377-моддасида ўз ифодасини топган. Мазкур модданинг 1-қисмига биноан, ушбу Кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ оферта (шартнома лойиҳаси) йўллаган тараф учун шартнома тузиш мажбурий бўлган ҳолларда бу тараф оферта олинган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бошқа тарафга акцепт тўғрисида ёки акцептдан бош тортиши тўғрисида ёхуд офертани бошқа шартларда акцептлаши тўғрисида (шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси) билдириш йўллаши керак.

Е.С.Канъязовнинг фикрича, шартнома тузиш оферта (шартнома лойиҳаси) йўллаган томон учун мажбурий бўлган ҳолатда, бу тараф ўттиз кун ичида бошқа тарафга тегишли хабарномани юбориши шарт. У қуйидаги кўринишларда бўлади:

- акцепт тўғрисидаги хабарнома;
- акцептдан бош тортиш тўғрисидаги хабарнома;
- акцепт орқали офертада таклиф этилган шартлардан бошқача

шартлар асосида тузиш талабини қўйиш. Бироқ, бундай хабарнома ФКнинг 375-моддасида келтирилган қоидадан фарқли ўлароқ, акцепт бузилганлигини билдиради. Бу ҳолда шартноманинг имзоланган лойиҳаси билан бирга оферентга келишмовчиликлар баённомаси ҳам қўшиб юборилади³.

Шу ўринда, Е.С.Канъязовнинг фикрларига қўшилган ҳолда, ФКнинг 375-моддаси ва 377-моддаси қоидалари ўртасида манتيкий боғлиқлик мавжуд эмаслигини айтиб ўтиш лозим. Чунки, ФКнинг 375-моддасида

¹ Книпер Р. Развитие гражданских кодексов в СНГ. / 10 лет Гражданскому кодексу Узбекистана опыт и перспективы развития. -Ташкент: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2008. - С. 28.

² Гражданское право. Т.1 / Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.: Проспект, 2003. - С. 607.

³ Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. I-жилд.-Тошкент: "Vektor-Press" нашриёти, 2010. - Б. 782.

“офертада таклиф килинганидан бошқача шартлар асосида шартнома тузишга розилик билдириш ҳақидаги жавоб акцепт ҳисобланмайди. Бундай жавоб акцептдан бош тортиш ва айни вақтда янги оферта ҳисобланади” қондаси белгиланган бўлиб, ФКнинг 375-моддасида эса мажбурий шартнома тузиш босқичи тўғрисидаги қоидаларни белгилайдиган 460-моддаси 2-қисмида келишмовчиликлар баённомаси имзоланган шартнома лойиҳаси билан бирга жўнатилишини назарда тутати ва бунда тарафлар ушбу лойиҳага киритилиши мумкин бўлган муайян ўзгарттиришлар билан боғлиқ ташкилий масалани ҳал қиладилар. Қолаверса, ФКнинг 375-моддаси одатдаги шартнома тузиш босқичига оид қоидаларни назарда тутати, ФКнинг 377-моддаси эса одатдаги шартнома тузиш тартибидан истисно бўлган ҳолат “мажбурий тартибда шартнома тузиш”га нисбатан қоидаларни белгилайди. Шу сабабли ушбу икки норма ўртасидаги ўзаро мангиқийликни таъминлаш ва улар ўртасидаги қарама-қаршилиқни бартараф этиш мақсадида ФКнинг 375-моддаси давоми сифатида “ушбу Кодекс 377-моддаси қоидалари бундан мустасно” қондасини киритиш лозим. Бу ҳолат ФК қоидаларини амалда тўғри қўллашга ва тарафлар ўртасидаги турли асоссиз келишмовчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, мажбурий тартибда шартнома тузиш ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, мулкӣ тусга эга бўлмайди ва бу муносабатларнинг мақсади келажакда мулкӣ тусдаги шартномавий алоқаларни юзага келтириш ва шартномани расмийлаштириш ҳисобланади. Одатда мажбурий шартнома тузишнинг бундай тартиби барча турдаги мажбурий шартномалар учун қўлланилмайди ва бундай тартиб қўлланилмайдиган мажбурий шартномаларда ташкилий муносабатлар ҳам вужудга келмайди. Масалан, оммавий шартнома бўлган ва доимий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи сотувчи билан сотиб олувчи чакана олди-сотди шартномасини тузишда бундай тартибга муайян эҳтиёж сезишмайди. Чунки чакана олди-сотди шартномасини, гарчи сотувчи учун тузиш мажбурий бўлса-да, кўпчилик вазиятларда тузилиши билан ижро этилади ва унда оферта йўллаш, акцептни ўтгиз кунлик муддат кутиш ва бошқа ташкилий ҳолатлар кузатилмайди. Шу сабабли барча турдаги “мажбурий шартномалар”ни мажбурий тартибда шартнома тузиш асосида расмийлаштирилиши ҳақидаги ва уларнинг мажбурий тартибда тузиладиган шартномалар жумласига киритиш ҳам нотўғри бўлур эди. Чунки “мажбурий тартибда шартнома тузиш” ва “мажбурий шартнома” бир-биридан фарқ қилувчи ҳуқуқий воқелик ҳисобланади ва уларни бир-биридан алоҳида ҳолда таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

6-§. Ким ошди савдосида шартномалар тузиш

Ким ошди савдосида шартномаларни тузиш алоҳида нормалар билан тартибга солинади. Ким ошди савдоси мулкнинг эгаси ёки ихтисослашган ташкилот томонидан ўтказилади. Битта шахс иштирок этган ким ошди савдоси ўтказилмаган ҳисобланади. Одатда, кўпчилик таклиф этилганлар иштирок этиб, ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан шартнома тузилади. Ким ошди савдосининг шакли шу савдони ташкил этган шахс томонидан белгиланади. Ким ошди савдоси икки усулда ўтказилади: аукцион ёки танлов. Улар очик ёки ёпиқ тарзда ўтказилиши мумкин.

Ким ошди савдосининг давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнини кўриб чиқас.

Аукционни ўтказиш шаклини Давлат мулк кўмитаси, унинг худудий бошқармаси объектни хусусийлаштириш тадбирлари режасида белгилайди. Одатда, тугатилган корхоналарнинг, кичик корхоналарнинг (200 дан кам киши ишлайдиган) активлари, акциядорлик жамиятларининг акциялари сотилаётганда;

Одатда, ўрта ва йирик корхоналар (200 дан кўп киши ишлайдиган), акциядорлик жамиятлари акцияларининг пакетлари сотилаётганда, ёпиқ танлов асосида ўтказилади.

Очиқ аукцион ва танловда хоҳлаган шахс иштирок этишлари мумкин бўлади, ёпиқ аукцион ва танловда эса аксинча махсус шу ким ошди савдосига таклиф этилган шахсларгина қатнаша оладилар.

Очиқ аукцион куйидаги тартибда ўтказилади:

Аукционни сотувчи томонидан ёлланадиган аукциончи ўтказилади. Аукцион аукциончининг объект номини эълон қилиши, қисқача таърифлаб бериши ва дастлабки нархини айтишидан бошланади.

-аукционнинг илк "қадами" дастлабки нархнинг 5 фоизидан 15 фоизигача бўлган доирада бошланади. Келишилган доирадаги қадамни аукциончи белгилайди, бу қадам аукционнинг бутун даври бўйича сақланиб қолади. Савдо жараёнида аукциончи нархни айтади, харидорлар эса объектни шу нархда сотиб олишга тайёр эканликларини чиптани кўтариш билан маълум қиладилар.

-савдо объектнинг дастлабки нархи эълон қилинади. Навбатдаги нарх эълон қилингандан сўнг, аукциончи ўзининг назарида биринчи бўлиб кўтарган харидор чиптасининг номерини айтади. Сўнгра аукциончи аукционнинг боришига қараб навбатдаги нархни айтади.

Объектни ушбу нархга олишга тайёр харидорлар бўлмаганда, аукциончи бу нархни 3 марта такрорлайди.

-навбатдаги нарх 3 марта эълон қилингандан кейин ҳам харидорлардан ҳеч ким чиптани кўтармаса, ким ошди савдоси тугалланади. Чипта номери аукциончи томонидан энг охирида айтилган харидор аукцион ғолиби саналади.

Ким ошди савдоси тугагач, аукциончи сотишга қўйилган объект сотилганлигини эълон қилади, қандай нархда сотилганлигини ва ғолибнинг чипта номерини айтади.

-агар дастлабки нарх 3 марта такрорлангандан сўнг ҳам харидорлардан бирон киши чипта кўтармаса, аукцион ўтмаган ҳисобланади ва объект сотувчига қайтарилади.

Ёпиқ танлов асосида аукцион қўйидаги тарзда ўтказилади:

-ёпиқ тендерни доимий ишлайдиган тендер (танлов) комиссияси ўтказиши

-талабномаларни қабул қилиш муддати тугагач, тендер комиссиясининг қабул қилинган талабномалар ҳақидаги баённомасини тузади ҳамда у комиссия раисин ва котиби томонидан имзоланади.

Тендерда қатнашиш учун берилган талабномаларни яшириш, яқун чиқараётганда, уларни ҳисобга олмаслик, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, маъмурий жавобгарликка олиб келади.

Жарима тендер комиссияси раисига солинади, тендер натижалари ҳақиқий эмас, деб топилади. Қатнашчиларнинг нарх ҳақидаги таклифлари солинган конвертларни очиш ва ёпиқ тендернинг узил-кесил яқунлари талабномалар қабул қилинган кундан бошлаб 3 кундан кечикмасдан чиқарилади.

Ёпиқ тендер муддати давомида жўнатиш талабномаларгина ҳисобга олинади. Энг юқори нархни таклиф этган харидор танлов ғолиби ҳисобланади. Агар берилган таклифлар орасидан ғолибни аниқлаш қийин бўлса, биринчи бўлиб юборган харидор таклифи инобатга олинади. Шунда ҳам аниқлаш қийин бўлса, қуръа ташлаш орқали масалага ойдинлик киритилади.

Ким ошди савдосини ташкиллаштирган шахс иштирокчиларни камида 30 кун аввал огоҳлантириб, савдонинг вақти, жойи, ўтказилиш шакли, предмети ва уни ўтказиш тартиби, бошланғич нархи тўғрисида маълумот берилиши керак. Ким ошди шартномасига шартнома тузиш ҳуқуқи қўйилаётган бўлса, бўлажак ким ошди савдоси тўғрисидаги хабарда бунга бериладиган муддат кўрсатилиши керак. Ким ошди савдосининг ташкилотчиси аукцион ўтказишдан хоҳлаган вақтда, лекин у ўтказиладиган кундан камида 3 кун аввал, танлов ўтказиладиган кундан камида 30 кун олдин бош тортишга ҳақли. Агар мазкур қоидаларга зид равишда бош тортса, ким ошди савдосининг иштирокчиларига етказилган ҳақиқий зарар тўланади. Ёпиқ аукцион ва ёпиқ танлов ташкилотчиси иштирокчиларга хабар юборилгандан сўнг неча кун ўтганлигидан қатъи назар бош тортса, иштирокчиларга етказилган реал зарар тўланиши шарт бўлади. Ким ошди савдосининг қатнашчилари хабарда белгиланган миқдор ва тартибда, муддатда закат тўлайдилар. Мабодо, танлов ёки аукцион ўтказилмаса, закат эгаларига қайтариб берилади. Аксинча, ким ошди савдоси ўтказилса, ғолибдан бошқа қатнашчиларга закат қайтариб

берилади. Ғолиб бўлган иштирокчи тулаган закатли шартнома мажбуриятларини қисман бажарган ҳисобига ўтади. Шу куни ғолиб чиққан шахс ва ким ошди савдосининг ташкилотчи ўртасида савдо натижалари тўғрисида баённома имзоланади. Бу баённома шартнома кучига эга бўлиб, ғолиб томонидан шартномани имзолашдан бош тортилганда, закатли қайтариб олишдан маҳрум бўлади ва аксинча, ташкилотчи томонидан бош тортилганда, закатли икки баравар миқдорда, сўнгра унга етказилган зарарнинг закатли пулидан ортиқ бўлган қисмини тўлайди.

Тарафлар бу борада ўзаро келиша олмасалар, қуйидаги асослар мавжуд бўлгандагина, судга мурожаат қилиб, шартномани ўзгартириши ёки бекор қилишлари мумкин:

-шартнома тузиш чоғида бундай вазиятнинг пайдо бўлишини билмаганларида;

-шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишни талаб қилаётган шахс юзага келган муаммони ҳал этиб кўриб, удалай олмаганда;

-шартнома шартларини ўзгаришсиз қолдирган тақдирда, тарафлар олиши мумкин бўлган ёхуд кўзда тутилган даромадларни ололмай қолишлари;

-иш муомаласи одатларидан ёки шартноманинг моҳиятидан вазиятнинг ўзгариши хавфига манфаатдор тараф учраши кераклиги аниқланса.

7-§. Биржаларда тузиладиган шартномалар

Биржаларда амалга ошириладиган савдоларни тартибга солишда бевосита "Биржа ва биржа фаолияти" тўғрисидаги қонун муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур қонунга биноан, биржа савдоларида биржа томонидан сотиш учун қўйилган товарларнинг олди-сотдиси амалга оширилади. Бу савдода биржанинг барча аъзоларининг иштироки таъминланади.

Биржа савдоси қоидаларида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

-биржада амалга ошириладиган биржа битимларининг турлари;

-биржа битимлари иштирокчиларининг таркиби ва уларга қўйиладиган талаблар йиғиндиси;

-биржа савдоларини, биржа битимларини амалга ошириш ва уларнинг натижаларини рўйхатга олиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби;

-биржа товарлари нархини чиқариш тартиби;

-товарларни биржа савдоларига қўйишга ижозат бериш тартиби (листинг);

-биржа битимлари иштирокчилари ўртасидаги ҳисоб-китоблар тартиби;

-биржа савдосида муомалада бўладиган стандарт контрактлар тавсифи;

-агар савдо майдончалари ёки бўлинмалари биржа томонидан ташкил этилган бўлса, уларнинг рўйхати ва номлари;

-биржа савдоларини ўтказиш тартиби;

-биржа аъзоларига ахборот хизмати кўрсатиш тартиби;

-биржадаги нархни шакллантириш жараёни устидан назорат қилиш тартиби;

-биржада низоларни ҳал этиш тартиби;

-биржа аъзолари ва ходимларининг биржа савдоси қоидаларини бузганлик учун жавобгарлиги тўғрисидаги қоидалар;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қоидалар.

Биржа савдоси қоидаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартиби биржа уставида белгиланади.

Биржа томонидан рўйхатга олинган биржа товари хусусида биржа савдосининг биржада қайд этилган натижаси бўйича тузилган олди-сотди шартномаси биржа битими ҳисобланади.

Биржада рўйхатга олинган битимлар нотариал тасдиқланмайди, қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Биржа битимлари биржа номидан ва ҳисобидан амалга оширилиши мумкин эмас.

Биржада биржа товарлари олди-сотди битимлари, шу жумладан:

-реал товарни ўзгага топшириш ёки етказиб бериш ёхуд товарга мулк ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни ўзгага топшириш билан боғлиқ битимлар;

-форвард битимлар реал, товарни етказиб бериш муддати кечиктирилган ҳолдаги олди-сотди битимлари;

-фьючерс битимлари, товарларга доир стандарт контрактларнинг олди-сотди битимлари (уларни келгусида ижро этиш мажбуриятини олган ҳолда);

-опцион битимлар, товарларни ёки товарлар етказиб бериш контрактларини белгиланган нарх бўйича келгусида сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқларига доир олди-сотди битимлари тузилиши мумкин.

Биржа битимининг мазмуни (товарнинг номи, миқдори, нархи, битим тузилган сана ва вақт ҳамда уни тузган биржа аъзоларининг номи бундан мустасно) ошкор қилиниши мумкин эмас. Биржа битимининг мазмунига доир маълумот судларга, кўзга тилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда эса суриштирув ва тергов органларига тақдим этилади.

Биржа аъзолари биржа битимларининг иштирокчилари ҳисобланадилар. Биржа аъзолари (брокерлар) мижозларнинг топшириғига бўйсунган, шунингдек, ўз номларидан ва ўз ҳисобларидан (диллерлар) битимлар тузишлари мумкин. Биржа аъзолари ўртасидаги биржа битимлари биржа савдоларининг натижаларига кўра тузилади. Биржа, унинг аъзолари ва мижозлари, биржалар фаолиятини тартибга солувчи ваколатли органлар ўртасида юзага келадиган низолар суд томонидан ҳал қилинади.

Биржа аъзолари, биржа савдоларининг иштирокчилари ва уларнинг миждозлари ўртасида биржа савдоси қоидаларида назарда тутилган масалалар юзасидан келиб чиқадиган низолар биржанинг ҳакамлик комиссияси ёки суд томонидан ҳал қилинади. Низоларни кўриб чиқиш учун ҳакамлик комиссияси томонидан йиғим ундириш таъқиқланади.

8-§. Оммавий шартнома

Амалдаги фуқаролик кодексининг 358-моддасида оммавий шартнома тушунчаси биринчи мартаба қўлланилган бўлиб, унга кўра ташкилот томонидан тузилган ҳамда унинг бундай ташкилот ўз фаолияти хусусиятига кўра ўзига мурожаат қиладиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириши шарт бўлган товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларини (чакана савдо, умумий фойдаланишдаги транспортда йўловчи ташиш, телефон алоқаси хизмати, энергия билан таъминлаш, тиббий хизмат, мехмонхона хизмати ва ҳ.к.) белгилаб қўядиган шартнома оммавий шартнома дейилади. Бундай ташкилот оммавий шартнома тузишда бир шахсни бошқа шахсга нисбатан афзал кўришга ҳақли эмас. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Юқоридагилардан шу нарса англанадиги, мазкур шартнома қуйидаги ҳолларда ўзининг оммавий хусусиятига эга ҳисобланади.

Биринчидан, у фақат тижоратчи ташкилот томонидан тузилади.

Иккинчидан, мазкур ташкилотнинг тадбиркорлик фаолияти ўз хусусиятига кўра оммавий, яъни унга мурожаат этган ҳар бир шахсга нисбатан бўлиши лозим. Масалан, чакана олди-сотди, умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш, алоқа хизмати, медицина хизмати шунингдек, мехмонхона хизматини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Фуқаролик кодексига олди-сотди, прокат, маиший пудрат, банк омонати шартномаси (агар омонатчи фуқаро бўлса), шахсий суғурта, умумий фойдаланишдаги товар омбори томонидан тузиладиган омборда омонат сақлаш шартномаси, транспорт ташкилоти юкхонасида сақлаш шартномаси оммавий шартнома, деб ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган. Оммавий шартноманинг яна бир хусусияти мазкур шартноманинг махсус субъект таркибига эгаллиги: бир томондан тижоратчи ташкилот қатнашса, иккинчи тарафда аксарият ҳолда фуқаро иштирок этади.

Оммавий шартномани тузишда:

- 1) бирон бир шахсга афзаллик берилиши мумкин эмас;
- 2) барча учун товар, иш ва хизмат нархи бир ҳил бўлиши керак;
- 3) ташкилот томонидан шартнома тузиш рад этилиши мумкин эмас;
- 4) асосланмаган ҳолда оммавий шартномани тузишдан бош тортилганда, мазкур ташкилотнинг мажбурий равишда шартнома тузишга ва истеъмолчи кўрган зарарини қоплашни талаб қилиши мумкин бўлади.

Р.Ж.Рўзиевнинг таъкидлашича, прокат шартномаси оммавий шартномалар жумласидан бўлиб, агар прокат шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, прокат нарчасини олишни хоҳлаган ҳамма шахсларга прокат берувчи имконияти даражасида талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш мумкин бўлган ашёларни барча учун бир хил шaroитда прокатга беришга мажбур.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги «Шаҳар транспортида йўловчи ташиш тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, йўловчи ташиш шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади ва бунда йўловчи истеъмолчи ҳисобланади. Йўловчи ташувчининг хизматидан фойдаланувчи шахс сифатида истеъмолчи мақомига эга бўлиб, умумий фойдаланишдаги транспорт хизматидан фойдаланганда, ҳамма вақт ҳам шахсий мақсадларда фойдаланмаса-да, у истеъмолчи сифатида ҳаракат қилади.

ФКнинг 914-моддасига кўра шахсий суғурта шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади. Бунда жисмоний шахс-суғурталанувчи, ўзининг ҳаёти ва соғлигини суғурталаш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу суғурта туридан фақат жисмоний шахс-инсон фойдалана олади. Чунки фақат биологик шахс бўлмиш инсонгина ҳаёт кечиради ва соғлиғига қайгуради. Зеро, шахсий суғурта шартномасида суғурталанувчи ушбу хизматдан фойдаланувчи истеъмолчи мақомига эга бўлади. Ҳозирги кунда фуқаролар ўртасида суғурта муносабатлари яхши йўлга қўйилмаганлиги ва суғуртага солиқнинг бир тури сифатида қараш оқибатида суғурта шартномалари ва суғурта хизматида кам мурожаат этиш ҳолати кузатилмоқда.

Амалдаги қонунчилик анъанавий тарзда заиф тараф ҳисобланган фуқаро – истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Оммавий шартноманинг ҳуқуқий режими Фуқаролик кодексининг 354-моддасида кўрсатилган "шартнома эркинлиги" тамойилига асосланган умумий қоидадан истисно ҳолат ҳисобланади. Мазкур истисно ҳолат фуқаролик ҳуқуқи негизида оммавий ҳуқуқий асослар ҳам мавжуд бўлиши мумкинлигини назарда тутди. "Оммавий шартнома" режими хусусий ҳуқуқий негизни ўзида жамлаган ва фуқаролик ҳуқуқининг асосини ташкил этувчи "шартнома эркинлиги" режимига қарама-қарши бўлиб ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқида хусусий ишларга аралашинишга йўл қўйилмаслиги тамойили амалда баъзи ҳолларда "оммавий манфаат" нуқтаи назаридан ФКда истисно ҳолатлар қўлланади. Масалан, ФКнинг 333-моддасига кўра мажбуриятни қасдан бузганлик учун жавобгарликни бартараф қилиш ёки чеклаш тўғрисидаги аввалдан келишилган битим, у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Бундай қонданинг белгиланиши ҳуқуқий-тартиботни таъминлаш билан ҳам боғлиқ. Шундай бўлса-да, асосий эътибор заиф томонни ҳимоя қилиш ҳисобланади.

9-§. Қўшилиш шартномаси

Қўшилиш шартномасининг шарти ҳамиша шартнома тузишни тақлиф этаётган шартноманинг битта тарафидан аввалдан белгилаб қўйилади. Бу шартлар формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларда таърифлаган бўлиб, тақлиф этаётган тараф қандай шартлар асосида шартнома тузмокчи эканлигини аниқ ва бир маънода ифодалаб бериши шарт. Типовой ва намунавий шартномалардан фарқли улароқ, бундай формулярлар, бошқа стандарт шакллар давлат органлари томонидан тасдиқланиши талаб этилмайди.

Қўшилиш шартномалари турли соҳаларда кенг тарқалган. Бундай шартномаларга мисол тариқасида коммунал хизматлардан фойдаланиш, алоқа, меҳмонхоналар, транспорт хизматларидан фойдаланиш битимларини кўрсатиш мумкин.

Қўшилиш шартномасининг шартлари иккинчи тарафдан ё тулигича қабул қилиниши ёки тулигича рад этилиши мумкин, яъни унга нисбатан келишмовчилик (эътироз) баённомасини тузиш ёхуд эътирозларни бошқа шаклда изҳор этиб тақдим қилиш мумкин эмас. Тақлиф этилган шартномага қўшилиш шартноманинг формулярлар, бошқа стандарт шаклларда баён этилган барча шартларининг қабул этилганлигини билдиради.

Шартномага қўшилганлик унинг шартларига рози бўлган тараф тақлиф этилган шартномани, формулярни, бошқа стандарт шаклни имзолаши орқали бажарган конклюдент хатги-ҳаракати (яъни тарафнинг ҳуқуқий муносабатга киришиш тўғрисидаги хоҳиш-иродасини оғзаки ёки ёзма шаклда ифодалаб эмас, балки ана шундай мақсад мавжудлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин бўлган хатти-ҳаракатлари билан ифода этиш) орқали ифода топади.

ФКнинг 360-моддасида қўшилаётган тарафнинг кимлигига боғлиқ равишда шартномани бекор қилиш ёки ўзгартиришни талаб этишнинг турли имкониятлари белгиланган.

Агар бундай тараф жисмоний шахс бўлса ёки ўзининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шартнома тузаётган юридик шахс бўлса, улар шартноманинг бекор қилинишини ёки ўзгартирилишни қуйидаги ҳолларда:

- агар қўшилувчи тарафни одатда ана шундай турдаги шартномалар асосида бериладиган ҳуқуқлардан маҳрум этса;

- иккинчи тарафнинг мажбуриятларни бузганлик учун формулярни ёки бошқа стандарт шаклни тузган тараф жавобгарлигини истисно этса ёки чекласа (ФКнинг 332-моддаси шарҳига қаран);

- шартномада қўшилган тараф учун очикдан-очик оғир бўлган, бошқа шартлар мавжуд бўлса, талаб этишлари мумкин.

Агар қўшиладиган тараф жисмоний ёки юридик шахс бўлиб, ўзининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ равишда шартнома тузаётган бўлса, уларнинг ҳуқуқлари бир мунча чекланган. Улар шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни шартнома қандай шартлар асосида тузиладиганлигини билмаган ёки билиши лозим бўлмаган экалигини исботлаган тақдирда талаб этишлари мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ҳолда ҳам, ҳар бир қўшилган тараф агар шартноманинг шартлари қонунчиликка зид бўлса, шартноманинг айрим шартларини ёки қўшилган шартномасини бутунлай ҳақиқий эмас деб эътироф этилишини талаб қилишга ҳақлидир.¹

10-§. Дастлабки шартнома

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишида юридик фактларнинг ўзига хос тури ҳисобланган шартномалар муҳим ўрин тутadi. Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8-моддаси 2-қисмига кўра, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлардан, шунингдек, гарчи қонунда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ва бошқа битимлардан вужудга келади. Шу маънода шартномаларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш асоси сифатида ўрганишда, фуқаролик-ҳуқуқий шартномани тузиш бўйича тарафларнинг ўзаро келишувини расмийлаштириш воситаси бўлган дастлабки шартнома ва унинг асосий шартномага нисбатан ўрнини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Дастлабки шартноманинг таърифи ФКнинг 361-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, дастлабки шартнома бўйича тарафлар келгусида мол-мулк бериш, ишлар бажариш ёки хизмаглар кўрсатиш ҳақида дастлабки шартномада назарда тутилган шартлар асосида шартнома тузиш (асосий шартнома) мажбуриятини оладилар. Дастлабки шартнома ҳақиқий саналиши учун у асосий шартнома учун белгиланган шаклда, борди-ю, асосий шартноманинг шакли аниқланмаган бўлса, ёзма шаклда тузилиши лозим.

Умумий қоидага кўра, дастлабки шартнома тарафларнинг муайян шартномавий муносабатга киришиш истаги бор, лекин шартнома тузишга тайёр бўлмаган, бироқ келажакда шундай шартнома тузишдан манфаатдор бўлган шароитдан келиб чиқади. Шу муносабат билан дастлабки шартномани “вазият тақозосининг натижаси” ва “контрагентни йўқотмаслик” ҳамда муайян товар (иш, хизмат) ни “қўлдан чиқармаслик” чораси сифатида баҳолаш мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд. – Тошкент: “Vektor-Press” нашриёти, 2010. – Б. 760-761.

Цивилист олим академик Х.Р.Раҳмонкулов дастлабки шартнома ва асосий шартноманинг ўзаро нисбатини таҳлил қилиб қуйидаги фикрларни билдиради: “ушбу шартномалар ягона мақсадга қаратилганлиги билан ўзаро узвий боғлиқдир. Улар айна бир вақтнинг ўзида вужудга келмайди ва шу билан бирга бирининг пайдо бўлиши бошқасининг пайдо бўлишига боғлиқ, яъни, дастлабки шартнома асосий шартнома юзага келиши учун замин бўлиб хизмат қилади ва ўз олдидаги вазифаларни бажариб бўлганидан кейин ўзининг амал қилишини тўхтатади. Дастлабки шартнома воситасида мулккий тусга эга ташкилий муносабатлар, асосий шартнома орқали эса, бевосита мулккий муносабатлар тартибга солинади”.¹

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда дастлабки шартномани тузиш номулкий муносабатни, яъни мулккий характерга эга бўлган фуқаролик ташкилий муносабатларни вужудга келтиради.

Айрим адабиётларда дастлабки шартномага оид қоидалар мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги қелишувларга тадбиқ этилмаслиги белгиланган. Масалан, М.И.Брагинскийнинг фикрича, дастлабки шартнома ҳар қандай турдаги асосий шартномани тузишдан олдин вужудга келади.² Дарҳақиқат, бугунги кунда дастлабки шартнома бир қатор фуқаролик ҳуқуқий шартномаларни тузишда кенг қўлланилмоқда ва асосий шартномадан олдин вужудга келиши ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаши билан аҳамиятлидир. Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (цессия), қарзни ўтказиш (делегация), кўчмас мулк гарови (ипотека) да дастлабки шартномалардан кенг фойдаланилмоқда. Дастлабки шартномани тузишдан мақсад келгусида тузилиши кўзда тутилган шартнома (асосий шартнома) тарафлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабат (дастлабки мажбурият) белгилаш заруриятидан, яъни асосий шартномани зудлик билан тузиш имконияти мавжуд эмаслигидан келиб чиқади. Биринчи навбатда бу ҳолат ўзининг характерига кўра реал бўлган асосий шартномалар (рента, юк ташиш, қарз, омонат сақлаш шартномалари) ни тузишдаги дастлабки шартномаларга нисбатан қўлланилади. Масалан, агар доимий рента олувчининг қўлида доимий рента тўловлари асосида рента тўловчига берилиши лозим бўлган мол-мулк мавжуд бўлмаса, бироқ муайян муддатдан сўнг у мазкур мол-мулкни қўлга киритиш имкониятига эга бўлганида, рента тўловчи ўз манфаатларини рента олувчи билан дастлабки доимий рента шартномасини тузиш йўли билан кафолатлаши ва шу орқали унинг муайян мол-мулкни топшириш ва доимий рента шартномасини тузиш бўйича хоҳиш истагини расмийлаштириб қўйиши мумкин.

Шу билан бирга дастлабки шартноманинг зарурияти давлат рўйхагидан ўтказилиши талаб қилинадиган асосий шартномалар уй-жойларни олди-сотдиси (ФКнинг 481-моддаси), кўчмас мулкни ҳадя

¹ Раҳмонкулов Х. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). - Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 247 б.

² Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. - М.: Статут, 2003. - 186 с.

килиш (ФКнинг 504-модданинг 4-қисми), мулкый мажмуа сифатида корховани сотиш ёки ижарага бериш (ФКнинг 490, 580-моддалари), бино ва иншоотни бир йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага бериш (574-модданинг 3-қисми) шартномалари, давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (ФКнинг 320-моддаси 2-қисми) ни тузишда ҳам намоён бўлади. Кўрсатиб ўтилган ҳолатларда дастлабки шартноманинг тузилиши фуқаролик муомаласининг қуйидаги талабидан келиб чиқади: ФКнинг 366-моддаси 2-қисмига кўра, нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса – шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади. Мазкур турдаги шартномалар асосида вужудга келадиган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун эса тегишли мол-мулкка нисбатан ҳуқуқни бегилловчи ҳужжатни кўрсатиш талаб этилади, бироқ бундай ҳужжатни ҳар доим ҳам тақдим этиш имкони бўлмади (масалан, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади (ФКнинг 1146-моддаси 2-қисми), қурилиши тугалланмаган бино кўчмас мулк сифатида буюртмачи мазкур бино расмийлаштирилгандан сўнггина мулк ҳуқуқига эга бўлади). Шу сабабли давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб қилинадиган асосий шартномани тузишнинг ягона кафолати бу дарҳол дастлабки шартнома тузиш ҳисобланади.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, консенсуал характерга эга бўлган, бироқ давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб қилинмайдиган шартномаларни тузишда ҳам дастлабки шартномадан фойдаланиш қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган. Бироқ, бу ҳолатда тузилиши лозим бўлган дастлабки шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга амал қилиб тузилиши лозим бўлади. Масалан, бундай турдаги дастлабки шартномаларга форвард битимларни киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги қонунида келтирилган бўлиб, унга кўра форвард битимлар – реал товарни етказиб бериш муддати кечиктирилган ҳолдаги олди-сотди битимларидир. Бундай ҳолда дастлабки шартноманинг предмети бўлиб, келгусида иштирокчилар ўртасида асосий активни муайян тўлов эвазига топшириш тўғрисидаги шартнома тузиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 361-моддаси 3-қисмига кўра дастлабки шартномада асосий шартноманинг нарсасини, шунингдек, бошқа муҳим шартларини белгилаб қўйиш имконини берадиган шартлар бўлиши керак. Бу шартларнинг ҳаммаси форвард шартномалари тузилаётган пайтда келишиб олиниши мумкин. Биржа ёки бошқа воситачи ёрдамида форвард шартномасини тузиш бундай вазиятни бартараф этишни чора-тадбирларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда томонлар битим бўйича кафолат оладилар, чунки форвард

шартномалар бўйича биржа савдоси қоидалари битимларнинг ушбу тури қатъий шарҳини берадиган ва битимни икки хил маънода ёки уни гаров сифатида шарҳлаш эҳтимоллигини истисно этувчи бош келишув деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари, томонлар биржанинг ҳисоб-китоб палатасига шартнома бажарилишини таъминлаш мақсадида маълум бир пул маблағларини ўтказиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, реал шартномаларни тузишга қаратилган дастлабки шартнома бузилиши оқибатида вужудга келган зарар, консенсуал характердаги шартномаларни тузишга қаратилган дастлабки шартнома бўйича зарарларга қараганда юқорироқ бўлади.

Умумий қоидага кўра, дастлабки шартнома икки томонлама тусга эга ҳисобланади. Бироқ, айрим юридик адабиётларда дастлабки шартнома фақат бир томонлама бўлиши кўрсатилган бўлса,¹ айрим адабиётларда дастлабки шартнома мазмунига кўра икки томонлама бўлиши ҳам мумкинлиги эътироф этилган.² Дастлабки шартномага ФКнинг 361-моддаси 1-қисмида берилган таърифдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур шартнома консенсуал ва текинга тузиладиган шартномалар жумласига киради. Бинобарин, дастлабки шартнома юзасидан тарафларнинг асосий шартнома тузиш бўйича мажбуриятлари шартнома тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Шартнома юзасидан тарафлар олган мажбуриятлари юзасидан ҳақ тўлаш мажбуриятини олмайдилар ва бу ўринда уларнинг мажбуриятлари тенг деб эътироф этилади.

Дастлабки шартноманинг предметини тарафлар келгусида мол-мулк бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақида шартнома (асосий шартнома) тузиш бўйича ҳаракатлари ташкил қилади. Бу ўринда амалиётчи мутахассисларнинг дастлабки шартноманинг предметини тарафларнинг келгусида шартнома тузиш мажбурияти ташкил этиши хусусидаги фикрларига қўшилиб бўлмайди, зеро “тарафларнинг мажбуриятлари” шартнома – битимдан келиб чиқадиган мажбурият бўлиб, бу ҳолатда шартнома мазмунида тарафларнинг мажбуриятлари ўз ифодасини топмайди.

ФКнинг 361-моддаси 4-қисмига кўра, дастлабки шартномада тарафлар қанча муддатда асосий шартномани тузиш мажбуриятини олиши кўрсатилади.

Фикримизча, мазкур норма мазмуни анча ғализ чиққан. Бинобарин, “қанча муддатда” ибораси аниқ вақтни ифодаламайди ва кейинчалик асосий шартномани тузиш пайтини аниқлаш бўйича турли келишмовчиликларни вужудга келгириши мумкин. Шу билан бирга стилистик жиҳатдан гап тузилиши мазкур нормада бир оз тушунарсиз ифодаланганлигини ҳам эътироф этиш ўринли. Чунки, ФКнинг 361-моддаси 1-қисмида дастлабки шартномага берилган таърифта

¹ Годэмэ Е. Общая теория обязательства// Учен. турды ВИОН. Вып. 13.-М.: 1948. -281 с.

² Новицкий И.Б., Луни Л.А. Общее учение об обязательствах. -М.: Госюриздат. 1950. - 26 с.

тарафларнинг асосий шартнома тузиш мажбуриятини ўз зиммаларига олишлари кўзда тутилган бўлиб, ушбу мажбуриятни ижро этилиши шартноманинг амал қилиш муддатига тенг ҳисобланади. Яъни, асосий шартноманинг тузилиши дастлабки шартноманинг бекор бўлишига олиб келади. Шу муносабат билан ФКнинг 361-моддаси 4-қисмидаги “асосий шартномани тузиш мажбуриятини олиши кўрсатилади” ибораси ушбу мазкур модда биринчи қисми биринчи жумласининг охиридаги “шартнома тузиш (асосий шартнома) мажбуриятини оладилар” иборасининг асоссиз такрорланишига ўхшайди ва ўзбек тилида гап тузилиши қоидаларининг бузилганлигини кўрсатади

Фикримизча, ушбу норма куйидаги мазмунда белгиланиши мақсадга мувофиқдир: “Дастлабки шартномада тарафлар асосий шартномани тузиш муддатини белгилаб олишлари мумкин”. Норманинг бундай ифодаланиши дастлабки шартнома муддатини аниқлаш диспозитив тусга эгалигидан келиб чиқади. Амалдаги нормада эса, муддатни белгилаш катъийлик тусига эгалигини кўрсатгандай, бинобарин “кўрсатилади” феъли буйруқ майлида бўлиб, муддатни кўрсатмаслик (тўғрироғи белгиламаслик) қонундан четга чиқиш сифатида баҳолянишини англатади. Бундан ташқари, ФКнинг 361-моддаси 4-қисмининг иккинчи жумласида мазкур муддат диспозитив тусга эгалиги эътироф этилади ва у куйидагича мазмунда белгиланган: агар дастлабки шартномада бундай муддат белгилаб қўйилган бўлмаса, асосий шартнома дастлабки шартнома тузилган пайтдан бошлаб бир йил ичида тузилиши шарт.

Фикримизча, дастлабки шартнома муддатини бир йил килиб белгилаш ФКдаги анъанавий тусга эга бўлган ҳолатдан келиб чиқади. Бинобарин, ишончномада ҳам муддат кўрсатилмаган бўлса у берилган кундан бошлаб бир йил амал қилиши белгиланган (ФКнинг 139-моддаси), прокат шартномасининг муддати ҳам бир йил бўлиши кўрсатилган (ФКнинг 559-моддаси). Албатта бу ўринда тарафлар ўзаро келишиб дастлабки шартномада унинг амал қилиши бир йилдан кўп бўлиши мумкинлигини ҳам белгилашлари мумкин. Масалан, уй-жой қурилишини бошлаган юридик шахс фуқаро билан дастлабки шартнома тузиб, икки йилдан кейин уй-жой қурилиши якунланиши ва шундан сўнг уй-жойни олди-сотди шартномаси тузилиши мумкинлигини белгилаб қўйиши мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, дастлабки шартномада тарафлар асосий шартноманинг нарсаси ва бошқа муҳим шартларни белгилаб олишлари лозим. Шу ўринда товар, иш ёки хизматнинг баҳосини белгиламаслик қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигига ҳам тўхтаб ўтиш лозим. ФКнинг 356-моддаси 4-қисмига кўра, ҳақ тўлашни назарда тутадиган шартномада баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган баҳо бўйича ҳақ тўланиши керак. Кўришиб турибдики,

дастлабки шартномада товар, иш ёки хизматнинг баҳоси белгиланмаган бўлса ҳам у тузилган деб ҳисобланади ва баҳо юқорисидаги қоида асосида аниқланади.

Дастлабки шартномани тузган тараф учун асосий шартномани тузиш мажбурий ҳисобланади ва уни тузишдан бош торган тақдирда, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Шартнома тузишдан асоссиз бўйин товлаётган тараф шу тўғрисида етказилган зарарларни бошқа тарафга тўлаши керак.

Агар тарафлар асосий шартномани тузишлари лозим бўлган муддатнинг охиригача у тузилмаса ёки тарафларнинг биронтаси ҳам иккинчи тарафга ана шундай шартнома тузиш ҳақида таклиф юбормаса, дастлабки шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бекор бўлади.

11-§. Учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартномалар

Учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартномалар умумий қоида бўйича шартномадан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар шартнома тузишда қатнашган тарафлар учун пайдо бўлади. Айрим ҳолларда шартнома учинчи шахс фойдасига қаратиб ҳам тузилиши мумкин. Учинчи шахс фойдасига қаратиб тузилган шартномага мисол қилиб, суғурта шартномасини кўрсатиш мумкин. Учинчи шахс шартномада алоҳида тараф бўлиб ҳисобланмайди. Бироқ, ФКнинг 362-моддасида кўрсатилганидек: "Тарафлар қарздор ижронини кредиторга эмас, балки шартномада кўрсатилган ёки кўрсатилмаган, қарздордан мажбуриятни ўз фойдасига бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахс фойдасига бажаришга мажбур", деб белгилаб қўйилган шартнома-учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома дейилади. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, учинчи шахс шартнома бўйича ўз ҳуқуқлардан фойдаланиш ниятини қарздорга билдирган пайдан бошлаб, тарафлар ўзлари тузган шартномани учинчи шахснинг розилигисиз бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари мумкин эмас.

Қарздор кредиторга қарши қўйиши мумкин бўлган эътирозларни шартномада учинчи шахснинг талабларига қарши қўйишга ҳақли.

Учинчи шахс шартнома бўйича ўзига берилган ҳуқуқлардан фойдаланишдан воз кечган тақдирда, башарти қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса, кредитор бу ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин.

Шартнома тузган шахс шартномадан келиб чиққан мажбуриятнинг учинчи шахсга нисбатан бажарилишини шарт қилган бўлса, бу ҳақда шартномада бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, мажбуриятнинг бажарилишини шартнома тузган шахс ҳам, фойдасига мажбуриятнинг бажарилиши кўрсатилган учинчи шахс ҳам талаб қилиши мумкин. Агар учинчи шахс ўзига шартнома бўйича берилган ҳуқуқдан воз кечса,

шартнома тузган шахс, агар шартноманинг мазмунига хилоф келмаса, бу ҳуқуқдан ўзи фойдаланиши мумкин. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасининг моҳияти шундаки, у бўйича миждоз молия агентидан миждознинг маҳсулот бериш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатишдан келиб чиқадиган талаб ҳуқуқларини харидорга тақдим этиш эвазига пул маблағларини беришдан иборат. Масалан, товар етказиб берувчи пул талабномасига эга бўла туриб, пул маблағлари йўқлиги ёки етишмаслиги учун қийин аҳволга тушиб қолади. Пул маблағлари муайян мулкый қийматга эга бўлиб, бозор қийматиغا, сўмнинг харид қобилиятига ҳам эга.

Молия агенти (банк) кредиторга учинчи шахснинг унга тегишли қарзини бу қарздордан тегишли пул маблағларини тўлаш муддати етиб келган вақтда ундириб олиш эвазига тўлашга тайёрдир.

Кредиторнинг пул талаблари молия агентлигининг бошқа кредитор билан тадбиркорлик битими предмети бўлиши ҳам мумкин, бунда кредитор миждоз вазифасини ўтайди. Молия агенти бўш пул маблағларига эга бўлиб, кредиторга тўлов бериб, тегишли моддий муқофот олади.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси кредитор ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтиши тўғрисидаги хўжалик шартномаси билан кўп жиҳатдан умумий томонларга эга. ФКнинг 749-модда, 1-қисмида пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасига куйидагича таъриф берилган: "Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича бир тараф иккинчи тарафга шу миждознинг учинчи шахсга (қарздорга) товарлар беришдан, унинг ишларини бажаришдан ёки унга хизматлар кўрсатишдан келиб чиқадиган пул талабномаси ҳисобидан пул маблағларини беради ёки бериш мажбуриятини олади, миждоз эса молия агентига ушбу пул талабномасини беради ёки бериш мажбуриятини олади".

Ушбу таърифдан шундай хулоса чиқариш керакки, пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси икки тарафлама ва ҳақ эвазига амалга оширилади. У реал ҳам (молия агенти пул ўтказиши ёки миждоз тўлов муддати етиб келган пул талабномасидан воз кечади), шунингдек, консенсуал ҳам (агент пул маблағларини ўтказиш мажбуриятини олади ёки миждоз тўлов муддати етиб келган талабномадан воз кечиш, яъни келгуси қарзларини олиш ҳуқуқини ўтказиш мажбуриятини олади) бўлиши мумкин.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси шакли талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шакли ҳақидаги қоидалар билан (ФК 320-модда) белгиланади. У оддий ёзма ёки нотариал шаклда тузилган битимга асосланган талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шаклида амалга оширилиши керак. Давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қиладиган битим бўйича талабдан бошқа

шахс фойдасига воз кечиш ушбу битимнинг руйхатга олиш учун белгилаб куйилган тартибда руйхатга олиниши керак. Ордерли қимматли қоғоз бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу қимматли қоғозга индоссамент (талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш ёзуви) йўли билан амалга оширилади.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси мазмуни томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан иборат.

Молия агентининг асосий мажбуриятлари куйидагилардир:

а) шартнома баҳоси бўлган пул маблағларини миқдорга бериш;

б) шартномада кўзда тутилган алоҳида ҳолларда миқдор операцияларининг бухгалтерлик ҳисобини юритиш учун зарур бўлган ҳужжатларни миқдордан қабул қилиш;

в) миқдорга воз кечиш предмети бўлган пул талабномалари билан боғлиқ бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича қўшимча молиявий хизматлар кўрсатиш, томонлар ўртасидаги муносабатлар кредит бериш эвазига талабномадан бир марта воз кечишдан иборат бўлиб қолмайдиган ҳолларда мақсадга мувофиқдир. Томонлар шартномада молия агентининг бошқа мажбуриятларини ҳам кўзда тутишлари мумкин.

Мижознинг асосий мажбуриятлари шартнома предмети бўлган пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечишдан иборатдир. Мижоз бошқа шахс фойдасига воз кечиш предмети бўлган пул талабномасининг ҳақиқийлиги учун молия агенти олдида жавобгар бўлади (ФКнинг 752-моддаси 1-қисми).

Берилаётган талабноманинг ҳақиқийлиги иккита шартга боғлиқ:

1) Мижоз талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш пайтида пул талабномасини бериш ҳуқуқига эга бўлиши керак;

2) Ҳуқуқни миқдорга бериш вақтида қарздор бу ҳуқуқни бажармасликка ҳақли бўладиган вазиятлар унга маълум бўлмаслиги керак (ФКнинг 752-моддаси 2-қисми).

Молия агенти ўз фойдасига воз кечиш предмети бўлган талабномани ижрога тақдим этганда, қарздор бу талабномани бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун миқдор жавобгар бўлмайди. Унинг вазифаси ҳуқуқий талабномани беришдан иборат. Агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, талабноманинг бажарилиши учун миқдор қафолат бермайди. Кўришиб турибдики, миқдорнинг молия агенти олдидаги жавобгарлиги талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечган кредиторнинг жавобгарлигига ўхшаш тартибда белгиланади (ФКнинг 321-модда).

Мижоздан пул талабномасини олган молия агенти унинг тезроқ қондирилишидан манфаатдордир, у қарздор муддатни чўзиши ва бошқа имтиёзлар берилишига рози бўлмаслиги мумкин.

12-§. Таъсис шартномаси

Юридик шахс ташкил этиш бўйича таъсис шартномалари ўзининг келиб чиқиши бўйича муайян тарихий илдишларга эга ҳисобланади. Таъсис шартномасининг илдишлари Рим ҳуқуқида савдо ва хунармандчиликни амалга ошириш учун шериклар томонидан биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш мақсадида узоқ муддатга ташкил этиладиган, шериклик уюшмалари тузишда намоён бўлган. Товар пул муносабатлари ривожланиши билан бундай савдо ва хунармандчилик ширкатлари ўзининг мустақил мол-мулкига эга бўлиши зарурлиги, бу мол-мулк ушбу ширкат аъзоларини муомаладаги бошқа мол-мулклардан фарқланиши маълум бўлиб қолди. Шунингдек, ширкат ишчи ва иштирокчилар таркибини ўзгаришидан қатъий назар, ширкатни мавжудлиги ва фаолият юритишнинг барқарорлигини таъминлаш зарурати эҳтиёжи вужудга келди. Шу сабабли ҳам Рим ҳуқуқини принципиал даврида ширкатларнинг баъзи турлари (банклар, олиб-сотарлар ва бошқалар) юридик шахс сифатида тан олина бошланди.¹

XIII–XIV асрларда Ғарбий Европа мамлакатларида пайчилик ширкати шаклида шартномавий тадбиркорлик бирлашмалари вужудга кела бошлади. Масалан, 1673 йилда қабул қилинган Франция Савдо Регламентида тўлиқ савдо ширкати шаклида шартномавий асосда юридик шахс ташкил этиш назарда тутилган эди. Унинг аъзолари ширкат мажбуриятлари бўйича солидар жавобгар бўлиши белгилаб қўйилган. Ўрта асрларда денгиз савдоси соҳасида коменда тарикасида (командит ширкатининг ўзига хос ўтмишдоши) ширкат тузиш бўйича битимлар кенг тарқалди.² Ушбу битим ўз мазмунига кўра таъсис шартномалари эди.

Россияда ҳам таъсис шартномалари ўзига хос тарзда тузила бошланди. Россия императори Александр I нинг 1807 йил 1 январдаги манифестига асосан савдогарларга савдо фаолиятини шартнома асосида тузиладиган савдогарлар ширкатлари орқали амалга ошириш тавсия қилинди. Россия қонунлари кодификация қилина бошлагач, шериклик шартномалари тўғрисида қарор фуқаролик ҳуқуқлар тўплами (2132–2133-м.) ва Савдо Устави (63,67-моддалар) таркибига киритилди. Тез орада ҳуқуқ фанида ва ҳуқуқий доктриналарда бундай шартномалар муассислик ёки таъсис шартномалари деб атала бошланди.

Ўзбекистон ҳудудининг қатта қисми Россияга қўшиб олинган, Россия фуқаролик қонунлари муайян соҳаларда ушбу ҳудудларда ҳам қўллана

¹ Ельшешев В.Б. Юридическое лицо, его происхождение и функции в римском частном праве. Санкт-Петербург 329–332, 451–454 с.

² Братусь С.Н. Субъекты гражданского права. М.: Юрлит, 1960. - С. 144.

бошланди. Таъсис шартномалари асосида савдо ширкатлари ташкил топа бошлади. XX асрнинг бошларида Туркистон Генерал губернаторлиги ҳудудида, шунингдек, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳудудида юзлаб савдо ширкатлари фаолият юритган. Энг асосийси, бу ширкатлар фаолиятида маҳаллий аҳоли вакиллари муассис сифатида фаол иштирок этган эдилар. Худди шу сабабли ҳам, мамлакатимиз ҳудудида таъсис шартномалари XIX асрнинг охириларидан бошлаб қўлланила бошланган деб айтсак хато бўлмайди. Октябр тўнтарилишидан кейин биргаликдаги фаолият ва ширкатлар ташкил этиш асосида фаолият юритиш бирданига барҳам топмади. Бунга асосан, Янги иқтисодий сиёсат, яъни, НЕП даврларида (20-йилларнинг бошидан охирига қадар) товар пул муносабатлари майда тadbиркорликка йўл қўйилганиги билан изоҳланади. Шу сабабли ҳам совет ҳокимияти даврида қабул қилинган илк фуқаролик қонуни – РСФСРнинг 1922 йилги Гражданлик Кодексида гарчи таъсис шартномаси иборасидан фойдаланилмаган бўлса ҳам, тўлиқ ширкат, ишончга асосланган ширкат, маъсулияти чекланган ширкатларни ташкил этиш тўғрисидаги шартномаларни тузиш, ижро этиш ва бекор қилиш тартиби тартибга солинган эди. (РСФСР Гражданлик кодексининг 295–321-моддалари). Маълумки, ўтган асрнинг 20-йиллари охиридан бошлаб РСФСР Гражданлик Кодекси тўлиқ матни Ўзбекистон ССР Гражданлик Кодекси сифатида юридик кучга эга бўлган. Ушбу Кодекс то 60-йилларнинг бошларига қадар амалда бўлганлигига эътибор берсак, у ҳолда формал жиҳатдан олинганда, таъсис шартномалари анча узок муддат совет ҳуқуқ даври тизимида ҳам ўзининг ҳуқуқий асосларига эга бўлганлигини эътироф этиш лозим. Бироқ, амалда ҳеч қандай шаклдаги ширкат тузиш имконияти бўлмаган. Айниқса, савдо тadbиркорлик соҳасида таъсис шартномалари асосида ширкатлар ташкил этиш ҳақида умуман гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Бундай ширкат тузиш ва уринишнинг ўзи энг камида буржуа хусусий мулкчилик қолдиғи сифатида қораланиши ва ҳатто ширкат муассислари хусусий соҳиб сифатида жиноий жавобгарликка тортилишлари ҳам мумкин эди. 60-йилларнинг бошларида қабул қилинган собиқ Иттифоқ ва иттифоқдаги Республикалар Гражданлик қонунчилиқ асослари ва у асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Гражданлик Кодексида мафкуравий ақидаларга кўра таъсис шартномалари тўғрисида нормалар назарда тутилмаган эди. Маълумки, ўтган асрнинг 70-йиллар охири ва саксонинчи йиллар бошидан бошлаб Совет Иттифоқи чуқур иқтисодий таназулга туша бошлади. Ушбу таназулдан чиқиш учун турли иқтисодий ислохотлар қилишга уриниш бўлди. Жумладан, кооперативчилик ҳаракати, давлат корхоналарини бошқариш тизимини такомиллаштириш, ички хўжалик ҳисоби асосида корхоналар таркибий бўлинмаларининг манфаатдорлигини ошириш ҳаракатлари амалга оширилди. Айни вақтда хорижий шериклар билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этиш соҳасида ҳам ижобий

сийжишлар содир бўлди. Айнан худди мана шу йўналишда 80-йилларнинг ўргаларида таъсис шартномалари яна ҳуқуқий майдонга қайтиб келди. Бошқача айтганда, давлат тузилмалари билан чет эллик шериклар таъсис шартномаси асосида қўшма корхоналар ташкил эта бошладилар.¹ Лекин норматив ҳужжатларда ҳали ҳам таъсис шартномалари ҳақида нормалар мавжуд эмас эди. Таъсис шартномаси илк маротаба қўшма корхоналарни ташкид қилишда 1980 йилдан бошлаб тилга олинди.² 1991 йил 25 майда қабул қилинган собиқ Иттифок Фуқаролик Қонунлари асосларининг 13-моддасининг 2-бандида биринчи марта таъсис шартномаларига ҳуқуқий таъриф берилди. Таъсис шартномасига кўра муассислар юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни тузиш бўйича биргаликдаги фаолият тартибини, унга ўз мол-мулкни топшириш ва унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Иштирокчилар ўртасида фойда ва даромадларни тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, унинг таркибидан муассисларнинг (иштирокчиларнинг) чиқиш тартиби ва шартлари ҳам шартнома асосида белгиланади. Кейинчалик МДХ мамлакатлари фуқаролик кодексларида таъсис шартномасига бағишланган юқоридаги мазмунда норма вужудга келди.

Агар таъсис шартномаси мохиятига назар ташласак, у ҳолда ушбу шартнома биргаликдаги фаолият юритиш шартномасининг ўзига хос тури эканлигида намойён бўлади. Умуман олганда, ушбу шартноманинг амал қилиш муддати юридик шахснинг вужудга келиши, унинг рўйхатдан ўтиши, фаолият юритиши билан боғлиққа ўхшаб туюлади. Аслида эса бундай эмас, адабиётларда ҳақли равишда қайд этилганидай, ушбу шартнома тузилган заҳоти юридик кучга эга бўлади, тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтиради ва тарафлар уни амалга ошириш бўйича ҳаракатларни содир этадилар.³ Аммо ушбу ҳолатда кишини чалғитадиган ҳолат ҳам мавжуд: таъсис шартномаси таъсис ҳужжатларидан бири сифатида юридик шахсни рўйхатга олиш учун ваколатли давлат идорасига топширилганда, у нотариал гувоҳлантирилган бўлиши шарт. Ушбу талаб Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 357-сонли қарорига 1-илова бўлган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш ва руҳсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги» Низомнинг 11-бандида белгилаб қўйилган. Унга кўра, тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусҳаси тақдим этилиши лозим. Ушбу низомнинг 8-бандида

¹ Масляев И.А. Договоры о создании на территории СССР совместных предприятий с иностранным участием. ИСГИП. 1990. №2. 60-67 с.

² Сборник постановлений правительства СССР. 1990. №15. -С. 82.

³ Гражданское право. Т.1. №2. -С. 333.

кўрсатилишича, масъулияти чекланган жамият кўшимча масъулиятли жамиятлар учун таъсис шартномаси ва устав тўлиқ ва коммандит ширкатлар учун эса фақат таъсис шартномаси тадбиркорлик субъекти (юридик шахс) томонидан рўйхатга ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжати ҳисобланади. Бундай нотариал гувоҳлантириш, аслини олганда, таъсис шартномасини ҳақиқий ҳисобланиш учун жиддий таъсир кўрсатмайди. Муассислар таъсис шартномаси тузилгандан кейин, уни нотариал гувоҳлантирмасдан олдин ушбу шартномани амалга ошириш бўйича эса камида қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш лозим:

а) муассислар умумий йиғилишини ўтказиш;

б) юридик шахсни рўйхатга олиш учун талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштириш;

в) рўйхатга олиш учун зарур молиявий сарф-харажатларда иштирок этиш;

г) юридик шахснинг устав фондиди шакллантириш бўйича сарф-харажатларда иштирок этиш.

Ушбу ҳаракатларни амалга ошириш орқали тарафлар таъсис шартномасининг шартларини бажаришга киришадилар. Демак, таъсис шартномасининг шакли оддий ёзма бўлиши кифоя эканлиги ушбу ҳолатдан келиб чиқади. Бироқ, шартнома шартларини амалга ошириш, шартномани амал қилишининг кейинги босқичларида ушбу оддий шаклнинг ўзгармай қолиши шартномани ҳақиқий эмас деб топилишига, унинг бекор бўлишига тўлиқ равишда асос бўлади, деб айтиш мумкин. Бошқача айтганда, юридик шахсни рўйхатга олувчи давлат идораси оддий ёзма шаклдаги таъсис шартномасини қабул қилишга ҳақли эмас ва тарафлар ушбу таъсис шартномасини нотариал гувоҳлантиришга мажбурдирлар. Акс ҳолда, гарчи таъсис шартномасини ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлмаса ҳам, амалда таъсис шартномасининг амал қилиши тўхтайдди. Демак, таъсис шартномаларининг шакли оддий ёзма бўлиши кифоя деган фикр-мулоҳаза баҳсли характерга эга. Таъсис шартномалари шакли шартномани амал қилиш босқичларига қараб икки хил бўлади:

а) биринчи босқич, юридик шахсни вужудга келишига тайёргарлик босқичи. Бунда оддий ёзма шакл кифоя қилади;

б) иккинчи босқич, юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш ва фаолиятини ташкил этиш босқичлари. Ушбу босқичларда юридик шахсни таъсис этиш шартномаси гувоҳлантирилган бўлиши лозим.

Таъсис шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт деган масала ҳам ўзига хос тарзда мунозарали бўлиб ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликда таъсис шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида бевосита кўрсатма мавжуд эмас. Аксинча, таъсис шартномаси асосида ташкил этиладиган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида сўз боради. Умуман олганда, таъсис шартномасининг амалда

бўлишининг ушбу хусусиятлари таъсис шартномаси функцияларига ҳам таъсир этиши тўғрисида адабиётларда сўз боради. «Таъсис шартномаси унинг иштирокчиларини юридик шахс ташкил этиш, унинг устав капиталини шакллантириш, унинг бир қисмини юридик шахс рўйхатдан ўтгунига қадар тўлаш бўйича мажбуриятларини белгилайди. Демак, юридик шахснинг рўйхатдан ўтгунига қадар муассисларнинг биргаликдаги фаолиятига тааллуқли шартлари таъсис шартномаси тузилган пайтдан бошлаб кучга киради. Ушбу босқичда таъсис шартномаси унинг иштирокчилари ўртасида мажбурият муносабатларини вужудга келтиради. Бинобарин, таъсис шартномаси муассисларни юридик шахс ташкил этиш бўйича мажбуриятларини тартибга солиш функциясини амалга оширади. Таъсис шартномаси шартлари ижро этилиб, юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик шахс ва таъсис шартномаси муассислари ўртасида, шунингдек, иштирокчиларнинг ўзлари ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи вужудга келади. Ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи нисбий ҳуқуқий муносабатлар мазмунини ташкил этади, демак, мажбурият муносабатлари бўлиб ҳисобланмайди. Бошқача айтганда, ушбу нисбий ҳуқуқий муносабатлар корпоратив муносабатлар бўлиб ҳисобланади. Худди шу сабабли ҳам юридик шахс давлат рўйхатидан ўтгандан кейин корпоратив ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш таъсис шартномасининг функцияси бўлиб ҳисобланади. Масалан, масъулияти чекланган жамият ташкил этиш бўйича таъсис шартномасида жамият фаолиятининг предмети ва мақсадлари белгилаб қўйилади. Умуман олганда, таъсис шартномасининг барча муҳим шартлари у ёки бу даражада юридик шахснинг ҳуқуқий мақомига тўла тааллуқлидир. Шубҳасиз, у корпоратив ҳуқуқий муносабатлар доирасига киради. Н.С.Суворовнинг фикрича, таъсис шартномасининг корпоратив ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш функцияси ушбу муносабатлар рўй берадиган ҳуқуқий алоқаларда ўзининг яққол ифодасини топади. Корпоратив ҳуқуқий муносабатлар мураккаб тартибли тузилма бўлиб, куйидаги элементлардан ташкил топади:

а) корпорация (юридик шахс) билан унинг алоҳида иштирокчилари (муассислари) ўртасидаги ҳуқуқий алоқалар;

б) корпорация (юридик шахс)нинг алоҳида иштирокчилари (муассислар) ўртасидаги ҳуқуқий алоқалар.

Ушбу алоқаларда корпоратив ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари мулкӣ ҳам, номулкӣ ҳам ҳуқуқ соҳиблари бўлиб ҳисобланадилар.¹

Айтиш мумкинки, таъсис шартномаси иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган корпоратив алоқалар замирида юридик шахс (корпорация) билан боғлиқ муносабатлар, корпорацияни бошқариш муносабатлари ётади. Албатта, корпоратив бошқарув ва оддий корпоратив

¹ Суворов Н.С. О юридических лицах по Римскому праву. М., 1900. 100-102 с.

муносабатлар мамлакатимиз цивилистика фани учун нисбатан янги ижтимоий ҳодисадир. У бугунги кунда иқтисодчилар, файласуфлар, социологлар, сиёсатшунослар, молия мутахассислари томонидан жиддий ўрганилмоқда ва таҳлил этилмоқда. Улар томонидан олиб борилаётган тадқиқотларни асло камситмаган ҳолда, шуни эътироф этиш лозимки, корпоратив муносабатлар ўз характерига кўра ҳуқуқий муносабатлардир ва ушбу муносабатлар моҳияти ва мазмунига кўра фақат ҳуқуқий тадқиқотлардагина очиб берилиши мумкин. Таъсис шартномаси ва корпоратив муносабатлар масаласига сўнги вақтларда тадқиқотчилар алоҳида эътибор бермоқдалар. Масалан, проф. Г.Полковников шундай ёзади: «Акционерлик жамиятларини ташкил этиш ва рўйхатга олиш билан боғлиқ равишда жиддий муаммолар вужудга келмоқда, бунинг сабаби акциядорлик ҳуқуқининг баҳсли нуқталаридан бири бўлиб, акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасининг ҳуқуқий хусусиятлари ва табиати ҳозирча етарли даражада ўрганилган эмас¹. Ушбу шартноманинг, ҳуқуқий табиати қандай? Ўз моҳиятига кўра, у биргаликдаги фаолият шартномасидир, фарқи шундаки, бунда ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиси тадбиркор бўлиши шарт эмас, шунингдек, биргаликдаги фаолият шартномасида иштирокчиларнинг ҳиссаси жавобгарлиги белгиланган бўлса, таъсис шартномасида иштирокчиларнинг солидар жавобгарлиги белгиланади. Бироқ, иштирокчиларнинг солидар жавобгарлиги Акционерлик жамияти давлат рўйхатидан ўтказилгунига қадар белгиланади. Айни вақтда жамият муассислари Акционерлик жамияти рўйхатдан ўтгунча тузган битимларни маъқуллаши мумкин, бундай ҳолда жавобгарлик Акционерлик жамиятининг ўзига юклатилади. Бошқача айтганда, муассислар тузган битимлар бўйича қарздор бўлиб Акционерлик жамиятининг ўзи ҳисобланади. Ушбу ҳолат Россия қонунчилиги бўйичадир. Буюк Британияда эса муассисларнинг Акционерлик жамияти олдида жавобгарлигини, шунингдек, улар томонидан тузилган битимларни компания томонидан маъқулланишининг тартиби белгиланган. Бу эса қуйидагиларни назарда туғди: компания инкорпорация бўлишидан олдин, муассислар ўртасида тузилган битимлар учун компания маъсул эмас. Ушбу битимлар учун фақат битим тузган шахсларгина жавоб берадилар. Шундай қилиб, муассислар ўзлари тузган битимлар учун шахсан жавобгар бўладилар, нафақат фуқаролик ҳуқуқий, балки жиноят ҳуқуқий тартибда ҳам, агарда компания муассислар томонидан тузилган битимлар, контрактлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмақчи бўлса, у ҳолда у ўз номидан янгидан шартнома тузиши лозим. Агарда ҳатто муассислар тузилажак компания манфаатини кўзлаб, битим тузган бўлсалар ва ушбу битим натижасида компания фойда,

¹ Полковников Г.В. Актуальные проблемы Российского корпоративного права. <http://www.auditor.ru/books/700/Polkovnikov/htte>

даромад олган бўлса ҳам компания зиммасига ушбу битим бўйича мажбурият юкламайди. Агар компания манфаати учун битим тузилган ва компания келажакда ушбу битим бўйича тараф бўлиши назарда тутилган бўлса, у ҳолда келишув лойиҳаси тузилади ва унда компания тараф сифатида кўрсатилади. Компания инкорпорация қилинган (расмийлаштирилган), тегишли ички тартиб-қоидалар асосида шартнома расмийлаштирилади. Акционерлик жамияти бўйича таъсис шартномасининг ўрни ва аҳамияти доимий ва барқарор бўлмаганлигини ҳам қайд этмоқ лозим. Масалан, Россияда акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги Вазирлар Кенгаши Қарорида Устав билан бирга акциядорлик жамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартнома таъсис ҳужжати бўлиб ҳисобланиши белгилаб қўйилган эди. Кейинчалик эса, бундай норма бекор қилиниб, таъсис шартномаси акционерлик жамияти давлат рўйхатидан ўтгунига қадар амал қилиши белгиланди. Бундай тартибни деярли барча МДХ мамлакатларида кузатиш мумкин. Шу муносабат билан ривожланган давлатлар тажрибасида қандай тартиб белгилангани диққатга сазовордир. Масалан, акционерлик жамиятида икки хил таъсис ҳужжати мавжуд: – бу компания ташқи алоқаларини тартибга солувчи меморандум ва ички муносабатларни тартибга солувчи регламент ҳисобланади. Баъзан эса уларни икки қисмдан иборат ягона ҳужжат тарзида ҳам қабул қиладилар. Акционерлик жамиятида меморандум ўрнига устав қабул қилинади, шунингдек, корпорациянинг регламенти ҳам мавжуд бўлади. Европа мамлакатлари учун ягона таъсис ҳужжати акционерлик жамияти устави талаб этилади.

Таъсис шартномасининг функцияларини чуқур англаб этиш учун таъсис шартномаларининг амал қилиш жараёнида уларнинг ҳуқуқий муносабатларга таъсир кўрсатиш механизмини таҳлил этиш талаб этилади. Ҳозирча таъсис шартномаси юридик шахс давлат рўйхатидан ўтгунига қадар ва давлат рўйхатидан ўтганидан кейин ҳуқуқий тартибга солиш, таъсир кўрсатиш хусусиятлари фарқи барча мутахассислар томонидан қайд этилади. Агар дастлабки босқичда таъсис шартномаси таъсисчи муассислар ўртасида муносабатларни тартибга солувчи ягона ҳуқуқий манба бўлса, кейинги босқичда таъсис шартномасининг юридик таъсир кучи қирқилади, чунки юридик шахс рўйхатдан ўтганидан кейин унинг устави амал қила бошлайди. Устав юридик шахс фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда асосий манба бўлиши билан бирга илтирокчилар (муассислар) ўртасидаги муносабатларнинг бир қисмини ҳам тартибга солади. Демак, юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин таъсис шартномаси иккинчи планга тушиб қолади (таъсис шартномаси асосий таъсис ҳужжати бўлган тўлиқ ва коммандит ширкатлар бундан мустасно). Ҳатто баъзи ҳолатларда таъсис шартномаси деярли ўз аҳамиятини йўқотади. Масалан, таниқли цивилист олим В.Суханов акциядорлик жамиятлари бўйича таъсис шартномасининг аҳамиятини

тадқиқ этганда, куйинчаклик билан, “акционерлик жамияти давлат рўйхатидан ўтиб, унинг устави юридик кучга киргач, акциядорлик жамияти фаолиятини тартибга солувчи асосий таъсис ҳужжати бўлиб қолади. Яна бунинг устига акционерлик жамияти акциялари реализация қилингандан кейин акциядорлар вужудга келади ва улар акционерлик жамиятини бошқаришда асосий субъект бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, бундай шароитда на таъсис шартномасига ва на муассисларга ҳожат қолмайди. Уларнинг мавжудлиги акциядорлар билан муассислар ўртасида ортиқча келишмовчиликларнигина келтириб чиқариш мумкин, ҳолос. Шундай экан, акционерлик жамияти таъсис ҳужжатлари тизимидан таъсис шартномасини чиқариб ташлаш керак, деган фикрни билдирган эди. Тадқиқотчи Ж.Йўлдошев ҳам таъсис шартномасини акционерлик жамияти давлат рўйхатидан ўтгунига қадар амал қилиши лозим, кейин эса, у юридик кучини йўқотиши мақсадга мувофиқ, деган фикр-мулоҳазани илғари суради.¹

Ҳақиқатан ҳам, акционерлик жамияти бошқарувининг асосий субъекти бўлиб акциядорлар ҳисобланади. Акционерлик жамиятининг муассислари ушбу ҳолатда ортиқча субъектга айланадилар. Бу ҳолат акциядорлик жамияти тўлиқ вужудга келиб, ўз фаолиятини йўлга қўйгандан бошлаб вужудга келади. Акционерлик жамияти, давлат рўйхатидан ўтгач, барча акция пакетлари (аниқроғи, акционерлик жамияти ташкил топган деб ҳисоблаш зарур бўлган реализация қилинган акциялар миқдори – 50 минг АҚШ долларига тенг қийматдаги акциялар) реализация қилинмагунча акционерлик жамиятини барқарор ва доимий субъект деб ҳисоблаш учун қатъий ишонч бўлмайди. Маълумки, акциялар фонд биржасида тўлиқ реализация қилинмаслик эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Агар фонд биржасида акцияларга талаб бўлмаса ва у бир йил давомида реализация қилинмаса, у ҳолда муассислар зиммасига акцияларни мажбурий сотиб олиш ёки акционерлик жамиятини бекор қилиш тўғрисидаги масала қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда, табиийки, таъсис шартномаси ва муассисларнинг мавқеи биринчи даражага кўтарилади. Бошқача қилиб айтганда, таъсисчилар юридик шахснинг мавжудлигини сақлаб қолиш ёки уни тугатиш масаласи бўйича барча масъулиятни ўз зиммасига оладилар. Таъсисчиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам таъсис шартномаси орқали тартибга солиниши давом этади. Бинобарин, таъсис шартномаси ўзининг юридик кучини сақлаб қолади.

Демак, таъсис шартномалари акциядорлик жамияти ташкил топгандан кейин ўз кучини йўқотиши лозим деган фикрлар мутлақо реалликка мос эмас ва амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаш мумкин.

Фикримизча, акционерлик жамияти бўйича таъсис шартномаларидан воз кечиш унчалик тўғри эмас. Гарчи кўпчилик ҳолатларда акционерлик

¹ Йўлдошев Ж. Акциядорлик жамиятлари фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. –Т., 2004. – Б. 67.

жамияти тўла оёққа туриб, нормал фаолият юритган ҳолларда таъсис шартномасига деярли мурожаат қилишмаса, умумий нормал ҳолатдан истисно ҳолатларда таъсис шартномаси ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, акционерлик жамияти учун таъсис шартномасининг алоҳида тури амал қилади.

Таъсис шартномасининг асосий тури – бу тўлиқ ширкат ва командит ширкатларнинг таъсис шартномаси бўлиб ҳисобланади. Бундай таъсис шартномаси юридик шахс учун асосий ва ягона таъсис ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Бундай турдаги юридик шахслар учун устав (низом) мавжуд эмаслиги уларнинг моҳияти билан белгиланади. Бошқача айтганда, бунда юридик шахснинг фаолияти унинг иштирокчиларининг биргаликдаги фаолияти билан айнан мосдир. Хўжалик ширкатлари тўғрисидаги қонунда ширкатнинг алоҳида бошқарув органи бўлиши тўғрисида норма назарда тутилмаган. Ушбу ҳолат ҳам таъсис шартномаси хўжалик ширкатларида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Таъсис шартномасининг яна бир тури – бу таъсис шартномаси юридик шахс устави билан параллел равишда амалда бўладиган таъсис шартномаларидир. Унга масъулияти чекланган жамиятлар ва қўшимча масъулиятли жамиятлар, қўшма корхоналар таъсис шартномалари киради. Ва ниҳоят, таъсис шартномалари тизимида юридик шахс давлат рўйхатидан ўтганидан кейин, юридик шахс билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда деярли қатнашмайдиган таъсис шартномалари мавжудлиги тўғрисида юқорида айтилган фикрларни яна бир бор эслатиб ўтмоқ лозим. Демак, тижорат юридик шахсларининг таъсис ҳужжатлари тизимида уч турдаги таъсис шартномалари мавжуд деб ҳисоблаш мумкин. Уларни ўз хусусиятларига кўра шартли равишда қуйидагича номлаш мумкин:

а) таъсис ҳужжати сифатида таъсис шартномаси ягона бўлган монотаъсис шартномалари;

б) таъсис шартномаси ва устав параллел амалда бўладиган «тенг кучли таъсис шартномалари»;

в) амалий ҳуқуқий тартибга солиш чекланган «дискрет» таъсис шартномалари.

Таъсис шартномаларини бундай туркумлаш учун, юқорида кўрсатилганидай, уларнинг юридик таъсир кучи асос бўлади. Аммо бу ҳолат қонун нормаларида ўз ифодасини топмаган. Бу эса таъсис шартномаларининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишга имкон бермайди. Шу сабабли қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда ушбу ҳолатни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Таъсис шартномасининг яна бир тури – бу нотижорат юридик шахсларни ташкил этиш буйича таъсис шартномалари ҳисобланади. Нотижорат юридик шахсларни барчасида ҳам таъсис шартномалари қўлланилавермайди. Масалан, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва шу каби тузилмаларда

таъсис шартномаси қўлланмайди. Умуман олганда, таъсис шартномаси тузиш ҳар доим юридик шахсни вужудга келтириш жараёнининг дастлабки босқичи ҳисобланади. Баъзи нотижорат тузилмаларида ушбу вазифани ташаббускор гуруҳлар бажаради. Ташаббускор гуруҳлар аъзолари нотижорат юридик шахсни ташкил этиш бўйича саъй-ҳаракатларни амалга ошириб, юридик шахс ташкил топганидан кейин унинг аъзолари мақомига эга бўладилар. Агар нотижорат ташкилоти аъзоликка асосланса, у ҳолда муассислар (таъсис шартномаси иштирокчилари) ва аъзолар ўртасида ўзига хос муносабатлар вужудга келади.

Нотижорат ташкилотларини ташкил этиш бўйича таъсис шартномалари бундай туркумдаги шартномаларнинг алоҳида турини ташкил этади деб айтиш мумкин. 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсис ҳужжатлари белгилаб қўйилган. Унда кўрсатилишича, қатнашчилар томонидан тузилган таъсис шартномаси ва улар тасдиқлаган устав – уюшма (иттифоқ) учун таъсис ҳужжати ҳисобланади. Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) нодавлат нотижорат ташкилотлари уюшмасини (иттифоқини) тузиш мажбуриятини оладилар, уни тузиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини унга ўз мол-мулкани бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш, нодавлат нотижорат ташкилот фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартларини белгилаб берадилар. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига биноан бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг уюшмалари (иттифоқлари) камида иккита нодавлат нотижорат ташкилот билан ташаббуси билан тузилиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги Қонуннинг 25-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари белгилаб қўйилган. Ушбу асосларнинг муайян қисми таъсис ҳужжатлари мазмуни билан боғлиқ. Бошқача айтганда, ушбу қонунда таъсис шартномаси шартлари, мазмуни билан боғлиқ талаблар ҳам ўз ифодасини топган деб айтиш мумкин. Агарда таъсис шартномасида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузилишини зўрлик билан ўзгартиришни, суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига путур етказишни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситишни, уришни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилишни, фуқароларнинг соғлиги ва маънавиятига тажоввуз қилишни мақсад қилиб қўйган бўлса ёхуд унда ҳарбийлаштирилган бирлашмалар тузиш назарда тутилган бўлса, нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотининг номи ёки рамзий белгилари маънавиятга, фуқароларнинг миллий ёки диний туйғуларига даҳл қилса ҳам юридик шахсни давлат

рўйхатидан ўтказиш рад этилади. Таъсис шартномаси асосан юридик шахслар уюшмаси (иттифоқи) ташкил этилганида тузилади. Маълумки, ҳозирги вақтда юридик шахслар уюшмалари ва иттифокларининг жуда кўп турлари мавжуд. Бунга қуйидагилар қиради: концернлар, ассоциациялар, федерациялар, концерциумлар ва ҳоказо.

Таъсис шартномасининг тушунчаси ҳам турли муаллифлар томонидан турлича талқин этилади. Масалан, И.В.Елисеев таъсис шартномаси – бу юридик шахсни ташкил этиш ва фаолият юритиш жараёнида муассислар (таъсисчилар) ўртасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи консенсуал фуқаролик-ҳуқуқий шартномадир деб таъриф беради¹. Унинг фикрича, таъсис шартномасини оддий ширкат (биргаликдаги фаолият шартномаси) нинг бир кўриниши сифатида қараш мумкин. Н.В.Козлова эса таъсис шартномаси – бу шартномаларнинг алоҳида тури деб баҳолайди². П.Е.Суханов гарчи таъсис шартномасига ўзига хос таъриф беришга уринмаса ҳам, бироқ таъсис шартномаси моҳияти ва юридик табиати тўғрисида Н.В.Козлова фикрларига қўшилишини сезиш мумкин.

Фуқаролик Кодексининг 43-моддаси 5-қисмида ҳам таъсис шартномаси тушунчаси берилмаган. Бироқ, ушбу нормада таъсис шартномасининг асосий ўзига хос хусусиятлари очиқ берилди.

Биринчидан, юридик шахснинг таъсис шартномаси унинг муассислари томонидан тузилади (устави эса тасдиқланади),

Иккинчидан, таъсис шартномаси давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга эга бўлади (унга қадар эса фақат шартномада иштирок этувчи муассислар учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтиради, ҳолос). Ҳар иккала хусусият ФКнинг 43-моддаси иккинчи ва олтинчи қисмларида мустаҳкамлаб қўйилган. Муассислар, агарда учинчи шахслар таъсис шартномаси рўйхатга олингунича, ушбу шартларни олиб иш юритишларининг оқибатини ҳам назарда тутишлари лозим. Ҳатто келгусида таъсис шартномасига киритилган ўзгаришлар ваколатли давлат органларида рўйхатга олиш рад этилган тақдирда ҳам, барибир учинчи шахслар уларга риоя қилган бўлсалар, муассислар шунга мувофиқ равишда ҳаракат қилмоқлари лозим. Шу сабабли ҳам фуқаролик кодексининг 43-моддаси 6-қисмида юридик шахслар ва уларнинг муассислари таъсис шартномасига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, иш юритган учинчи шахс билан муносабатларда ана шундай ўзгаришлар ваколатли давлат идорасида рўйхатга олинмаганлигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмаслар, деб кўрсатилади.

Таъсис шартномасининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – бу шартнома иштирокчилари доирасини шартнома амал қилиш даврида ўзгариб туриш мумкинлиги ҳисобланади. Масалан, тўлиқ ширкат

¹ Гражданское право. Ч.1.М., Проспект, 1996. -126-127 с.

² Козлова Н.В. Учредительный договор о создании коммерческих обществ и товариществ. М., 1994. - С. 52.

иштирокчилари элликтага қадар бўлишлари мумкин. Иштирокчилар миқдорининг кўпайиб ёки озайиб туришини табиий ҳол сифатида қабул қилиш мумкин. Энг асосийси, шартнома иштирокчилари иккитадан кам бўлмаслиги ва муайян турдаги юридик шахслар учун таъсис шартномаси иштирокчиларининг максимал миқдоридан кўп бўлмаслиги шарт.

Ташқи жиҳатдан олганда, таъсис шартномаси дастлабки матнига кейинчалик бошқа иштирокчиларнинг қўшилиши қўшилиш шартномаси белгиларини вужудга келишига ўхшаб туюлади. Аммо шунини ҳам унутмаслик керакки, қўшилиш шартномаси тарафлардан бири формуляр ёки бошқа стандарт шаклларда таърифлаган ҳамда иккинчи тараф фақат таклиф қилинган шартнома бутунлай қўшилиш йўли билан қабул қилиш мумкин бўлган ҳолатларда тузилади. Бошқача айтганда, қўшилувчи ҳолат шартнома шакллари шакллантиришда фаол иштирок этмайди. Фақат маъқуллаб қўшилади, ҳолос (ўз эрки-иродаси ва ихтиёри билан, албатта). Бундай ҳол объектив вазият тўғрисида содир бўлади. Бундай шартнома ҳар доим тарафлар томонидан ҳамма шартлари ўзаро келишув (консенсус) асосида ишлаб чиқиладиган индивидуал шартномалардан фарқ қилади. Қўшилиш шартномаси шартномалар умумий конструкциясидан бир оз фарқ қилади. Бироқ, қўшилувчи томоннинг шартнома шартларини шакллантиришда фаол иштирок этмаслиги унинг манфаатларини асло камситишга олиб келмайди. Аксинча, ФКнинг 360-моддаси 2-қисмида қўшилувчи томон шартнома шартларини ўзгартиришни ёки бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолатлар белгилаб қўйилган. Албатта, таъсис шартномалари ҳар доим индивидуал ҳолда ишлаб чиқиладиган шартномалар гуруҳига киради. Лекин вазият тақозосига кўра муассислар янги қўшилаётган аъзога ултиматив тарзда ё шартнома шартларига сўзсиз ва писандасиз қўшилиш ёки умуман музокаралар тамом бўлиши тўғрисида талаб қўйиши мумкин. Агарда қўшилувчи тараф ёки муассислар учун шартнома тузиш мажбурий бўлган ҳолларда таъсис шартномаси қўшилиш шартномасига айланиб қолгандек туюлади. Шундай ҳолда қўшилувчи томон ФКнинг 360-моддасига кўра шартнома шартларида ўз манфаатларининг камситилмаслигини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Шуни эътироф этиш лозимки, таъсис шартномалари турларига ўзига хос бир таъсис шартномаси ҳам киради, деб айтиш мумкин. Қизиғи шундаки, қонунда у шартнома деб аталмайди. 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонуннинг¹ 14-моддасида жамоат фондларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайд этишда талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати берилган. Унга кўра фондни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилади:

¹Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 50-51-сон, 500-модда.

-муассислар ёки улар ваколат берган шахслар томонидан имзоланган рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва яшаш жойи (почта манзиллари) кўрсатилган ариза;
-таъсис йиғилиши (съезди, конференцияси) ёки муассислар тўғрисидаги маълумотлар, фонднинг мақсад ва вазифалари кўрсатилган;
-фонднинг дастлабки маблағлари шаклланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Фикримизча, ушбу ҳужжатлар гарчи алоҳида тарзда мавжуд бўлса ҳам, мазмунан бир бутун, яхлит ҳолда ўзига хос муассислар келишувини ташкил этади. Бу келишувдан асосий мақсад – жамоат фондиди юридик шахс сифатида ташкил этиш ҳисобланади. Юридик шахс ташкил топгандан кейин юқоридagi келишув ўтмиш босқичи бўлиб қолади ва на муассисларнинг келгусидаги ҳатти-ҳаракатларига (юридик шахс фаолиятида биргаликда иштирок этиш бўйича) ва на юридик шахснинг келгусидаги фаолият юритишига ҳеч қандай тартибга солувчи таъсир кўрсатмайди.

Тижоратчи юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари тизимида уч турдаги таъсис шартномалари мавжуд деб ҳисоблаб, уларни ўз хусусиятларига кўра шартли равишда қуйидаги: монотаъсис шартномалари, дуалистик таъсис шартномалари, дискрет таъсис шартномалари деб номлаш мумкин.

Таъсис шартномаси муассислар томонидан тижорат, нотижорат юридик шахсни ёхуд юридик шахслар уюшмасини тузиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, устав фондиди шакллантириш, фаолиятни ташкил этиш ва уни бошқаришда қатнашиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги келишувдир.

13-§. Шартномаларни ўзгартириш ва бекор қилиш

Умумий қоида бўйича, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартнома қандай шаклда тузилган бўлса уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади. Бир сўз билан айтганда, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув бирламчи шартнома билан узвий боғланган шартнома ҳисобланади.

Шартномани ўзгартириш деб, унинг шартларига ўзгартиришлар, қўшимчалар ва тузатишлар киритиш ҳисобланади. Бекор қилиш – муддатидан олдин, яъни шартнома амал қилишининг белгиланган муддатдан олдин тугашидир.

Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёки томонлардан бирининг талабига кўра суд тартибида амалга оширилади.

Томонларнинг келишуви билан шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш. Бундай келишув, худди шартнома сингари, чунки фуқаролик ҳуқуқлар ва мажбуриятларни ўзгартириш ёки бекор қилишга йўналган бўлиб, шунга мувофиқ равишда, унга нисбатан шартнома тўғрисидаги барча талаблар жорий этилади. Шунинг учун, шартнома бундай тарзда ўзгартирилиши ва бекор қилиниши юқори даражада томонларнинг манфаатларига жавоб беради. Бироқ, қонун ёки шартноманинг ўзи билан ушбу усулнинг қўлланилиши чекланган бўлиши мумкин. Масалан, ФК 362-моддасига мувофиқ, учинчи шахс томонидан қарздорга шартнома бўйича ўзининг учинчи шахс фойдасига бўлган ҳуқуқдан фойдаланиши истаги ҳақида хабар берган пайтдан бошлаб, учинчи шахснинг розилигисиз томонлар ўзлари томондан тузилган шартномани бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари мумкин эмас.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш жараёни бошқа шахсларнинг қонун билан химояланадиган ҳуқуқлари ва манфаатларини бузиши мумкин эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув, учинчи шахснинг даъвоси бўйича, агар у унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузса, ёхуд қонунга зид бўлса, суд томонидан ҳақиқий эмас деб тан олиниши мумкин.

Томонлардан бирининг талабига кўра суд тартибда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш. Шартномани бундай тарзда ўзгартириш ва бекор қилиш, фақат бошқа томоннинг шартномани жиддий равишда бузган ҳолларда ва қонун ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишга умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади. Бир тараф шартнома бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувида бунга йўл қўйса, шартнома тегишлича бекор қилинган ва ўзгартирилган ҳисобланади.

Қонун вазият жиддий ўзгариши муносабати билан шартномани ўзгартириш ва бекор қилишга ҳам йўл қўяди. Шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилмаган бўлса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади. Вазиятни тарафлар олдиндан кўра олганларида шартномани умуман тузмасликлари ёки анча фарқ қиладиган шартлар билан тузишлари мумкин бўлган даражада ўзгартириши жиддий ўзгариш ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани жиддий ўзгарган вазиятга мувофиқлаштириш ёки уни бекор қилиш ҳақида ўзаро келиша олмаган бўлсалар, манфаатдор тарафнинг талаби билан ФКнинг 383-моддасида кўрсатилган шартлар мавжуд бўлган ҳолларда шартнома суд томонидан бекор қилиниши мумкин. Башарти, қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки

иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса, ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Агар қонунда ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгилаб қўйилмаган бўлса, тарафлар шартнома ўзгартирилгунча ёки бекор қилингунча мажбурият бўйича ўзлари бажарган нарсаларни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмаслар.

14-§. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилишнинг оқибатлари

Умумий қоидага кўра шартнома ўзгартирилганида тарафларнинг мажбуриятлари ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолади. Шартнома бекор қилинганида тарафларнинг мажбуриятлари бекор бўлади.

Шартнома ўзгартирилган ёки бекор қилинган тақдирда, агар келишувдан ёки шартномани ўзгартириш хусусиятидан бошқача тартиб англашилмаса, тарафлар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга келишган пайтдан бошлаб, шартнома суд тартибида ўзгартирилган ёки бекор қилинганида эса – суднинг шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб мажбуриятлар ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш асосларига қараб, шартноманинг ўзгартириш ёки бекор қилиш оқибатлари бошланишининг турли муддатлари белгиланган. Масалан, умумий қоидага кўра, тарафларнинг келишуви мавжудлигида (ФК 382-модданинг биринчи қисми), бундай келишув тузилгандан пайтдан бошлаб мажбуриятлар ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади. Шу билан бирга, томонлар келишувида, келишув тузилган пайтдан эмас, балки аниқ вақт ўтгандан кейин (масалан, 30 кундан кейин) шартнома ўзгартирилгани ёки бекор қилингани назарда тутилиши мумкин. Бунда шартнома мажбуриятлари ҳам ўзгартирилган деб ҳисобланиши мумкин эмас, агар ўзгартиришлар хусусиятидан бундай мазмун бевосита келиб чиқмаса. Масалан, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ва иншоотлар ижара шартномасига киритилган ўзгаришлари, шартномани ўзгартириш тўғрисидаги келишувни тузиш пайтидан қатъий назар, шу ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш пайтидан бошлаб кучга қиради.

Шартнома суд қарори билан ўзгартирилганда ёки бекор қилинганда (ФК 382-моддаси иккинчи қисми), суд қарори кучга кирган пайтдан

бошлаб шартнома мажбуриятлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган деб ҳисобланади.

Агар қонунда ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, тарафлар шартнома ўзгартирилган ёки бекор қилингандан кейин томонлар улар томонидан мажбурият бўйича бажарилган нарсаларни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмаслар. Лекин қонун ёки томонлар келишуви билан бу қондадан четга чиқиш мумкин. Хусусан, “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳамоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, истеъмолчи мақбул сифатли ноозиқ-овқат товарини харид қилган кундан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айна шундай товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли. Ёхуд, ФК 413-моддасига кўра, агар сотувчи оқилона муддатда сотиб олувчининг товарни бутлаш тўғрисидаги талабини бажармаса, сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра олди-сотди шартномасини бажаришдан бош тортишга ва товар учун тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Агар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга тарафлардан бирининг шартномани жиддий равишда бузиши натижасида иккинчи тараф, одатда, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилинишни талаб қилишга мажбур, натижада у зарар кўради, шулингдек, фойдани қўлдан бой беради. Бундай ҳолларда, зарар келтирилган томон шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиниши билан бир вақтда зарарлар қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Назорат учун саволлар

1. Дастлабки шартномага таъриф беринг?
2. Қўшилиш шартномасига мисол келтиринг?
3. Кўп томонлама шартнома деб қандай шартномага айтилади?
4. Шартномалар қайси ҳолларда бекор қилинади?
5. Бир томонлама шартнома деб қандай шартномага айтилади?
6. Нотариал тасдиқланиши зарур бўлган шартномаларга қандай шартномалар киради?
7. Шартномаларни давлат, рўйхатидан ўтказиш деганда нимани тушунасиз?
8. Шартноманинг матнини шакллантириш нималарда намоён бўлади?
9. Оферта тушунчаси нима?
10. Оферта шартларига нималар киради?

Вазиятли масалалар

1. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда тўлов контракт асосида таҳсил олувчи талаба Маҳмудов мазкур университетда бўлиб ўтаётган баскетбол турнирида ўз факультети шарафини ҳимоя қилаётган пайтда каттиқ тан жароҳати олди. Ушбу ўринда талаба билан университет маъмурияти ўртасида қандай муносабатлар вужудга келади? Ушбу масалани ҳал қилинг?

2. Топшкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлигига қарашли ошхоналар трести фермерлик фаолияти билан шуғулланувчи А.Саидовга трест билан ғўшт етказиб бериш бўйича шартнома тузишни таклиф қилди. А.Саидов эса бундай шартнома туза олмаслигини, яъни у худди шундай шартномани «Ихлос» фирмаси билан тузганлигини айтади. Лекин трест маъмурияти ҳокимликка айтиб, А.Саидовга ижарага берилган ерни олдириб, уни фермерлар рўйхатидан чиқариш қудратига эга эканлиги билан кўрқитади. Ушбу муаммони ҳал қилинг?

3. Фуқаролиги бўлмаган Д. исмли шахс, фуқаро Саидовнинг экинзоридан ўз машинасини ҳайдаб ўтди ва Саидовга моддий зарар етказди. Судда Д. исмли шахсни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан жавобгарликка тортишмоқчи бўлганда у ўзини Ўзбекистон Республикаси фуқароси эмаслиги сабабли ўзини Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси билан жавобгарликка тортиш мумкин эмаслигини айтади. Ушбу масаланинг ечимини топинг? Д. исмли шахснинг талаби тўғрими?

4. Оталаридан қолган меросни бўлишда уч ака-укалар келиша олмай судга мурожаат қилишди. Судда уларнинг катта акаси ўз сўзида отасидан қолган барча мол-мулк ўзига тегишли эканлигини, уларнинг оиласидаги анъанага кўра мерос фақат тўнғич ўғилга берилишини айтди. Аканинг гапларини суд инobatга оладими? Масалани одат ҳуқуқи нормаларига асосан ҳал қилинг?

5. Фуқаро Камолов 2010 йил 25 декабрда фуқаро Собировга «Талаба» кичик корхонасини 45000000 сўмга сотади. Шартнома нотариал тасдиқлангач, Фуқаро Камолов фуқаро Собировга шартнома бўйича мулк ҳуқуқини Фуқаролик кодексини 490-моддаси талабларига асосан давлат рўйхатидан ўтказиш лозимлигини айтсада, фуқаро Собиров бунга эътиборсиз қарайди. Ушбу вазиятда фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келадими ёки йўқми? Сизнинг фикрингиз қандай?

6. Магазиндан пальто харид қилган истеъмолчи Зокиров магазинчи томонидан ўзига белгиланган сифат ва артикулдаги мол топширилмаганлигини билди. Бўлиб ўтган ушбу фуқаролик ҳуқуқий муносабатда фуқаро Зокировга товар чеки берилган эди. Ушбу ҳолат бўйича фуқаро Зокиров ўзининг бузилган ҳуқуқини бевосита ўзи

химоя қилиши мумкинми? Фуқаролик ҳуқуқларини химоя қилиш усулларини шарҳланг?

7. Миробод тумани ҳокимлиги томонидан 16 ёшли Собиров тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлиги сабабли тўла муомилага лаёқатли деб эълон қилинган эди. Собиров фуқаро Асомов билан кўчмас мулк олди-сотдиси тўғрисида шартнома тузди ва нотариусдан шартномани расмийлаштиришни сўраганда, нотариус Собировни муомала лаёқати ёшига етмаган деб ҳисоблаб, шартномани расмийлаштиришдан бош тортди. Собиров нотариуснинг хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилди. **Шикоят бўйича суд қандай қарор чиқариши лозим? Эманципация тушунчасининг моҳиятини очиб беринг?**

8. 15 ёшли фуқаро Носиров наشريётда меҳнат шартномаси бўйича хат ташувчи бўлиб ишлайди. Носиров ўзининг ойлик маошини тўплаб 40000 минг сўмга магнитофон сотиб олди. Носировнинг ота-онаси магазинга магнитофонни қайтариб бериб, 40000 миңг сўм пулни қайтарилишини талаб қилишди, бунга асос қилиб фарзандларини вояга етмаганлигини кўрсатишди. **Масалани ҳал қилинг?**

9. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаларнинг тўлов шартномаси ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини олиб бормоқчи ва университет маблағларини шу тарика оширмоқчи бўлади. Маблағларни тадбиркорликка йўналтириш тўғрисидаги бу масала университетнинг илмий кенгашида муҳокама қилиниб, ижобий ҳал қилинади. Университет 100000000 миллион сўмлик маблағини автомашина сотиб олиш ва уни ижарага беришни маъқул кўрадилар. Автомашина ижарасидан тушган маблағ университетни жорий таъмирлаш, компютер, ксерокопия, кондиционерлар олишга сарфланади. Йилнинг охирида университет сарф харажатлари Давлат мулк кўмитаси томонидан тафтиш қилинганда университетнинг талабалар контрактлари ҳисобидан тадбиркорлик олиб боришга ҳаққи йўқлигини, шу сабабли олинган барча мол-мулклар давлат ҳисобига ўтказилиши лозимлиги тўғрисида қарор чиқарди ва университетни судга берди. **Бу масала бўйича суд қандай қарор чиқаради?**

10. «Наврўз» акциядорлик жамияти акциядори Расулов ўз кўлида АЖ акцияларининг 30%ни тўплади ва АЖнинг бошқа акциядорларининг акцияларини сотиб олишга ҳаракат қилиб, уларга юқори нархлар таклиф қилди. Бу ҳолатга «Наврўз» АЖ муассислари ва раҳбарлари ҳам бефарқ қараб туришмади, улар бундан буён ҳар бир акциядор ўз акцияларини АЖ умумий йигилишининг розилигисиз сотиши мумкин эмас, деб қарор чиқаришди. **Чиқарилган қарор қонунийми? АЖнинг турлари ва улардаги акциялар тўғрисида фикр билдиринг?**

11. Замон талабларига жавоб берадиган Тошкент-Самарқанд шаҳарлари йўналиши бўйича автомагистрал йўли қурилиши муносабати

билан лойиҳалаштирилаётган йўл ёқаларидаги фуқароларнинг уйлари ва хўжаликлар жойлашган ер участкаларини олишга тўғри келди. Давлат бунинг эвазига ушбу мол-мулкнинг қийматига тенг келадиган бошқа мол-мулкларни тақдир қилди ва айрим фуқароларга топширди. Лекин айрим фуқаролар бунга кўнишмади. **Мазкур масала бўйича давлат органининг қарори устидан манфаатдор шахслар судга мурожаат қилишлари мумкинми? Фуқаролик муносабатларида давлат иштирокининг ҳуқуқий мақоми қандай?**

12. Ҳуқуқий базанинг мустақамлиги, иқтисодий салоҳиятнинг мавжудлиги давлатга чет эл инвестицияси кириб келишининг асосий омилларидир. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг қафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Халқаро шартномалар тўғрисида»ги, «Конвенциялар тўғрисида»ги қонунларга биноан, чет эл сармоясининг мамлакатимизда эркин айланиб юриши ва қайтиб чиқиб кетиши учун давлат асосий кафили ҳисобланади.

Ўзаро шартнома бўйича Ўзбекистон Республикаси томони мажбуриятларни бажармаса ёки лозим даражада бажармаса, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик масаласи қандай ҳал қилинади? **Давлат имунитети нима? Нима учун халқаро ҳуқуқ нормалари миллий ҳуқуқ тизимидан устивор саналади?**

13. Фуқаро Авазов энг охириги нусхадаги компьютер маркасини териб беришни, бунинг учун 1000000 сўм баҳода ҳақ тўлашини айтиб компьютер терувчи устага мурожаат этади. Уста у айтган муддатда ва келишилган баҳога мос компьютерни териб, фуқаро Авазовга элтиб беради. Лекин фуқаро Авазов ушбу компьютерда принтер йўқлиги ва у компьютернинг таркибий қисми эканлиги, шу туфайли у албатта компьютернинг баҳоси ичига киритилганлигини айтади. **Ушбу масала қандай ҳал қилинади? Компьютер ашёларни таснифлашга кўра қайси турга киради? Фуқаро Авазовнинг эътирози тўғрими?**

14. Опа-сингил Маҳмудоваларни маҳалла хотин-қизлар йиғинида маҳалла хотин-қизлар кўмитасининг раиси халқ ичида бебурд, ваъдасини бажармайдиган ўз сўзи устидан чиқмайдиган, деб ҳақоратлайди. Бундан норози бўлган опа-сингил Маҳмудовалар маҳалла хотин-қизлар кўмитасининг раисини судга берадилар ва суддан 1 миллион сўм миқдордаги маънавий зарарни ундириб беришларини сўрайдилар. Маҳмудовалардан опаси тадбиркор, синглиси эса лицей ўқувчиси эди. Суд масалани ҳар тарафлама кўриб чиқиб, опа Маҳмудовага 800 минг сўм, сингил Маҳмудовага 200 минг сўм ундириб берди. Нима учун бир хил ҳақоратланган опа-сингилларга суд томонидан турли суммадаги зарар ундириб берилган. **Шаян, қадр қимматга етказилган зарарлар қандай**

кўринишда ундирилади? Суд маънавий зарарни ундиришда нималарга эътибор берган?

15. Акциялар олди-сотдисига кизикиб қолган Миролим акциялар олди-сотдиси билан шуғулланиш учун уларни амалга ошираётган фонд биржасига боради. Лекин унга фонд биржасида фақат воситачилар ёрдамида олди-сотди амалга оширилишини билдирадилар. Воситачиларга тўланадиган ҳақдан қочган Миролим воситачиларсиз қимматли қоғозлар сотиб олишга рухсат беришларини сўраб фонд биржасига мурожаат этади. Фонд биржасининг рад этиш тўғрисидаги жавобини олгандан сўнг у судга мурожаат этади. Суд бу масалани қандай ҳал этади? Фонд биржаларида қандай битимлар тузилади? Миролим фонд биржасида мустақил битим тузиши мумкинми?

16. Рухий касал фуқаро Рустамов “Наргис” магазинидан ҳар куни битта ручка сотиб оларди. Унинг уйида 200 юздан ортиқ ручка тўпланганида Рустамовнинг хотини магазин директоридан барча ручкаларни қайтариб олиб, ҳақини қайтариб беришни талаб қилди. Магазин директори Рустамовнинг хотини талабини қондиришни рад этади. Бу масала қандай ҳал қилинади? Магазин директори тўғри йўл тутганми?

17. Узоқ муддатга сафарга кетаётган Комиловлар оиласи қўшнисни А.Номозовга уйига ва молларига қараб туришни илтимос қилиб ва бунинг учун ҳақини тўлашларини айтиб сафарга кетишади. А.Номозов қўшнисининг молларига ем-хашак олиш мақсадида унинг уйидаги айрим мол-мулкларни сотади. Сафардан қайтиб келган Комиловлар оиласи сотилган мол-мулкларни қайтаришни, агар қайтармаса судга мурожаат этишларини билдирадилар. А.Номозов эса молларга беришга ем-хашак қолмаганлиги боис бу ишни амалга оширганлигини, аксинча бўлганда бундай ҳаракат қилмаслигини, келишув бўйича унинг уйига ва молларига қараб турганлиги учун ҳақ тўлашларини сўрайди. Ушбу низо бўйича тарафлар судга мурожаат қиладилар. Бу муаммо қандай ҳал қилинади?

18. Фуқаро Мустафоев 2010 йил 1 майда чет элга хизмат сафарига кетиши муносабати билан ўзига қарашли «Матиз» автомашинасини фуқаро Суннатовга ижарага қолдиради. Ундан ойига 100000 сўм ижара ҳақи олиб туриш учун фуқаро Шотурсуновга ишончнома беради. Фуқаро Мустафоев 2011 йил 1 ноябрда сафардан қайтиб келади ва Шотурсуновдан ўтган дарв учун тўланган ижара ҳақини беришни сўрайди. Шотурсунов Мустафоевга 2010 йил 1 майдан 2011 йил 1 майгача бўлган ижара суммасини тўлайди. Бироқ, Мустафоев Шотурсуновдан қолган 6 ой учун ҳам ижара ҳақи беришини талаб қилади. Ушбу масалани ҳал қилинг?

19. Фуқаро Маҳмудов 2007 йил 7 майда Асака шаҳрига ишлаш учун кета туриб узоқ қариндоши Туроповни уйига ва уй жиҳозларига қараб туриш учун жойлаштириб кетади. У 5 йилдан сўнг яъни, 2012 йил 7 майда қайтиб келиб, ўз уйида мебель, компьютер ва бошқа жиҳозлар йўқ

эканлигини кўриб, уларни Туроповдан сўраганида, у даъво муддати ўтиб кетди, деб буюмларни топиб бермайди. Фуқаро Махмудов судга мурожаат қилиб, уй-рўзгор буюмларини Туроповдан олиб беришни суради. **Ушбу масала қандай ҳал қилинади?**

20. Фуқаро Файзиев 2005 йил 5 мартда фуқаро Маҳкамовдан 1 миллион сўм қарз олди. Фуқаро Маҳкамов 2004 йил 10 мартда қарзни қайтариб беришни Файзиевдан сўраганида, Файзиев бир оз кудиб туришни илтимос қилди. 2006 йил фуқаро Маҳкамов чет элга ишлаш учун кетди ва у ердан 2011 йил 5 мартда қайтиб келди. Фуқаро Маҳкамов қайтиб келгач Файзиевдан қарзни қайтаришни сўраганида Файзиев даъво муддати ўтганлигини ва фуқаролик қонунчилигига мувофиқ уч йиллик умумий даъво муддати утгач олган қарз суммасини қайтармасликка ҳақи борлигини айтди. Фуқаро Маҳкамов маслаҳат сураб таниш ҳуқуқшуносга мурожаат қилди. **Маҳкамовга маслаҳат беринг?**

21. Уй-жой қурилиши ширкати аъзоси фуқаро Собиров квартира олиш учун пай бадалларини ширкатга тўлик тўлади. Собиров чет элга доимий яшаш учун кетаётганлиги учун ушбу квартирани сотмоқчи бўлди ва харидор излади. Фуқаро Собиров ширкат раҳбариятига квартира унга тегишли эканлиги ҳақида маълумотнома беришларини сураб мурожаат қилганида унга рад жавобини бериб устав бўйича Собировнинг квартираси жойлашган уй-жой ширкатнинг мулки, уни сотиш ҳуқуқи фақат ширкатга тегишли эканлиги ва фуқаро Собировга ширкат квартирани сотгандан сўнг пулини тўлашини билдирди. **Қурилиш ширкатининг ҳаракати қонунийми? Масалани ҳал этинг?**

22. Тошкент Давлат техника университети балансида даволаш, соғломлаштириш, маданият саройи, ёшлар оромгоҳлари, дам олиш масканлари ва спорт комплекси бор эди. Тошкент Давлат техника университетининг бўлиниши натижасида янги иккита олий таълим муассасаси вужудга келди. Уларнинг ҳар бири университетнинг мол-мулки ўзлариники эканлиги хусусида даъво қилишди. Натижада келишув комиссияси тузилди, лекин икки томонлама фойдали келишувга эришилмади. **Ушбу низоми ҳал этинг?**

23. Давлат тайёрлов идораси қорвачилик маҳсулотларини қабул қилиш билан шуғулланар эди. Шу вақтга қадар у асосан жамоа, давлат хўжаликлари билан муносабатда эди. Кунлардан бир куни хусусий фермер хўжалиги раҳбари ўз маҳсулотини давлат тайёрлов идорасига таклиф қилганида у идора томонидан «Сен хусусий корхонасан», «Сен ўзингга ўхшаган хусусий турдош корхоналар билан муносабатда бўл» деган дашномни эшитди. **Тарафлардан қайси бирининг талаби ҳақли? Бу муаммо қандай ҳал қилинади? Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг тенглиги тамойили нима? Шартнома тузиш эркинлиги нима?**

24. Фуқаро А. нотариусга мурожаат этиб, фуқаро С.га тегишли бўлган уй-жой (кучмас мол-мулк) га мулк ҳуқуқини берувчи ордernи расмийлаштириб беришни сўради. Фуқаро А. бунга асос қилиб у 25 йил давомида уй-жойга ҳалол, ошқора ва узликсиз эгаллик қилиб келганлигини, фуқаро С. нинг вафот этганлиги, унинг меросхўрлари йўқлигини маълум қилди. Аммо нотариус фуқаролик қонунчилиги орқага қайтиш кучига эга эмаслигини билдириб, унга рад жавобини берди. **Фуқаро А. нинг талаби ўринлими? Масала қандай ҳал қилиниши лозим?**

25. Фуқаро Н. ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган пишиқ ғиштни ўзи истиқомат қиладиган кўчага тўқди ва ҳеч кимга ҳалақит қилмайдиган ҳолатда тахлаб қўйди. Бирок, қўшниси фуқаро М. эски адовати туфайли ушбу ғишт гурган жой кўчани тор қилиб қўйганлиги, агар қатга ҳажмдаги автомашиналар кирса, кўчада ҳаракатланиш янада хавфли бўлишини асоссиз равишда баҳона қилиб, ғиштни кўчадан олишни талаб қилди. Ваҳоланки, ғишларни бу тарзда жойлаштирганлик учун маҳалла аҳли ижобий фикрда. **Фуқаро М. бундай ҳаракати билан Н.нинг мулк ҳуқуқини чекляптими ёки тўқсинлик қиляптими? Ушбу ҳолатга оид мулк ҳуқуқини изоҳланг?**

26. Давлат-бюджети томонидан таъминланадиган муассаса тижорат фаолияти натижасида олинган фойда ҳисобидан компьютерлар сотиб олди. Компьютерлар ўзининг даражасига кўра муассасага тўғри келмаслиги сабабли, уни сотишга қарор қилишди ва бу ҳақда матбуотда эълон беришди.

Давлат мулк қўмитаси мазкур эълон тўғрисида хабар топиб компьютерлар сотилмаслигини, уларни муҳтож бўлган бошқа муассасага қайтарилмаслик шарти билан берилишини айтди, қўмига муассасаси “агар компьютер сотилса давлат бюджетидан бериладиган маблағларни қисқартириши”ни билдирди. **Муассаса ушбу ҳолат бўйича ҳужалик судига мурожаат қилди. Иш қандай ҳал қилинади?**

27. Давлатбой кечки пайт ишдан қайтаётиб, йўлда ётган узук кўриб қолди. Узукни олиб, уйига келиб қараса, у тилладан ясалган экан. Эртаси кун и Давлатбой узукни таниш заргарга кўрсатиб, нарҳини суриштирганда, заргар узукни жуда қиммат туришини айтди. Хурсанд бўлиб кетган Давлатбой бу ҳақда ишхонасидаги дўсти Назирга айтганида, Назир унга узукни топилмалар идорасига олиб бориш кераклигини, йўқса, қонунда белгиланган жавобгарликка торитилишини айтди. **Давлатбой маслаҳат сўраб, адвокатга мурожаат қилди. Унга маслаҳат беринг?**

28. Фуқаро Ғ. ўз жияни, ягона меросхўри фуқаро М.га ўзининг хусусий ишлаб чиқариш қорхонасини қолдирди. Фуқаро Р.нинг ўлимидан сўнг бундан хабар топган М. бу мол-мулкдан воз кечишини айтди. Бунга сабаб қилиб, қорхонанинг умумий қарзлари қорхонанинг 2 йиллик фойдаси ва қорхонанинг таннарҳини қўшиб ҳисобланганда ҳам қарзлардан қутулишга етарли маблағ йўқ, деб кўрсатди. Шунда кредиторлар фуқаро

М.ни судга бериб, ундан мерос буйича ўтган мулк юзасидан вужудга келган ҳуқуқ ва бурчларни амалга оширишни талаб қилишди. **Бундай ҳолатда қайси томоннинг ҳаракатлари қонуний?**

29. Фуқаро А. нотариусга мурожаат қилиб, фуқаро Б.га тегишли бўлган уй-жой (кўчмас мулк)га мулк ҳуқуқини берувчи ордерни расмийлаштириб беришини сўради. Бунга асос қилиб, у 30 йил давомида уй-жойга ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилиб келганлиги, Б.нинг вафот этганлиги, унинг меросхўрлари йўқлигини маълум қилди. Аммо нотариус фуқаролик қонунчилиги орқага қайтиш кучига эга эмаслигини билдириб, рад жавобини берди. **Фуқаро А. нинг талаби ўринлими? Масала қандай ҳал қилиниши керак?**

30. Самарқанд шаҳридаги уйлардан бирида квартира бўшади. Самарқанд шаҳар ҳокимиятининг уй-жой бошқармаси ва Давлатобод тумани ҳокимияти ўртасида бўш квартирани ким банд қилиши ва бунинг учун ордер бериш тўғрисида низо келиб чиқди. Уй-жой бошқармасининг фикрига кўра уй шаҳар мулки бўлиб, уни фақат шу бошқарма тасарруф эта олади. Давлатобод тумани ҳокимияти эса уйни маҳаллий ҳокимият мулки деб ҳисоблади, уни бериш туман ҳокимияти томонидан бериладиган ордер орқали амалга оширилиши ва уй туман уй-жой ташкилоти балансида турганлигини таъкидлади. **Бу масала қандай ҳал қилинади? Масалани ҳал этинг?**

31. “Карвон” жамоа ҳўжалиги бошқаруви ўз эгалигидаги ерлардан бир қисмини фуқароларга, фермер ҳўжаликларига чекланган тарзда сотиб юборди. Бундан хабар топган маҳаллий давлат ҳокимияти органи ҳўжалик бошқаруви қарорини бекор қилиш тўғрисида ҳўжалик судига мурожаат қилди. **Бу масала қандай ҳал қилинади? Бундай ҳолатлар қайси қонун ҳужжатлари билан гартибга солинади?**

32. М.Аҳмедова турмуш ўртоғи Аҳмедов билан никоҳдан ажратиш тўғрисида ва уларни умумий биргаликдаги мол-мулкларини бўлиб бериш ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат қилади. Жавобгар ўз аризасида келтирилган мол-мулклар рўйхати қаторига уларга никоҳ тўйларида Аҳмедованинг ота-онаси томонидан қилинган юмшоқ мебеллар тўплами ва хива гилами борлигини кўрсатади. Бироқ, М.Аҳмедованинг судга тушинтиришича, ота-онаси томонидан совға қилинган буюмлар унинг хусусий мулки бўлиб ҳисобланишини билдиради. Юмшоқ мебеллар ва хива гилами эр-хотинларга никоҳ тўйи кунда совға қилинганлиги аниқланган, лекин Аҳмедованинг ота-онаси ҳеч қандай ҳада шартномасини расмийлаштирмаган. **Судда иш қандай ҳал қилинади?**

33. Никоҳдан ажратиш вақтида эр ва хотин ўртасида низо келиб чиқди. 15 йилдан бери давом этган биргаликдаги турмуш давомида олий маълумотли информатик бўлган хотин учун 800000 минг сўмга компютер сотиб олинган. Илмий тадқиқот институтида илмий ходим бўлиб ишловчи эр ўзининг мутахассислигига доир бўлган 500000 минг сўмлик катта

кутубхонага эга бўлган. Эр ва хотин томонидан сотиб олинган уй-рўзгор буюмлари 6000000 миллион сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, эрнинг никоҳ тузилгунга қадар мерос асосида олган турар жойи бор. Бу уй аввал 5000000 миллион сўм турган бўлса ҳозирги кунда у 50000000 миллион сўмга баҳоланган. Эр ва хотин ўртасидаги мол-мулк қандай бўлиниши лозим. Масалани ҳал қилинг?

34. Фуқаро Мансуровнинг йўқолган мол-мулклари ичида тилла соати ҳам бор эди. Суриштирув органи томонидан тилла соат фуқаро Султонов исмли шахснинг паспорти билан ломбардга гаровга қўйилганлиги, лекин у паспортда кўрсатилган манзилда яшамаслиги аниқланган. Фуқаро Мансуров соатни қайтариш учун даъво кўзғатди. Ломбард даъвога қаршилиқ билдириб, ломбард уставига кўра ўзига гаровга топширилган нарсалар айнан шу фуқарога тегишли ёки тегишли эмаслигини текширилмаслигини, фуқаро Султоновдан олинган тилла соат ҳам текширилмаганлигини ва, ниҳоят, фуқаро Мансуровга соат қайтарилса ломбардга иқтисодий зарар бўлиши, тилла соатни ломбардга топширган фуқародан тўловни қайтариш мумкин эмаслигини билдирган. Бу муаммо қандай ҳал қилинади?

35. Давронова ва Комиловалар ўзларига тегишли қимматбаҳо тилла узукларини фуқаро Саидовага ломбарддан уни эвазига қарз олиб туриш учун топширишди. Иккала тилла узук ҳам фуқаро Саидова томонидан ломбардга берилди. Орадан маълум вақт ўтгандан кейин узуклар Давронова ва Комиловалар томонидан берилган пул эвазига ломбарддан қайтариб олинди. Фуқаро Саидова узукларни эгаларига қайтармади. Шу муносабат билан Давронова ва Комиловалар узукларни қайтариш тўғрисида Фуқаро Саидовага нисбатан даъво қилишди. Суд виндикацион даъво нормалари асосида узукларнинг ўзини ёки қийматини қайтариш тўғрисида қарор қабул қилди. Суднинг қарори тўғрими?

36. Оммавий ахборот воситаларида реклама қилинган «Хувайдо» мебеллар салонидан фуқаро Шавкатов гарнитур сотиб олди. Шартномага асосан фуқаро Шавкатов унинг ҳақини ўз вақтида тўлади. Мебеллар салони унга сотиб олинган мебелларни бепул ўрнатиб бериш мажбуриятини олди. Аммо мебелни олиб кетгани келган фуқаро Шавкатовга мебелни йиғувчи уста ишдан бўшаб кетганлиги сабабли бундай хизматни мебеллар салон кўрсата олмасликларини айтишди. Бу ҳолат шартномада ақс этмаганлиги ва тўланган пул мебелнинг ўз нархи эканлигини кўрсатиб мебелни ўрнатиш билан боғлиқ муаммони фуқаро ўзи ҳал этишини таъкидлашди. «Хувайдо» мебеллар салони томонидан қилинган ҳаракатлар тўғрими? Фуқаро Шавкатов қандай ҳуқуқларга эга?

37. Фуқаро Собиров университетни 2-курсда ўқийдиган қизини туғилган кунига ноутбук русумли компьютерни 1000000 сўмга сотиб олди. Компютерга фирма томонидан 1 йилга кафолат муддати берилди. Саккиз

ойдан сўнг компьютерда носозлик юзага келиб компьютер экрани портлаши сабабли унда ишлаётган Собировнинг қизи жиддий шикастланди ва унинг соғлиғига зарар етди. Бу ерда асосий мажбурият эгаси ким, дистрибютернинг мажбуриятлари нималардан иборат. **Истеъмомчига қандай зарар етказилди ва у қандай қопланади?**

38. Фуқаро Алиев «Зарбдор» қурилиш фирмаси билан уй қуриб бериш тўғрисида шартнома тузди. Уйнинг 50% қуриб битирилгандан сўнг уйнинг қолган қисмини ўзи қуриб тугатишга қарор қилди. Фуқаро Алиев бундай қилишга ҳақлими? Ҳақли бўлса қайси асосларга кўра? Бундай ҳолда фуқаро Алиев қурилиш фирмаси билан ҳисоб-китобларни қандай амалга оширади? Бу ерда «Зарбдор» қурилиш фирмасининг мажбуриятлари шартномада кўрсатилган ҳолларда аниқ бажарилган ҳисобланадими?

39. Ўзбекистоннинг қадимий жойлари бўйлаб автобусда уюштирилган саёҳат даврида автобус Бухоро шаҳрига етиб келганда бузулиб қолди. Натижада Хива шаҳрини томоша қилишга вақт қолмади. Саёҳатдан сўнг сайёҳлар томонидан саёҳатни уюшгирган сайёҳлик фирмасига эътироз билдирилди, аммо ҳеч қандай натижага эришиб бўлмади. Бу вазиятда сайёҳлик фирмаси тўғри ҳаракат қилганими? Сайёҳларнинг талаби тўғрими? Бу шароитда уларга қандай маслаҳат берса бўлади?

40. Фуқаро Саидов 3 ой олдин сотиб олинган «Веко» русумли кир ювиш машинасини алмаштириб берилишини талаб қилди. Унинг айтишича, кир ювиш машинаси кирни ёмон юваётганлиги сабабли уни сошлаб бўлмади. Ушбу ҳолатни кафолат муддатига хизмат кўрсатадиган устахонанинг маълумотномаси тасдиқлади. Сотувчи сотиб олувчининг талабларига қўшилмай кир ювиш машинасини кафолатли ремонт қилиб беришни таклиф этди ва кир ювиш машинасини тўлиқ таъмирлаш учун устахона кафил бўлишини таъкидлади. Бундай вазиятда устахона кафил бўла оладими? Ушбу масалани ҳал этинг?

41. Фуқаро Абдраҳмонов «Осиё» дўконидан Дубайда ишлаб чиқарилган «LG» музлатгичини сотиб олди. Музлатгичга дўкон томонидан бир йил кафолат берилди. Орадан 10 ой ўтгач, музлатгич бузилиб қолди. Фуқаро Абдраҳмонов музлатгичини кафолат устахонасига кафолат талонига асосан бепул тузатиш учун топширди. Устахонада керакли эҳтиёт қисмлари йўқлиги сабабли Музлатгични уч ой муддатда тузатишди. Фуқаро Абдраҳмонов ўз музлатгичини олиб кетишга келганда устахонада музлатгичга берилган кафолат муддати ўтганлигини айтиб ундан ремонт учун ҳақ тўлашни сўрашди. Ушбу вазиятда устахона ходимларининг ҳаракатлари тўғрими? Масалани ҳал қилинг?

42. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисида «Фозилов» деҳқон хўжалиги билан «Таъминот» қайта ишлаб чиқарувчи хусусий корхонаси ўртасида шартнома имзоланди. Шартномага мувофиқ «Фозилов» деҳқон хўжалиги келишилган миқдордаги помидорларни

тайёрлаши билан «Таъминот» хусусий корхонаси тайёрлаб қўйилган маҳсулотни ўзининг транспорт воситасида олиб кетиши керак бўлган. Бироқ маҳсулот ўз вақтида олиб кетилмаганили сабабли маҳсулот қайта ишлашга яроқсиз холга келди. **Шартнома мажбуриятлари тегишли равишда бажарилмаганлиги учун қарздор жавобгарликка тортиладими? Масала қандай ҳал этилади?**

43. Ижарага олувчининг айби билан товар омбури биноси ёнғиндан зарар кўрди. Ижарага берувчи қуйидаги зарарларни:

-ёнғин натижасида товар омбури биносининг баҳоси пасайганлиги туфайли олинадиган сумма;

-тиклаш-таъмирлаш ишларига кетадиган вақт учун ижара ҳақи;

қурилиш ташкилоти сметасига мувофиқ тиклаш-таъмирлаш учун кетадиган харажатлар;

-агар ижарага олувчи шартномага кўра ўз зиммасига олган товар омбури биносини ижарага берувчи фойдасига сугурталаганда, ижарага берувчи олиши мумкин бўлган сугурта суммаси ундириш бўйича даъво кўзғотди. **Ушбу ҳолда қўрсатилган қайси суммани ундириш лозим?**

44. «Замин» номли хусусий корхона қурилиш ишлари бўйича бошқа бир ташкилот билан пудрат шартномасини имзоладилар. Иш жараёнида «Замин» корхонасини иш фаолияти шаҳар ҳокимиятининг қарорига мувофиқ тўхтатилди. Бунинг натижасида «Замин» корхонаси ўз зиммасига олган қурилиш пудрати шартномасини бажара олмай қолди. **Шаҳар ҳокимиятининг қарори мажбуриятни бекор бўлишига сабаб бўла оладими? «Замин» корхонаси кўрган зарарини қоплай оладими? Қайси вазиятларда қарздорнинг мажбуриятлари қайта тикланади?**

45. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш шартномасини имзолаган А. Навоий номли деҳқон хўжалиги об-ҳавонинг кескин ўзгариши туфайли картошка етказиб бера олмади. Деҳқон хўжалиги об-ҳавонинг кескин ўзгаришини олдиндан билмаганлиги, бироқ ҳосилни сақлаб қолиш учун барча ҳаракатларни амалга оширганлигини кредиторга маълум қилди. Шартнома шартларини бажара олмаслигини билдирган ҳолда, мажбуриятларнинг бекор қилинишини сўраган. **Унинг талаби тўғрими? Форс-мажор ҳолатларига нималар қиради? Форс-мажор ҳолати мажбуриятларнинг бекор бўлишига асос бўла оладими?**

46. Фуқаро А. Абдуллаев Тошкент–Самарқанд тез юрар поездига чипта сотиб олганида сугурта полисига ҳақ тўлашдан бош тортди ва буни у шартнома тузишга мажбурлаш деб эътироф этди. **Фуқаро А. Абдуллаевнинг талаби ўринлими? Мажбурий шартнома тузишга қайси ҳолларда йўл қўйилади?**

47. «Веко» дўкони ёнидан ўтиб кетаётган фуқаро Эргашевга дўкон витринасида турган чиройли чанг қўғич маъкул кўринди. Эргашев дўконга кириб ашёни яқиндан кўргандан сўнг уни сотиб олиш истаги туғилди. У ўз фикрини сотувчига айтганида, сотувчи бу товар бир дон қолганлиги у ҳам

булса, витринани тўлдириб турганлигинини айтиб бу товар сотилмайди, деган жавобци берди. Ушбу ҳолатда тарафларнинг қайси бирининг талаби тўғри? Муаммони ҳал қилинг?

48. Фуқаро Қодировдан Мақсудов 1000000 сўм миқдорда 15 кунлик муддат ичида қайтариш шарти билан қарз олди. Умумий қоида бўйича Қодиров Мақсудовга шартномани ёзма равишда ифодалаб қўйишларини таклиф қилди. Шу ондаёқ Мақсудов: “Эй, дўстим, сен нима деб ўйлаяпсан, мен айтилган кундаёқ пулни қўлингга тутқазаман”, деб оғзаки розилигини олди ва тарафлар бунга ўзаро келишгандек бўлдилар. Белгиланган кун ўтди, амма пулдан дарак бўлмади. Қодиров Мақсудовдан пулни талаб қилганида, у бунга эътиборсизлик билан қаради. Қодиров ушбу масала юзасидан судга мурожаат қилди. Суд терговда Мақсудов шартнома тузилаётганида оғзаки келишишга Қодировнинг ўзи рози бўлганлигини ҳаспўшлаганга уринди. **Иш бўйича фикрингиз қандай? Сукут сақлаш акцепт бўла оладими? Шартноманинг ёзма шакли унинг оғзаки шаклидан қандай афзалликларга эга? Агар келишув ёзма шаклда ифодаланганда жараён қандай кечарди?**

49. Паркент туманида бошланғич нархи 6 000 000 сўм бўлган кўчмас мулк очик аукционга қўйилиб, унда 10 дан ортиқ иштирокчилар қатнашдилар. Сотилиш нархи 24 000 000 сўмда тўхтади. Ғолиб билан аукцион ташкилотчиси ўртасида шартнома кучига эга бўлган баённома имзоланди. Бироз муддат ўтгандан сўнг, янги мулкдор судга мурожаат этиб, охириги сумма сотилган объектнинг ҳақиқий ҳолатидан анча “йироқ” эканлиги, соҳадан беҳабар иштирокчиларнинг қатнашуви туфайли нарх “фантастик” суръатда кўтарилганлиги, яна айрим субъектив ҳолатларни асос қилиб, аукцион натижаларини бекор қилиб, уни ҳақиқий эмас деб топишни сўради. **Масала қандай ҳал қилинади? Кўрсатилган асослар шартномани ҳақиқий эмас деб топишга етарлими?**

50. Ёнма-ён жойлашган “Гелиос” ва “Адолат” фирмалари 10000000 сўмлик маҳсулот етказиб бериш тўғрисида оғзаки шартнома тузишди. Бироқ, белгиланган муддатда маҳсулот етказиб берувчи ўз мажбуриятларини бажармади. Харидор судга шартнома шартларини бузганлик учун маҳсулот етказиб берувчини мулкий жавобгарликка тортиш ва шартномани натура шаклида бажаришга мажбурлаш ҳақидаги талаб билан мурожаат қилди. **Харидор талаби тўғрими? Бу шартнома шартномаларнинг қандай турига мансуб ва улар қандай шаклда расмийлаштирилади?**

51. Хусусий тадбиркор “Зилола” хусусий “Наврўз” супермакетига келгусида 15000000 сўмлик қаймоқ етказиб бериш ҳақида дастлабки шартномани имзоладилар. Дастлабки шартномада маҳсулот етказиб бериш муддаги кўрсатилмаганлиги сабабли, хусусий тадбиркор “Зилола” 4 ой муддат ўтгандан сўнг, асосий шартномани тузишдан бош тортди. **Бундай вазиятда хусусий “Наврўз” сувермакети асосий шартномани имзолаганга “Зилола” фирмасини мажбурлаши мумкинми? Дастлабки шартнома тузилгандан сўнг қанча муддат ичида асосий шартнома тузилиши керак?**

ГЛОССАРИЙ

Фуқаролик ҳуқуқи – Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи ҳуқуқ тизими соҳаларидан бири бўлиб, юридик жиҳатдан тенг бўлган субъектлар ўртасидаги мулкӣ ва шахсий-номулкӣ муносабатларни тартибга солинадиган ҳамда мустаҳкамлайдиган ҳуқуқӣ нормалар йиғиндиси.

Фуқаролик ҳуқуқининг предмети – фуқаролик ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган юридик жиҳатдан тенг бўлган субъектлар ўртасида юзага келадиган мулкӣ, шахсий-номулкӣ ва ташкилий-ҳуқуқӣ мазмундаги ижтимоӣ муносабатлар.

Расмий шарҳ – ваколатли бўлган ҳокимият органлари томонидан бериладиган ва маълум даражада мажбурий кучга эга бўлган шарҳ.

Норасмий шарҳ – мажбурий кучга эга бўлмаган шарҳ, масалан, илмӣ асарларда, дарсликларда, маърузаларда бериладиган шарҳлар.

Имловий шарҳлаш – имло қоидаларидан фойдаланиб қонунда ишлатилган айрим сўзлар, жумлалар, ифодаларнинг маъносини аниқлаш йўли билан ҳуқуқӣ нормаларнинг мазмуни белгиланадиган шарҳ.

Мантиқӣ шарҳлаш – қонунда ишлатилган ифодалар, тушунчалар бир-бири билан ички, узвий, мантиқӣ боғланганлигини аниқлайдиган ва ҳуқуқӣ норманинг мазмуни белгиланадиган шарҳ.

Тизимли шарҳлаш – ҳуқуқ нормасининг мазмуни унинг ҳуқуқ тизимида эгаллаган ўрнини белгилаш ва уни бошқа ҳуқуқӣ нормалар билан таққослаш йўли билан аниқланадиган шарҳ.

Тарихий шарҳлаш – ҳуқуқ нормаси қандай тарихий вазиятларда қабул қилинганлигини белгилаш йўли билан аниқланадиган шарҳ.

Императив нормалар – маълум бир ҳуқуқӣ муносабатда қатнашувчиларнинг эрқлари билан ўзгартирилиши мумкин бўлмаган, қатъий характерда бўлган, қатъий буйруқ берадиган нормалар.

Диспозитив нормалар – тарафларнинг ўз ихтиёрлари билан тўлдирилиши мумкин бўлган ва шартномаларда ҳуқуқӣ муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро келишуви бўйича тартибга солиниши мумкинлигини кўрсатадиган нормалар.

Фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабат – шахслар ўртасида бўладиган ва фуқаролик-ҳуқуқӣ нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоӣ муносабатлар.

Фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабат субъектлари – ушбу ҳуқуқӣ муносабатда қатнашувчи шахслар-фуқаролар ва ташкилотлар, яъни юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган корхоналар.

Субъектив ҳуқуқ – муайян ҳуқуқӣ муносабатда қатнашувчи шахсга тегишли ҳуқуқ.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатнинг объекти – фуқаролик ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қаратилган нарсалар.

Муомала лаёқати – юридик ҳаракатлар қилиш, яъни қонун бўйича маълум ҳуқуқий оқибатлар қилиш лаёқати.

Юридик факт – ҳуқуқ нормасининг кучи билан фуқаролик ҳуқуқий муносабат соҳасида юридик оқибатни вужудга келтирадиган реал ҳаётий ҳолатлар.

Юридик факт таркиби – ҳаётий ҳолатлар туғрисидаги талаблар ҳуқуқ нормасидан келиб чиқадиган ва бу талаблар мавжуд бўлганда ҳаётий ҳолат юридик факт ҳисобланадиган ва белгиланган юридик оқибатларни туғдирадиган ҳаётий ҳолат юз бериши шартлари.

Юридик фактнинг нуқсон (дефекти) – ҳуқуқ нормаси талабларига мос келмайдиган, бироқ таъқиқланмаган юридик фактнинг бирор-бир белгиси, хусусияти, тавсифи.

Мураккаб юридик таркиб – жамлашни бошлаш юридик оқибат юз беришининг учинчи умумий воситаси фуқаролик ҳуқуқий муносабат мавжуд бўлишини талаб этадиган таркиб.

Жамоат фонди – фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни қўзғайдиган, аъзолари бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти.

Муассаса – бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладган ташкилот.

Нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти.

Ишлаб чиқариш кооперативи – фуқароларнинг шахсий иштироки, аъзолар (иштирокчилар)нинг мулки билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негизидаги ихтиёрий бирлашма.

Унитар корхона – ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот.

Акциядорлик жамияти – устав фонди муайян миқдордаги акцияларга бўлинган жамият.

Хўжалик ширкати – бу ширкат номидан ҳаракат қилувчи икки ёки ундан ортиқ шахснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузган шартномавий юридик шахс мақомига эга бўлган бирлашмаси.

Масъулияти чекланган жамият – бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган микдорларда улушларга бўлинган ҳўжалик жамияти.

Юридик шахс – ўз мулкида, ҳўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот.

Ташкилий бирлик – юридик шахснинг ҳуқуқ субъекти сифатида ташкил бўлганлигини, муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши.

Мулкий мустақиллик – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлиши учун юридик шахс ҳисобланган ҳар қандай ташкилотнинг ўзига хос мулки бўлиши.

Мустақил мулкий жавобгарлик – юридик шахс ҳисобланган ташкилот ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бўлган мулки билан жавоб бериши.

Фуқаролик муомаласида ўз номидан ҳаракат қилиш – юридик шахс ҳисобланган ташкилот ўз номидан ҳуқуқий муносабатларда қатнашиб, турли битимлар туза олиши, мулкий ва мулкий характерда бўлмаган ҳуқуқларга эга бўла олиши ва мажбуриятларни вужудга келтира олиши.

Ваколатхона – юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмаси.

Юридик шахсларнинг бирлашмаси – аъзолик тамойилига асосланган, ўзларининг тadbиркорлик фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, муштарак мулкий манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида юридик шахслар томонидан тузилган нотижорат уюшма.

Тугатиш – юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчларининг ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилиниши.

Ихтиёрий тугатиш – юридик шахс таъсисчилари ёки юридик шахс органининг қарорига ҳамда таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз мақсадига эришганида юридик шахс фаолиятини тугатиш.

Мажбурий тартибда тугатиш – юридик шахснинг фаолиятини суднинг қарорига кўра тугатиш.

Тугатувчи – Қонун билан ўрнатилган тартибда тугатилаётган юридик шахсни бошқариш ишлари ва ваколатлари ўтадиган жисмоний ёки юридик шахс.

Кредитор – тугатилаётган юридик шахсга мулкий талаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

Дебитор қарздорлик – тугатилаётган юридик шахснинг жисмоний ва юридик шахслардан қарз суммаси.

Тугатиш комиссияси – Қонун билан ўрнатилган тартибда тугатилаётган юридик шахсни бошқариш ваколатлари ўтказиладиган орган.

Тугатиш баланси – тугатилаётган юридик шахс мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар рўйхати, уларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар.

Тугатилаётган юридик шахс – Қонун билан ўрнатилган тартибда ихтиёрий ёки мажбурий тартибда тугатишга қарор қабул қилинган юридик шахс.

Битимлар – фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракатлар.

Консенсуал битим – ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзаро келишиш ва бундай келишувни лозим тартибда расмийлаштириш пайтида вужудга келтирадиган битим.

Реал битим – ўзаро келишувга мувофиқ ашёлар ёки пулни топшириш пайтида ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келтирадиган битим.

Муддатли битим – ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши ёки бекор бўлиши вақти кўрсатилган битим.

Шартли битим – тарафлар ўртасида тузиладиган битимнинг амалга оширилиши ёки бекор бўлиши бирон-бир шартга боғлаб қўйилган битим.

Нотариал гувоҳлантирилган битим – белгиланган шаклда нотариат хати бўлган, нотариус томонидан имзоланган ва гербли муҳр босилган ёзма ҳужжат.

Биржа – аввалдан тайинланадиган манзил ва вақтда белгиланган қоидалар асосида очиқ савдо-сотик ўтказиш орқали биржа товарлари билан эркин улгуржи савдо қилиш учун шарт-шароитлар яратувчи, юридик шахс.

Форвард битимлар – реал товарни етказиб бериш муддатларини кечиктирган ҳолда харид қилиш ва сотишга доир битимлар.

Фьючерс битимлар – товарларга доир стандарт контрактларнинг олди-сотди битимлари.

Опцион битимлар – товарларни ёки товарлар етказиб бериш контрактларини белгиланган нархлар бўйича келгусида харид қилиб олиш ёки сотиш ҳуқуқларига доир олди-сотди битимлари.

Биржа битими – биржа томонидан рўйхатга олинган биржа товари хусусида биржа савдосининг биржада қайд этилган натижаси бўйича тузилган олди-сотди шартномаси.

Вакиллик – бир шахснинг иккинчи шахс номидан юридик ҳаракатларни амалга ошириши.

Ваколат – вакилнинг бошқа шахс номидан муайян юридик ҳаракатлар қилишга ва шу билан у учун ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиришга қаратилган ҳуқуқ.

Ишончнома - бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун бериладиган ёзма ваколат.

Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи – мулкдан фойдаланиш – мулкнинг фойдали хусусиятларини олиш, мулкдан иқтисодий маънода фойдаланиш.

Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи – мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи – мулкнинг юридик тақдирини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳуқуқ (ҳаракат)дир.

Мулк ҳуқуқининг объектлари – мулк сифатида ўзлаштирилган, ўзгаларга тегишли бўлмаган барча нарсалар мулк ҳуқуқининг объектларидир. Уларга – ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво хавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, жумладан, бинолар, иншоотлар, квартиралар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва маҳсулот, пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар, шунингдек, интеллектуал фаолият натижалари бўлган мулк объектлари қиради.

Давлат тасарруфидан чиқариш – давлат корхоналарини ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, хўжалик жамиятлари ва ширкатларига, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш.

Хусусийлаштириш – жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олиш.

Хусусий мулк ҳуқуқи – шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи.

Хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари – фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар.

Мажбурият ҳуқуқи – мулк топшириш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш ёки пул тўлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган фуқаролик ҳуқуқий нормалар йиғиндиси.

Мажбурият субъектлари – муайян ҳуқуқларга эга бўлган ва зиммасига мажбурият олган шахслар.

Қайтарма (регресс) мажбурият – бир тарафни иккинчи тараф учун учинчи шахс олдида бажарган мажбуриятини қайтариш тўғрисида талаб қила олиш ҳуқуқи.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш – қарздор томонидан олинган ва унинг зиммасида бўлган вазифани бажаришга мажбур қиладиган чора.

Неустойка – конун хужжатлари ёки шартнома билан белгиланган қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси.

Гаров – бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши.

Закалат – шартнома тузаётган тарафлардан бири шартноманинг тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси.

Шартнома – икки ёки ундан ортиқ шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ўзаро келишув.

Таъсис шартномаси – муассислар томонидан тижорат, нотижорат юридик шахсни ёхуд юридик шахслар уюшмасини тузиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, устав фондини шакллантириш, фаолиятни ташкил этиш ва уни бошқаришда қатнашиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги келишув.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Рахбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.// Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996.
3. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
4. Каримов И.А. Ислохатлар изчиллиги - инсон манфаатлари омили // Т., “Ўзбекистон”, 1997.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва инлаш – давр талаби. Т.5. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
6. Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш устувор вазифа. -Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
7. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. -Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. -Т.: “Ўзбекистон”. 2001.
10. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
11. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. -Т.: “Ўзбекистон”, 2004.
12. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. -Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
13. Каримов И. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш–барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007.
14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
15. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. -Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 13 ноябрь.

16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир. -Т.: “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 8 декабрь.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: (Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги қонунарига мувофиқ киритилган ўзгариш ва қўшимчалар билан) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2008. – № 12. – 637-модда.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. – Т: “Адолат”, 2011.

3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Расмий нашр. –Т: “Адолат”, 2007.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни (25.04.1996 й.)//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 1996. 5-6-сон, 54-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни (26.04.1996 й.)//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 1996. 5-6-сон. 61-модда.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни (29.08.1998 й.)//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 9-сон. 170-модда.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни (25.05.2000 й.)//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2000. 5-6-сон. 140-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги қонуни (06.12.2001 й.)//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2002. 1-сон. 8-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулияти жамият тўғрисида”ги қонуни (06.12.2001 й.)//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2002. 1-сон. 10-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни (05.04.2002 й.) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2002. 4-5-сон. 68-модда.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги Қонуни. (11.12.2003 й.)//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004. 3-сон. 28-модда.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992. 1-сон. 43-модда.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1999 й. 1-сон. 10-модда.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1999 й. 1-сон. 8-модда.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1998 й. 5-6-сон. 91-модда.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2005 й. 1-сон. 16-модда.

17. Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 37-38-сон. 370-модда.

18. Ўзбекистон Республикасининг “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон. 480-модда.

19. Ўзбекистон Республикасининг “Кредит ахборот алмашинуви тўғрисида”ги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 40-сон. 412-модда.

20. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 17-сон. 188-модда.

21. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 1-сон. 5-модда.

22. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 51-сон. 575-модда.

23. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 39-сон. 446-модда.

III. Махсус адабиётлар

1. Агарков М.М. Обязательства в гражданском праве. -М.: Юриздат, 1940.
2. Баратов М.Х. Давлат – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. –Т.: ТДҶОИ, 2007.
3. Baratov M.X. Mulk huquqi. –Т.: TDYI, 2009.
4. Белов В.А. Гражданское право: Общая часть: Учебник.-М.: АО «Центр ЮрИнфоР», 2002.
5. Брагинский М, Витрянский В. Договорное право. –М.: “Статут”, 1997.
6. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Кн.1.-М.: “Статут”, 1999.
7. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: Общие положения. -М.:”Статут”, 1998.
8. Гражданское права. В 2-х т./ Отв.ред. Е.А.Суханов. Т.1.-М.: “БЕК”, 2000.
9. Гражданское право. Т.1. / Под.ред.А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.: “Проспект”, 2003.
- 10.Гражданское право. Часть первая / Под.ред. А.Г.Калпина, А.И.Масляева.-М.: 2002.
- 11.Гражданское право. Часть первая. /Под.ред.Т.И.Илларионова, Б.М.Гонгалю, В.А.Плетнева (автор этой главы Т.И.Илларионова). -М.:Норма-Инфра.1998.
- 12.Гражданское право: Учебник / Под.ред. С.П.Гришаева.-М.: Юрист, 2004.
- 13.Гражданское право: Учебник. В 2 т. / Под ред. Е.А.Суханова. – М.: “БЕК”, 2000. – Том 1.
- 14.Гражданское право: Учебник: Т.2./Отв. ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой.-М.: “Проспект”, 2004.
15. Иванова Е.В. Гражданское право. Учебник. М., “Книжный мир”. 2011.
16. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: ТДҶОИ, 2006.
17. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: ТДҶОИ, 2009.
18. Зокиров И.Б., Оқюлов О., ва бошқалар Шартнома ҳуқуқи. -Т., ТДҶОИ, 2006.
19. Кашанина Т.В. Корпоративное право. Учебник для вузов. – М.: Издательская группа “НОРМА-ИНФРА”. -М, 1999.
20. Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. Ўқув кўлланма. –Т., ТДҶОИ, 2009.
21. Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қисм). Дарслик. -Т., ТДҶОИ, 2005.

22. Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўқув қўлланма. -Т: "O'zbekiston", 2008.
23. Раҳмонкулов Ҳ. И дигриге. Гражданское право. -Т., ТГЮИ, 2010.
24. Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари. Дарслик. -Т., ТДЮИ, 2010.
25. Раҳмонкулов Ҳ., Рўзиназаров Ш., Окюлов О., Азизов Ҳ., Имомов Н. Хусусий мулк объектларининг ҳуқуқий мақоми. -Т., "Ўзбекистон", 2007.
26. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. -Т., ТДЮИ, 2003.
27. Раҳмонкулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. -Т., ТДЮИ, 2007.
28. Рўзиев Р.Ж., Топилдиев В.Р. Фуқаролик ҳуқуқи. -Т., "Чўлпон", 2011.
29. Новицкий И.Б. Римское право. Учебник. -М., "Кнорус", 2011.
30. Раҳмонкулов Ҳ.Р. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. I-жилд.-Т.: "Vektor-Press", 2010.

МУНДАРИЖА

XIV Боб. МУДДАТЛАР ВА ДАЪВО МУДДАТИ.....	3
1-§. Муддатлар тушунчаси.....	3
2-§. Муддатлар ўтишининг бошланиши ва тамом бўлиши.....	5
3-§. Даъво муддатлари тушунчаси.....	6
4-§. Даъво муддагининг турлари.....	15
5-§. Даъво муддатининг ўта бошлаши.....	16
6-§. Даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши, узилиши ва даъво муддатининг тикланиши.....	17
7-§. Даъво муддати ўтишининг оқибатлари.....	18
8-§. Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар.....	19
XV Боб. МУЛК ҲУҚУҚИ.....	21
1-§. Мулк ва мулк ҳуқуқи тушунчалари.....	21
2-§. Мулк ҳуқуқининг мазмуни.....	22
3-§. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари.....	25
4-§. Мулк ҳуқуқининг асосий тамойиллари.....	29
5-§. Мулк шакллари.....	30
XVI Боб. ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ	33
1-§. Хусусий мулк тушунчаси ва унинг аҳамияти.....	33
2-§. Хусусий мулк ҳуқуқи субъектлари.....	35
3-§. Хусусий мулк ҳуқуқи объектлари.....	36
XVII Боб. ОММАВИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ.....	40
1-§. Оммавий (давлат) мулк ҳуқуқи тушунчаси ва турлари.....	40
2-§. Оммавий мулкнинг зарурати ва манбалари.....	47
3-§. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш.....	48
4-§. Давлат корхонаси, муассасалари ва давлат ижара корхонасининг мол-мулки.....	51
XVIII Боб. УМУМИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ.....	55
1-§. Умумий мулк ҳуқуқи тушунчаси ва турлари.....	55
2-§. Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш.....	56
3-§. Умумий мулкдан улуш ажратиш ва уни тақсимлаш.....	58
4-§. Эр-хотинлар ўртасидаги мулк ҳуқуқи.....	59
5-§. Дехкон ва фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи.....	61
XIX Боб. АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАР.....	63
1-§. Ашёвий ҳуқуқ тушунчаси ва турлари.....	63
2-§. Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи.....	70
3-§. Мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи.....	79
4-§. Ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи.....	80
5-§. Сервитут ҳуқуқи.....	80

XX Боб. МУЛК ХУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ФУҚАРОЛИК ХУҚУҚИЙ УСУЛЛАРИ.....	84
1-§. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари.....	84
2-§. Виндикацион даъволар.....	89
3-§. Негатор даъволар.....	92
4-§. Мулк ҳуқуқни фуқаролик ҳуқуқ нормалари билан ҳимоя қилишнинг бошқа усуллари.....	93
XXI Боб. МАЖБУРИЯТ ХУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУНИ.....	96
1-§. Мажбурият ҳуқуқи тушунчаси.....	96
2-§. Мажбуриятларни турлари.....	98
3-§. Мажбуриятларнинг вужудга келиш асослари.....	101
XXII Боб. МАЖБУРИЯТ ХУҚУҚИ СУБЪЕКТЛАРИ.....	104
1-§. Мажбуриятда қатнашувчи тарафлар ва уларнинг қўпчилиқ бўлиши.....	104
2-§. Мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгариши.....	108
3-§. Регресс мажбурият.....	111
XXIII Боб. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ.....	113
1-§. Мажбуриятларни бажариш тушунчаси.....	113
2-§. Мажбуриятларни бажарувчи субъектлар.....	116
3-§. Мажбуриятларни бажариш предмети.....	118
4-§. Мажбуриятни бажариш муддати, жойи ва усули.....	119
XXIV Боб. МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ.....	124
1-§. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш тушунчаси.....	124
2-§. Неустойка.....	125
3-§. Гаров.....	132
4-§. Қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш.....	145
5-§. Кафиллик.....	146
6-§. Кафолат.....	148
7-§. Закалат.....	151
XXV Боб. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.....	153
1-§. Мажбуриятларнинг бузилиши ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси.....	153
2-§. Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари.....	157
3-§. Қарздорнинг зарарни тўлаш мажбурияти.....	166
4-§. Қарздорнинг жавобгарликдан озод қилиниши асослари.....	169
5-§. Мажбуриятнинг қарздор ва кредитор томонидан кечиктирилиши оқибатлари.....	172
XXVI Боб. МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БЕКОР БЎЛИШИ.....	176
1-§. Мажбуриятларнинг бекор бўлиш тушунчаси.....	176
2-§. Мажбуриятларнинг бажарилиши билан бекор бўлиши.....	176
3-§. Воз кечиш ҳақини бериш ва мажбуриятларнинг ҳисобга ўтказиш йўли билан бекор бўлиши.....	178

4-§. Мажбуриятлар бекор бўлишининг айрим турлари.....	180
XXVII-Боб. ШАРТНОМА ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ	
ТУШУНЧАЛАР.....	186
1-§. Шартнома тушунчаси ва унинг аҳамияти.....	186
2-§. Шартномаларнинг турлари.....	189
3-§. Шартноманинг мазмуни.....	191
4-§. Шартнома тузиш.....	193
5-§. Шартномани мажбурий равишда тузиш.....	196
6-§. Ким ошди савдосида шартномалар тузиш.....	199
7-§. Биржаларда тузиладиган шартномалар.....	201
8-§. Оммавий шартнома.....	203
9-§. Қўшилиш шартномаси.....	204
10-§. Дастлабки шартнома.....	206
11-§. Учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартномалар.....	211
12-§. Таъсис шартномаси.....	213
13-§. Шартномаларни ўзгартириш ва бекор қилиш.....	226
14-§. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилишнинг оқибатлари.....	228
Вазиятли масалалар.....	230
Глоссарий.....	242
Фойдаланилган адабиётлар.....	247

ВОҲИДЖОН РАХИМЖОНОВИЧ ТОПИЛДИЕВ

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ
(Дарслик)

II қисм

Муҳаррирлар: Д.Акмалова, С.Қурбонов

Босишга руҳсат этилди 15.10.2014 й. Бичими 60x84 1/16.
Тезкор «Ризограф» босма усулида босилди. Нашриёт босма табағи
Шартли босма табағи
Баҳоси шартнома асосида. Адади 300 нусха. Буюртма № 186.

“Университет” нашриёти. Тошкент-100174,
Талабалар шаҳарчаси. Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУнинг
маъмурий биноси.

ЎзМУ босмаҳонасида босилди.

